«Одним из самых страшных испытаний, выпавших на долю узбекского народа, стали годы сталинских репрессий, оставившие кровавый след в национальной истории. Этим трагическим событиям предшествовали не менее драматические годы - завоевание Туркестана Российской империей в XIX веке и подавление народных восстаний, разгром Туркестанской автономии и спровоцированное советской властью «басмаческое движение», кампания «коллективизации» и «раскулачивания», репрессии 30-х годов. Ну а «венцом» советской национальной политики в Узбекистане стало, так называемое «хлопковое дело» [5].

Поэтому, одной из главных задач, стоящих перед учеными историками заключается в устраниении искажений в истории нашего народа, порожденных идеологией прошлого тоталитарного режима, создании правдивой истории.

В 1980-годах с помощью Центра они сфабриковали ложные «узбекское дело», «хлопковое дело», дело «узбекской мафии» и другие.

Ошибки союзного правительства в проведении экономических реформ в крае усугублялись также и начавшимися в эти годы компании по шельмова-нию и опорочению народов Узбекистана и Каракалпакстана, нашедшее крас-норечивое выражение в «хлопковом деле».

В начале апреля 1983 г. была создана следственная группа Генеральной Прокуратуры СССР Т.Х.Гдляна и Н.В.Иванова в

соответствии Постановления Политбюро ЦК КПСС о расследовании злоупотреблений в хлопководстве Узбекистана.

«Десантники», направленные в Узбекистан из центра для наведения порядка и дисциплины, попирая национальные интересы, культурные ценности узбекского народа, действовали без учета местных условий. В результате «Узбекистан превратился в опытное поле следственных методов». В огромной стране, состоящей из 15 «союзных» республик с населением более 270 миллионов человек, укрепились административно-командные методы государственного управления, и каждый вопрос решался только бюрократическими методами. Хотя повышение только идеально-политического уровня кадров ничего не решало, постоянно росло количество дублирующих друг друга административных учреждений и организаций, когда как руководители этих структур, специально подготовленные для партийных и советских органов, при решении социально-экономических вопросов не могли выйти за пределы указаний центра. «Десантники» обвиняли узбекский народ в очковтирательстве, мздоимстве, приписках и в других грехах и преследовали от партийных и государственных руководителей до простых крестьян. Только в Каракалпакстане под следствием в эти годы находились 133 человека [3, 154].

Только по одному сфабрикованному, высосанному из пальца «хлопковому делу» 60% председателей колхозов и директоров совхозов, около 45% ведущих специалистов сельского хозяйства были привлечены к уголовной ответственности. В течение 1984-1989 годов группой Т. Гдляна было рассмотрено более 800 уголовных дел. 600 человек из всех привлеченных к ответственности занимали руководящие посты, 10 человек были Героями Социалистического труда [4, 25]. Среди привлеченных к уголовному делу и осужденных были славные сыны каракалпакского народа Каллибек Камалов, ЕрежепАйтмурадов, СултамуратКанъязов, КасымНурумбетов и другие.

Садистские методы расследования следователей были доведены до совершенства. Следственная комиссия работала как группа ЧК, не считаясь с законами, процессуальными нормами. Добиваясь восстановления законности, она сама грубо нарушала законы. Использовались все методы сталинского НКВД, чтобы выбить из подозреваемых необходимые признания. Основные вопросы решались Т. Гдляном и Н. Ивановым.

Арестовывали, например, кого-то за получение или передачу взяток, а тот отрицал свою вину, тогда ему напоминали, что из-за упрямства он ставит под удар свою семью, весь род. Арестованный продолжал молчать, тогда угрозы приводили в исполнение. В камерах оказывались

самые близкие родственники. Детей иногда помещали в соседние от родителей камеры. Делали это умышленно, играли на родительских, родственных чувствах.

Во время следствия по постановлениям гдляновских следователей было арестовано по 8 невиновных родственников К.Камалова, К.Нурумбетова, 15 -Худайбергенова[1,43].

Так называемое «хлопковое дело» по своим методам мало уступало сталинскому террору. И поэтому мы уделили большее внимание воспоминаниям самих жертв этого дела.

Так, например, рассказывает ЕрежепАйтмуратов: «Я был арестован 20 августа 1987 года в Ташкенте. Несколько дней содержали в следственном изоляторе, а затем перевезли в Москву. С этого момента начались регулярные допросы, которые вели Гдлян и Иванов. Мне долго объясняли насчет значения чистосердечного признания, советовали во всем признаться, грозя в ином случае сделать «паровозом» по делу, угрожали разобраться с приписками в республике, к которым, якобы, я, будучи секретарем ЦК КП Узбекистана имел непосредственное отношение. Заявляли о том, что того, кто у них не признается, ожидает расстрел, а кто идет вместе с ними — тому почти ничего не будет и его они даже могут освободить из-под стражи. Запугивали также тем, что если я буду продолжать молчать, то они арестуют жену, сына, дочь, брата»[1,49-50].

КасымНурумбетов поведал следующее: «Под диктовку Гдляна я стал писать заявление о том, кому и от кого получал взятки. Это происходило примерно так. Гдлян спрашивал меня, кто из вышестоящих руководителей приезжал в наш район. А когда я их называл, он заставлял писать, что я им давал взятки. Затем он приказал мне перечислить всех председателей колхозов, директоров совхозов, руководителей торговли и назвать их всех в числе взяткодателей. Все это я писал. После того, как я писал список, опять же под диктовку Гдляна я писал сумму денег, которую я получал от каждого названного мною человека, и суммы денег, которые я передавал вышестоящим руководителям. Только после этого мне приходилось придумывать по каждому взяткодателю и взяткополучателю когда и за что передавались суммы денег. То есть я придавал моим заявлениям правдоподобность»[1,41-42].

СултамуратКанъязов: «В кабинет вошел Иванов и строгим тоном сказал: «Пиши заявление на имя Генерального прокурора СССР, где укажешь, что брал взятки снизу от 45–47 человек не менее чем на 500 тысяч рублей, а также не менее 12–15 эпизодов покажешь «наверх», чтобы там были Осетров, Орлов, Абдуллаева, Ишков и другие»[1,42].

Среди осужденных по так называемым «хлопковым делам» оказались 430 директоров совхозов и председателей колхозов, 1300 их заместителей и главных специалистов; 84 директора хлопковых заводов и 340 главных специалистов этих заводов; 150 работников легкой промышленности Узбекистана, РСФСР, Украины, Казахстана и Азербайджана; 69 партийных, советских работников, специалистов



МВД и прокуратуры. Были арестованы 58 тысяч должностных лиц, открыто 800 уголовных дел, осуждены 4 тыс. человек[2, 322]. Были сняты со своих постов 172 работника, входивших в номенклатуру ЦК КПСС, 1813 – входивших в номенклатуру ЦК КПУз.

25 декабря 1991 года (то есть за день до юридического закрепления прекращения существования СССР) первый Президент Узбекистана И.А.Каримов помиловал всех осуждённых по Узбекскому делу, отбывавших наказание на территории республики[4,37].

В общественно-политической жизни устрашающее воздействие на население оказали репрессии 1983-1988 гг., обрушившиеся на Узбекистан и Каракалпакстан. Стремясь остановить устремления, направленные на обретение реального суверенитета, союзное руководство попыталось в рамках назревшей борьбы с коррумпированной номенклатурой создать ажиотаж вокруг фабрикуемого «хлопкового дела». На IV пленуме Каракалпакского обкома партии в июне 1984 г. было «обновлено» более 90% состава руководящих работников обкома партии и 85% руководителей городского и районного звена[3, 160]. По хлопковому комплексу Каракалпакстана было возбуждено 27 дел, по которым было осуждено: в 1986 г. – 10; в 1986 г. – 56; в 1987 г. – 55; в 1988 г. – 24; в 1989 г. – 14, всего 159 человек[3,168].

Выступая на VI пленуме Каракалпакского обкома партии 30 ноября 1989 г. И.А.Каримов констатировал, что «процесс, который был затяян 5-6 лет назад вокруг хлопкового дела в Узбекистане, в том числе в Каракалпакской автономной республике, и по сей день продолжает терзать всех»[4,168].

В исследуемые годы были оклеветаны как «враги народа» ряд политических деятелей, руководителей, хозяйственников, интеллигенция. Они были отправлены в тюрьмы, многие из них погибли в результате тяжелого физического труда и условий жизни. Таким образом, эпоха советской власти в Каракалпакстане стала эпохой репрессий, бесправия и насилия над людьми.

#### Литература:

- 1.Илюхин В. Вожди и оборотни. - Москва: Палея, 1994.
- 2.Раширова Г.Ш., Камилов Д.А. Шараф Рашидов: Портрет человека в эпохе и эпохи в человеке. – Ташкент: Tasvir, 2017. –С.322.
- 3.Сарыбаев М.К. Политика хлопковой монокультуры советской власти в Каракалпакстане и ее последствия (1917-1990 гг.). – Ташкент: Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана им. А.Навои, 2008. – С.165.
- 4.Юнусова Х. Э. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80-х годах XX века. Автореф. дисс. ... доктора ист. - Ташкент, 2009. С. 37
- 5.«Хлопковое дело» – последний аккорд репрессивной машины. Взгляд из Узбекистана.//<https://www.caa-network.org/archives/7281>

**СУРХОН ВОҲАСИДА АГРАР СОҲАДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ**<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.003>*Жумаева Шоҳида Чориевна,**Термиз давлат университети ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мақолада Сурхон воҳасида қишилоқ хўжалигининг чорвачилик соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг ўрни, фермер аёлларнинг ушибу ўйналишини ривожлантириши борасида олиб борган фаолиятлари таҳлилига багишланган. Шунингдек, чорвачилик ва қишилоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан шугуланаётган хотин-қизларга оиласвий бизнесларини ривожлантиришида кредитлар ажратилиши ҳамда иш билан таъминлаши борасида олиб борилган ишлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилади.

**Калит сўзлар:** хотин-қизлар, фермер хўжалиги, чорва, кредит, қишилоқ хўжалиги, бандликни таъминлаши.

**РОЛЬ ЖЕНЩИН В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ В  
СУРХАНСКОМ ОАЗИСЕ***Джумаева Шоҳида Чориевна,**преподаватель Термезского государственного университета*

**Аннотация.** Статья посвящена анализу роли женщин, работающих в животноводческой отрасли сельского хозяйства Сурханского оазиса, деятельности женщин-фермеров в развитии этого направления. Также дается информация о проделанной работе по предоставлению займов и трудоустройству женщин, занимающихся животноводством и другими отраслями сельского хозяйства для развития их семейного бизнеса.

**Ключевые слова:** женщины, фермерских хозяйств, животноводство, кредит, сельское хозяйство, занятость.

**THE ROLE OF WOMEN IN THE AGRICULTURAL FIELD IN  
SURKHAN OASIS***Jumaeva Shohida Chorievna**Teacher of Termez State University*

**Abstract.** The article is devoted to the analysis of the role of women working in the livestock sector of agriculture in the Surkhan oasis, the activities of women farmers in the development of this direction. Information is also provided on the work done to provide loans and employ women involved in animal husbandry and other agricultural sectors for the development of their family business.

**Key words:** women, economy, animal husbandry, credit, agriculture, employment.

**Кириш.** Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларига хотин-қизларни ҳам кенг жалб этилиши, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, бозор иқтисодиёти шароитида аёлларни муҳофаза қилиш, ишсиз аёлларни ишга жалб қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришда тадбиркор, ишбилармон аёлларга катта имкониятлар яратиб бериш масалалари бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Мақолада аграр соҳада ижтимоий фаол хотин-қизлар фаолияти ҳамда уларнинг меҳнатидаги самарадорликлари баён этиш мақсади кўзланган.

Тадқиқот методологияси. Мақола тарихий таҳлил, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик тамойилларига таяниб, аграр соҳада Сурхон воҳасида хотин-қизларнинг фаолияти ва уларнинг натижалари борасида таҳлилий маълумотлар ёритилди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мақола учун бирламчи маълумотларни Сурхондарё вилоят архивида сақланаётган 1096-фондидан олиш мумкин бўлиб, уларда хотин-қизларнинг жамоатчилик ташкилотларида олиб борилган ишлари бўйича ёзишмалари ва раҳбар аёл фермер хўжаликлари фаолияти билан боғлиқ муносабатлар таҳлили берилган. Шунингдек, сўнгги йилларда чоп этилган Ф.Жўраев, С.Иномова, Н.М.Рахматоваларнинг мақолаларида аёл фермерлар фаолияти, қишлоқ хўжалиги йўналишларида хотин-қизларнинг меҳнати тўғрисидаги маълумотлар берилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Мамлакатимизда мустақиллик эълон қилинганидан кейинги давр ичida Сурхондарё вилоятида ҳам республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби аёллар масаласига катта эътибор берилди. Таъкидлаш жоизки, воҳада хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ушбу масалада кенг қамровли Давлат дастурларининг қабул қилинганилиги ва изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этилганлиги шундан далолатdir. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартағи “Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1084-сонли [1] ва 1999 йил 17 мартағи “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2246-сонли [2] Фармонлари асосида кенг кўламда ишлар олиб борилиб, хотин-қизлар хуқукларини химоя қилиш борасида мамлакатимизда ижобий натижаларга эришилди. Зоро, умуммиллий сиёсатнинг маъноси – хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлашга қаратилган давлат сиёсатини умумжамият ишига айлантириш демакдир [3]. Шу жиҳатдан Республика хотин-қизлар қўмитасининг тавсиясига кўра, шаҳар ва вилоят хокимликлари хотин-қизлар қўмиталари қошида 1991 йилда “Тадбиркор аёл” уюшмалари тузилди. “Тадбиркор аёл” уюшмаси аввал бошида аёллар тадбиркорлиги истиқболларини намоён этиш мақсадида 1991 йилда ўн икки нафар тадбиркор аёл томонидан ташкил этилган бўлиб, республикада хотин-қизлар тадбиркорлигининг ижобий салоҳиятини очиб беришни ўз

олдига мақсад қилиб қўйган эди [4]. Ушбу уюшма вилоятдаги 5 мингдан ортиқ тадбиркор аёлларни бирлаштириди[5].

Шунингдек, вилоят Мехнат ва аҳолини муҳофаза қилиш бош бошқармаси, хотин-қизлар қўмиталари, «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан 2005 йилда аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида 20 нафар аёллар тадбиркорлик фаолиятига ўқитилди [6]. Таъкидлаш жоизки, аёлларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни мустаҳкамланмоқда.

Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-3434-сонли Фармонига кўра хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий, меҳнат хукуқларини таъминлаш соҳасидаги муаммоларнинг ечимини таъминлаш борасида [7], жумладан, ушбу даврда ишсиз аёллар учун уй меҳнатини ташкил қилиш, оиласвий тадбиркорлик, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш бўйича кўрсатувлар Марказий телеведения орқали намойиш этилди [8]. Ушбу тарғиботлар натижасида хотин-қизларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида касбий маҳоратларини ошириш, тажриба алмашиш, аграр соҳада хотин-қизларнинг сафини кенгайтиришга эришилди. Оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш учун иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2006 йилда 1574 нафар оиласвий тадбиркорларга вилоят банклари билан тузилган шартномага асосан чорвачиликни ривожлантириш, сутчилик чорва моллари ва сутни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар сотиб олиш ҳамда иссиқхоналар қуриш мақсадида 791,4 млн сўм микдорида кредит ресурслари ажратилди[9]. Бундан мақсад, ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, қишлоқ худудларида тадбиркорлик ишига жалб қилиш ҳамда уларнинг хукукий манфаатларини ҳимоя қилишdir.

Шу билан биргалиқда, воҳада ишбилармон аёлларга ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг барча тармоқларида ишлаш имкони яратилди. Жумладан, қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишидан бири бўлган чорвачилик соҳасида ҳам кўплаб аёл фермерлар фаолият олиб борди. Натижада, аграр соҳада чорвачилик тармоқларини ривожлантириш, чорва молларини парваришлишни ташкил этишда ҳамда кўмаклашиш борасида қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган хотин-қизлар улуши ортди. Дарҳақиқат, давлатга чорва моллари бош сонини оширишда ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва чорва молларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда воҳа аёлларининг хизматлари бекиёсdir. Вилоятимизда аёлларимиз ўзининг матонати билан эркаклар билан бир қаторда кичик корхона, хиссадорлик жамиятларида, уюшмаларида, чорва фермер хўжаликларида ҳам фаол меҳнат кўрсатаяптилар.

Шундан келиб чиқиб, 1995 йил вилоятда қишлоқ хўжалигининг чорвачилик соҳасида ўзининг самараали меҳнати билан Денов туманидан

фермер хўжалиги бошқаруви раиси Хушвақтова Гули, Ангор туманидан Маманова Сарвар, Ғафорова Ражабгул, Маҳамова Ойимхол, Кумкўргон туманидан Курбонова, Сувонова, Жўраева, Қорахоновалар элга танилди. Хусусан, Ангорлик фермер хўжалиги бошқаруви раисаси Маманова Сарвар 1995 йил 300 баш қорамол олиб 1995 йил ҳисобига давлатга 10 тонна гўшт топшириб, 50 та соғин сигирдан 31 бузоқча олган ҳамда 41 гектар ер майдонидан давлатга 35 центнердан ғалла топширди. Туман хокимининг карори билан ушбу фермер хўжалиги ер майдони 83 га етказилди. Шундан 41 гектар ерга беда, 42 гектарига эса ғалла экилиб давлатга 35 центнердан ғалла топширилди[10].

Шунингдек, давлатимиз томонидан нафакат қишлоқ хўжалигида, балки барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда аёлларнинг хизмат қилиши учун имкониятлар яратилди ҳамда уларни қўллаб-куватлаш, ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди. Масалан, воҳада хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-куватлаш фонди “Бизнес-фонд” 1995 йил ноябрь ва 1996 йил I чораги давомида тадбиркор аёлларни қўллаб-куватлаш мақсадида майший хизматни ривожлантириш, тикув-бичув цехларни ишга тушириш, қандолат ва шириналарни тайёрлаш цехларни ташкил этиш, жамоат овқатланиш пунктларини очиш учун 10 та аёлга 5 100 000 сўм кредит маблағлари ажратди[11]. 2002 йилда воҳамизнинг 1 800 995 нафар аҳолисининг 894 405 нафарини хотин-қизлар ташкил этиб, шундан Республика, вилоят, туман олий бошқарув органларида 53 нафар аёл фаолият олиб бориши ҳамда илм-фанда 354 нафар, саноатда 4161 нафар, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спортда 18 741 нафар, ҳалқ таълимида 27 839 нафар, алоқада 536, транспортда 1156, тайёрлов соҳасида 724, савдо ва умумий овқатланишда 2163, майший хизмат кўрсатишда 1054 нафар, геологияда 98, моддий-техника таъминотида 851, молия, кредит, суғурта ва пенсия таъминотида 995 нафар, қишлоқ хўжалигида 50 452 нафар хотин-қизлар меҳнат килишган [12]. Бундан кўриниб турибдики, вилоятимиз аёллари нафакат қишлоқ хўжалиги йуналишларида, балки ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида ҳам фаол меҳнат килишиб, воҳамиз ривожига ижтимоий-сиёсий фаолликлари билан ўз ҳиссаларини қўшиб келган.

Фермерчилик фаолиятини ривожлантириш борасида 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-3342-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул килиниши фермер хўжаликларининг ривожланиш самарадорлигини янада ошириди. 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси фаолиятини қўллаб-куватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”даги ПФ-3434-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сонли қарори вазифаларидан келиб чиққан ҳолда маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида 120 та ҚФИларида, 658 фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида, 67 та коллеж ва академик лицейларда, 820 та мактабда, 310 та корхона ва ташкилотларда, 88 ширкат ва 591 та фермер

хўжаликларида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди[13]. Бунинг натижасида, қишлоқ ҳудудларида аёллар тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиниб, вилоятда қишлоқ хўжалиги ва уларнинг барча тармоқларини ривожлантириш ва барқарорлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, 2004 йилда саноатда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 9,2 фоизга, қишлоқ хўжалигига 6,7 фоизга, савдода 73 фоизга, майший хизмат кўрсатишда 42,6 фоизга, пулли хизмат кўрсатишда 11,7 фоизга, ташқи иқтисодий алоқаларда 49,6 фоизга ўсишга эришилди[14].

Шу билан биргаликда фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини бозор тамойиллари асосида ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 26 августда янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни тасдиқланди. Шу билан мамлакатимизда фермерчилик муносабатларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини ҳуқуқий муҳофаза этиш каби масалалари ҳуқукий жиҳатдан мустаҳкамланиб қўйилди. 2004 йилнинг 1 ноябр ҳолатига Ўзбекистонда 104,1 мингта фермер хўжаликлари мавжуд эди [15]. Уларнинг фаолияти иқтисодиётимиз таркибида, ишсизлик муаммосини ҳал этишда, ички бозорларни товар ва хизматлар билан тўлдиришда, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

2005 йил давомида вилоятда айрим туманлар мисолида таҳлил қилганимизда фермер хўжаликларини ташкил қилиш ҳисобига Ангор туманида 173 та; Бандиҳон туманида 140 та; Бойсун туманида 157 та; Денов туманида 458 та; Жарқўрғон туманида 481 та аёллар учун янги иш ўринлари ташкил қилинди [16]. Вилоят миқёсида эса фермер хўжаликларини ташкил қилиш ҳисобига аёллар учун 4233 та иш ўрни ташкил қилинди. Шунингдек, вилоятда 2005-2007 йилларга мўлжалланган хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастури буйича 2005 йилнинг биринчи ярмида паррандачиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишни кўпайтириш мақсадида уй меҳнати ташкил қилиш орқали 92 та янги иш ўринлари яратилган. Шундан 73 таси аёллар учун ташкил қилиниб, вилоятдаги корхона ва ташкилотлар томонидан 6364 та парранда, жумладан 3372 та жўжа вақтинча банд бўлмаган аҳолига тарқатилиб, 215 килограмм гўшт маҳсулоти, 36,8 минг дона тухум етиширилиб ижобий натижаларга эришилди[17].

Хукуматимиз томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларга кўмаклашиш, хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш ва белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш, имтиёзли кредитлар бериш борасида жиддий эътибор берилганлигини кўрамиз. Хусусан, 2006 йилда қишлоқ хўжалигига фаолият олиб бораётган хотин-қизларга наслдор соғин сигирлар сотиб олиш ва сутни қайта ишлаш учун 2 нафар аёлга 28,5 миллион сўм (Меҳнат бандлиги жамғармаси томонидан 4 нафар аёлга 13,6 миллион сўм) миқдорида имтиёзли



фоизларда кредитлар ажратилди [18]. Шу жиҳатдан, ушбу йилда фермер хўжаликларни ривожлантириш ҳисобига 3225 нафар аёл иш билан таъминланди [19]. Бундан кўриниб турибдикি, давлатимиз томонидан қишлоқ ҳудудида яшовчи хотин-қизлар учун уй шароитидан ажралмаган ҳолда меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш йўлга қўйилди. Бу эса, уларнинг турмуш тарзи, моддий фаровонлиги, иқтисодий аҳволининг яхшиланишига сабаб бўлиб, вилоятда аёлларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилган ислоҳотларнинг самараси ошганлигини кўрамиз.

**Хуноса.** Юқоридагилардан келиб чиқиб, воҳада хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш асосий вазифалардан бирига айланган. Аёлларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳада саводхонлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилиб, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилди. Хотин-қизларнинг фермер хўжаликларида олиб борган меҳнатлари натижасида чорвачилик ривожланишида ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда, қишлоқда тадбиркорлик соҳасида ҳам аёллар улуши ортди. Натижада эса уларнинг оиласидаги, жамиятдаги мавқеи янада мустаҳкамланди ҳамда хотин-қизларнинг турмуш тарзи ўзгаришига олиб келди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 4-сон, 71-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. – Т., 1995.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 3-сон, 72-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. – Т., 1999.
3. Иномова С.Т. Эъзозли аёл иқболи. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 8.
4. Раҳматова Н.М. Ўзбекистонда тадбиркорлик ва унда хотин-қизларнинг ўрни ва роли ҳақида баъзи мулоҳазалар // ”Ўтмишга назар / Взгляд в прошлое / Look to the Past. №6 (2020). Doi <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-6>
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 103-варақ.
6. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 2658, 170-варақ.
7. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 21-сон, 251-модда; 2014 й., 29-сон, 356-модда.
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 2658, 87-варақ.
9. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 2260, 112-варақ.
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 466-иш, 57-варақ.
11. Chorievna J. S. Livestock Reforms in Surkhandarya //Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences. – 2022. – Т. 4. – С. 68-70.

12. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 1476-иш, 27-варақ.
13. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 2660-иш, 170-варақ.
14. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 2158-иш, 1-варақ.
15. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиваришни ташкил этиш. – Т.: Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмасининг “Истиқлол” нашриёти, 2004. – Б. 338.
16. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 2660-иш, 123-варақ.
17. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 465-иш, 162-варақ.
18. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 2658-иш, 175-варақ.
19. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 2658-иш, 169-варақ.
20. Жумаева Ш. Сурхондарё вилоятида чорвачилик соҳасининг ривожи // ЎзМУ хабарлари (Ижтимоий-гуманитар фанлар туркуми). 2022 №10/7. – Б. 8-10.
21. Хужаназаров А.З., Алламуратов Ш.А. Система здравоохранения в Узбекистане: проблемы и реформы //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 2.
22. Жумаева Ш. Мамлакатимизда чорвачилик соҳасида амалга оширилган дастлабки ислоҳотлар (Сурхондарё мисолида) // Таълим ва инновацион тадқиқотлар. 2022 йил - № 7. – Б. 10-13.
23. Allamuratov S. A., Dzhuraeva U. C. IRRIGATION AND RECLAMATION WORKS IN THE SURKHAN OASIS //Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL). – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 88-95.



## ТОШКЕНТ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МОДДИЙ МАДАНИЯТИ (БУРГУЛУҚ ВА ҚОВУНЧИ АРХЕОЛОГИК КОМПЛЕКСЛАРИ МИСОЛИДА)

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.038>

Жумагулов Анвар Бахтиёр ўғли,  
ЎзФА Миллӣ археология маркази Биоархеология бўлими кичик  
илмий ходими

**АННОТАЦИЯ.** Уибу мақолада Бургулук ва Қовунчи археологик ёдгорликларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида топилган моддий маданият наъмуналари орқали милоддан аввалги I мингйиллик ва милодий аср бошларида Тошкент воҳаси аҳолисининг турмуши тарзи тарихий реконструкция қилинганд.

**Калит сўзлар:** Тошкент воҳаси, Бургулук маданияти, Қовунчи маданияти, археологик тадқиқотлар, моддий маданият, аҳоли турмуши тарзи.

## ОБРАЗ ЖИЗНИ И МАТЕРИАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА НАСЕЛЕНИЯ ТАШКЕНТСКОГО ОАЗИСА (НА ПРИМЕРЕ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ КОМПЛЕКСОВ БУРБУЛУК И КОВУНЧИ)

Жумагулов Анвар Бахтиёр ўғли,  
Национальная археология УзФА центр Отдел биоархеологии,  
младший научный сотрудник

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье образ жизни жителей Ташкентского оазиса в I тысячелетии до нашей эры и начале нашей эры исторически реконструируется по образцам материальной культуры, обнаруженным в результате исследований, проведенных в археологических памятниках Бургулук и Ковунчи.

**Ключевые слова:** Ташкентский оазис, бургулукская культура, бахчевая культура, археологические исследования, материальная культура, образ жизни населения.

## LIFESTYLE AND MATERIAL CULTURE OF THE POPULATION OF TASHKENT OASIS (EXAMPLE OF ARCHAEOLOGICAL COMPLEXES OF BURBULUQ AND KOVUNCHI)

Jumagulov Anvar Bahtiyor ugli,  
UzFA National Archeology center Department of Bioarchaeology junior  
researcher

**ANNOTATION.** In this article, the lifestyle of the inhabitants of the Tashkent oasis in the 1st millennium BC and the beginning of the AD is historically reconstructed through the material culture samples found as a

*result of the research conducted in the archaeological monuments of Burguluq and Qovunchi.*

*Key words:* Tashkent oasis, Burguluq culture, Melon culture, archaeological research, material culture, lifestyle of the population.

КИРИШ. Мил.авв. I минг йилликда аҳоли қўчманчилар сифатида изоҳланишига қарамай, Тошкент водийсининг Оҳангарон ва Чирчик воҳалари манзилгоҳларида ўтроқлашган аҳоли чорвачилик ва суғорма дехқончилик билан шуғулланиб Бургулик (Бурканлик) маданияти соҳиблари ҳисобланган[1]. Бу маданият гарбда то Зарафшон тоғларининг жанубий тизмаларигача, шарқда эса Хитойгача чўзилган ҳудудлардаги маданиятлар билан биргаликда мавжуд бўлиб, Шарқий Туркистон ҳудудларидан очилган Чаухуго маданияти бу минтақаларнинг қадимги даврлардан бошлаб алоқалар қилганлигини кўрсатади[2].

АСОСИЙ ҚИСМ. Бурғулук археологик комплекси даврий хронологик чегараси милоддан аввалги IX-III асрларни ўз ичига олади. Ушбу археологик комплекс биринчи навбатда сўнгги бронза ва илк темир даври билан боғлиқ. Унинг сўнгги босқичида эса воҳанинг шаҳар маданияти шаклланади. Ушбу археологик комплексга тегишли дастлабки топилмалар 1934 йилда Г. В. Григорьев томонидан Қовунчитепа кўхна шаҳрининг қўйи қатламларидан топилган. Бироқ унинг алоҳида маданият эканлиги 1940 йилда А. И. Тереножкин томонидан Бурғулуксой бўйлаб ўтказилган археологик қазишма ишлари натижасида аниқланган. Кейинчалик Бурғулук маданиятига тегишли топилмалар Шоштепа ва Кулоқчинтепа ёдгорликларида ҳам аниқланган. Бурғулук маданиятига тегишли ёдгорликларнинг асосий қисми Оҳангароннинг ўрта оқими бўйлаб, Тўябўғиз сув омбори ҳавзасидан аниқланган. Дастлабки манзилгоҳ 1971 йилда В. И. Спришевский томонидан аниқланиб, унинг даврий санаси милоддан аввалги IV-III асрлар билан белгиланган. 1972 йилда эса Бурғулук маданиятига тегишли ёдгорликларнинг ўрганилиши давом эттирилган. 1976-1977 йилларда эса Қовунчитепа ёдгорлигининг ўрганилиши давом эттирилган. 1978 йилда эса Шоштепа ёдгорлигига қазишма ишлари қайта тикланган. Дастлабки Бурғулук археологик комплекси Тўябўғиз сув омбори ҳавзасидан топилиб, унга 11 та манзилгоҳни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ундаги маданий қатламларининг қалинлиги 2,7 метрни ташкил этади. Археологик тадқиқотлар натижасида Бурғулук маданияти 2 та босқичга бўлинади.

Биринчи босқичнинг даврий санаси милоддан аввалги IX-VII асрларни ўз ичига олади.

Иккинчи босқичнинг даврий санаси милоддан аввалги VI-III асрларни ўз ичига олади.

Тошкент воҳасида металга ишлов бериш анъанаси Бурғулук



маданиятига оид қатламлардан топиб ўрганилган. Бу даврга оид манзилгоҳларни қазиш жараёнида бронзадан ишланган турли хил меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлар аниқланган. Улардан икки қулоқли белт (болта), ўроқ, пичоқ, игна қошиқ, баргсимон камон ўқларининг учлари, найза учлари ва ханжарлардан иборат. Бу турдаги буюмлар Тошкент канали, Туябўғиз сув омбори ҳудудидаги Бурғулик маданиятига оид ёдгорликлар ва бошқалар топиб ўрганилган[3]. Шунингдек, Бурғулик маданиятига оид манзилгоҳлардан топиб ўрганилган сопол идишларнинг бир қисми мато қолипда ишланган уларнинг излари сопол бўлакчаларида сақланган. Бундан ташқари бу даврга оид қатламлардан тошдан ясалган урчуқбошлар, сұйқдан ясалган турли хил буюмлар топиб ўрганилган[4]. Қанқанинг қуий қатламида Бурғулик маданиятига оид ер тўла шаклидаги уй-жойларнинг ўрни аниқланиб бевосита шаҳар уларнинг устида шаклланган[5]. Маълумки, Бурғулик маданияти мил. авв. IX асрларда шаклланган бўлиб, у асосан Охангарон дарёсининг қуий ва ўрта оқимларида шаклланиб, кейинги босқичда Чирчик дарёси оқими ҳудудларида ҳам ривожланган. Антик шаклланган кўпгина шаҳарлар Бурғулик маданиятига оид манзилгоҳларнинг давомида ривожланган[6].

Демак, Тошкент воҳасида хунармандчиликнинг дастлабки шакллари мил. авв. I минг йилликнинг бошларидан шаклана бошлаган. Хунармандчиликда металга ишлов бериш асосий ўрин тутиб, бевосита бу соҳанинг ривожланишида Чотқол-Курама тоғларидағи тоғ-кон маданиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлган[7].

Бурғулик маданиятининг сўнгги босқичида воҳанинг жанубифарбида, яrim ертўлаларда, табиий асосларда мустаҳкам қалъаси ва қалъа деворлари ҳамда бўртиб чиққан айлана шаклдаги миноралари бўлган, шунингдек, хандақлар билан ҳимояланган шаҳар пайдо бўлади. Унинг девор ва миноралари тўтрбурчак шаклдаги хом ғишт ва пахса блокларидан қад кўтарган. Шаҳарнинг режаси ва ғиштлар ўлчами, ҳимоя иншооти услублари, минора ва буржлар шакллари, маданий қатламдаги сопол буюмлар - буларнинг барчаси қадимги дехқончилик маданияти, ғарб антик меъморчилиги билан ёки, эллинизм даври миңтақалари билан, биринчи галда Сўғд меъморчилиги билан ўхшашлик топади. Самарқанд Сўғдининг ilk урбанизацияси масалалари билан шуғулланар экан М.Исомиддинов ва К. Рапенлар ғиштлар ривожланиш босқичларини маҳсус ўрганиб чиқиб, айнан Канкада мавжуд бўлган шакллар эллинизм даврига оидлигини таъкидлайдилар[8]. Антик давр Хоразм курилиш услубларининг эволюцияси ҳам айнан мана шу хронологияни беради[9]. Бу ҳолат бизга қадимги шаҳарни манбаларда эслатилган, мил.авв. IV-Ш асрнинг бошларига оид Яксарорти Антиохияси билан боғлашга

асос бўлди[10]. Бу айнан тадқиқотчиларнинг баҳсларига сабаб бўлган урбанизациянинг эллинистик кўриниши эди.

Қовунчи археологик комплекси. Ушбу археологик комплекснинг даврий санаси милоддан аввалги II—милодий VI асрнинг бошлари билан белгиланади. Қовунчи маданиятига тегишли дастлабки ёдгорликлар 1934 йилда Г.В. Григорьев томонидан аниқланган. Ҳозирги кунга қадар Қовунчи маданиятига тегишли 101 та ёдгорлик аниқланган бўлиб, уларнинг ичидан бизнинг эътиборимизни тортадиган ёдгорликлар Қовунчитепа, Чордара, Қанқа, Кавардан ҳисобланади. Г. В. Григорьев қовунчи маданиятини икки босқичга бўлади.

1. Қовунчи I
2. Қовунчи II

Кейинчалик эса баъзи археологлар ушбу маданият асосида Жун маданиятини аниқлашган. Бироқ баъзи археологлар эса ушбу маданиятни Қовунчи III босқичи билан белгилашади. Г. В. Григорьев Қовунчи I босқичининг дастлабки қатламларидан темирдан ишланган қуролларнинг аниқланмаганлиги боис, унинг даврини сўнгги бронза асри билан белгилайди, яъни милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошлари. Қовунчи II босқичи эса милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталари билан белгиланади. А. И. Тереножкин ва С. П. Толстов ушбу даврий санани қайта тахлил қилишган. А. И. Тереножкин дастлаб ушбу археологик комплекснинг даврий санасини милодий I минг йиллик билан, Қовунчи II босқичини эса милодий II-IV асрлар билан белгилайди. Т. Г. Обулдуева эса Қовунчи маданиятини эрамизнинг бошлари билан белгилайди. Қовунчи маданияти Бурғулук маданияти ўрнида шаклланган. Қовунчи маданияти меъморчилигига пахса ва ҳом ғиштлардан қурилган аҳоли турар жойлари, саройлар ва диний характердаги иншоотлар ҳос ҳисобланади. Бақтрия, Сўғд, Хоразмда меъморчиликда ўлчамлари антик даврга хос ғиштлардан фойдаланилса, бу ерда эса ўлчамлари 46-52x23x26-9-12 см бўлган, йирик тўғри бурчак шаклидаги ғиштлардан фойдаланилади. Қовунчи I босқичи меъморчилик анъаналари юқори даражада тараққий этган маданият сифатида эътироф этилади.

Қовунчи топилмалари Тошкент воҳаси худудидаги 1010 та ёдгорликда аниқланган ва улар ичидаги энг маълум бўлган ёдгорликлар Қовунчитепа, Чордара, Қанқа ва Кавардан ёдгорликлариdir.

**ХУЛОСА.** Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, милоддан аввалги 1-мингийиллик ва милодий аср бошларида Тошкент воҳаси аҳолисининг турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти ва моддий маданиятини аниқ равshan ёритиш учун Бурғулук ва Қовунчи археологик ёдгорликлари муҳум аҳамият касб этади. Сабаби, кўрсатилган даврдаги энг йирик маданият

хисобланган Қовунчи маданияти вакиллари нафақат Тошкент воҳасига, балки бутун Ўрта Осиё моддий маданиятига ўз таъсирини кўрсата олган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Дуке Х. Тябугузские поселения Бурглюкской культуры. Т., 1982.
2. Буряков Ю.Ф. Генезис и динамика развития материальной культуры бассейна Сырдарьи (проблемы взаимосвязи земледельцев и скотоводов) International Journal of Central Asian Studies. Vol. 9/ Seoul, 2004, Р. 315-318
3. Древняя и средневековая культура Чача. Т., 1979, стр. 45; Древности Тябугуза. Т., 1978, стр 63; Дуке Х Тябугузские поселение Бурглюкской культуры. Т., 1982, стр. 51-54; Буряков Ю.Ф, Кошеленко Г.А. Ташкентский оазис. Бурглюкская культура.// Древнейшие государства Средней Азии и Кавказа. М., “Наука”. 1985, стр. 199.
4. Древности Тябугуза. Т., 1973, стр.69; Дуке Х. Тябугузские поселение Бурглюкской культуры. Т., 1982, стр.85
5. Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. Т., 1990, стр. 118
6. Древности Тябугуза. Т., 1973, стр.93-104; Буряков Ю.Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе // ИМКУ, 1973, №10
7. Горное дело и металлургия средневекового Илака V-нач. XIII вв. М.,1974
8. Исомиддинов М., Рапен К. Городище Коктепа и некоторые вопросы ранней урбанизации Самаркандинского Согда. // Средняя Азия: археология, история, культура. М., 2000. С. 204
9. Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-гыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма. // ВДИ. 1997. № 2. С. 150-173.
10. Буряков Ю.Ф. Генезис и динамика развития... -Т., 1982, с. 103-106.



**БУХОРО ВОҲАСИДА ЗИРОАТЧИЛИК ҲОМИЙСИ -  
БОБОДЕҲҶОН БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР  
(XIX аср охири XXаср бошлари)**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.037>

Жумаева Нилуфар Ахматовна,  
БухГУ Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта  
ўқитувчиси

*АННОТАЦИЯ. Мақолада Бухоро воҳаси аҳолисининг XIX аср охири XXаср бошларида деҳқончилик билан боғлиқ урф – одат ва маросимлари ўрганилиб, миллий қадриятларимизда уларга бўлган ҳурмат ва эътибор жуда юқори эканлиги Шарқ алломаларининг қарашлари асосида тахлил қилиб берилади. Ҳозирда зироатчиликнинг жамиятдаги мавқеини ошириши борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тахлил қилиниб, бу ислоҳотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан миллий қадриятларимизга боғлиқлиги кўрсатиб берилади.*

*Калит сўзлар: урф-одат, культ, деҳқончилик, фаршишталар, Наврӯз байрами, оташпарастлик, ҳосилдорлик, мифология, олов.*

**ОБЫЧАИ И ОБРЯДЫ, СВЯЗАННЫЕ С БОБОДЕКАНОМ,  
ПОКРОВИТЕЛЕМ ЗЕМЛЕДЕЛИЯ В БУХАРСКОМ ОАЗИСЕ**

**(конец 19 века, начало 20 века)**

Джумаева Нилуфар Ахматовна,  
БухГУ старший преподаватель кафедры Археология и история  
Бухары

*АННОТАЦИЯ. В статье исследуются обычаи и обряды, связанные с земледелием жителей Бухарского оазиса в конце XIX - начале XX веков, и анализируется на основе взглядов восточных ученых о том, что уважение и внимание к ним очень высоко в наших национальных ценностях. В настоящее время анализируются реформы, проводимые для улучшения положения сельского хозяйства в обществе, и показано, что эффективность этих реформ во многом зависит от наших национальных ценностей.*

*Ключевые слова: обычай, культ, земледелие, ангелы, праздник Навруз, поклонение огню, урожайность, мифология, огонь*

**CUSTOMS AND CEREMONIES RELATED TO BOBODEKHAN,  
THE PATRON OF AGRICULTURE IN BUKHARA OASIS**

**(late 19th century, early 20th century)**

Jumaeva Nilufar Akhmatovna,  
BukhSU Archeology and History of Bukhara, senior teacher of the  
department

*ANNOTATION. In the article, the customs and ceremonies related to agriculture of the residents of the Bukhara oasis in the late 19th and early*

*20th centuries are studied, and it is analyzed based on the views of Eastern scholars that the respect and attention to them is very high in our national values. Currently, the reforms implemented to improve the position of agriculture in society are analyzed, and it is shown that the effectiveness of these reforms largely depends on our national values.*

*Key words:* Tradition, cult, farming, angels, Navruz holiday, fire-worshipping, harvest, mythology, fire.

Кириш. Бухоро аҳолиси узоқ асрлар давомида ўз аждодлари томонидан мерос қилиб қолдирилган урф-одатлар, маросимлар ва удумларга катъий амал қилиб келмоқда. Ижтимоий қундалик ҳаётда катта ўрин тутган бу маросимларда, аввало зироатчилик билан боғлиқ удум ва маросимлар ўзининг келиб чиқиши илдизлари исломгача бўлган табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш, осмон ва ер илоҳларига сифиниш билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, кўплаб зироат урф-одат ва маросимларидан исломгача бўлган эътиқодий қарашлар билан исломий қарашларни қоришиган уйғунлиги трансформацияси.

Бажарилаётган ҳар бир ирим, урф-одат замирида воҳа ахлининг зироатчилик билан боғлиқ асрий ҳаётий тажрибалари, зийраклик билан узлуксиз кузатишлари жамланган бўлиб, уларнинг туб моҳиятига эътибор берилса, эзгуликнинг ҳаётбахш нурларига талпиниш, дехқончиликда самарали ҳосил этиштириш, юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликлардан огоҳ этиш, ҳалол меҳнатни рағбатлантириш табиат неъматларини кўпайтириш ва авайлаб асрардан иборат бўлган.

Зироатчилик билан боғлиқ бўлган ҳалқ урф-одатлари ва маросимлар доно ҳалқимиз тафаккурининг ғаройиб мўъжизаларидан биридир. Аждодларимиз асрлар давомида уларга амал қилиш билан бирга ўзига хос қоидалар, дуолар, айтимлар ва аломатларни ҳам яратишган.

XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Бухоро хонлигига қарашли барча туманларида яшовчи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида патриархал – уругчилик муносабатлари анъаналари ҳукм сурарди. Бу даврда Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши ўзбек ҳалқи ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий ва маданий муаммоларни ёппасига юзага чиқарди. Ижтимоий тараққиётнинг мана шу босқичи дехқон ва зироатчилик билан боғлиқ бўлган бир канча расм-руsumларнинг характеристини белгилаб берди.

Қадимдан Ўрта Осиё ҳалқларига алоқадор бўлган дехқончиликка оид расм-руsumлар, иримлар яшовчан бўлиб чиқди ва унутилмади. Воҳада бу удумлар асрлар давомида ҳалқнинг яшаш ва меҳнат тарзи билан боғланиб ўтказиб келинди. Айниқса, Ўрта Осиёдаги бошқа ҳалқлар каби зироатчилик хомийси - Бободеҳқон культи (1) ва у билан боғлиқ урф-одатлар кенг тарқалган.

Шахсий мулоқотларимиз билан боғлиқ маълумотлардан шу нарса маълумки, дехқончилик ҳомийси Бободеҳқон ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи, дехқонларга ҳомийлик қилувчи, уларнинг меҳнат унумига унум қўшувчи пир ҳисобланган. У айни саҳар пайтида дехқонлар томонидан кўтарган хирмонлар бошида пайдо бўлиб, тонг саҳар турган дехқонларнинг хирмонига барака улашиб улар пешона тери билан етиширган ҳосилни тўклиб, сочилиб исроф бўлишдан асрар эмиш. Қадимги ёзма манбаларни кузатиш жараёнида Бободеҳқон образи билан боғлиқ бир маълумотга дуч келдик. Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг асарида [1] зироатчиликнинг ҳомийси Бободеҳқон Одам тимсолида ўз аксини топади.

Асардаги «Қиссаи Одам сафий алайҳиссалом» хикоятида агар Оллоҳ Каброил, Исроифил, Микоил, Азроил каби фаришталарни яратмаганда, оламбунчалар ранг-баранг ривожланмаган бўларди, дейилади. Қачонки бирор нарсани яратиш зарур бўлса ёхуд бошқа бир ишни амалга оширмоқчи бўлса, шу фаришталар хизматидан фойдаланади. Кекса тажрибали дехқонлар маълумотича яхшилик фаришталари ерга тушиб дехқонларга, чорвадорларга ехуд бошқа касб эгаларига яхшилик қилмоқчи бўлсалар, Хўжай Хидир, Хўжай Хизр, Бободеҳқон, Дехқонбобо суратида пайдо бўлишар экан.

Кексаларнинг айтишича, фаришталар осмон тоқида яшашади. Уларни ҳеч ким кўрмайди, фақатгина кўнгил кўзи билан илғаш мумкин. Шу боисдан ҳам улар ҳеч кутилмаган ерда намоён бўларкан.

Юқорида номи эслатилган Рабғузийнинг ҳикоятидан шу нарса аён бўладики, «Одам Ҳиндустанда Анжалус отлиғ ерда Сарандиб тоғинга тушди. Ҳавво Жадда тоғинга тушди. Одамнинг ёши томган ерда ўт-ем, ачиғ-сучук дорулар бўлди. Ҳаввонинг кўзи ёши томган ерда уд (2), каранфул (3), сунбул, хино, ўсма унди» [1,26]. Демак, ерда пайдо бўлган ўт-ўланлар, хайвонлар инсон (Одамнинг) мўъжизаси туфайли рўй берган экан.

Тилга олинган Одам ато ҳам, Жаброил, Исроифил, Мекоил, Исроил каби фаришталарнинг ҳар бири инсон турмушига, дехқончилик ишларига аралashiши мумкин экан. Улар бир-бирини тўлдириб туради, яъни юдизи Олтоий бориб тақалади, боғланади.

Одам ато ва Момо Ҳаво ерга кувилгач. уларнинг яшashi учун шароит зарур эди. Улар ерга тушгач, қоринлари оч қолади. Шунда Жаброил ёрдамга келиб, уларга хўқиз, буғдой олиб келади (4). Одамга ер ҳайдашни, уруғ сепиши, ўсимликни парвариш қилишни, ғалла ўришни, янчишни, ун қилишни ва пиширишни ўргатади.

Демак, Одам дехқончиликда зарур бўлган барча қуролларнинг, маданий ўсимликларнинг изодкори-пиридир. Кексалар айтганидек,

барча ишлар - дехқончилик ҳам, чорвачилик ҳам, ҳунармандчилик ҳам Одамдан мерос қолган. Одам -Бободеҳқон кўзга кўринмайди, аммо унга қурбонлик қилиб мурожаат қилингандан кишиларга ёрдам кўрсатади, экинларга ривож бериб, бало-қазолардан асрайди, деган тасаввурлар юзага келган.

Бободеҳқон тимсолини зироатчилар ягона қиёфада тасаввур қилишолмайди. Шунингдек, фақат Бободеҳқонга бағишлиланган алоҳида маросим ҳам йўқ. Бободеҳқон турли маросимларда тилга олинади. унинг рамзи сифатида кўп ўринларда соқолига оқ тушган кекса киши намоён бўлади. Куз ёки эрта баҳорда далага кўш тушганда, ариқларни тозалашда, уруғ экишда, ғалла ўришда, хирмондаги донни совуришда биринчи ишни бадавлат, бола-чақаси, невара-чевараси кўп, иши доим олдинга кетадиган тадбиркор, обрўли киши бошлаб берган (5). Дехқончиликдаги ҳар қандай ишнинг бошланишида Бободеҳкон рамзи сифатида кекса отахонлар туришган. Юқоридаги фикрларни Н.А.Кисляков,[2] К.А.Богомолова,[3] М.Р.Рахимов,[4] М.С.Андреев,[5] Л.Ф.Моногарова[6] каби этнография соҳаси маълумотлари ҳам тасдиқдайди.

Элшунос олим И.Мухиддиновнинг ёзишича, Язгулом воҳасидаги барча қишлоқларда Бободеҳқон вазифасини «файгунай» ёки «шогун» деб аталган энг ҳурматли, обрў эътиборли тажрибали қария бажарган. Хинго дарёси ҳавзасидаги тожиклар уни «шавгун», Рушон, Бартанг ва Хуфда «хушпойқадам» дейишган[7]. Уларнинг вазифаси авлоддан-авлодга ўтган. М.С.Андреев ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаб, ҳар қайси «қутлуғ қадам» (хушпойқадам) ёки «омад келтирувчи») авлоддан авлодга ёхуд отадан ўғилга ўтган, қўли енгил бўлган одам томонидан бажарилган, у зироатчилик маросимида аниқ бир вазифани бажарган: биринчи қўш чиқариш - шудгорлашда, уруғ сочишда, ғалла ўриш ва суғоришда бош бўлган, шунингдек, етти кун мобайнида эркакларнинг аёллар машғул бўлган ёзги яйловга боришини тақиқлаган.

Шуни таъкидлаш керакки, оғзаки сўров маълумотларича, Бухоро воҳасида Бободеҳқон тимсолини бажарувчи шахслар олдиндан белгилаб қўйилмаган, яъни бу вазифани хамиша бир киши бажармаган. Шу боисдан ҳам бу вазифа отадан ўғилга мерос қолдирилмаган(6). Жондор туманидага Бухорча қишлоғида, агар қишлоқда эшон(дин донишманди) киши яшаса, кўпроқ Бободеҳқон вазифасини ўша киши бажарган. Агар эшон оламдан ўтиб қолган бўлса, унинг ўрнини катта ўғилларидан бири бажарган(7).

Ўрта Осиёнинг бошқа худудларидаги сингари Бухоро воҳасида ҳам Бободеҳқон тимсолини нуроний чол қиёфасида тасаввур қилишган. Ромитан туманида қўш чиқариш, ғалла ўрими, хирмон янчиш

маросимларида нуроний чол иштирок этолмай қолса, бу вазифани даврадаги энг еши катта киши бажарган. У кишининг ёши 50, 55, 60 да бўлиши мумкин экан(8).

Олот туманида илм эгаси қишлоқ мулласи ёхуд унинг ўғилларидан бири ҳам маросим чоғида «Куръон»дан оятлар ўқиб дуо қилиши, ишни эса кексароқ киши бошлаб бериши мумкин, дейишар экан. Юкоридаги маълумотлар замирида Бободеҳқон тимсолида бир неча хил мифологик персонажларни тасаввур қилиш анъанаси мавжудлигидан далолат беради. Ислом дини пайдо бўлгандан сўнг яратилган «Нурнома» мажмуасининг «Рисолаи деҳқон» бобида «Одам алайҳиссаломдин то жаноб расулиллоҳ Саллоллоҳу алайҳи васалламнинг саодатларигача 7777 деҳқон ўтибдурлар. Ҳаммалари окил ва доно ва касб-корига мувофиқ рисола ва соҳиб дуо эдилар» дейилади. Балки, «Нурнома»нинг эл орасида тарқалиши зироатчилар тасаввуридаги Бободеҳқон тимсолининг шаклланишига асос бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли ҳосилнинг миқдорини табиатга ва ундаги сеҳрли (магик) кучларга боғлиқ деб ҳисоблашган. Баъзан экинларнинг ривожи паст бўлиб, ҳосил кам бўлса ва бу ҳодиса икки-уч марта қайтаришса, бундай ер майдонига одамлар салбий назар билан қарашган. Гиёҳ унмайдиган ёки кам ҳосилли пайкалларни «ит теккан ер» (инс-жинс теккан маъносида), «худо қарфаган ер» деб номлашган[8].

Русолими Г.П. Снесаревнинг маълумотларига қарагандо размликлар ўлган одамнинг жасади теккан ерни нопок, деб ҳисоблаганлар. Агар экин экиладиган ерда одам жасади ёки унинг суяклари топилса, бу жой ҳаром ҳисобланган. Бундай ерни беш марта суғоргандан кейингина экин экишган. Айрим жойларда эса бундай ерларнинг атрофини уват олиб ўраб қўйишган ва 2-3 йил давомида суғормаганлар, экин хам экмаганлар[9].

Деҳқонлар баъзида серҳосил ерларга ўзгача назар билан қарашган. Шундай ерлар хам булганки, хеч ким у ерга экин- текин қилмас, фақат қишлоқ болалари қўй-эчклиарни, корамолларини ўтлатиб юришар экан. Бир йили кузда шу қишлоқлик бир йигит ана шу ажриқзорга қўш солибди. Бир амаллаб икки марта ҳайдабди. Йигит қўшчи тонгда шудгорлаган ерига арпа сепмоқчи бўлиб борибди. Уруғ солинган қопнинг оғзини ечаётганида, ёнида оқ эшакли, кўк тўнли бобо пайдо бўлибди.

Сўнгра мўйсафид йигит қўшчи билан салом-алик қилгач, эшагидан тушиб, бир донинг минг дон бўлсин деб, уруғ сепишни бошлаб берибди. Уруғлар бехато қўкарибди. Ёзга бориб йигит ҳосили хирмонда тоғ бўлиб ўюлибди. Йигит қушчи бойга айланибди. Чунки унинг даласидан (пайкалидан) Хизир (Хизр) бобо эшагини миниб ўтиб, ўзи уруғ сочган

экан. Кейинчалик шу пайкал ҳосилдор ерга айланибди.

Дала сухбати маълумотларидан шу нарсани англаш мумкинки, воҳа дехқонлари Бободеҳқоннинг Хизр киёфасида ҳам тасаввур қилганлар. Демак, аждодларимизнинг ўйлашича, Хизр бобо ҳалол меҳнат килган, покиза, диёнатли инсонларнинг олдида ҳамиша хозир - нозир. Хизр - архаик мифологияда баҳор ва тирилиши рамзи: кейинча бу қатламга Шарқ диний ва эпос бадиий тафаккури орқали «оби ҳаёт» - тириклик суви баҳш этувчи, деган тасаввур қўшилади(10). Юқоридаги ҳикояни назарда туғиб шуни айтиш мумкинки, «ўлик ер»ни тирилтиришга интилган йигит қушчига Хизр бобо ёрдамга келган. Кишиларнинг назарида «ўлик ер» тирилиши ва мўл-кўл ҳосил бериши мумкин.

Назаримизда, ҳалқ ривоятларида Хизрнинг дехконлар хомийси сифатида тасвирланиши бежиз эмас. Ахборотчиларнинг мулоҳазаларига кўра. қадимда Бободеҳқон кишиларни дехқончилик қилишга ўргатган, ҳар хил меҳнат қуролларини кашф қилган. Хўжай Хизр Бободеҳқон каби ўзи зироатчилик билан шуғулланмаган, аксинча, кайсиdir бир холатда ёрдам қўлинни чўзган. Албатта, дехқонлар кузги ва баҳорги шудгор, экин-тикин, суғориш, ўриш, хирмон қилиш, янчиш ишларида Хизр бободан ёрдам сўрашган. Кишилар Хизр бобони ҳар жойда учратиш мумкин: деб тасаввур қилинади. Ахборотчи Баҳодир Абдураззоқовнинг ҳикоя қилишича, бегона киши билан кўл бериб кўришаётганда бაъзи кексалар ҳамроҳининг бош бармоғини сиқиб маҳкам ушлашаркан. Сабаби кўришаётган шахс Хизр бўлса, бош бармоғининг суяги бўлмас экан. Суяксиз бармоқни ушлаган киши Хизрдан қатъий б и р о р нарсани сўраш имконияти бўлган. Кишиларнинг тушунчасича Хизр бобо нафақат зироатчиларга, балки чорвадорларга ҳам, овчиларга ҳам ва бошқа касб эгаларига ҳам, фарзандсиз кишиларга ҳам, оғир касалга ҳам ўзининг кароматини кўрсатган, ёрдам берган.

Халқ тасаввурида Хўжай Хизр кўлида ҳасса ушлаган, гоҳ пиёда, гоҳ эшак минганд, ораста кийинган чол сифатида гавдалантирилган.

Дехқончилик илмидан хабардор тажрибали кекса кишиларни «Хизр кўрган» ёки «Хизр кўрганнинг боласи» дейишган. Дехқончиликдан мўл ҳосил олган кишиларни ҳам «Дехқонбобонинг нафаси теккан» ёки «Даласидан Дехқонбобо ҳассасини судраб ўтган» деб улуғлашган. Кенжа бобо Жуманазаровнинг таъкидлашича. отаси эккан буғдой, арпа ўсиб, отга тенглашган экан. Кишилар «бой буванинг еридан Дехқонбобо этагини судраб ўтган, дони омборга сиғмайди» деб гап килишаркан. Кўпнинг гапида Хизр бор деганларидек, дон омборга сиғмай, ортганини ўрага кўмишган экан(11).

Кишлоқ аҳли кўпни кўрган, дехқончиликда суягиотган кексалардан ерни шудгорлашда ҳам, уруғ сепишда ҳам, фалла ўришда ва янчишда ҳам доимо маслаҳат олишган. Агар даладаги экинлар кўнгилдагидек, бўлиқ

ривожланса, инс-жинслар ҳазиллашмасин, балою казолардан арасин деб, Дехқонбобо ҳақига ис чиқарилган. Маялумотларга қараганда, ис чиқаришнинг бирор белгиланган куни бўлмаган. Зироатчилик билан боғлиқ удумларнинг кўплари баҳорда, Наврӯз байрами арафасида бажарилган. Бухоро воҳасида Наврӯз 21 марта 22 марта ўтар кечаси, «Қозон тўлди» соф оиласиудум бўлиб, ҳар бир оила ўз имкониятига караб тансиқ таомлар (кўпинча палов), кўкат сомсалар, бўғирсоқлар тайёрлаган.

Шунингдек, Бободеҳқон ҳақига «ис» чиқарилган. «Қозон тўлди»нинг эртаси куни ис ёғи билан қўшга қўшиладиган хўқизларнинг шохлари мойланган[10].

Ўрим бошланишидан бир кун олдин бўрдоқи қўй сўйилган. Гўшт козонга солингач, қишлоқ мулласи, қариялар, қишлоқдошлар, чоракорлар чақиртирилган. Гўшт пишгач, таом дастурхонга тортилган. Овқатдан сўнг дастурхонга фотиха ўқилгач, мулла Бободеҳқон ҳақига Куръон тиловат қилган. Сўнгра йиғилганлар: «Оллоҳнинг карами кенг, хирмоннинг баракасини берсин, донимиз мўл-кўл бўлсин», деб дуо қилишган. Шунингдек дехқонлар экин ишларини бошлашдан олдин пайкал бошида Бободеҳқонга атаб қон чиқарганлар. Бунда топган жонлиқ, топмаган парранда сўйган. Уни пишириб, атрофдагиларга едирган. Мулла Куръон тиловат қилгач, кекса кампир ёхуд кушноч дехқон кетмоннинг устига чироқ ёккан ва Бободеҳқон буважон экинтикинимизга ривож беринг, биримиз ўн бўлсин, ўнимиз минг бўлсин, Оллоҳу акбар, омин! деб оловдан тавоб қилинган(11).

Воҳада экинларнинг ривожи паст бўлса, ҳашорат тушаверса, пайкал бошида экинларга сув оқиб кирадиган жой ёки бирорта экиннинг япроғи устида чироқ (пахта пилик қилиб эшилади ва пахта ёғи шимдирилиб) ёқилган, дуо ўқилган. Бу ҳам Бободеҳқонга ис чиқаришнинг бир кўриниши ҳисобланган.

Бухоролик дехқонларнинг тушунчасида Бободеҳқон ҳам, Хизр ҳам Дехқончилик илмини мукаммал эгаллаган, шу боисдан улар ҳар қандай балони даф қила оладилар, деб тушунилган.

Пайкалларга ораланган инс – жинсларни ҳайдаш. ҳар хил мушкулларни осон қилиш фақат уларга хос хусусиятлардир. Бободеҳқонга ис чиқариш жараёнида оловга сифинишнинг ҳам гувоҳи бўламиз. Демак, инс-жинсларни даф қилиш, уларни олов билан куйдириш, қўркитиш оташпарастлик динига хос бўлса, Куръон суралари билан дуои бад қилиш исломга динига хос, улар кейинчалик бир-бири билан уйғунлашган. Зироатчиларнинг тасаввурига кўра, олов ва дуонинг қудрати бирлашиб, ёвуз кучлар устидан осонлик билан ғалаба қилган. XIX аср охири - XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро дехқонлари ўзларига номаълум бўлиб қўринган табиатнинг қўринмас кучларидан

қўрқувга тушар экан, айни пайтда аждодларга ўхшаб, улардан қутулиш чораларини ҳам излашган.

Улардан қутулмоқнинг бирдан бир чораси ўтмишда ота-боболар амал қилған урф-одат ва маросимларга эътиқод қилишда, деб билишган. XIX аср охирларида қишлоқларда қурғоқчиликнинг юзага келиши, ҳосилдорликнинг кам ёки кўп бўлиши, ерга экилган уруғнинг бир текис униш ёки унмаслиги, экинларнинг дўл, сел сувига дуч келиши каби ҳодисалар маҳаллий аҳоли томонидан ўзгача қабул қилинган. Улар дехқон, экинларининг душмани бор, деб тушунишган. Бундай ёвуз кучларга инс-жинслар, девлар, зиён-заҳмат ва бошқалар кирган. Воҳа дехқонлари улардан илк зироатчилик қилған Одам Ато ёки ҳар ерда ҳозири - нозир кароматгўи Хизр бобогина кутқара олади деб ўйлашган. Чунки, Одам-Ато дехқончилик қуроллари ва маданий ўсимликларнинг ижодкори, ўзи яратган нарсаларининг душманларини йўқ қилиш қудратига эга, деб ҳисобланган. Ерга ҳам худди шундай ҳимоячи, деб қаралган. Ахборотчиларимизшшг таъкидлашларича, ёввойи ўтларнинг онаси ҳам, уларнинг ҳимоячиси ҳам ер. Шу боисдан ёввойи ўтлар хоҳ сувда, хоҳ қуруқликда бўлсин, қуримай ўсаверади. Худди шундай Бободехқон ҳам ўзиникини ҳимоя қиласди, факат уни сидқидилдан ёрдамга чақириш зарур, чунки у кароматгўй, Тангрининг севган бандаси, дўсти. Дунёнинг тўрт бурчига ҳам қадами етади, деб ҳисобланган(11).

Халқимизда Бободехқон ҳақида турли ривоятлар, афсона ва эртаклар мавжуд, бир-бирини тўлдирувчи бундай фольклор асарлари қайсиdir маънода Бободехқонни улуғлашга хизмат қиласди.

Аждодларимиз мифологиясида муқаддас культ даражасига кўтарилган Бободехқон тимсолига воҳа дехқонларининг ҳам эътиқод қилиши асосли эди. Бободехқон билан боғлиқ маросимларга диний уламолар томонидан илоҳий тус берилди. Натижада маросимнинг мазмундорлиги, кишилар орасидаги мавқеи анча ортган.

**Хулоса.** Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда яшовчи халқлар орасида зироатчилик ҳомийси Бободехқон ёки Дехқонбобо образининг тарихий-мифологик асослари кадимги ҳосилдорлик илоҳи билан боғлиқ. Қадимги аждодларимизнинг эътиқодий инончлари, табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш билан боғлиқ мифологик ҳосилдорлик худоси ёки ҳосилдорлик илоҳларига топиниш анъаналари замирида пайдо бўлган ҳамда ҳомий куч тимсоли сифатида мифологик қаҳрамонлар қаторидан ўрин олган ва кейинчалик уларга исломий тус берилган.

Демак, халқимизнинг зироатчилик ҳомийси Бободехқон культига сифиниш удумида исломгача бўлган эътиқодий қарашларнинг исломий анъаналар билан қоришиқ ҳолда синкретик тарзда сақланиб келаётганлигини кўришимиз мумкин.

Изоҳлар: Бободеҳқон культи Помир тожикларида ҳам мавжуд бўлган. Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: И.Мухиддинов. Реликть1 доисламских обичаев и обрядов у земледельцев Западного Памира. -Душанбе. 1989 г.

1. Уд- сигир
2. Қаранфул – қалампирмунчоқ
3. Дала ёзувлари, 1996 йил, Жондор тумани, Бухорча кишлоғи.
4. Дала ёзувлари, 1996 йил, Жондор тумани, Бухорча кишлоғи.
5. Дала ёзувлари, 1996 йил, Ромитан тумани.
6. Дала ёзувлари, 1996 йил, Олот тумани.,
7. Дала ёзувлари, 1997 йил, Жондор тумани. Бухорча ва Асбоб қишлоқлари.

8. Ўзбек мифологик афсоналарида Хизр тириклик баҳш этадиган хаёт сувини топиб ичгандиги учун абадий барҳаётликка эришган мўъжизакор хомий ҳисобланади. Шу боис Хизр образи кўпинча сув манбалари билан боғлик холда тасвирланади. Бу ҳақда қаранг: Ипак йўли афсоналари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи М.Жураев. -Т.: Фан, 1993. -Б. 87-88.

9. Дала ёзувлари, 1997 йил, Жондор тумани. Бухорча ва Асбоб қишлоқлари .

10. Дала ёзувлари, 1998 йил, Жондор тумани, Бухорча ва Асбоб қишлоқлари

11.Дала ёзувлари, 1998 йил, Жондор тумани. Бухорча ва Асбоб қишлоқлари .

Адабиётлар рўйхати:

1. Андреев М.С. Таджики долины Хуф. Сталинабад, 1953. -Выш.1. - С. 1 1-12.
2. Богомолова К.А. Следь древнего культа водь1 у таджиков//Изв. отд. общественных наук. АН Тадж ССР. Сталинабад, 1952. - Выш. 2. - С. 19-21.
3. Кисляков Н.А. Патриархально-феодальное отношение среди оселого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX - начала XX вв//ТИЭ. -М-Л. 1962. – С 28-29.
4. Моногарова Л.Ф. Материалы по этнографии ёзгулумцев//ТИЭ. и.с.. 1959. т.Х1. - Вып. VII - С. 12
5. Мухиддинов И.Реликти доисламских обичаев и обрядов у земледельцев Западного Памира (XIX-начало XX в). -Душанбе, 1989. -С. 11.
6. Мирзаев Т., Жўраев М. Асрларни мунавар килган байрам-Наврӯз. -Т., 1992. –Б.58.
7. Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Киссаси Рабғузий. 1-китоб.



- Т.: Ёзувчи, 1990. -Б. 25-26.
8. «Нурнома » мажмуаси. -Т., 1991. -Б. 32.
9. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Харезма. - М.: Наука, 1969. - С. 226.
10. Ochilov Alisher. «The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age.» CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.
11. OCHILOV, Alisher. «JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY.» Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
12. Ochilov, A. T. «DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES.» Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.
13. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. «БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.» Scientific progress 1.6 (2021): 933-938.
14. Ochilov A. Бухоро воҳасида олиб борилган илк археологик тадқиқотлар // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
15. Ochilov A. Бухоро воҳасининг қадимги антропоген ландшафтида Сармишсой дарасининг тутган ўрни // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.

## СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ НИКОҲ ТЎЙИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.10.10.040>

Дўстназарова Мавжуда Эламоновна,  
Термиз давлат университети ўқитувчиси

*Аннотация. Мазкур мақолада жанубий Ўзбекистон аҳолисининг тўй маросимлари ва никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлари ёритилган. Шунингдек, мақолада Сурхон воҳаси никоҳ тўйларидағи ҳар хил удумларнинг аҳоли яшаши жойи ва шароитига қараб турлича бўлганилиги ҳам таҳлил этилган.*

*Калит сўзлар: унаштириши маросими, қалин берииш, туй сепи, фотиха тўйи, келин салом, куёв чақирди, чимилдиқ ечиш.*

## ОБЫЧАИ И ЦЕРЕМОНИИ ЖИТЕЛЕЙ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА, СВЯЗАННЫЕ С БРАКОСОЧЕТАНИЕМ

Дустназарова Мавжуда Эламоновна,  
преподаватель Термезского государственного университета

*Аннотация. В данной статье описаны свадебные обряды и обычаи народов южного Узбекистана. Также в статье анализируется тот факт, что свадебные обряды бракосочетания Сурханского оазиса различались в зависимости от места проживания и условий жизни населения.*

*Ключевые слова: обручение, калым, свадебное приданое, помоловка, приветствие невесты, приглашение жениха в гости в дом родителей, снятие полога.*

## CUSTOMS AND CEREMONIES OF THE RESIDENTS OF THE SURKHAN OASIS RELATED TO MARRIAGE

Dustnazarova Mavzhuda Ilammonovna,  
Teacher of Termez State University

*Abstract. This article describes the wedding ceremonies and customs of the peoples of southern Uzbekistan. The article also analyzes the fact that the wedding ceremonies of the Surkhan oasis differed depending on the place of residence and living conditions of the population.*

*Keywords: betrothal, kalym, wedding dowry, betrothal, greeting the bride, inviting the groom to visit his parents' house, removing the canopy.*

**Кириш.** Жаҳон мамлакатларининг маданий тараққиётида номоддий маданий мероснинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чунончи, Ўзбекистон жанубидаги Сурхон воҳаси ўзига хос тарихий-этнографик минтақа

бўлиб, унда номоддий маданиятнинг ноёб намуналари – тўй маросимлари ва никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлар сақланиб қолган.

Халқимизда баҳтли онларни оила, қариндош-уруғ, маҳалла, яқин инсонлар даврасида “тўй” бериб нишонлаш қадим замонлардан қолган урф-одатdir. Шу билан бирга “тўй” этноснинг маданияти, урф-одати, қариндош уруғчилик ва қўшничилик муносабати, менталитети, диний қарашлари ва тасаввурлари, анъанавий маросимларини ўзида мужассам этган воқеликдир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда аксарият юртдошларимиз ушбу маросимни исломий урф-одатлар, ўзбекона камтарлик ва андиша, оиланинг реал иқтисодий ҳолати ва бозор иқтисодиётига мос равишда нишонлаш ўрнига, маҳалла, қўни-қўшни, қон-қариндош қаршисида “хеч кимдан кам бўлмаган” (керак бўлса ортиғи билан, лекин асло кам эмас) қабилида нишонлашга тобора кўнишиб бораётганлари ачинарли хақиқатдир. Бу трансформация сабабларини аниқлаш ва таҳлил этиш бугунги кунда долзарб масалалардан бирига айланди.

Тадқиқот методологияси. Мақола тарихий таҳлил, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик тамойилларига таяниб, Сурхон воҳасидаги тўй маросимлари ва никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлар таҳлилий маълумотлар асосида ёритилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мақола учун бирламчи маълумотларни Сурхондарё вилоят давлат архивининг 96-фонди материаллари, шунингдек, этнографик дала тадқиқотлари орқали олинган дала ёзувлари ташкил этиб, улардан никоҳ тўйларидағи ҳар хил удумлар ва маросимлар билан боғлиқ маълумотларни олиш мумкин. Шунингдек, сўнгги йилларда чоп этилган С.Турсунов, Н.Турсунов, Т.Пардаев, М.Файзуллаеваларнинг тадқиқотларида ҳам Сурхон воҳаси аҳолисининг тўй маросимлари ва никоҳ тўйлари тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари сингари Сурхон воҳасида ҳам аксарият ҳолларда оиласада қиз бола туғилганида чилла ўтиши билан бошқа оиласадан қизча катта бўлганида уни ўз ўғлига олиб бермоқчи бўлганлар ва уни унаштиришган. Сурхон воҳасининг Хатак, Хўжанқон, Бедак, Тангидевон, Ёриқсой қишлоқларида қулоқтишлар, бешиккери теган тушунчалар йўқ. Унинг ўрнига, бешик тўйида унаштирилди, деб айтишади. Унаштириш учун тўққиз тандир нон ва бир дона кулча, тўққиз патир ва бир дона патир кулча, тўққиз қатлама ва бир дона қатлама кулча, тўққиз қатпатир ва бир дона қатпатир кулчаси, жами 40 та нон зарур бўлади. Шундан тўрттаси кулчадир. Ризқи бутун бўлсин деб ноннинг сони қирқта қилинади. Негаки, қадимда буғдойнинг ўзидан қирқ турдаги таом тайёрланган.

Нондаги тўққиз сони ота-онаси, кулча эса, болачаси ҳисобланган. Айрим бой кишилар қатпатирга сариёф, имконияти етмаганлар оқ мой суртишади. Унаштириш маросимида меҳмонлар овқатланиб бўлгач, улар орасидан ёши улуғ ва обрўли киши бисмиллоҳи раҳмони раҳийм деб, бирин-кетин аввал иккита тандир нон, кейин иккита патир нон, сўнг иккита қатпатир, охирида иккита қатламани битта қилиб синдиради. Иккита нонни бирданига синдириш осон эмас. Лекин шундай қилинмаса унаштириш маросими ўтган деб ҳисобланмайди. Нон синдирилганидан сўнг «ёшларнинг баҳтини берсин», деб дуо қиласи. Шу билан йигит ва қиз унаштирилган ҳисобланади. Унаштирилган йигит ва қиз патияхонда дейилади [1]. Ҳозир бўлганлар синдирилган нонни ейдилар, қолганини рўмолга тушиб олиб кетадилар.

Нон синдирилган пайти икки томоннинг келишуви содир бўлади. Буни карда дейилиб, унда куёв томонидан нечта мол, қўй, эчки, пахталик, ун ва шу каби нарсалар, яъни қалин бериши аниқлаб олинади. Кудалар қалин ҳакида сўз очмаганлар. Шу боис қалин масаласини келин ва куёвнинг амакилари ёки тоғалари ҳал этишади. Агар қалин масаласида келишувга эришилмаса, кейинги учрашувда келин-куёвнинг бошқа амакилари ёки тоғалари иштирок этишади. Иккинчи марта ҳам келиша олишмаса, эл оқсоқоллари ёки сўзи ўтадиган қариндошлари ўртага тушиб икки томонни келишитиради. Қалин масаласи ҳам ҳар икки томонни қониқтирадиган қилиб белгиланади [2].

Қалин миқдори қизнинг ёши, ижтимоий ҳолати ёки даврига қараб ўзгариб турган. Масалан 1925 йилда Панжоб қишлоғида қалин миқдори 2000 танга, 72 пуд буғдой, 12 эчки, айрим ҳолларда 10000 танганинг ўзи бўлган [3]. 1928 йилда бу миқдор Шержонда 6 бош қўй, 6 та эчки, 2 ботмон ун, 35 фунт қуйруқ, 5 пуд гуруч ва 40 метр сурпни, Хўжанқонда 2 тўп ипак, 6 дона рўмол, 25 метр сурп, 5 тўп олача, 15 бош эчки, 1 бош буқа, 1 бош эшак, 2 ботмон буғдой ва 75 сўм пулни, Хатакда 450 сўм пул ва 1 та эшакни, Тўғузда 1 бош от ва 4 ботмон буғдойни, Шўробда 100 бош қўй, 17 та чопон ва 1 отни ташкил этган [4]. Кўхитангга қўшни бўлган Бойсуннинг Паданг қишлоғида 300 сўм пул, 3 пуд гуруч, имконияти етмаганлар 2 бош қўй, 3 бош эчки, 45 аршин сурп, Пасурхидга 100 сўм, Қайроқда 36 пуд буғдой ва 200 танга пул, бирон етим қизни боқиб олган кишилар эса қалин сифатида 25 сўм пул, 6 фунт мой, 5 пуд кунжара олишган [5]. Таққослаш учун Сариосиё туманидаги Файзова қишлоғида 1 бош сигир, 1 ботмон гуруч, 10 пуд буғдой ва 60 сўм нақд пул берилган [6].

Худди шу даврда Сайробда қалиннинг ўртача миқдори 55 бош қўй ва эчки, 20 пуд буғдой бўлган. Қалинга матолар олинмаган. Агар куёв мулксиз бўлса, у одатга кўра, қайнотасининг уйида ишлаб берган.

Қалиннинг берилишига қараб тўй муддати чўзилиб турган [7, С.24].

Қизилолмада олдинига куёвлар ўтин ёрдириб синалган. Қалин миқдори 1 қоп ун, 1 қоп оқ қанд, 8 та қўй, ҳамёнда пул, гуруч, мой ва шунга ўхшаш нарсалар бўлган. Куёв томон келинни олиб кетгунига қадар муайян вақт зарур бўлади. Шароитига қараб, кимдир олти ой, кимдир бир ёки икки йил ичидан келинни тушириб олади. Шу давр оралиғида келин томон ҳар ҳайитда сайиллик олиб туради. Агар ёшлар бешикдаёқ унаштириб қўйилган бўлсалар, то 17 ёшга тўлгунига қадар сайиллик юбориб-олиб турилади. Никоҳ тўйига қизнинг ота-онаси ҳам жиддий тайёргарлик кўриб сеп тайёрлангандан сеп тўққиз дейилади. Негаки, у тўққизта турли мато ва тақинчоқлардан иборат бўлади. Унга: келин кийиб юриши учун ўнта оддий, ўнта майда, бешта катта, тўртта ўрта рўмол, шунингдек, адрес, шойи, атлас, чит, сатин ва турли тақинчоқлар – ойна, исирға, билагузук, хапаванд ва бошқалар киради. Сепга солиш учун бозордан олиб келинган мато ва тақинчоқларнинг ҳаммаси кола дейилади. Умуман олганда ота-онанинг қизига берадиган совфаси сеп, кола ва тўққиз каби номлар билан аталади [8].

Сайробда сеп учун 3 дона гилам, 5 та кўрпача, 2 та намат, 2 та рангли пўстак, тўққизта ёстиқ, 2 та бўғжама, 1 та мапримач, битта сандиқ ва турли идиш-товоқлар, 10 та ойна халта, 15 та курта, 10 та рўмол, 1 та шойи пешонабоғ, ипак ва баҳмалдан қилинган 4 та аёллар камзули [7, С.24], Корабоғда эса 4 та гилам, 2 та сандиқ, 10 та гирдиҳона кўрпа, 10 та ёстиқ берилган.

Шўроб яқинидаги Сариосиё қишлоғи тожикларида совчи ишини битириб кетганидан сўнг фотиҳа тўйи қилинади. Унда тўртта қўй, икки қоп гуруч, сабзи, картошка, 50 тагача кўйлак берилади. Бу ерда кўрпа тикиар, ижоб тўй, бет очар (рукишод) маросимлари ўтказилади [9, Б.236].

Тўйдан бир ҳафта олдин Хатми Куръон ўқитилади. Бунда оиланинг энг яқин аъзолари йиғилишади. Домла хатм тушириб, унинг савобини ўтганларга, шу уйдан умидвор бўлганларга бағишлийди. Шундан кейин тўй бўлиб ўтади. Боғлидара, Бедак, Ёриқсой, Зараптсой, Калапўшқия, Тангидевон, Хатак, Хўжанқон, Чоҳак қишлоқларида никоҳ тўйи душанба куни ўтказилган. Эрталаб соат ўнлар атрофида куёв ўз жўралари билан келиннинг уйига келади. Тўй куни қиз томонга қўй-эчки, мева-чева, ўнта тандир нон, ўнта патир нон, ўнта қатлама ва ўнта қатпатирдан иборат тўй жўнатилади. Ҳар бир турдаги нондан биттаси кулча бўлади. Куёвнинг олдида битта шоулоқ, қалин учун қўйларини олиб келади. Битта қўйнинг шохига рўмол боғланган [10].

Тўй куни никоҳдан олдин келинни жўнатишда вакил ота сўралади. Вакил ота келиннинг тоғаси, акаси ёки амакиси бўлган. Қизнинг ота-

онаси олдиндан вакилини кимга бериш кераклигини айтиб қўйишади. Удумга кўра, икки киши келиннинг олдига келиб вакилингни кимга бердинг деб сўрашади. Келиннинг дугоналари вакилингни ҳали айтма деб туришади. Келин қўпинча тонг отгунига қадар вакилини кимга беришини айтмаган. Тонгга яқин, вакилини кимга беришини айтади. Вакилнинг исмини эшитган кишилар исботи дейилади. Улар муллага қизнинг вакилини кимга берганлигини айтиб гувоҳлик беришади. Вакил шу қиз билан йигитнинг орасида бел ҳисобланади. Агар эр хотинига қарамаса, аёли касал бўлса ёки ажрашиб кетишса ўша вакил қизни олиб кетиши ёки бўлмаса, уларни яраттириши лозим [1, Б. 146-149].

Сўнг келин ва куёвни никоҳлаш учун исириқ тутатилган бошқа хонага олиб кирилади. Никоҳ келиннинг уйидага ўқилган. Никоҳда ширин сув, оқ пахта қўйилади. Домла икки киши гувоҳлигига никоҳ ўқийди. Никоҳ охирида уларга ширин сув ичирган.

Қизилолма қишлоғида келин чиқарилаётган пайтда қўлига чақалоқ бериб, гиламга ўтқазилади. Гиламнинг тўрт бурчагидан тўрт йигит кўтариб эшиқдан кўчага қадар олиб чиқишиади. Илгарилари келинни от ёки эшакка миндириб жўнатишган. Отга келиннинг амакиси, тоғаси, туғишишган акаси ёки укаси миндириб борган. 1970-йилларга келганда келинни машинага миндириб жўнатиш бошланди.

Куёв келинни олиб кетаётган вақтда идиш қайтди деган маросим ҳам бўлиб ўтади. Унда куёвга битта тўн, битта белбоғ, битта қўйнинг сон гўшти, куёв томон тўйга олиб келган тандир нондан иккита, патирдан иккита, қатламадан иккита, қатпатирдан иккита, мева-чевалардан эса, бир-бир ҳовуч солиб жўнатилган.

Келинни олиб келган кишини рози қилиш учун унга тўн ва белқарс бершишган. Шундан кейин куёв келинни отдан туширади. Келиннинг кўрпа-тўшакларини тушириб олган кишига бир кийимлик мато берилади. Бу маросим таг босди ёки юқ бости деб аталади. Келин отдан тушгач келин олдига чиқиши маросими ўтказилган. Келинни энг яқин кишилари тушириб олади. Сўнг уни куёвнинг ота-онаси, опаси, ака-укаси кутиб олади. Куёвнинг онаси келиннинг ота-онасига кийит беради. Боласи ўлган, боласиз ёки ажрашган кишилар келинни тушириб олмайди. Қорабоғда қудалар куёвнинг уйига келишганда ўнг елкасига ун сепишган.

Келин отдан туширилгач, оловдан ўтказиши маросими ўтказилади. Бунинг учун ҳовлининг кириш жойида олов ёқилади. Бедак, Боғлидара, Ёриқсой, Хатак ва Хўжанқон қишлоқларида олов ҳовли эшигининг икки четида ёндирилади. Қайнона келинини икки олов орасидан олиб ўтади. Қорабоғда эса, келин-куёв уч марта оловнинг олдидан айлантириб олинади. Бу маросим ҳар қандай зиён-захмат, сук ва

кинналар, одамларнинг юки оловда ёниб кетсин, уйга тозаланиб кирсинган мазмунда бажарилган [11].

Оловдан ўтказиш маросими тугаганидан кейин куёв келинни чимилдиққа бошлаб киради. Уйга кириш жойи, яъни бўсағада кўрпа тўшлиб, унинг устига бир кампир кўндалангига ётиб олади. Бу кампир ўлди маросими дейилади. Ҳамма «момо ўлди» деб туради. Келин ва куёв эса, «моможон, туриңг, сиз ўлманг, ҳали невараларингизга ҳам қарашасиз», деб момонинг устидан ҳатлаб ўтишади. Момонинг қўлидан ушлаб турғизишиади. Момонинг елкасига сарпо ёпилади. Момо келин-куёвга дуо бергач, куёв келинни чимилдиққа олиб кирган.

Корабоғда чимилдиқ ичида аввал оёқбости, кейин ойна кўрсатар маросими ўтказилади. Хатак, Хўжанқон, Бедак, Тангидевон қишлоқларида эса, ойна кўрсатар ва оёқ бости удумлари бўлмаган. Келин салом ўрнига юз кўримчи маросими ўтказилади. Бунда қайнона ва қайнота келинга кўрмана беришади. Бу туркий халқларга хос қадимий маросим бўлиб, унда келиннинг юзини ёпиб турган рўмолини кичкина ўғил бола чўп билан очади. Бунинг учун болага битта рўмол беришади. Келин-куёвга ширин сув ичирилган [12, Б. 112-115].

Чимилдиқда келин ва куёв ёлғиз қўйилмаган. Эс-хушли, боласи бор янгалардан бири уйнинг бурчагида, келин-куёв эса, чимилдиқ ичида ётишган. Күёвнинг уйида янгалар келиннинг сочига зулфак қўйишган. Бунинг учун аввал қошиқнинг дастасини мойлаб кейин оловга тоблаб қиздиришади. Сўнгра қулоқнинг икки томонидаги сочни пружинка қилиб бурайди. Зулф кажавадек бўлиб қолади.

Келин-куёв тўйдан кейинги қирқ кун давомида чиллада сақланади. Шу муддат ичида чимилдиқ хонаси ёлғиз қолмаслиги керак бўлади. Мабодо иш юзасидан бошқа жойга бормоқчи бўлса уйга бирон кишини, асосан ёш болани қўйиб кетиши лозим. Кичик чилла чиқмагунча келин ва куёв кечқурунлари кўчага чиқмайди. Боласи ўлганлар, икки никоҳли аёллар ва ажрашганлар ирим қилиниб чимилдиққа киритилмайди.

Тўйдан сўнг келин эрта тонгда ҳовлини супуради. Аммо унга бошқа иш буюришмайди. То янги тушган хонадонга мослашиб кетгунига қадар унга вақт беришади. Агар тўйдан кейинги уч кун ичида келинни уй ишлари билан банд қилишса, бу оиласдан дарз кетади, деган фикр бор. Уч кун ўтгач, қайнонаси келинга урчуқда оппоқ ипак беради. Келин аввал ипакни урчуқда йигиради. Шундан кейингина унга иш буюрилади. Чилла вақтида келинлар қора рангли кийимларни тикиши мумкин эмас. Негаки, баҳти бузилади деб ҳисоблайдилар.

Тўйдан уч кун ўтгач, куёв чақирди маросими ўтказилади. Қайнота ўз куёвини меҳмондорчиликка чақиради. Күёв ўзининг энг яқин кишилари билан бирга қайнотасининг уйига боради. Күёв чақирдига

дастлаб қайнота куёвнинг олдига биринчи бўлиб ошни қўяди, лекин куёв овқатни олмай туради. Шунда қайнота куёвни кўрманаси учун бир бузоқ сизга дегандан кейингина куёв овқатга қўл узатади. Бу совға мол боши дейилади. Келин ва куёв мол боши деб берилган сигирни мерос деб ҳеч қачон йўқотмайди, сотмайди. Бу сигирнинг боласини ҳам сотмайди. Қайнотаси берган сигирнинг наслини вақти келганда ўзининг боласига ҳам берган [13]. Куёв чақирдига иложи етган кишилар қўй, улоқ ёки қўзи сўйган, куёви ва у билан бирга келганларга тўн ёпади. Аёлларга кийит сарпо берилган.

Чимилдиқни ечиш маросими чилла тугаганидан кейин бўлиб ўтади. Айримлар чимилдиқни 40 кун, бошқалари эса, 3 ёки олти ойгача сақлашади. Чимилдиқни ечиш олдидан бир товоқ ош қилиниб Бибимушкул ўтказилади. Унда куёвнинг онаси, опаси, холаси, аммаси, келиннинг онаси, холаси, опаси, аммаси бўлади. Чимилдиқни кўп болали, бир никохлик момо ечган. Мазкур маросимда иложи етганлар қўй сўйиб, сарпо улашадилар. Иложи етмаганлар борини дастурхонга қўйиб меҳмон қиласидилар [14, С. 153].

Анъанавий тўйлар XX асрнинг 50-60-йилларига келиб аста-секин трансформацияга учрай бошлади. Никоҳ маросимларида келин-куёвларнинг европача кийимларни кийиши, тўйларнинг кечқурунлари «вечер»тарзида ўтказилиши, дастурхонгатурлиスピルチlichimlikларнинг қўйилиши одатий ҳолга айланди. Шу билан бирга, худудга хос бўлмаган одатларнинг кириб келиши кузатилмоқда. Жумладан, тўй кунлари келин-куёвларнинг қабристонларга бориши, паркларда сайр қилиши шулар жумласидандир.

Хуроса. Умуман олганда, Сурхон воҳасининг аҳолиси ҳаётида оиласи маросимлар муҳим ўрин тутган. Бу маросимлар кишининг туғилишидан тортиб то ўлимигача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олган. Етти ёшга тўлган ўғилларига суннат тўйларини ўтказиш, балоғат ёшига етганда қизлар учун тўққиз сепларини йиғиши, ўғил болалар учун янги уйлар қуриш удумга айланган. Никоҳ тўйларида бир қатор удумларни амалга оширишган бўлиб, улар аҳолининг яшаш жойи ва шароитига қараб турлича бўлган. Шунингдек, аҳолининг оммавий равишда чўлга қўчирилиши натижасида бу одатлар йўқолиб, ўрнига бошқа усусларга ўтилиши рўй берди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Турсунов С., Пардаев Т., Турсунов А., Тоғаева М. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи. –Тошкент: Мухаррир, 2012. – 200 б.
2. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Килкон қишлоғи, 2012 йил.
3. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 207-варак.

4. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 202,205,206-вараглар.
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 206, 210-вараглар.
6. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 192-варак.
7. Кисляков Н.А. Сайробские таджики // «Советская этнография». –Москва: Наука, 1965, №2. –17-27 с.
8. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Қизилолма, Хатак ва Қорабоғ қишлоқлари, 2022 йил.
9. Файзуллаева М. Ўзбек миллий таомлари ва тановул маданияти. –Тошкент: Tafakkur avlodi, 2021. – 360 б.
10. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Хатак, Ҳўжанқон, Тангидевон, Бедак, Килкон қишлоқлари, 2003 йил.
11. Турсунов С. Сурхондарё этнографияси. –Тошкент: Tafakkur, 2020. – 208 б.
12. Турсунов С., Пардаев Т., Қурбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти—Сурхондарё этнографияси. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 290 с.
13. Турсунов Н. Н., Алламуратов Ш. А. Этническая история горцев южного Узбекистана //Бюллетень науки и практики. – 2020. – Т. 6. – №. 6.
14. Дусназаров М. И., Жумаева Ш. Ч. Теоретические основы понятия семейного воспитания с позиций становления и развития культурной традиции //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2020. – №. 1. – С. 151-154.
15. Турсунов Н. Н., Алламуратов Ш. А. Развитие торговых отношений и ремесел в бекствах Восточной Бухары //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 3. – С. 348-353.
16. Алламуратов Ш., Джураева У. XIX аср охири–XX аср бошларида шарқий Бухоро бекликларида савдо-сотик ва хунармандчилик муносабатлари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 3/S. – С. 105-110.



## **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

**XALQ MAQOLLARI POETIKASI  
(o‘zbek va nemis xalq maqollari misolida)**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.004>

*Farruh Sadriiddinovich Bafoyev*

*filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), katta o‘qituvchi  
O‘zbekiston Milliy universiteti*

*Annotatsiya: Maqsad. Mazkur maqolada xalq maqollaridagi badiiy tasvir vositalari va usullari haqida fikr yuritilgan. Keltirilgan nazariy fikrlar o‘zbek va nemis xalq maqollaridan olingan misollar yordamida asoslab berilgan va tegishli xulosalar qilingan.*

*Metod. Tadqiqotni amalgalashda qiyosiy medotdan, shuningdek, tavsiflash, etnofolkloristik tahlil usullaridan foydalanilgan.*

*Natijalar. Badiiy san’atlar, tasvir vositalari va usullarining xalq maqollarpoetikasidagi o‘rnini va ahamiyati ochib berilgan. Mazkur vositalarning xalq maqollarining og‘izdan og‘izga o‘tishi va yashab qolishidagi vazifasi o‘zbek va nemis xalq maqollaridan olingan misollar yordamida asoslab berilgan, izohlangan.*

*Xulosa. Xalq maqollari poetikasini o‘rganish natijasida olingan xulosalar o‘zbek va nemis xalqlari badiiy tafakkurini o‘rganish va qiyosiy tahlil etish imkonini beradi. Shuningdek, olingan xulosalar mavjud til korpuslari ikki tilli lug‘atlarni yaratishda ham katta yordam berishi mumkin.*

*Kalit so‘zlar: majoz, takror usullari, leksik takror, fonetik takror, sintaktik takror, metafora, metonimiya, sinekdoxa, alliteratsiya.*

### **ПОЭТИКА НАРОДНЫХ ПОСЛОВИЦ (на примере узбекских и немецких народных пословиц)**

*Бафоев Farruh Sadriiddinovich*

*доктор филологических наук (PhD), старший преподаватель  
Национальный университет Узбекистана, Алмазарский район г.  
Ташкент*

*Аннотация: Цель. В данной статье размышляется о средствах и приемах художественного изображения в народных пословицах. Представленные теоретические мнения были обоснованы примерами из узбекских и немецких народных пословиц, и были сделаны соответствующие выводы.*

*Методы. При осуществлении исследования был использован сравнительный методичет, а также методы описания, этнофольклористического анализа.*



**Результаты.** Раскрывается место и значение художественных приемов, средств и приемов изображения в поэтике народных пословиц. Обоснована задача этих средств по переходу и выживанию народных пословиц из уст в уста, объяснена на примерах из узбекских и немецких народных пословиц.

**Выводы.** Выводы, полученные в результате изучения поэтики народных пословиц, позволяют провести изучение и сравнительный анализ художественного мышления узбекского и немецкого народов. Существуют также выводы, полученные из *language corps*, которые также могут оказать большую помощь в создании двуязычных словарей.

**Ключевые слова:** метафора, методы повторения, лексический повтор, фонетический повтор, синтаксический повтор, метафора, метонимия, синекдоха, аллитерация.

## POETICS OF FOLK PROVERBS (on the example of Uzbek and German folk Proverbs)

*Farruh Sadriddinovich Bafaev*

*doctor of philosophy in philological Sciences (PhD), Senior Lecturer  
National University of Uzbekistan, Almazar District of Tashkent City,  
Campus, University Street, 4*

*Abstract: Objective. This article reflects on the means and methods of artistic image in folk Proverbs. The theoretical opinions presented were substantiated using examples from Uzbek and German folk proverbs, and the corresponding conclusions were made.*

*Methods. In the implementation of the study, a comparative method was used, as well as methods of description, ethnofolchloristic analysis.*

*Findings. The place and importance of artistic arts, means and methods of image in the poetics of folk proverbs are revealed. The task of these tools in the transition and survival of folk proverbs from mouth to mouth is substantiated, explained using examples from Uzbek and German folk Proverbs.*

*Conclusions. The conclusions obtained as a result of the study of the poetics of folk Proverbs make it possible to study and comparative analysis of the artistic thinking of the Uzbek and German peoples. There are also conclusions obtained from language corps that can also be of great help in the creation of bilingual dictionaries.*

*Keywords: metaphor, repetition methods, lexical repetition, phonetic repetition, syntactic repetition, metaphor, metonymy, synecdoche, alliteration.*

**Kirish (introduction).** Xalq og‘zaki ijodining o‘ziga xos janrlaridan biri hisoblangan maqollar o‘zining shaklan qisqaligi, mazmunan serko‘lamligi bilan ajralib turadi. Ular zamonlar, davrlar o‘tsa-da, milliy-madaniy tilning

bezagi, ajralmas qismi sifatida, xalq nutqida qo'llanilib, yashab kelmoqda. Xo'sh, buning sababi nimada? Bizningcha, buning asosiy sabablaridan birinchisi, maqollarning shaklan ixchamligi, ikkinchisi, mazmunan boyligi, uchinchisi esa ularning yuksak badiiyatga, poetik go'zallikka ega ekanligidir. Bu sifatlarni deyarli barcha xalqlarning paremiologiyasida kuzatish mumkin. Ushbu maqolada biz maqollar poetikasidagi ayrim jihatlarga e'tibor qaratamiz.

Material va metod (materials and methods). Maqola mavzusini ochib berishda tasniflash, tavsiflash, qiyosiy-tipologik, struktural-semiotik hamda etnofolkloristik tahlil usullaridan foydalanildi.

Natijalar (results). Xalq maqollari badiiyatini ta'minlab turuvchi vositalardan biri bu majozdir. Uko'chimning bir turi hisoblanib, unda o'simlik, narsa-predmetlar va hayvonlar orqali insonlarga xos bo'lgan xarakter, holatlar ochib beriladi. Hayvonlar obrazi ishtirok etgan ibratli kichik hikoyalar, ya'ni masal asosida ham majoz yotadi. Ushbu badiiy san'at vositasida donishmand xalq ochiqchasiga aytolmagan gaplari, tanbehlari, hayotiy xulosalarini turli hayvon, narsa-predmetlar obraziga yashirib, umumlashma obrazlar yaratib, hayot voqeliklaridan chiqargan xulosalarini ifoda etadi. Quyidagi nemis maqolida sher va sichqon obrazlari aynan ana shu maqsadni yuzaga chiqarish uchun xizmat qilgan:

“Löwen fangen keine Mäuse”

(Sherlar sichqon ovlamaydi)

Ushbu nemis maqolida keltirilgan “Löwe” (sher) so'zi orqali hayot darajasi, obro'yи yuqori insonning obrazi ifodalangan, “Mäuse fangen” (sichqon ovlamoq) birikmasi orqali esa “sher” (mavqeyi yuqori bo'lgan shaxs) uchun nomutanosib, noloyiq ish ma'nosi anglashilmoqda. Maqolni ikki xil vaziyatda qo'llash mumkin. Birinchisi, maqol kontekstida ifodalanayotgan xabar shaklida: hayot darajasi yuqori bo'lgan, ko'plarning yo'lboshchisi, to'daboshisi (chunki sherga obrazli tafakkurda “o'rmon qiroli”, “hayvonlar podshohi” tasviriy ifodalari qo'llanadi) bo'lgan jonzot o'z darajasidan past bo'lgan, o'ziga noloyiq bo'lgan ish (sichqon ovlash)ni qilmasligi, ma'nosida. Ikkichisi, kesatiq, tanlangan yo'ldan qaytarish uchun chaqiriq ma'nosida: “Agar sen o'zingni “sher” – mard, zo'rlarning zo'ri hisoblasang, “sichqon ovlama”, o'zingga, yoshingga, mavqeyingga, insoniyligingga yarashadigan ishni qil. Aks holda nomingga dog' tushirasan, kulguga qolasan”, mazmunida. Yana bir misol:

“Eine angefaulte Birne verdirbt den ganzen Korb”

(Bir aynigan nok butun savatni aynitadi)

Ushbu nemis maqolidagi hukm, xulosaga kundalik turmushda kuzatilgan hodisa asos bo'lgan. Ya'ni, bir mahsulotda kuzatilgan biologik hodisa – bijg'ish jarayoni unga yaqin masofada turgan boshqa mahsulotlarga ham ta'sir qilishi haqida so'z bormoqda. Ammo uni ham ikki xil ma'noda tushunish

mumkin. Birinchisi, o‘z ma’nosida, ya’ni biologik hodisa ma’nosida. Ikkinchisi, majoziy ma’noda. Bunda “angefaulte Birne”, ya’ni “aynigan nok”timsolida tarbiyasi, axloqi, asliyati buzilgan inson obrazi, “Korb”, ya’ni “savat” timsolida esa insonlar jamoasi, omma, jamiyat ma’nosи nazarda tutilmoqda. YA’ni tarbiyasi yaxshi bo‘lmagan, asliyatdan aynigan inson o‘zi kirgan jamoani ham buzishi, ularga ham ta’sir etishi, o‘ziga o‘xshatib qo‘yishi mumkinligi kuzatilgan hayotiy misol orqali berilmoqda. Ushbu maqolning yana bir variantida (“Ein fauler Apfel verdirbt den ganzen Korb” ya’ni “Bir chirigan olma butun savatni chiritadi”) fikr uchun “olma” mevasi asos qilib olinadi.

Ushbu maqolga muqobil sifatida o‘zbek folkloridagi “Bir tirraqi buzoq butun podani buzadi” paremiologik birligini keltirish mumkin. Uni ham ikki xil ma’noda: o‘z va ko‘chma ma’noda tushunish, qo‘llash mumkin. Birinchisi, chorvachilikda kuzatiladigan holat, ikkinchisi, insonlar jamoasidagi holat ma’nosida. Majozan “tirraqi buzoq” tarbiyasi, axloqi buzilgan, saviyasi yaxshi bo‘lmagan inson, “poda” esa “insonlar jamoasi, jamiyat” ma’nosida kelmoqda. Ya’ni bir tarbiya ko‘rmagan, ma’naviy qashshoq kishi atrofidagi jamoaga ham ta’sir o‘tkazishi, ularni ham “buzishi”, tarbiyasiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkinligi bir tabiat hodisasi vositasida ifodalanmoqda. Ushbu bir-biriga muqobil bo‘la oluvchi ikki xalq maqollarida xulosaga asos bo‘lgan voqealar turli muhit, vaziyat taqozosidan kelib chiqqan. Nemis xalq maqolida izohlangan holat (“Bir aynigan nok butun savatni aynitishi mumkinligi”) dehqonchilik yoki tijorat jarayonidan, o‘zbek xalq maqolida esa (Bir tirraqi buzoqning butun podani buzishi) chorvachilik muhitidan kelib chiqqan. Shu sababli ham ulardagi fikr bir bo‘lsa-da, maqol mazmunini ifodalovchi holat va obrazlar bir-biridan farq qiladi. Bu kabi maqollar dastlab o‘z ma’nosida qo‘llangan, “kishilarning qadimiy jonli kuzatishlari asosida yuzaga kelgan maqol keyinchalik sof ijtimoiy ma’no kasb etgan” [7;99].

O‘zbek va nemis maqollarida majozni yuzaga kelish holatlarini kuzatib, quyidagi o‘ziga xosliklarga duch keldik. It, eshak, ot kabi jonzotlar har ikkala xalq maqollarida ko‘p qo‘llangan. Nemis maqollarida majozga asos sifatida tulki, bo‘ri, maymun, burgut, sigir kabilar vosita qilib olinsa, o‘zbek maqollarida esa tuya, echki, qo‘y, tovuq, bulbul kabi uy hayvonlari va parranda nomlari ko‘proq qo‘llanganiga guvoh bo‘ldik.

Xalq maqollari matnida uchrovchi ko‘chim turlaridan yana biri metaforadir. U ma’no ko‘chishining eng ko‘p qo‘llanuvchi turlaridan biri bo‘lib, unga narsa-predmet, voqeа-hodisalar orasidagi o‘xshashliklar asos qilib olinadi. O‘xshatish asosi, vosita, o‘xshamish kabi unsurlarga ortiqcha izohlar berilmaganligi sababli ham qisqa shakl orqali katta mazmunni ifodalovchi maqol janri uchun asosiy vositalardan biri sanaladi:

O‘zbek xalq maqoli: Yuqtuning kaliti – mehnat.

Nemis xalq maqoli: Arbeit ist der Ehre Mutter.  
(Mehnat – shuhratning onasi)

Inson hayoti davomida nimagaki erishsa, harakati, mehnati orqali erishadi. SHu sababli ham yuqoridagi o‘zbek maqolida mehnat go‘yoki shuhrat eshigini ochuvchi vosita – kalitga o‘xshatilyapti. Ushbu maqolga mazmunan muqobil bo‘luvchi nemis xalq maqolida esa inson o‘z mehnati tufayli shuhratga, sharafga erishadi, mehnatdan muvaffaqiyat tug‘iladi, degan mazmunda mehnatni hurmat, e’tibor, shuhrat, e’tirofning onasiga o‘xshatish orqali go‘zal obraz yaratilgan.

Metafora “o‘xhash narsalar yoki tashqi ko‘rinish o‘rtasida (o‘xhash yoki bir xil ma’no yoki vazifasiga ko‘ra) umumiyliklar natijasida kelib chiqadigan tasviriy ifoda” [6;149] hisoblanadi. Unda ikki narsa-predmet, voqeа-hodisa, ish-harakat, insonlar va hayvonlarni to‘g‘ridan to‘g‘ri parallel qo‘yish orqali bir-biriga o‘xhatiladi, o‘xshatish asosi (nimaga ko‘ra o‘xhatilayotgani: shakli, vazifasi, belgisi) va vosita (singari, xuddi, -day, -dek so‘z va qo‘sishchalar) qo‘llanilmaydi. SHu belgisiga ko‘ra, o‘xshatish (istiora) dan farqlanadi. M.Shamsiyeva fikricha, metafora maqollarning semantik markazi bo‘lib, etnomadaniy metaforalarning qo‘llanishi maqollarni obrazli qiladi. U mazkur til jamiyatining qadriyatlar tizimi in’ikosi sanaladi[10;115]. Masalan, “Yomon do‘st – ko‘lanka”. Ushbu o‘zbek xalq maqolida yomon do‘st ko‘lanka, soyaga o‘xhatilyapti. Boisi, u (yomon do‘st) soya singari: quyoshli kun (omadi kelgan paytda)da bor, qorong‘u, yomg‘irli (qayg‘uli, qo‘lida mol-davlati bo‘lmagan kun) kunda yo‘q. Yoki “Auge ist der Seele Spiegel” (Ko‘z – ko‘ngil oynasi) nemis xalq maqolida ko‘z qalbdagi holat, his-tuyg‘u, kechinmani ko‘rsatib turuvchi ko‘zguga o‘xhatilyapti. Yoki nemischa “Galle im Herzen, Honig im Mund” (Tilida asal, dilida zahar) maqolida inson tilidan chiqadigan yaxshi so‘zlar yoqimligi nuqtai nazardan asalga, kishi qalbida bo‘ladigan yomon niyat, o‘ylov, fikr zaharga qiyoslanib, metaforik yo‘l bilan to‘g‘ridan to‘g‘ri o‘xshatish qilinyapti. Ushbu misollarda maqolning janriy xususiyatiga ko‘ra qisqalikka amal qilinayotganligini kuzatish mumkin. Unda aytilmoqchi bo‘lgan fikrni anglash esa tinglovchi o‘zi tafakkur qilishiga to‘g‘ri keladi. “Maqoldagi asosiy mazmunni keng bayon etish, uning mohiyatini atroflicha sharhlashga janr tabiatidagi lo‘ndalik, ixchamlik yo‘l bermadi. Shuning uchun ham mazkur janrda istioraviy (metaforik) tasvir juda qo‘l keladi” [4;98]. Balog‘at ilmida metafora san’ati tashbeh deb yuritiladi.

Ko‘chimning yana bir turi bo‘lgan metonimiya narsa-predmetlar orasidagi aloqadorlikka asoslanadi.

Eine angefaulte Birne verdirbt einen ganzen Korb.

(Chirigan nok butun savatni aynitadi)

Ushbu nemis xalq maqolida “savatdagi barcha noklar” so‘zi o‘rniga

“butun savat” birikmasi qo‘llangan. Ammo ma’no jihatidan savatdagi barcha mevalar ma’nosи anglashilaveradi. Bu holatni biz ushbu maqolning o‘zbek folkloridagi muqobilida ham kuzatishimiz mumkin:

Bitta shaltoq buzoq bir podani buzadi.

Yoki: So‘fi kavush o‘g‘irlar,

Eski choponni o‘g‘ri qilar.

Maqolda “podadagi qo‘ylar” ma’nosida “poda”, “eski choponli odam” ma’nosida “eski chopon” so‘zлari qo‘llanib, so‘zlovchi uchun tanish bo‘lgan holatni qayta nomlash orqali fikriy ixchamlikka erishilgan.

Jonlantirish ham maqollar badiiyatida alohida o‘ringa ega. Ushbu vosita mumtoz va zamonaviy adabiyotda keng tarqalgan she’riy san’atlardan biri bo‘lib, jonsiz narsalarga jon kiritish, shaxsga xos bo‘lgan harakat, belgilarni jonsiz narsalarga ko‘chirishda namoyon bo‘ladi. Filologiya fanlari nomzodi B.Soatov o‘z risolasida jonlantirish san’ati tarixi haqida shunday yozadi: “Tarixan jonlantirish uzoq ajdodlarimizning animistik (ruhlar haqidagi) qarashlari asosida yuzaga kelgan bo‘lsa-da, keyinchalik ruhlar haqidagi qarashlar ilm-fan, texnika va madaniyat taraqqiyoti tufayli barham topgach, badiiy-tasviriy vosita sifatida saqlanib qolgan” [7;108]. Endi o‘zbek va nemis xalq maqollaridagi jonlantirish san’ati qo‘llanilgan o‘rnlarga e’tibor qaratsak.

“Der Ball sieht den guten Spieler”

(To‘p yaxshi o‘yinchini ko‘radi)

Mazkur nemis maqolida harakatchan, o‘z sohasining ustasi bo‘lgan, omadli, mohir odam (o‘yinchi) omadni (to‘pni) emas, aksincha, omad (to‘p) o‘z ishida mohir odamni (o‘yinchini) topishi haqida so‘z boryapti. “To‘p” elementi esa jonlantirish san’atiga asos bo‘lmoqda. Yana bir misol:

Unglück trifft nur die Armen.

(Baxtsizlik kambag‘alni topadi)

Ushbu paremiologik birlik yuqoridagi maqolning zidi bo‘lib, undan ikki xil ma’noni anglash mumkin. Birinchidan, kambag‘al odamning har jabhada omadi yurishmasligi, nimaki salbiy holatlar bo‘lsa, u tomon borishi xulosaga asos bo‘lmoqda. Bunda ijtimoiy muhitdagi holat ochib beriladi. Ikkinchidan, odatda, kambag‘allik odamning o‘z aybi, harakatsizligi bilan yuzaga keladi. “Agar sen ham baxtsizlik ortingdan yurishini xohlamasang, harakatda bo‘l va boyi”, degan tashviqot ham bor. Ushbu maqolga o‘zbek folkloridagi “Kambag‘alni tuyaning ustida ham it qopadi”, “Kambag‘alni urma-so‘kma, to‘nini yirt” paremiologik birlklari misol bo‘la oladi.

Jonlantirish san’atini o‘zbek folkloridagi maqollarda ham kuzatish mumkin. Masalan, “Jangal o‘zin bog‘ sanar”, “Ignay qayoqqa yursa, ip ham shu yoqqa yuradi”, “Kekkayish – terakka yarashar”. Birinchi maqolda qo‘llangan “jangal” so‘zi orqali o‘ziga ortiqcha bino qo‘ygan, kekkaygan, aslida hech

narsaga arzimaydigan inson obrazi jonli ravishda gavdalantirilmoqda. Xuddi shu kabi ikkinchi maqolda “igna”, “ip”; uchinchi maqolda “terak” obrazlari misolida jonlantirish san’ati hosil bo‘lgan. Xullas, donishmand xalq o‘z maqollarida jonlantirish san’ati orqali o‘z xulosalarini obrazli va ta’sirli qilib ifodalagan.

Nutqiy aloqa jarayonida ba’zi gap bo‘laklarining muayyan maqsad bilan tushirilish hodisasi, ya’ni ellipsis ham maqollar badiiyatida eng ko‘p kuzatiladigan usullardan biri sanaladi. Bu usul mohiyatan lo‘nda, qisqa shakl orqali olam-olam ma’noni ifodalovchi maqollardagi lakonizm darajasini yanada oshishiga sabab bo‘ladi. Masalan:

Ko‘ngil o‘yga to‘lmas,

Bo‘ri – qo‘yga.

Yoki: Olg‘irlilik ofat keltirar,

Badnafslik – falokat.

Berilgan maqollarning har ikkalasida ham birinchi komponentda qo‘llangan harakatni ifodalovchi so‘zlar (to‘ymas, keltirar) maqollarning ikkinchi komponentida tushib qolgan. Ammo ularning borligi maqolning shakl va ma’nosida bilinib turadi. Bu holatni nemis xalq maqollarida ham kuzatish mumkin.

Der eine hat den Beutel, der andere das Geld.

Tarjimasi: Birovning hamyonini bor, birovning – puli.

Yoki: Lehre tut viel, das Leben mehr.

Tarjimasi: Ilm ko‘pni o‘rgatadi,

Hayot – ko‘proqni.

Har ikkala maqolda ham birinchi komponentda ishlatilgan “izoh” tushib qolgan. Ammo uning ma’nosi va ishtiroki maqol kontekstidan anglashiladi. Ko‘rinadiki, har ikkala xalq maqollarida ham ellipsis hodisasi maqoldagi “izoh”ning (tilshunoslik nuqtai nazaridan kesimlarning) tushib qolishi bilan xarakterlanadi.

Ma’rufjon Yo‘ldoshev o‘z monografiyasida ellipsis hodisasi xalq maqollari matnida juda ko‘plab uchrashini yozar ekan, so‘zlarning tushirilishi natijasida maqol tabiatiga xos ixchamlik va ifodalilik yuzaga kelishini alohida ta’kidlab o‘tadi [5;225].

Xalq maqollaridagi badiiy vositalardan yana biri parallelizmdir. U ikki narsa, voqeа-hodisalarни o‘zaro taqqoslash, qiyoslash orqali muayyan fikrni ifodalash uchun xizmat qiladi. Uni shartli ravishda “qiyos” san’ati deb ham atash mumkin. M.A.Ribnikova fikricha, maqollar hodisalarни qiyoslash, o‘xshatish yo‘li bilan tavsiflaydi. Bu ularga hodisalarни g‘ayrioddiy darajada keng va erkin tarzda aniqlash imkonini beradi [8;13]. Shu sababli bo‘lsa kerak, barcha xalqlar maqollarida ushbu hodisani kuzatish mumkin:

Er tug‘ilsa – elning baxti,



Yomg‘ir yog‘sa – arning baxti.

Yoki: Qiyshiq arava yo‘l buzar,

Qozi, mulla el buzar.

Bilamiz, er leksemasi haqiqiy, mard, jasur yigitni ifodalaydi. Uning tug‘ilishi bilan yurtni himoya qiladigan, asrab-avaylaydiganlar safi yana bittaga ko‘payadi. Bu esa elning baxti hisoblanadi. Xuddi shuningdek, yomg‘ir qut-baraka timsoli hisoblanadi. Shu sababli yomg‘ir kelishi bilan erga jon kiradi, unda ekilgan o‘simpliklarning unishi, o‘sishi uchun zamin hozirlanadi. Bu esa ayniqsa, qurg‘oqchilik, suv taqchilligi paytida er, er timsolida esa dehqon uchun ulkan baxt hisoblanadi. Maqolda ana shu ikki hodisa parallel kelishi orqali, fikr ravshan ifodalanmoqda. Yuqoridagi ikkinchi maqolda poraxo‘r qozilar, riyokor mullalar haqida so‘z bormoqda. Ular o‘zlarining noplari, adolatsiz ishlari bilan el orasiga g‘avg‘o solishi, odamlar orasini buzishi maqolning birinchi komponentidagi hayotiy misol – “qiyshiq aravaning soz yo‘llarni buzishi” orqali yana ham ta’sirliroq, obrazli tarzda ifodalangan. Maqollardagi asosiy fikr ikkinchi komponentda ifodalanmoqda. Ushbu tasvir usuli nemis xalq maqollarida ham uchraydi:

Arbeit bringt Brot,

Faulenzen Hungersnot.

Tarjimasi: Mehnat non keltirar,

YAlqovlik – ochlik.

Ushbu nemis maqolida ikki hodisa (mehnatkashlik va yalqovlik) parallel keltirib, o‘zaro qarama-qarshi qo‘yilib, shu orqali xulosaviy hukm ifodalanmoqda. Ko‘rinib turganidek, yuqoridagi o‘zbek va nemis maqollarida qo‘llangan “paralellizm tasvirlanayotgan narsa-hodisalar orasidagi o‘xshashlik yoki zidlik tufayli obrazni jonli tasvirlash, his-tuyg‘uni yorqin ifodalash imkonini” bergen [1;214].

Maqollar matnida keladigan parallelizmni mazmuniga ko‘ra uch guruhga bo‘ldik:

a) noziddiy qiyos – qismlari zidlanish orqali bog‘lanmagan birliklarning parallel kelishi;

b) ziddiy qiyos – qismlari zidlanish orqali bog‘langan birliklarning parallel kelishi.

Tadqiqotchi J.Djumabaeva, N.Abdullaeva o‘zbek va ingliz maqollaridagi graduonomiya hodisasini qiyoslar ekan, shunday xulosaga keladi: “O‘zbek xalq maqollarida bir holat ikkinchisi bilan qiyoslanishi aynan ulardagi graduonimlar yordamida amalga oshiriladi. Ingliz tilidagi maqollarda bunday qiyoslashlar kam uchrovchi holatdir. SHu bilan birga, o‘zbek tilidagi maqollarda siklik graduonimik qator a’zolari ko‘p uchraydi va bu holat mazkur maqollarning semantik hamda stilistik xususiyatlarini kuchaytirib beradi” [3;33].

Xalq maqollariga go‘zal badiiyat, o‘ziga xos ohang bag‘ishlab turadigan  
<http://interscience.uz>

vositalardan yana biri bu qofiyadir. U matnga o‘ziga xos o‘ynoqilik, ohang beradi. SHu sababli bo‘lsa kerak, ular kishilar xotirasiga oson o‘rnashadi.

Qofiyadosh so‘zlar asosan ikki va undan ortiq komponentga ega bo‘lgan maqollar matnida uchraydi:

Aqli desang ahmoqni,  
Boshga urar to‘qmoqni.

Yoki: Go‘ja tuy sang, mayda tuy,  
Qaynotangni tishi yo‘q,  
Qayga borsang, shunda bor,  
Qaynonangni ishi yo‘q.

Nemis maqollarida bir komponentli maqollar ham o‘ziga xos qofiyalanish tizimiga ega eganligi bilan ajralib turadi. Masalan, “Borgen macht Sorgen”, “Salz und Brot machen die Wangen rot”, “Eile mit Weile”, “Eintracht bringt Macht”, “Leben heisst Kämpfen” maqollarida fikr juda qisqa shaklda ifoda etilgan bo‘lsa-da, so‘zlarning aksariyati qofiyalangan. Bu maqollarga o‘ziga xos o‘ynoqilik bag‘ishlagan.

**Abstract:** the article analyzes the features of expression and aspects of the meaning of metaphors used in the text of the novels of the Hassos writer Isadjon Sultan. In addition, aspects that show the specific capabilities and skills of self-expression of the writer were scientifically investigated. In literary

*texts, especially in works of a large epic genre, the pragmatic possibilities of obtaining a good profit from metaphors are linguistically studied.*

**Keywords:** literary text, discourse, metaphorical meaning, novel, epic works, aspects of meaning, methodological possibility, pragmatic analysis, linguistic research, associative meaning

Системада муҳим ва муҳим бўлмаган унсурлар мавжуддир. Муҳим унсурлар системанинг мавжудлигини таъминлайди ва шу хусусияти билан номуҳим унсурлардан фарқланади. Систем-структур ёндашувда системавий белгиларнинг система ташкил этувчи, системада ҳосил бўлувчи ва системага бетараф турларининг ажратилиши ҳам маълум даражада унсурларнинг муҳим/номуҳимлигига мувофиқ келади. Метафоралар лисоний тизимда ўзига хос ўрин эгалловчи бирликлардан ҳисобланади.

А.В.Мясникова, Е.В.Аликиналарга кўра, метафора энг кенг тарқалган кўчимлардан бири бўлиб, қадим замонлардан бери олимлар ва маданият арбобларининг эътиборини тортиди[10]. Метафорани ўрганишнинг бошланиши Аристотелга бориб қадалади, унинг қарашлари издошлари томонидан умумлаштирилган. Аристотел таърифи анча кенг, бироз мавҳумроқ: “Кўчма сўз (метафора) нарсага хос бўлмаган, жинсдан турга, ёки турдан жинсга, ёхуд турдан турга кўчирилган ё ўхшатилган сўздир”.

1. Жинсдан турга кўчирилган сўзларга “Ана менинг кемам турибди” жумласи мисол бўла олади. Бу ерда умуман “турибди” сўзи “лангарда турибди” хусусий маъносини англатади.

2. Турдан жинсга кўчирилган сўзлар. “Минглаб шавкатли ишларни қилди Одиссей...” жумласидаги “минглаб” сўзи умуман “кўплаб”нинг хусусий ҳолати бўлгани учун, бу ўринда “кўплаб” маъносини англатади.

3. Турдан турга кўчирилган сўзлар. Масалан, “Мис билан жонни бўшатиб” ва “сув заррасини чарчамас мис билан кесиб”. Биринчи ҳолда “бўшатиб” сўзи “кесиб” маъносида, иккинчи ҳолда “кесиб” сўзи “бўшатиб” деган маънода келяпти.

4. Ўхшатилган сўз бу ерда мен иккинчи сўз биринчисига қанчалик алоқаси бўлса, тўртинчи сўз учинчисига шунчалик алоқадор бўлган ҳолни назарда тутаман. Шунинг учун (шоир) иккинчи сўз ўрнига тўртинчини ёки тўртинчи сўз ўрнига иккинчисини айтиш мумкин. Гоҳо бунга алмаштирилган сўзлар алоқадор бўлган сўз ҳам қўшилади. Масалан, коса Дионисга қанчалик алоқадор бўлса, қалқон Аресга шунчалик алоқадор. Шунинг учун косани “Дионис қалқони”, қалқонни эса “Арес косаси” дейиш ҳам мумкин”[1]. А.Ричардс, М. Блек, Н.Д.Арутюнова, М.Жонсон, Ж.Лакофф ва бошқалар каби машхур тилшунослар метафорани ўрганиш ва унинг тилдаги ўрни ва ролини

аниқлашга катта таъсир кўрсатди[6].

Хозирги замон тилшунослигига тилга антропоморфик ёндашувнинг доминант роли туфайли фаннинг турли соҳалари тизимлари атамасида антропоморф метафораларни ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Бир томондан, биз ўзгармас хусусиятлари бирёқламалик, тўлақонлик, ёндошлиқ, стилистик бетарафлик ва контекстда мустақиллик бўлган атама билан шуғулланамиз, метафора эса ёрқинлик, образлилик, экспрессивлик ва эмоционаллик мавжудлигини назарда тутади.

Н.Д.Арутюнова антропоморфик метафора инсон концептуал ва оғзаки тизимларини қуришда, атроф-муҳитни таснифлашда, шунингдек, фикрлаш ва идрок жараёнларида муҳим рол ўйнашини таъкидлайди[1].

Баку давлат университети профессори Севиндж Магеррамова: “Маълумки, метафора қиёслашга асосланади. Инсон номаълумни маълум билан таққослаши мумкин ва бу унинг объектив ҳақиқатга муносабатини кўрсатади. Азал-азалдан метафоризация, аввало, инсоннинг бевосита муҳитидан энг таниқли тушунча ва предметларни ифодаловчи сўзларга нисбатан қўлланилган”[4] деб таъкидлайди.

Г.Насруллаева шеърий матнларда метафораларнинг ифода имкониятларини таҳлил қиларкан қуйидаги мисолни келтиради: / Тонг очар кўзларин эриниб,/ Севинчдан йиглайди қиёқлар/ Чечаклар жилмаяр севиниб/ Шамолда чўмилар гиёҳлар (Ҳамид Олимжон “Чимён эсадаликлари”).[4] Ажратиб кўрсатилган ҳолатларда инсонга хос бўлган хусусиятлар акс этган. Ўзбек тили учун бу кенг тарқалган ҳолат.

Одамга хос бўлган нарсаларнинг қўчиши механизмини тадқиқотчи Г.Қобулжонова қуйидагича кўрсатади: “Нарса – аниқ нарса

1-мисол. Ойнаи жаҳоннинг қулоғи буралса ... (А.Обиджон)

Бу ўринда “қулоғи” сўзи орқали ҳосил қилинган. Қулоқ – метафорик сўз, ойнаи жаҳон – метафораланаётган сўз, тема – бураладиган қисм. Энди “қулоқ” сўзини семаларга ажратамиз:

- Кулоқ – 1) инсонга хос нарса;
- 2) эшитиш органи;
- 3) юқорида жойлашган;
- 4) танага (бошга) ёпишиб туради.

Семалар таркибидағи 4-сема бир оз ойнаи жаҳонга боғланиши мумкин. Чунки ойнаи жаҳоннинг қулоғи, яъни бураладиган қисми ҳам унга ёпишган бўлади. Шу асосга кўра, сема маълум маънода метафора (кўчим) асоси бўлиши мумкин. Қулоқ аниқ нарсани ифода этади. Шунинг учун бу кўчим нарса – аниқ нарса турдаги кўчимни ташкил қиласи. Бу кўчим метафора унсурларининг ўзаро муносабатига кўра аосос метафора, очик, ноэкспрессив (дастлаб экспрессив бўлган, хозир эса йўқ), муентазам, луғавий метафорадир.



2-мисол. Ошхона олдидаги уч оёқли стол ... (А.Обиджон)

Ушбу мисолдаги кўчим оёқ сўзи орқали ифодаланган бўлиб, стол - метафораланаётган сўз, оёқ – метафоралаётган сўз, тема – мувозанатни тикловчи ёки тираб турувчи.

Оёқ – 1) инсонга хос нарса;

2) қуида жойлашган;

3) танани кўтариб туради;

4) юриш учун хосланган;

семалардан иборат.

Бу семалар қаторидаги 2-3 сема (кўтариб турувчи) кўчим асосини белгилайди. Чунки столнинг оёғи дейилганда шу кўтариб турувчи тахта қисмлари тушунилади. Ана шу ўҳшашлик жиҳатидан кўчирилган номдир.

Бу кўчим ҳам нарса – аниқ нарса турдаги кўчимдир. Метафора унсурларининг ўзаро муносабатига кўра асос метафора, очиқ, ноэкспрессив, муназам, лугавий метафора”[7].

Тадқиқотчи метафоранинг ўҳшатиш асосига қурилганлигини ҳисобга олиб метафора ҳосил бўлиши учун 3 та асос талаб этилишини қуидагича белгилайди:

тема – қиёсланаётган нарса, ифода воситаси – темага қиёс бўлган нарса, қиёс учун асос – темага ҳам, ифода воситасига ҳам тегишли бўлган умумий белги.

Метафорик кўчаётган ном ва унинг базаси (кўчиш ўрни) орасидаги муносабатлар турли-туман бўлиши мумкин[7].

Бадиий нутқда антропоморфик метафоранинг когнитив табиатиҳақида фикр юритилганда шуни таъкидлаш керакки Ж.Лакофф ва М.Жонсонни ўрганиш учун когнитив ёндашув вакиллари атрофдаги ҳақиқатни метафорик идрок этишда инсон мойиллигига ишора қиласди[3].

Эпик асарларда метафораларнинг ифода хусусиятлари ўзига хос бўлиб, бунга ишноч ҳосил қилиш учун, масалан, ёзувчи И.Султон романлари матнини лисоний таҳлил қилиб қўриш мумкин:

Жазиранинг топ-тоза мовий осмонида бир парча оқ булат сузмоқда эди. Бу булат бундан етти ҳафта бу рун Қизил денгизнинг чучук сувли оқимлари устида пайдо бўлган, тинимсиз эсувчи баэфи муҳит еллари уни Арабистон чўлларига қадар қанотларида авайлаб олиб келишиб, чўл шамолларига топширган эдилар. Саҳронинг курюқ шамоли ҳозир уни эҳтиётлик билан суриб бормоқда эди. (И.Султон, Боқий дарбадар).

Юқоридаги матнда ажратиб кўрсатилаган сўзлар ўз маъноларидан ташқари бошқа коннататив маъно ифодаламоқда. Ҳар бир ҳаракатида

унинг ўзлиги намоён бўлади. Бу ўзлик – биргаликда, унинг заминида бўй кўрсатиб турган ментал ва бошқа инсоний сифатлар, соддалик ва ғўрлик хусусиятлари яхлитлиги сифатида юзага чиқади. Унинг нутқидаги ҳар бир ифодада бу сифатлар зоҳир бўлади.

Шунингдек ёзувчининг “Генетик” романи матнида ҳам метафоралар янги маъно қирраларини намоён этган:

Кишлоқ. Ёз. Жазира.

Қоқ туш маҳали бақатерак остидан заиф бир “пуф” елиб ўтади.

У – шу маконнинг митти эпкини. Терак баргларини бир чайқатади-ю, ариқ бўйига ўзини ташлайди. Яна бирини сув шабадаси дейдилар. Қайрағочдан узоққа кетолмай, камбар барглар орасида айланиб эсадиганиям бор. Қуввати кучлироқ бўлгани сабабли сал берироққа келиб, иссиқда қимир этмай турган жўхориларнинг узун, сарик ҳошияли япроқларини чайқатиб ўйнайди.

Баъзилари йўлларда шўхлик қилишади. Қумоқ йўлдан кетаверингчи. Йўл ўртасида ё четида митти гирдоб ясаб, тупроқ тўзғитиб пириллаётган қуюнчани кўриб қоласиз. Бироздан кейин ўз-ўзидан тиниб, майда хас-чўпларни сочиб юборади. Яна бир турли шабада тонгу шомда бедазорлар томондан эсади. Саҳарлаб ўша ёққа кетиб, оқшом изига қайтса керак. Бедазорга етгунича томорқалар узра елади. Кўшнининг қўзи кўр лайчаси уни сезиб, хуради.

– Итга ўхшамай ўл, мунча хурасан? – дейди она унга.

Олислардан келадиган қудратли шамол эса теваракни кулрангга ўзгартириб юборади. Балки чанг кўтаргани учун само қул тусиға кирав? Аввалига кўкларда елади, кейин пастга тушганида бенихоя кўп товушлар ҳосил қиласди. Девор бошидаги гувалаклар бўғиқ гувиллайди. Бўғотлардан ҳам шунаقا сас чиқади. Дарвоза ёриқларидан кириб хуштак чалади. Ҳовлида валишга илиб қўйилган толсават чўплари шириллайди. Она дорга осган кирларини уйга олиб кириб кетган. Таранг тортилган чилвир дириллаган сас чиқара бошлайди.

Мазкур матнда ҳам ажратиб корсатилган сўз ва иборалар денотатив эмас, аксинча коннотатив маъно оттенкаларини ифодаламоқда. Жумладан, шамол ва елларга нисбатан қўлланган чайқатади, ўзини ташлайди, чайқатиб ўйнайди, шўхлик қилишади, изига қайтади, хуштак чалади каби сўз ва иборалар ўхшатиш маъносида кўчма маънолар касб этганини англаш қийин эмас.

Ёки ёзувчининг айрим пейзажларида метафоранинг бошқа муаллифларда учрамайдиган ифодалари намоён бўлади:

Сап-сарик қуёш самога кўтарилиганида, осмон бағридаги бир нечта булут ер бетида аста силжувчи сояларни ва ҳар ер-ҳар ерда осмондан ергача инган ёрқин нур дасталарини ҳосил қиласди. Нурлар дов-дараҳт



ва бута шохларига зар либосини кийдирса, булут кўланкалари уларни бирпасда кулрангга бўйяди. Офтоб кўтарилигани сайн буталар, кичик қирлар, оғочларнинг узун соялари қисқариб, ўзига ўхшамай қолади, кичрая-кичрая, эгалари пойида ётган хуфя аскарларга айланишади. У аскарлар ер бетида ҳар ер-ҳар ерда, худди дала-туз тинчини қўриқлаган каби, ҳар дўнг, ҳар тепа, ҳар бута остида туришади, бирининг милтифи, бирининг камони, яна бирининг қалқони кўланка бўлиб кўзга ташланади.

Бу ўринда ҳам либос кийдирмоқ, бўямоқ, хуфя аскарга айланмоқ кабилар инсонга хос бўлгани ҳолда қуёш нурлари ва сояларга нисбат берилмоқда.

Холоса ўрнида айтиш керакки, асосан, шеърий асарларда фаол бадиий тасвир ифода воситаси ҳисобланган метафоралар насирий асараларда ўзига хос ўрнига эга, айниқса, Исажон Султон каби борча романларида асар бошланиши ва зарур ўринларда табиат тасвирини инсон характери ва кайфиятига мос ҳолда тасвирловчи, инсон ва борликни уйғунликда кашф этувчи ижодкорлар, албатта, метафорасиз ижод қила олмайди. Шу маънода бадиий матнлар, хусусан, катта эпик жанрлар матнини ҳам метафоралар мисолида лингвистик, прагматик таҳлил қилиш ўзбек тилшунослиги, қолаверса, метафораларнинг ўрганилиши учун катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аристотель. Поэтика. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б.43-45
2. Арутюнова, Н.Д. Метафора и дискурс / Н.Д. Арутюнова // Теория метафоры / Общ. ред. Н.Д. Арутюновой, М.А. Журинской. – М.: Прогресс, 1990. – С. 5-32.
3. Лакофф, Дж. Метафоры, которыми мы живем: учебное пособие /Дж. Лакофф, М. Джонсон. –М.: Изд-во УРСС научной и учебной литературы, 1990. – С. 387–415
4. Насруллаева Г. Антропоморфик метафоранинг социолингвистик хусусиятлари ва лексикографик тадқиқи масалалари. Фил. фан.д-ри илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Фарғона. 2022. 58 б.
5. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1971. (– 291 с.) – С.46-47.
6. Теория метафоры /Общ. ред. Н.Д. Арутюновой, М.А. Журинской. – М.: Прогресс, 1990.
7. Кобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филология фанлари номзоди илмий дар. олиш учун ёзилган диссертация –Т., 2000. – Б.72
8. <https://gisap.eu/ru/node/7709>
9. <https://leksii.org/12-47199.html>

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ ПУБЛИЦИСТИК МАТНЛАРДА МЕТАФОРАЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.008>

Хамидов Ҳайдар,

*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот  
технологиялари университетининг Қарши филиали тадқиқотчиси*

**Аннотация:** мақолада оммавий ахборот воситалари, жумладан, электрон сайтларда, ижтимоий тармоқларда фикр ифодалашда метафоралардан фойдаланиши имкониятлари ва мазкур контекстларда метафораларнинг янги маъно ва ифода қирраларнинг намоён бўлиши, ўзбек ва дунё тилиунослигига шундай метафораларнинг ўрганилиши билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиган.

**Калит сўзлар:** маъно кўчиши йўллари, ўхшашилик асосида маъно кўчиши, ижтиоий тармоқ, оммавий ахборот, публицистик матн, дискурс, сайт.

## ВЫРАЖЕНИЕ МЕТАФОР В ПУБЛИЦИСТИЧЕСКИХ ТЕКСТАХ В СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЯХ

Хамидов Ҳайдар,

*Исследователь Каршинского филиала Ташкентского университета  
информационных технологий имени Мухаммада аль-Хорезми по*

**Аннотация:** В статье проанализированы возможности использования метафор в средствах массовой информации, в том числе на электронных сайтах, в социальных сетях, а также новые смысловые и выразительные грани метафор в этих контекстах, в связи с изучением таких метафор в узбекской и мировой лингвистике.

**Ключевые слова:** пути миграции смысла, миграция смысла по аналогии, общественная сеть, СМИ, публицистический текст, дискурс, сайт.

## EXPRESSION OF METAPHORS IN JOURNALISTIC TEXTS ON SOCIAL NETWORKS

Hamidov Haidar,

*Researcher of Karshi branch of Tashkent University of Information  
Technologies named after Muhammad al-Khorezmi*

**Abstract:** The article analyzes the possibilities of using metaphors in the media, including on electronic websites, in social networks, as well as new semantic and expressive facets of metaphors in these contexts, in connection

*with the study of such metaphors in Uzbek and world linguistics.*

**Keywords:** *ways of migration of meaning, migration of meaning by analogy, public network, mass media, journalistic text, discourse, website.*

Метафора илмнинг турли соҳаларга кириб келган, жумладан, адабиётшунослик, мантиқ ва фалсафадан муҳим билиш ва билғанларини ифода этиш воситаси. Метафорага доир изланишларнинг кенг тарқалиши муаллифларни кўпроқ эътибор беришга ундаи, аслида унинг эстетик қийматидан кўра амалий аҳамиятига кўпроқ эътибор бериш керак[5]. А.П.Чудинов каби муаллифлар томонидан метафорага когнитив ёндашув М.Лакофф Жонсон, Н.Д.Арутюнова, Ю.И.Ливен ва бошқаларда учрайди.

Н.Д.Арутюнова “Метафора ва дискурс” асарида қўйидагиларни баён қиласи: “метафора амалий аҳамиятга эга. ...Ундан ҳар қандай соҳани тушуниш ва тушунтиришда қурол сифатида фойдаланиш мумкин, жумладан, психотерапия сұхбатларида ва авиаакомпания учувчилари ўртасидаги сұхбатлар, маросим рақслари ва тил дастурлаш, санъат таълими ва квант механикаси ва бошқаларда қўллаш ўзаро мулоқотни самарали, таъсирчан ва фойдали қиласи...”

Метафора, қаерда бўлмасин, ҳар доим бизнинг тушунчамизни бойитади ...”.[1] Н.Д.Арутюновага кўра, метафорик ижодкорлик ҳаракати жойлашган семантик жараёнлар турли асосида: синоним ривожлантириш воситалар, янги қадриятларнинг пайдо бўлиши, полисемиянинг яратилиши, тизимларнинг ривожланиши терминология ва эмоционал-экспрессив сўз бирикмаларидир. Шунингдек, бизнинг онгимизда тасвирии яратиш ва тасаввурга мурожаат қилиб, метафора деган маънени ҳосил қиласи[1].

“Метафора” атамаси илк бор қадимги Юнонистонда пайдо бўлган. Маълумки, метафора “яширин таққослаш” бўлиб, унинг асоси руҳий таққослашдир. Ўхшатиш туйғуси, нафақат обьектлар ўртасида англанган дунё, балки муайян обьектлар ва абстракт тушунчалар ўртасида ўхшашликларни топиш имконини беради. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир олим ўз гояси, унинг таснифи ва вазифаси, шунингдек, ўз таърифини метафоралар орқали таклиф қилди. Метафорани биринчи бўлиб Аристотел аниқлаган. Метафорани Аристотел: “сўз маъносининг жинсдан турга, турдан жинсга ёхуд турдан турга ёки муқобиллик асосида кўчирилишидир”, – деб таърифлайди[3]. Метафоранинг бошқа таърифларига ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада метафора ва бошқа ҳодисалар ўртасида муайян даражада чизик чизиш керак бўлади. Бунинг учун Н.Д.Арутюнованинг: “метафора” – trope ёки нутқ механизми, муайян синфи билдирувчи сўзни ишлатишдан иборат

объектлар, ҳодисалар ва бошқалар, объектни тавсифлаш ёки номлаш, бошқа синфнинг аъзоси ёки бошқа объект синфининг номи, шунга ўхшаш ҳар қандай жиҳатни текшириб кўриш лозим”[1] деган таърифига дикқат қаратиш лозим. Метафорани ўрганишга катта ҳисса қўшган рус тилшуноси А.П.Чудинов эса, метафорани ифодалаган маъноларга ўзаро таъсир этувчи бир неча кўзгулар тўпламини таклиф қиласди.

Инсон аъзолари ва унга боғлиқ бўлган бошқа ҳодисалар кейинчалик кўчишга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, кўз дастлаб инсоннинг кўриш аъзосини, ундан кейин табиатда учрайдиган бошқа ўхшаш жисмларни ифодалай бошлаган. Узукнинг кўзи, игнанинг кўзи, булокнинг кўзи ва бошқалар. Антропоморфикани ўрганишга бағишиланган ўзбек тилидаги мазкур тадқиқотга қадар илмий матнлар деярли таҳлил қилинмаган. Асосан, бадиий матнлар орқали ўрганилган. Антропоморфиксик метафоралар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тўла намоён қилиш учун турли услубдаги матнларни лингвистик, социолингвистик ва лингвамаданий жиҳатдан таҳлил қилиш керак бўлади. Бундан ташқари, қиёсий антропоморфиксик метафоралардан фойдаланишни ўрганиш уни яхшироқ тушунишга имкон беради.

Антропоморфиксик метафора. Бу инсон ва унга тегишли (хос) бўлган (тана аъзоси, кийими) предметлар номи асосида ҳосил қилинган метафора бўлиб, оёқ, кўл, оғиз, тил, тиш, кулоқ, энг, ёқа каби лексемалар маъносининг метафорик усу碌а кўчиши[6].

Ю.М.Александрова, Ю.В.Горшуновлар Ж.Даррел асарларининг ўзига хос хусусияти ҳайвонлар иерархиясини инсон жамиятига ўхшатиш орқали одамларни тасвирилашнинг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланиб, ҳайвонларнинг жонли тавсифларини бериш қобилиятига эгалигини таъкидлайди. Таққослаш ҳайвоннинг табиий даражасига асосланган бўлиб, у бир хил ёки иш кийимига ёки ҳар қандай касб ёки ижтимоий мақомдаги одамларнинг ҳаракатларига ўхшайди[4]. Бу бадиий матнларда антропоморфиксик метафораларнинг ифодаланишига мисол бўлса, бошқа нутқ вазиятларида, жумладан, публицистик нутқларда метафоралардан қандай фойдаланилиши ҳақида ҳам муайян тасаввурлар ҳосил қилиш лозим.

Метафора нутқнинг турли вазифавий шаклларида қўлланилади. Тадқиқотларда, асосан, бадиий матнлардаги метафораларнинг лингвистик, социолингвистик ва когнитив хусусиятлари ўрганилади. Аслида публицистик, ҳатто илмий ва расмий нутқ услубларида ҳам антропоморфиксик метафоралардан самарали фойдаланилади. Масалан, Россия ва Америка газеталарининг сарлавҳаларида антропоморфиксик метафоралар ўрганилганда, ташвиш, тажовуз, нарсаларнинг табиий тартибидан оғиш (касаллик ва бошқалар) концептуал векторларининг

энг юқори ривожланган модели) кабилар намоён бўлади. Жумладан, рус тилшунослигида Е.С.Абрамова[7] антропоморфик метафоралар замонавий рус оммавий ахборот воситалари нутқида рус жамиятида ўтган йиллар давомида бўлган ижтимоий ўзгаришлар, маънавий, ахлоқий ва мағкуравий изланишлар йўлини акс эттиришини таъкидлайди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари нутқи, оммавий ахборот воситаларида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маъноларни тушуниш ва талқин қилишнинг ижтимоий устувор тамойиллари, ҳамда оммавий ахборот воситаларида ижтимоий аҳамиятга эга маъноларни ва баҳолашни яратиш ва кўпайтириш орқали жамоат онгини бошқарадиган ижтимоий-тартибга солиш механизми сифатида тушунади.

Ушбу тадқиқот Россия жамиятининг маданий маконини англаш жараёнида ички ва ташқи омиллар таъсири остида ижтимоий онгни ўзгартериш шароитида доминант маъноларнинг ҳаракати ва уларнинг лингвистик табиатини акс эттирувчи тушунчага қаратилган[4].

Замонавий ижтимоий-маданий контекстда, “Рост.уз”, “Кун.уз” каби оммавий электрон нашрлари жамиятининг маданий ва маънавий-ахлоқий асосларини, бугунги кунини ва инсоният цивилизацияси тарихидаги ролини тушунишга қаратилган, жиддий, интеллектуал ва обрўли илмий-маърифий даврий нашрлар сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбек оммавий ахборот воситаларида ҳам журналиси ва блогерлар ўз фикрларини тез тушунилиши ва самарали таъсир кўрсатиши учун метафоралардан фойдаланади. Айниқса, газета сарлавҳаларида антропоморфик метафораларни қўллаш кўплаб кузатилади. Масалан: “Кун.уз” нашрида “Rost24.uz таҳририятига босим бўлгани айтилмоқда.

Сайтда эълон қилинган “Халқаро молиявий криминаллар рўйхатида кўринган ўзбек олигархи” номли журналистик суриштирув ўчирилган. Мақола муаллифи, сайт бош муҳаррири Анора Содиковага нисбатан таҳдид бўлгани айтилмоқда” [8] сарлавҳаси остида мақола берилган. Бунда “босим” сўзи, албатта, инсонга нисбатан олинган кўчма маънодир. Мақоланинг дастлабки, жумласида ҳам метафора қўлланган “Халқаро молиявий криминаллар рўйхатида кўринган ўзбек олигархи” номли журналистик суриштирув ўчирилган. Мазкур жумлада “ўчирилган” сўзи ҳам, албатта, ўчирмоқ феълининг денотатив маъноси эмас, ўхшашлик асосида маъно кўчиши кузатилади.

Яна шу мақоланинг ўзида занжир сўзи ҳам метафорик маънода қўлланилади. Бу ўринда занжир предметларни бир-бирига боғловяни эмас алоқадорликни ифодалаб келмоқда: “Муаллифга кўра, собиқ сенатор, Ўзбекистон футбол федерацияси (хозирда ассоциация) собиқ президенти Мираборор Усмоновнинг ўғли – Ўзбекистон футзал

ассоциациясининг собиқ вице-президенти Жаҳонгир Усмоновга тегишли бир неча компанияларнинг занжири оффшор худудларга бориб тақалади.”[8].

“Кун.уз” нашрининг “Интернетда уни отга судратиб жазолашни таклиф қилганлар пайдо бўлган. Йигитнинг онаси ўғлининг бепарда сўзлари учун жамоатчиликдан узр сўради.

Кўп ўтмай Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳаммамизни бўралатиб сўккан йигитнинг видеосини тарқатди. У ахлоқсиз қилмиши учун халқдан йиғлаб кечирим сўраркан, ўша пайтда маст ҳолатда бўлганини айтади.”[9] Ўйламай оғиз йиртиш қамоқ билан якун топди. Оққўргонликларни жунбишга келтирган воқеа тафсилотлариномли мақоласи ҳам метафорик маъно касб этмоқда, мазкур кўчма маъноли сўз асли инсонларга хос бўлган хусусиятни ифодалайди, бироқ оммавий ахборот воситалари тилида антропоморфик метафорани ҳосил қилаётганини кузатиш мумкин.

“Рост.уз” сайтида ҳам метафоралардан самарали фойдаланилади: Алишер Қодиров: Курашамиз ёки мажруҳга айланамиз. «Миллий тикланиш» демократик партияси етакчиси Алишер Қодиров Рост24 сайтида берилган видео сўровномага ([https://t.me/rost\\_24uz/5693](https://t.me/rost_24uz/5693)) муносабат билдириди. Қодиров сўровномада аҳолининг Путинни ёқлаб берган жавобларига нисбатан «Биз маънан, руҳан ва жисмонан жиддий жароҳатланган миллатмиз» дея фикр билдириган (<https://t.me/alisherQodir/1972>). «Ё матонат ва сабр билан қурашамиз ва бу жароҳатдан қутулиб қаддимизни ростлаймиз, ёки яна оғзи очиқ, оёқ-қўли шол мажруҳга айланамиз... Бу ҳақорат эмас, ҳақиқат», дейди у.

Мазкур матнда “мажруҳ”, “ёқлаб”, “жароҳатланган”, “қадри ростламоқ” каби сўз ва иборалар қўчма маънода қўлланиб, инсоннинг эмас, жамият ёки миллатнинг хусусият ва ҳолатларини ифодалаб келмоқда.

Хуллас, публицистик матнлар устида бундай таҳлилларни кенгроқ миқёсда амалга ошириш керак, чунки метафоралар фақат бадиий матнлар асосида ўрганилса, бир томонлама хulosага келиб қолиш мумкин, уларнинг илмий, ҳатто расмий матнларда қўлланишини ҳам ўрганиш антропоморфик метафораларнинг социолингвистик моҳиятини тўла намоён қилиш имконини беради. Натижада сўзларнинг кўчма маънолари ҳақидаги илмий тасаввурлар, метафораларнинг қўлланилиш доираси кенгайиб боради.

Айниқса, бугун оммавий ахборот воситалари фаоллашга бир пайтда инсонларнинг асосий мулоқот майдони ижтимоий тармоқлаб бўлиб қолди. Шу маънода публицистик матнлар ва дискурсларни кенг миқёсда тадқиқ этиш ўзбек тили тараққиётининг бугунги қиёфасини аниқроқ



кўриш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арутюнова Н. Д. Метафора и дискурс//Теория метафоры. – М., 1990. – С. 5-32
2. Арутюнова, Н. Д. Теория метафоры : сборник: пер. с анг., фр., нем., исп., польск. яз. / Н. Д. Арутюнова; под ред. Н. Д. Арутюновой и М. А. Журинской. – М. : Изд-во Прогресс, 1990. – 512 с.
3. Аристотель. Поэтика. – Л.: 1927. – С.39.
4. Александрова Ю.М., Ю.В. Горшунов Антропоморфные метафоры, отражающие профессиональную и социальную специфику жизни человека // Серия Гуманитарные науки –М. 2017. С-22
5. Насруллаева Г. Антропоморфик метафоранинг социолингвистик хусусиятлари ва лексикографик тадқиқи масалалари. Фил. фан.д-ри илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Фарғона. 2022. 58 б.
6. Хўжамкулов А. Ўзбек тилида метафоранинг таснифланишига доир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20йиллигига бағишлиб чиқарилган илмий мақолалар тўплами. Лингвист. 2китоб. – Т.: Академнашр, 2011. – Б. 85–88.
7. [http://www.rusnauka.com/17\\_PMN\\_2014/Philologia/9\\_172101.doc.htm](http://www.rusnauka.com/17_PMN_2014/Philologia/9_172101.doc.htm)
8. <https://kun.uz/>
9. <https://bit.ly/3lmXPnG>

## ТИББИЁТ ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.041>

Наврузова Муяссар Гайбулаевна

Бухоро давлат университети Педагогик таълим факултети  
Бошлангич таълим методикаси кафедраси ўқитувчisi

**Аннотация:** Ушбу мақола шифокорнинг мулоқот маданияти, тиббиёт деонтологияси, шифокор билан бемор ўртасидаги муносабат, шифокор билан беморнинг яқинлари ўртасидаги муносабат, шифокорнинг ҳамкаслари билан муносабати, тиббий этика, психотерапиянинг шифокор фаолиятидаги ўрни, тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти, эвфемизациянинг лингвомаданий нутқ натижаси эканлиги масалалари тадқиқига бағишиланган.

**Ключевые слова:** культуры коммуникации, медицинская этика, психотерапия, медицинское образование.

## МЕДИЦИНА И ТЕРМИНОЛОГИЯ

Наврузова Муяссар Гайбулаевна,

преподаватель кафедры методики начального образования,  
факультета педагогического образования, Бухарского  
государственного университета

**Аннотация:** Данная статья посвящена изучению культуры общения врача, медицинской деонтологии, взаимоотношений врача с пациентом, взаимоотношений врача с родственники пациентом, медицинской этики, роли психотерапии в работе врача, лингвокультурологического аспекта медицинского языка, эвфемизма.

## MEDICINE AND TERMINOLOGY

Navruzova Muyassar Gaybullaevna,

Bukhara State University Pedagogical Faculty of Education Elementary  
Education teacher of the methodology department

**Аннотации:** This article is devoted to the study of physician's communication manner; medical deontology, doctor-patient relationship, the relationship of doctor with the relatives of patient, medical ethics, the role of psychotherapy in physician's work, linguocultural aspect of medical language, the linguocultural speech result of euphemism.

**Key words :** culture of communication, medical deontology, medical ethics, psychotherapy, medical education

Мавзунинг долзарбилиги. Бугунги кун ўзбек тилшунослигига тил маданиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва лингвистиканинг лингвокультурология сатҳи тараққий этмоқда. Зеро, мазкур йўналишнинг асосий обьекти маданият ва тил алоқадорлигини, уларнинг ўзаро боғланиши, ўзаро таъсирини бир бутун тизимли яхлитлик сифатида турли касб эгалари доирасида ўрганишдан иборат. Мазкур мақолада шифокорлар нутқида қўлланиладиган лингвомаданий унсурлардан фойдаланишнинг айрим масалалари ҳақида баҳс юритамиз. Ўзбек тилшунослигига тиббиёт ходимлари нутқи маҳсус тадқиқот мавзуси предмети бўлмаган. Рус, турк, инглиз тилидаги тиббий нутқни эвфемизация – нутқни юмшатишнинг лисоний воситаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга бағишлиланган монографик тадқиқотларнинг мавжудлиги жаҳон тилшунослигига тиббий нутқ эвфемизацияси масаласининг аҳамиятлилик даражасини, ўзбек тилшунослигига ҳам шундай тадқиқот яратиш мавзунинг долзарбилигини белгилайди.

**Мақсад ва вазифа:**

Тадқиқотда шифокор билан бемор алоқасини ўрнатишда сўз муҳим аҳамият касб этиб, муваффақиятли даволашга ёрдам берадиган восита сифатида талқин қилинади. Шифокор иш жараёнида лингвомаданий унсурлардан оқилона фойдалана олишини, қолипланган сўз сифатида эвфемизациянинг тиббиёт терминологиясини бойитишдаги ролини ўрганиш, тиббиёт билан боғлиқ шифокор нутқи эвфемикасини тадқиқ қилиш мақсад ва вазифа қилиб қўйилган.

**Усуллар:**

Тадқиқотда қўйилган мақсадга қўйидаги усулларни бажариш асосида эришилади: тиббиётга доир маданий нутқнинг функционал тавсифини бериш – тиббиётга доир нашр қилинган даврий нашр материалларидан сўзларни юмшатиш учун ишлатилган эвфемик кирраларини топиш, тиббий нутқда сўзларни юмшатиш воситаларини аниқлаш ҳамда уларни маъновий гурухларга ажратиш, тиббий эвфемизмлар луғати учун материаллар йиғиши.

**Натижалар ва мулоҳаза:**

Шифокорлик – лингвоактив касб. Тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти тиббиёт деонтологияси, психотерапия, тиббий этика масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли қўйида шу омилларнинг тиббиёт амалиётдаги аҳамиятига тўхталамиз.

Тиббиёт деонтологияси – тиббиёт ходимларининг касбга алоқадор этикаси, дори-дармон, умуман, давонинг таъсирини оширишга қаратилган хулқ-атвор таомиллари. Деонтология, яъни кишининг хулқи, одоби ҳақидаги тушунча XIV асрнинг бошларида инглиз файласуфи ва иқтисодчиси И.Бентам томонидан муомалага киритилган. Тиббиёт

деонтологиясига оид маълумотлар узоқ тарихга эга бўлиб, кенг фалсафий мазмун касб этади. Деонтология шифокор билан бемор ўртасидаги муносабат (1); шифокор билан беморнинг яқинлари ўртасидаги муносабат (2); шифокорнинг ҳамкаслари билан муносабати (3) каби бир неча йўналишдан иборат. Тиббиёт деонтологиясига мувофик, тиббиёт ходими беморга алоҳида эътибор бериши, унинг соғлигини тиклаш, азобини енгиллатиш учун бутун билимини сарфлаши, беморга унинг соғлиғи ҳақидаги фақат фойда келтира оладиган маълумотларни айтиши, беморнинг шифокор билан сирдош бўлишига эришмоғи зарур. Беморнинг касаллиги ҳақида унинг иштирокида ҳамкаслари билан сўзлашиш ярамайди. Тиббиёт деонтологиясининг тиббий амалиётга тўғри жорий қилиниши, шифокорнинг онги, савияси, маданияти, дунёкараши, билими ва қайси жамиятда яшаётганлиги билан боғлик равишда амал қиласидиган жараён. Кишилик жамиятининг турли даврларида деонтологик муносабатлар турлича кечган, у замон талабига мос равишда ўзгариб борган[1]. Кўриниб турибдики, даволаш амалиётида деонто-логиянинг муҳим фактори – нутқий омил етакчи ўринни эгаллайди, шифокор нутқи бемор психологик ҳолатини бошқаришнинг асосий воситаси саналади.

Қадимда табиблардан, кейинчалик шифокорлардан маданиятли, хушмуо-мала, соддадил ва камтар бўлиш талаб қилинган. Алишер Навоий ҳазратлари табиб ҳақида фикр юритар экан, шундай дейдилар: “Табиб ўз фанининг моҳир билимдени бўлиши, беморларга меҳр-шафкат билан муомала қилиши, асл тиб илмига табиати келишмоғи, донишманлар сўзига риоя қилиб, уларга эргашмоғи, мулойимсўз, бемор кўнглини кўтарувчи, андишали, хушфеъл бўлмоғи керак. Табиб агар ўз касбига моҳир бўлса-ю, аммо ўзи бадфеъл, бепарво, қўполсўз бўлса, беморни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам барибир унинг мижозида ўзгариш пайдо қилолмайди”. Абу Али Ибн Сино табибининг касални даволашдаги уч таянч қуроли: сўз, гиёх, тиф орасидан сўзни биринчи ўринга қўйган ҳолда, шифокорнинг кўзи бургутники каби ўткир, қўллари қизнинг қўллари каби нозик, юраги шерникидек довюрак ва ақли илон каби бўлишини эътироф этганлиги диққатга сазовордир[2].

Тиббий этика (юонча одат, характер) умумий этика меъёрининг бир қисми сифатида шифокорнинг ахлоқий мезонлари, унинг хатти-харакатлари, ахлоқий меъёри мажмuinи, профессионал бурч ва хурмат, виждан ва қадр-қиммат туйғусини ўз ичига олади. Тиббий этика тиббиёт ходимининг кундалик ҳаёти, фаолиятида, унинг маданияти, жисмоний ва ахлоқий поклик каби муайян ҳаракатлар стандартини қамраб олади. Умуман олганда, тиббий этика шифокор ички дунёсининг кўзгуси саналади[12]. Нутқий этикет масаласи билан шуғулланган таниқли

мутахассис Н.И.Формановскаянинг фикрича, нутқий этикет – нутқий хулқ-атворни тартибга солувчи қоидалар, сұхбатдошнинг алоқани танланган тоналликда ўрнатиш, тутиб туриш ва узиш учун жамият томонидан қабул қилинган ва буюрилган мулоқотнинг миллий ўзига хос, стереотип, барқарор формулалари эканлигини ёш авлодга, умуман, сўзлашувчиларнинг барчасига етказиш зарур[5]. Юкоридаги фикрлардан келиб чиқадики, ҳар бир шахс, касбидан қатъи назар, нутқий этика – мулоқот маданиятини эгаллаб олмоғи зарур. Зеро, барча муносабатларда кишининг инсонлараро мулоқот жараёни жуда муҳим социо-психологик аҳамият касб этади.

Психотерапия – беморни даволаш мақсадида қулай шарт-шароит яратиш, чиройли сўз, хушмуомалалик билан уларнинг онгига руҳий таъсир этиши. Психотерапиянинг рационал, тушунтириш, ишонтириш (сергаклик ва гипноз ҳолатларида), ўз-ўзини ишонтириш (аутоген машқ) ва бошқа хиллари бор[7]. Психотерапияда шифокор нутқи, сўзлаш маданияти, bemorга сўз воситасида ижобий таъсир этиш кўниkmасининг шаклланганлиги шифокор муваффақияти гаровидир.

Шифокор касаллик ва жароҳатнинг олдини олиш (профилактика), уни аниқлаш, ташхис кўйиш (диагностика) ва даволаш (терапия) билан шуғулланади. Бунга тиббий билими, шифокорлик маҳоратини доимий такомиллаштириш йўли билангина эришиб бориши мумкин. Бу эса бир қатор фундаментал, умумий врачлик ва маҳсус фанларни ўрганиш, bemor билан бевосита мулоқотда бўлиш тажрибасини эгаллаш, унинг ички эҳтиёjlари ва дарддан азият чекишини билишдек муҳим жараёнлар билан боғлиқ[9]. Шундай экан, bemornинг умиди шифокордан, бетоб ётган киши шифокорга даволаниш жараёнида тез-тез мурожаат қиласи, шифокор касаллик сабабларни суриштиради, чунки ҳеч қандай касаллик ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Шундай пайтда шифокор bemor билан шундай муносабатда бўлмоғи зарурки, унинг муолажасини қабул қилаётган киши у ҳақда фақат яхши фикрда бўлсин. Буюк табиб Абу Али ибн Сино таъбири билан айтганда, шифокор bemornинг дўсти, устози ва ёрдамчиси бўлиши лозим. Шифокорнинг инсонпарварлик фазилати bemor билан муносабатда асосий ўрин эгаллайди. А.Чехов: “Шифокорлик касби – жасорат. У фидокорлик, қалб тозалиги ва эзгу ниятлар улуғлигини талаб қиласи. Ҳар ким ҳам бунга қодир эмас”, таниқли профессор Н.Эльштейн: “Тингламоқ ва эшита билмоқ ҳам даволаш”, – деб ёзганда шуни назардатутган. Врачанамнез(касалликнинг келиб чиқиш тарихи) йиғиш маданиятини ўзлаштирган бўлиши жуда муҳим. Бемор касаллиги бўйича сўраб-суриштириш, ўрганиш – ижодий жараён, чунки диагностика усуллари орасида анамнез ўзининг қулай ҳамда самарали эканлигини исботлаган[11]. Бундай вазият шифокордан

бемор билан мулоқот нутқ юмшоқлиги, вазиятни бошқара олиш, салбий жараённи bemорга етказишида эҳтиёткорлик, воқеликни яшириш лозим бўлганда касалликни ўз номи билан эмас, bemорга оғир ботмайдиган ифода билан аташни – эвфемизацияни тақозо этади.

Беморнинг қўлига тиббий атамалар қўлланилган, тасвирлар акс этган рентген суратлари, тегишли бланкадаги меъёрий қўрсаткичлар, умуман, хаста кишини қўрқитадиган лаборатория текшируви натижаларини бериб бўлмайди. Шифокорлик этика ва деонтологияси принципларини унуммаган ҳолда касаллик диагностикасида касаллик турига қараб bemорга унинг касаллиги ташхиси тўғрисида хабар беришнинг ўзига хос меъёрий томонлари бор. Бу жуда ҳам нозик ва мураккаб психиологик масала. Одатда, бу bemорнинг руҳиятини инобатга олиб, индивидуал тарзда ҳал қилинади. Буюк юонон табиби Гиппократ: “Беморни меҳрмуҳаббат ва ақлли таскин бериш йўли билан ўраб ол, бироқ, асосийси, унга нима хавф туғдираётган бўлса, ўшандан уни хабарсиз қолдир”, – деган. Олдинги мақолада эвфемизмларнинг функционал турларидан бири сифатида Л.А.Булаховскийнинг фикрига таяниб, “кўрқинчли предмет ва ҳодисанинг номини яшириш ва алмаштириш” мақсадида қўлланиладиган эвфемизмлар турини ажратган эдик. Беморни касаллик диагностикасидан хабардор қилиш жараёни шифокор нутқида мана шундай эвфемизмларни қўллашни талаб этади.

Оғир кечувчи, тузатиб бўлмайдиган касалликларда bemорнинг яқинларини соғайиб кетиши мумкинлигига тўлиқ ишонтириш керак эмас, лекин уларни касалликнинг ремиссияси(касаллик аломатларининг вақтинча заифлашуви)га эришишида bemорга ёрдам учун шифокор тиббиётда барчага баравар имкониятлардан фойдаланаётганлигини билдириши зарур. Шундай пайтда ҳам, Н.С.Арапова айтганидек, моҳиятнинг аслини яшириш мақсадида қўлланувчи эвфемизмдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буюк файласуф Гомер бежизга: “Битта шифокорнинг моҳирлиги кўпчилик жангчи (аскар)ларга арзийди”, – деб ёзмаган. Bemornинг маънавий дунёсига кириш учун хушмуомалиқ, инсонийлик, хайриҳоҳлик, кўтаринкилиқ мижозга ижобий таъсир қўрсатади, унда ўз касаллигига тўғри қарашни шакллантиришга, йўқотилган руҳий мувозанатни тиклашга ёрдам беради.

Ўзбек тилшунослигида тиббиёт ходимлари нутқи маҳсус тадқиқот мавзуси предмети бўлмаган. Рус, турк, инглиз тилидаги тиббий нутқни эвфемизация – нутқни юмшатишнинг лисоний воситаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга бағишиланган монографик тадқиқотларнинг мавжудлиги жаҳон тилшунослигида тиббий нутқ эвфемизацияси масаласининг аҳамиятлилик даражасини, ўзбек тилшунослигида ҳам шундай тадқиқот яратиш долзарблигини белгилайди. Бундай

тадқиқотлар тиббий таълим мазмунини бойитиш, тиббиёт таълимида ўкув материали сифатида ишлатилиши билан аҳамиятли.

Шифокорлик жуда инсонпарвар касб, унинг меҳнати – инсон саломатлиги, оила баҳти, тинчлик-хотиржамликни таъминловчи омил. Аммо унинг муваффақияти фақат профессионал маҳоратига эмас, балки бемор, унинг яқинлари, ҳамкаслари билан мулоқот маданияти, этик-эстетик хислатлари, зоҳирий, ботиний маданиятига ҳам боғлиқ бўлади. Шифокорнинг ташқи кўриниши (дазмолланмаган халат, кир кўйлак, қалпоқча, шимлар, ифлос қўл ёки парваришлиланмаган тирноқлар, ўта ёрқин косметика, ўстирилган соч-соқол, кариоз тиш, ўткир духи ва одеколон, хунук мимика), ички маданияти (маданиятсиз мулоқот, пала- partiш, бетартиб, ёқимсиз нутқ) bemорда салбий, итарувчи туйғу пайдо қилмаслиги лозим. Зоҳирий ва ботиний маданий савия яхлит бир бутунликни ташкил этиб, шахсий фазилатни кўрсатиб туради. Терапия фани асосчиси М.Я.Мудров шифокор маданияти ҳақида ўзининг қатор маъruzаларида батафсил тўхталади, тиббиёт олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида шифокор маданияти ҳақида алоҳида фан – деонтология фани ўқитилади. Мулоқот маданияти масаласи янги муаммо эмас. Испан ёзувчиси, файласуф Грасиан Балтасар: “Ақл ва дид учун маданият жуда муҳим. Ким нозик ҳис этса, ўша гўзалликка кўпроқ интилади” – деб ёзган. Бугунги кунда ҳам инсоннинг ички маданияти унинг хатти-харакати, иш фаолияти билан ўлчанади.

Шифокор – bemor, шифокор – талаба муносабатида бир қатор ечилимаган саволлар бор. Умумназарий муаммолардан ташқари нозик хусусий ҳолат масалалар ҳам пайдо бўладики, улар бўйича амалий таклиф, маслаҳатлар бериш орқали муаммога йўл топиш мумкин бўлади. Буюк француз ёзувчиси, математик Б.Паскал ва замондошимиз академик А.Ф.Билибиннинг бу борадаги фикрларини қиёслаймиз. Блез Паскал “Ўйлар”да: “Ҳамма нарсага ўргатиш мумкин, фақат одоблиликтка эмас; одамлар ўқимишлилик эмас, кўпроқ одоблиликт билан – яъни уларга маҳсус таълим берилмаган фазилат билан назарга тушишга интилишади[3]” – деб ёзган. А.Ф.Билибин эса: “Талabalар таҳсилида барча ҳаракат билимга, касбий методика маҳоратга қаратилади, аммо инсонларро муносабатлар, хусусан, мижоз (пациент) билан мулоқот маданияти эътибордан четда қолади. Шифокор ҳаёт йўлида инсонлар билан муомала-мулоқот масаласи – энг муҳим фан. Бизнинг олий таълим муассасаларимизда шундай фанлар ўқитиладими? Ҳа, тиббий адабиётларда ҳам бу соҳада бўшлиқ мавжуд. Клиник фаолиятнинг муҳим ва ҳал қилувчи фактори тадқиқ методикаси (касаллик келиб чиқиши, кечиши ва тарихи) эмас, балки шифокорнинг шахсий инсоний маданиятидир. Faқат шахсий-маданий фазилатларнинг

юксалиши шифокор продукцияси хусусиятининг ўсишишга олиб келади”[3], –деб таъкидлайди. Иккала олим ҳам мулоқот маданияти таълимининг шифокор қасбий маҳорати шаклланишида ўта муҳим омил эканлигини уқтирган. Мулоқот маданиятини эгаллаш бир жойда муқим турадиган жараён эмас, бу прогрессив жараён. Агар бу фазилат тарбияланиб борилса, шифокор шундай иқтидорнинг юксак чўққисига – донишмандликка эриша олади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки:

Сўз – шифокор билан бемор алоқасини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этадиган, муваффақиятли даволашга ёрдам берадиган восита. Нутқ маданияти эса – шифокор умумкасбий маҳоратининг зарурий шартларидан бири. Шифокорлик – лингвоактив касб бўлганлиги сабабли тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти тиббиёт деонтологияси, психотерапия, тиббий этика билан чамбарчас боғлиқ. Тиббиёт деонтологияси шифокор билан бемор ўртасидаги муносабат (1); шифокор билан беморнинг яқинлари ўртасидаги муносабат (2); шифокорнинг ҳамкасблари билан муносабати (3) каби бир неча йўналишдан иборат бўлиб, даволаш амалиётида деонтологиянинг муҳим фактори – нутқий омил етакчи ўринни эгаллайди, шифокор нутқи бемор психологик ҳолатини бошқаришнинг асосий воситаси саналади.

Тиббий этика умумий этика меъёрининг бир қисми сифатида шифокорнинг ахлоқий мезонлари, унинг хатти-ҳаракатлари, ахлоқий меъёри мажмуини, профессионал бурч ва хурмат, виждан ва қадр-қиммат туйғусини ўз ичига олади. Психотерапия – беморни даволаш мақсадида қулай шарт-шароит яратиш, чиройли сўз, хушмуомалалик билан уларнинг онгига руҳий таъсир этиш. Психотерапияда шифокор нутқи, сўзлаш маданияти, bemorga сўз воситасида ижобий таъсир этиш кўникмасининг шаклланганлиги шифокор муваффакияти гаровидир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Википедия” очиқ энсиклопедияси. (Электрон ресурс): [хттпс://уз.википедия.орг/вики/Тиббиёт\\_деонтологияси](http://уз.википедия.орг/вики/Тиббиёт_деонтологияси)
  2. Жумаев И. Тиббий одоб ва маданият – шифокор ва беморга мадад. (Электрон ресурс): [хттпс://бухвссб.уз/тиббий-одоб-ва-маданият-шифокор-ва-беморга-мадад/](http://бухвссб.уз/тиббий-одоб-ва-маданият-шифокор-ва-беморга-мадад/)
  3. Культура общения врача и студента. (Электрон ресурс): [хттпс://студфайлс.нет/превиew/548345/](http://студфайлс.нет/превиew/548345/)
  4. Малыгина Е.Н. Средства смягчения высказывания в медицинской речи: Автореф. .... дис. канд. филол. наук. Самара, 2007. – (Диссертациянинг электрон адреси): [хттп://www.диссерат.уз/548345/](http://www.диссерат.уз/548345/)



сом/сонтент/средства-смягчения-в-исказивания-в-медицинской-  
речи#ихзз5Н1ТКБИ1з

5. Миразизов А. Ўзбек нутқий этикетига доир айрим кузатишлар // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари, 2016.– № 4 (9). – Б.61-64.

6. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ өвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 2009. – 253 б.

7. Тиббиёт қомусий лугати. –Тошкент: “Қомуслар бош таҳририяти”, 1994. – 288 б.

8. Шарқ ҳикоят ва ривоятлари. Биринчи китоб. (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов). – Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Баш таҳририяти, 2015. – 525 б.

9. Эрназаров Т. Шифокор деонтологияси ва тиббий ахлоқ. (Электрон ресурс): [хттп://узсгзт.уз/сигибин/маин.sgi?лан=y&раз=2&год=2010&мес=11&ид=3335](http://uzscgzt.uz/sibirin/main.sgi?lan=y&раз=2&год=2010&мес=11&ид=3335)

10. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 671 б.

11.Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли лугати. Икки жилдлик. 2-жилд. (Таҳрир ҳайъати: Ф.Назаров, Ш.Шоабдураҳмонов, А.Хожиев ва б.) – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. – 568 б.

12. [хттп://www.e-reading.club/chapter.php/1025286/9/Храмова\\_Полный\\_справочник\\_по\\_уходу\\_за\\_болными.хтмл](http://www.e-reading.club/chapter.php/1025286/9/Храмова_Полный_справочник_по_уходу_за_болными.хтмл)

## **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

### **ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА ИЖОДИЙ-ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.009>

*Ибрагимова Гулсанам Нематовна*

*Низомий номидаги Тошкент давлат*

*педагогика университети доценти, педагогика фанлари доктори*

**Аннотация.** Мақолада узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг ижодий ва танқидий фикрлашини шакллантириши ва ривожлантириши масалаларининг аҳамияти кўриб чиқилади. Ижодий-танқидий фикрлашини ривожлантириши бўйича шакл ва усуслар берилган. Ўқувчи-ёшларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришига қаратилган, ижодкорлигини ривожлантирувчи, уларнинг мустақил ишилашларига имкон берувчи ва ҳозирги кунда узлуксиз таълим тизимида кенг қўлланилувчи метод ва усуслар таснифи келтирилган.

**Калим сўзлар:** фикрлаш, узлуксиз таълим, таълим тизими, ижодий ва танқидий фикрлаш, ўрганувчилар, ижодий топшириқлар, малака ва кўниқма, шакллантириши ва ривожлантириши.

### **ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКО- КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У УЧЕНИКОВ**

*Ибрагимова Гулсанам Нематовна*

*доктор педагогических наук, доцент Ташкентского  
государственного педагогического университета им. Низами*

**Аннотация.** В статье рассматривается необходимость формирования и развития творческих и критических мышлений учащихся в процессе непрерывном образовании. Рассматривается формы работы над развитием творческих умений. Приводится описание методов и приемов которые приобщает учащихся к познавательной деятельности, развивает их творчество, самостоятельность, и который так широко используются в непрерывном образовании в настоящее время.

**Ключевые слова:** мышление, непрерывное образования, система образования, творческие и критические мышление, обучающие, творческие задание, умения и навыки, формирования и развития.

### **FORMATION AND DEVELOPMENT OF CREATIVE AND CRITICAL THINKING AMONG STUDENTS**

*Ibragimova Gulsanam Nematovna*

*Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor of Tashkent State  
Pedagogical University named after Nizami*

**Annotation.** In article highlighted the need of formation and development of creative and critical thinking of pupils for the process of continuous education. Considered forms of work on development of creative abilities. The description of methods and receptions which acquaints learners to cognitive

*activity provided, develops their creativity, independence and which are so widely used in continuous education in present time.*

*Key words:* thinking, continuous education, an education system, creative and critical thinking, learners, creative tasks, skills, formation and development.

Мамлакатимиз таълим тизимини шаклан ва мазмунан ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий баъзасини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустақкамлаш, таълим-тарбия мазмунини, шакл ва методларини самарадорлигини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, таълим жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга, обруэътибор қозонган жамият барпо этиш, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, уни демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий онги ҳамда дунёқараши даражасини ошириш, соғлом тафаккурли баркамол авлодни шакллантиришнинг пойдевори ҳисобланади.

Ўзбекистон республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда сақлашимиз лозим” [1]. Бозор муносабатларига асосланган жамиятда яшаш ҳар бир инсондан айниқса, ўқувчи-ёшлардан кенг билимларга эга бўлишни талаб қиласди. Шундай экан, вояга етаётган ёш авлодни оиласда ва таълим-тарбия муассасаларида ижодий мушоҳада қилишга ўргатиб бориш зарур.

Шунинг учун, биринчи навбатда, таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чукурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат, билим, қўйнумка ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил этувчи ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига қўндаланг қилиб қўйилди. Ўқувчи шахси ижодкорлигини ривожлантириш, изчил равишда бири иккинчисининг ўрнини тўлдирувчи босқичлардан иборат узлуксиз жараён бўлиб, ушбу жараённинг сифати муайян педагогик-психологик шарт-шароитлар ва вазиятларга боғлиқлиги асос бўлди.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фанга қизиқишлиарини орттириш, уларнинг мустақиллиги ва фаоллигини таъминлаш, танқидий тафаккурни шакллантиришга қаратилган билиш жараёнини таркиб топтириш муҳим аҳамиятга эга. Мустақил ижодий тафаккурнинг ривожланиши ўқув жараёнида ўқувчини изланишга ундейди. Бунда шахс фикрлаш фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари

намоён бўлади. Бу жараёнда ўқувчи ўқитувчи билан биргаликда фаол изланишда бўладилар. Мактаб ўқувчиларининг ижодий-танқидий фикрлаш даражасини ўрганиш учун уларнинг мулоқотга киришиш жараёнларини кузатиш мухим аҳамият касб этади. Кузатиш методидан ўқувчиларнинг фикрлаш ва мулоқотга киришиш қўнималарини қиёслашда кенг фойдаланилади. Ўқувчиларида ижодий-танқидий фикрлаш қўнималарини шакллантиришга йўналтирилган педагогик тизимни вужудга келтиришда қуидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- ўқувчиларда ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришнинг педагогик-психологик шароитларини яратиш;
- ўқувчиларнинг ижодий-танқидий фикрлашига қўйилган талабларини аниқлаш;
- ўқувчиларда ижодий-танқидий фикрлаш қўнималарини шакллантириш жараёнини ўзига хос педагогик технология жиҳатларини аниқлаш.

Умумтаълим мактабларининг юқори синфларда ўқувчи-ёшларнинг ижодий-танқидий фикрлашини ривожлантиришда таълимий ўйинларнинг аҳамияти катта. Ушбу жараёнда ўқитувчи таълимий ўйинлардан ўз ўрнида фойдалана олиши ўқувчиларнинг ижодий-танқидий фикрлашининг ривожланишига ижобий таъсир этади. Таълим жараёнида ижодий, сюжетли-ролли ўйинлар билиш материалларини ўзлаштиришга ундовчи ҳордиқ чиқартиришга хизмат қиладиган усул ва йўл эмас, балки ўйинлар жуда катта эвристик ва ишонтируви қувватга эга. Ўйинлар ягона яхлит тарзда кўринган ҳодисаларни бўлиб-бўлиб, қисмларга ажратиб идрок қилиш имконини беради. Шу асосда ўрганилаётган ҳодисаларни қиёслаш, ўзаро фарқлаш ва бир бутун тарзда идрок этиш имконини беради. Ўйинларнинг педагогик аҳамиятини илмий жиҳатдан олдиндан кўра олиш, ўқувчиларнинг ўйинни тасаввур этиш лаёқати яхлит ҳодисалар тизимини билиш даражаси билан боғлиқ.

Jahonning rivojlangan davlatlari oliy ta'lif muassasalarida talabalarning kompyuter grafikasi va veb dizayn yo'naliishi bo'yicha ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish, grafik va fazoviy tushunchalarni shakllantirish, virtual reallik ya'ni sun'iy hosil qilinadigan axborot muhiti bilan bog'liq bir qancha ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Bu yo'naliishda ayniqsa, kompyuter grafikasi, modellashtirish, veb dizayn, multimedia vositalari yo'naliishlari muhim o'rinni tutadi. Bugungi kunda talabalarda kompyuter grafikasi yordamida fazoviy tafakkurini rivojlantirish borasida bilim, malaka va ko'nikmalarni rivojlantirish, dizayn hamda multimedia savodxonligini oshirish, ularda matematika va chizma geometriya fanlariga doir bilimlarini mustahkamlash dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Kompyuter grafikasi ijodiy qibiliyatlarini rivojlantirish va ularni ikki o'lchovli va uch o'lchovli tahrirlash imkoniyatlari bilan amalga oshirish imkonini beradi. Ilova paketlari va kompyuter grafikasi vositalari bugungi kunda biz hamma joyda foydalaniladigan keng grafik axborot muhitini yaratadi. Kompyuter grafikasining grafik ilovalari vizualizatsiyaning ajoyib manzaralarini taklif qiladi.

Kompyuter grafikasi - bu faoliyat sohasi bo'lib, unda kompyuterlar maxsus dasturiy ta'minot bilan bir qatorda tasvirlarni yaratish (sintez qilish) va tahrirlash, shuningdek, haqiqiy dunyodan olingan vizual ma'lumotlarni keyinchalik qayta ishlash va saqlash uchun raqamlashtirish uchun vosita sifatida ishlataladi [1]. Kompyuter grafikasining asosiy qo'llanish sohalari quyidagilardan tashkil topgan:

Ilmiy grafika - birinchi kompyuterlar faqat ilmiy va ishlab chiqarish masalalarini hal qilish uchun foydalanilgan. Olingan natijalarini yaxshiroq tushunish uchun ular grafik tarzda qayta ishlandi, hisoblangan tuzilmalarning grafiklari, diagrammalari, chizmalar qurildi. Mashinadagi birinchi grafikalar ramziy bosib chiqarish rejimida olingan. Keyinchalik maxsus qurilmalar paydo bo'lib, chizmalar va grafiklarni chizish uchun grafik plotterlar (plotterlar) ishlab chiqarildi [3]. Zamonaviy ilmiy kompyuter grafikasi ularning natijalarini vizual tasvirlash bilan hisoblash tajribalarini o'tkazish imkonini beradi.

Biznes grafikasi - bu muassasalar ishining turli ko'rsatkichlarini vizual tasvirlash uchun mo'ljalangan kompyuter grafikasi sohasidir. Rejalashtirilgan

ko'rsatkichlar, hisobot hujjatlari, statistik hisobotlar bularning barchasi biznes grafikasi yordamida yaratilgan illyustrativ obyektlardir.

Dizayn grafikasi dizaynerlar, me'morlar, ixtirochilarining ishlarida qo'llaniladi. Bu dizaynni avtomatlashtirish tizimlarining asosiy elementidir. Dizayn grafikasi yordamida tekis tasvirlar (proyeksiyalar, kesmalar) va fazoviy uch o'lchovli tasvirlar grafigini olish mumkin [5].

Illyustrativ grafiklar monitor ekranida ixtiyoriy chizilgan tasvirdir. Tasviriy grafik paketlar umumiy maqsadli amaliy dasturlar uchun mo'ljallangan bo'lib, tasviriy grafiklar uchun eng oddiy dasturiy vositalar grafik muharrirlar deb ataladi.

Badiiy va reklama grafikasi yordamida reklama rolklari, multfilmlar, kompyuter o'yinlari, videodarsliklar, video taqdimotlar yaratiladi. Ushbu maqsadlar uchun grafik paketlar tezlik va xotira jihatidan katta kompyuter resurslarini talab qiladi. Ushbu grafik paketlarning o'ziga xos xususiyati haqiqiy tasvirlar va harakatlanuvchi rasmlarni yaratish qobiliyatidir [6]. Uch o'lchamli obyektlarning chizmalarini olish, ularning aylanishlari, yaqinlashishlari, olib tashlashlari, deformatsiyalari katta miqdordagi hisob-kitoblar bilan bog'liq. Obyektning yoritilishini yorug'lik manbasining holatiga, soyalarning joylashishiga qarab hisob-kitoblarni talab qiladi.

Kompyuter animatsiyasi - bu display ekranida harakatlanuvchi tasvirlarni ishlab chiqarishdir. Bunda barcha oraliq holatlari kompyuter tomonidan hisoblab chiqiladi va ko'rsatiladi, bu harakat turining matematik tavsifi asosida hisob-kitoblarni amalga oshiradi. Bunday animatsiya asosiy kadr animatsiyasi deb ataladi. Kompyuter animatsiyasining boshqa turlari ham mavjud: protsessual animatsiya, shakl animatsiyasi, dastur animatsiyasi va boshqalar. Olingan chizmalar, ma'lum bir chastota bilan ekranda ketma-ket ko'rsatiladi va ashundan so'ng harakat illyuziyasini yaratadi.

Multimedia - bu kompyuter ekranidagi yuqori sifatlari tasvirning tovush bilan birikmasidir. Multimedia tizimlari eng ko'p ta'lim, reklama va ko'ngilochar sohalarda qo'llaniladi.

Vektorli tasvirlar deb, tuzilish jihatidan murakkabroq va har xil ko'rinishga ega geometrik obyektlar to'plamiga aytildi. Bunday obyektlarga misol tariqasida to'g'ri to'rtburchak, aylana, ellips, ko'p burchak, kesma va chiziqlarni keltirish mumkin. Vektorli grafikada tasvirning asosiy elementi chiziq hisoblanadi. Vektorli grafikadan chizma va animatsiyalar yaratishda keng foydalaniadi.

Fraktal deb, o'ziga o'xshash qismlardan iborat shakllarga aytildi. Fraktal grafikaning rastrli va vektorli grafikalardan farqi shundaki, bunda tasvirlar tenglamalar yoki ularning sistemalaridan hosil qilinadi [2].


Uch o'lchovli, ya'ni 3D tasvir deganda, bo'yi, eni va balandligiga ega bo'lgan tasvirlar tushuniladi.

CorelDraw dasturi - vektorli grafika bo‘lib, yangi grafiklar yaratish va tahrir qilish uchun mo‘ljallangan dasturidir. Uning yordamida turli grafik ko‘rinishlarni loyihalash, fotomatn, tasvirlar ustida ishlash kabi amallarni bajarish mumkin. Dastur ishga tushirilgandan keyin ekranda dastur oynasi namoyon bo‘ladi, bu oyna foydalanuvchi interfeysi (user interface) yoki ishchi joyi (workspace) deb ataladi. Interfeys foydalanuvchi va kompyuter orasidagi muloqotni o‘rnatadi, ishlash uchun kerak bo‘lgan barcha sharoitni yaratadi. Shuni nazarda tutish kerakki, interfeys foydalanuvchi tomonidan o‘zgartirilgan bo‘lib, umumiy ko‘rinishidan o‘zgacha bo‘lishi ham mumkin [2]. Foydalanuvchi interfeysi quyidagilardan tashkil topadi: sarlavha, bosh menu, hujjatlarni ko‘rish uchun ishchi oynalar, tasvirlarni muharrirlash uchun bir nechta panellar yig‘indisidan iborat. Oynaning markazidagi katta bo‘sh joy ish joyi deb nomlanib, har bir hujjat uchun alohida ochiladi [1].


CorelDraw dasturi yordamida quyida bir necha xil tasvirlarni hosil qilish ketma-ketligini ko‘rib chiqamiz. Birinchi tasvirimiz logotip chizish deb nomlanadi.

1. Avvalo CorelDraw dasturini ishga tushiramiz va yangi oyna ochamiz. Buning uchun Файл > Создать yoki Ctrl+N tugmalarini bosamiz. Dastlab shakl chizib olamiz. Instrumentlar orasidan Эллинс yoki F7 tugmasini tanlab ikkita ichma-ich aylanana chizib olamiz. Bunda ellips ko‘rinishda emas, balki aylanana ko‘rinishda chizish uchun Ctrl tugmasi bosib turilgan holda chizamiz.

1-rasm. Ellips chizish



2. Birinchi aylanani tanlab uskunalar satridan ko‘k rangi tanlaymiz. Keyin esa kichik aylanani tanlab oq rangni tanlaymiz.



2-rasm. Ellipsni bo‘yash


3. Matn yozish uchun instrumentlar satridan Текст yoki F8 tugmasini tanlab katta aylanani chegarasiga olib kelib, Край со‘зи paydo bo‘lganda kursorni qo‘yib matn kiritamiz.

3-rasm. Ellipsga matn yozish



4. O‘rtada mavzuga mos rasm tanlab olamiz. Rasm

belgilangan holatda menyudan quyidagi ketma-ketlikni tanlaymiz.



4-rasm. Rasmni joylashtirish


5. Rasmni kerakli o'lchamda sozlab olamiz. Shundan so'ng bizga tayyor logotip hosil bo'ladi.



5-rasm. Logotipning umumiyo ko'rinishi


Navbatdagi tasvirimiz gulli naqshlar hosil qilish deb nomlanadi va bu shakllarni hosil qilish uchun quyidagi ketma-ketliklarni bajaramiz.

1. Birinchi navbatda **Файл** → **Создать** yoki **Ctrl+N** tugmalarini bosamiz. Instrumentlar orasidan **Эллинс** yoki **F7** tugmasini tanlab ikkita bir xil aylana chizib olamiz. So'ng **Прямоугольник** yoki **F6** tugmasini tanlab rasmdagi ko'rinishda chizib olamiz. **Инструментов выбора** bo'limini tanlab hamma shaklni belgilab olamiz.




6-rasm. Shakllarni chizish

2. **Инструментов выбора** bo'limini tanlab hamma shaklni belgilab olamiz.




7-rasm. Shakllarni belgilash

Uskunalar satridan **Объединение** bo'limini tanlaymiz.




8-rasm. Shakllarni birlashtirish

Quyidagi ko'rinishda hosil bo'ladi.




9-rasm. Shakllarni birlashtirilgan holati

3. Hosil bo'lgan shakldan yana ikki nusxa olamiz. Buning uchun shakl belgilangan vaqtida klaviaturadan “+” belgisini tanlab, yoki **Ctrl+C** va **Ctrl+V** bilan nusxa olamiz.



10-rasm. Shakllarni nusxalash

4. Shaklni  $90^0$  gradusga burish uchun uskunalar satrida joylashgan **Угол поворота** bo'limiga gradus soni kiritiladi.




11-rasm. Shakllarni burish

5. Shartli ravishda belgilangan 1 va 2 shaklni belgilab, uskunalar satidan **Исключение** bo‘limini tanlaymiz.




12-rasm. Shakllarni ajratish

6. 1 shaklni belgilab, klaviaturadan **Delete** tugmasini tanlaymiz.




13-rasm. Belgilangan shaklni o‘chirish

7. Shartli ravishda belgilangan 2 va 3 shaklni belgilab, uskunalar satidan **Исключение** bo‘limini tanlaymiz. 2 shaklni belgilab, quyidagi ko‘rinishda joylashtirib, shakllarni belgilab uskunalar satidan **Исключение** bo‘limini tanlaymiz.




14-rasm. Shakllarni belgilash,

8. Klaviaturadan **Delete** tugmasini tanlaymiz. Quyida berilgan rasmdagi ko‘rinishda shakl hosil bo‘ladi.




15-rasm. Shaklni qolgan qismi

9. Hosil bo‘lgan shaklni  $-90^{\circ}$  gradusga burib quyidagi ko‘rinishga keltiramiz. Buning uchun uskunalar satrida joylashgan **Угол поворота** bo‘limiga  $-90$  sonini kiritiladi.




16-rasm. Shaklni burish

10. So'ng ushbu shakldan nusxa bir necha marta nusxa olib (klaviaturadan "+" yoki **Ctrl+C**) quyidagi ko'rinishda joylashtirib olamiz. Shakl bir xilda hosil bo`lishi uchun uskunalar satrida joylashgan **Двухточечная линия** yoki **F5** tugmasini bosib to'g'ri chiziq chizib olamiz.



17rasm. Shaklni to'g'ri chiziq bo'ylab nusxalash


Mana shunday ko'rinishda shakl to'lguncha ishni davom ettiramiz. Shaklni to'g'ri chiziq bo'ylab tekislash uchun **SHIFT** tugmasini bosib turgan holda, shaklni o'rta nuqtasidan ushlab kichraytiramiz. Rasmda berilgan ko'rinishda hosil qilamiz.



18-rasm. To'g'ri chiziq bo'ylab to'ldirilgan holati


11. Hosil bo'lgan shaklni belgilab, uskunalar satridan **Инструментов выбора** bo'limini tanlab hamma shaklni belgilab olamiz. Menyudan **Объект > Группа > Сгруппировать** yoki **Ctrl+G** tugmasini tanlaymiz.

12. Endi shaklni burish bilan shug‘ullanamiz. Buning uchun menyudan **Окно > Окно настройки > Преобразования** bo‘limini yoki **Alt+F8** tugmasini tanlaymiz.




19-rasm. Shaklni sozlash oynasi

Ushbu oynadan **Угол поворота** bo‘limiga 20 sonini **Копии** bo‘limiga 1 raqamini kiritamiz, tekislanishga **Внизу справа** buyruqlarini tanlab, **Применить** tugmasini bosamiz.




20-rasm. Shaklni nusxalash

13. Endi hosil bo‘lgan shaklni ustiga sichqoncha o‘ng tugmasini bosib, kontekst menyudan **Порядок > На задний план страницы** yoki **Ctrl+G** tugmasini tanlaymiz.




21-rasm. Shaklni orqa planga o’tkazish

14. Har bir shaklni tanlab **Палитра** bo‘limidan kerakli rang ustiga sichqoncha **o‘ng** tugmasini bosib rang tanlaymiz, agar sichqoncha chap tugmasi bosilsa, shakl ichiga to‘lib rang beradi.



22-rasm. Shakllarga rang berish

15. Har bir shaklni belgilab, alohida-alohida **Преобразования** bo‘limini yana boshqadan sozlab olamiz. **Угол поворота** bo‘limiga 40 sonini **Копии** bo‘limiga 1 raqamini kiritamiz, tekislanishga **Внизу справа** buyruqlarini tanlab, **Применить** tugmasini toki shakl aylana bo‘lib to‘lgunicha davom ettiramiz. Shundan so‘ng quyidagi shakl hosil bo‘ladi.



23-rasm. Naqshning umumiy ko‘rinishi

#### Adabiyotlar ro‘yxhati.

1. Петров М.Н., Молочков В.П. Компьютерная графика: Учеб. для вузов 2-е изд. – Санкт-Петербург: Питер, 2015.
2. Zaripov N.N. «Kompyuter grafikasi» O‘quv qo‘llanma – Buxoro, “Durdonga”, 2020. - 202 b.
3. Миронов Д. Ф. Компьютерная графика в дизайне. – БХВ-Петербург, 2011. –720 с.
4. Каршакова Л. Б., Яковleva Н. Б., Бесчастнов П. Н. Компьютерное формообразование в дизайне. М.: ИНФРА-М, 2015. 240 с.
5. Nazirov Sh.A., Nuraliyev F.M., To‘rayev B.Z. “Kompyuter grafikasi va dizayn”  
o‘quv qo‘llanma. -T.: «Fan va texnologiya», 2015. – 256 b.
6. Nazirov Sh.A., Nuraliyev F.M., Aytmuratov B.Sh. “Rastr va vektor grafika” O‘zR oliv va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi, O‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi markazi. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi, 2007. –192 b.
7. Rixsiboyev T. “Kompyuter grafikasi” O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, T.; 2006, 168 b.



**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ШАХСИЙ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ПЕДАГОГИК КОРРЕКЦИЯ  
ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.016>

Нумонова Дилдор Умурзоковна,  
Навоий давлат педагогика институти, фалсафа фанлари доктори,  
доцент

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ  
КОРРЕКЦИИ ЛИЧНОСТНОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ УЧАЩИХСЯ  
ШКОЛ**

Нумонова Дилдор Умурзоковна,  
Навоийский государственный педагогический институт, доктор  
философии, доцент

**THEORETICAL ASPECTS OF PEDAGOGICAL CORRECTION  
OF PERSONAL EFFICIENCY OF SCHOOLS STUDENTS**

Numonova Dildor Umurzokovna,  
Navoi State Pedagogical Institute, Doctor of Philosophy, Associate  
Professor

**АННОТАЦИЯ:** Кириши маълумотлари долзарбилиги. Мактабда таълим тизимини янги, янада юқори босқичга кўтариши ўқувчиларга таълим-тарбия берииш жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва услубларини жорий этиши, болаларнинг ҳар томонлама ривожланишилари учун шарт-шароит яратиш каби муҳим масалалар рационал ҳал этилишини талаб қиласиди. Ушбу мақолада “ўқувчиларнинг шахсий самарадорлиги” тушиунчасига ойдинлик киритилган, ўқувчилар шахсий самарадорлигига эришиш стратегиясиининг даражалари аниқланган ҳамда педагогик диагностика ва коррекциянинг ушбу йўналишидаги вазифалари белгиланган.

**Методлар.** Ўқувчиларнинг фанни ўзлаштирганлик даражасаси “Ўқув хужжатларини ўрганиши” методи воситасида, ўқув фаолияти жараёнида ўқувчиларнинг фаолиги ва ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги педагогик кузатиш методи ёрдамида аниқланди. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари Е.А.Климов Б.А.Левис ва Ф.Пукелик методикалари ёрдамида диагностика қилинди. Ўқитиши жараёнини ўқувчиларнинг маълумотларни ўзлаштириши ва тафаккурининг ўзига ҳосиликларини хисобга олибиндивидуаллаштирилди.

**Натижалар.** Таълим олувчилар ўз имконяятларидан келиб чиқиб ўқув материалларини ўзлаштиришида максимал даражада самарали фаолият

кўрсатдилар. Ўқув жараёнини ўқувчилар шахсига йўналтирилиши таъминланиб, дарсда ўқувчиларнинг билиши ва ижодий фаоллиги ортди.

**Хуносалар.** Таълим жараёнида ўқувчиларнинг шахсий самарадорлигини ошириши учун уларнинг индивидуаллигини ҳисобга олиши, назариянинг амалиёт билан боғлиқлигини таъминлаш ва доимий “акс алоқа” ўрнатиши зарур. Бу шартнинг бажарилиши болалар ўқув маълумотларини тўлиқ тушиунишларини ва тез ўзлаштиришларини таъминлайди.

Таянч сўзлар: таълим сифати, ўқитиши жараёни, шахсий самарадорлик, шахсий самарасизлик, ўқувчиларни ривожланиши, индивидуаллашган таълим, шахсга йўналтирилган таълим, педагогик диагностика ва коррекция.

**Вводная информация/актуальность.** Повышение системы образования в школе на новый, более высокий уровень требует рационального решения таких важных вопросов, как внедрение в процессы обучения учащихся современных образовательных программ и методов, создание условий для всестороннего развития детей. В данной статье уточнено понятие «личностная эффективность учащихся», выявлены уровни стратегий достижения личностной эффективности обучаемых, а также определены задачи педагогической диагностики и коррекции в данном направлении.

**Методы.** Уровень усвоения учащимися знаний определялся методом «Изучение учебных материалов», активность учащихся в ходе учебной деятельности и профессиональная компетентность преподавателей определялись методом педагогического наблюдения. Индивидуальные особенности учащихся диагностировались с помощью методик Э. А. Климова, Б. А. Левиса и Ф. Пукелика. Учебный процесс был индивидуализирован с учетом особенностей усвоения знаний и мышления студентов.

**Результаты.** Учащиеся в освоении учебных материалов проявили активность исходя из своих потенциалов. Обеспечения направленности учебного процесса на личность учащихся способствовало повышению познавательной и творческой активности учащихся.

**Выводы.** Для повышения личной эффективности учащихся в образовательном процессе необходимы учёт их индивидуальности, обеспечение связи теории с практикой, а также «обратную связь» в процессе всего занятия. Выполнение этих условий обеспечат полное понимание и быстрое усвоение детьми учебной информации.

**Ключевые слова:** качество образования, учебный процесс, личная эффективность, личная неэффективность, развитие учащихся,



*индивидуализированное обучение, личностно-ориентированное образование, педагогическая диагностика и коррекция.*

*Introductory information/relevance. Raising the education system at school to a new, higher level requires a rational solution of such important issues as the introduction of modern educational programs and methods into the learning process of students, the creation of conditions for the comprehensive development of children. This article clarifies the concept of «personal effectiveness of students», identifies the levels of strategies for achieving the personal effectiveness of students, and also defines the tasks of pedagogical diagnostics and correction in this direction.*

*Methods. The level of assimilation of knowledge by students was determined by the method of «Study of educational materials», the activity of students in the course of educational activities and the professional competence of teachers were determined by the method of pedagogical observation. The individual characteristics of students were diagnosed using the methods of E. A. Klimov, B. A. Levis and F. Pukelik. The educational process was individualized taking into account the peculiarities of mastering knowledge and thinking of students.*

*Results. Students in the development of educational materials showed activity based on their potentials. Ensuring the focus of the educational process on the personality of students contributed to an increase in the cognitive and creative activity of students.*

*Conclusions. To increase the personal effectiveness of students in the educational process, it is necessary to take into account their individuality, ensure the connection between theory and practice, as well as "feedback" during the entire lesson. The fulfillment of these conditions will ensure the complete understanding and rapid assimilation of educational information by children.*

*Keywords:* quality of education, educational process, personal effectiveness, personal inefficiency, student development, individualized learning, student-centered education, pedagogical diagnostics and correction.

Кириш. Таълим сифатини ошириш масаласи республикамиз Раҳбари томонидан имзоланган бир қатор норматив-хуқуқий хужжатларда ўз аксини топган бўлиб. уларда таълим муассасаларида ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш масалаларига алоҳида урғу берилган. Таълим муассасаларида ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва услубларини жорий этиш, ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишлари учун

шароит яратиш ҳамда бу вазифаларни амалга ошириш учун педагог ва мутахасисларнинг касбий компетентлигини ошириш керак бўлади [Мирзиёев Ш.М., 2017].

Мактабларда ўқувчилар фаолияти шахсий самарадорлигини оширишнинг шакл ва методлари, усул ва воситалари тизимини амалиётга жорий этиш алоҳида педагогик муаммолигича қолмоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш учун ўрта умумтаълим мактабларининг педагог-ўқитувчиларидан ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини болаларнинг физиологик хусусиятлари ва индивидуал ўзига ҳосликларини хисобга олиб шахсий самарадорлигини оширишга йўналтириш зарур. Бунинг учун эса ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг шахсий самарадорлигини ошириш масаласини чукур ва атрофлича тадқиқ қилиш ва амалиётга кенг жорий этиш талаб қилинади.

Материаллар ва методлар. Педагогик психология, педагогик нейропсихология ва нейропедагогика соҳасида амалга оширилган илмий тадқиқотларда таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг тафаккур стратегиялари ва етакчи репрезентатив тизимлари (индивидуал латераллик профиллари)нинг ўзаро тўғри келмаслиги натижасида улар ўртасида психологик “тўсиқ” ҳосил бўлиши аниқланган. Ушбу “тўсиқ”нинг юзага келиши ва ортиши оқибатида болаларнинг ўкув фаолияти самарадорлиги сезиларли даражада пасайиб бориши таъкидланган. [Eric R. Kandel, 2006], [Gazzaniga M.G., 2009], [Gulyamov Dj.R. and etc., 2020]

Ўқувчи фаолиятидаги шахсий самарадорликни англаш ва унга эришиш йўлларини тадқиқ этиш учун аввало “шахсий самарадорлик” тушунчасига аниқлик киритиш керак, деб ҳисоблаймиз.

“Шахсий самарадорлик” инсон салоҳиятини белгилайдиган тушунчалардан. Бироқ, хозирга қадар “шахсий самарадорлик” ва “инсон салоҳияти” тушунчаларига аниқ таъриф берилмаган. Ушбу тушунчалар ўзаро яқин маънода қўлланилса-да, асосан инсон характеристини, унинг интеллектуал қобилияtlарини, иродасини, истеъодидини, касбий тайёрлик ёки билим даражаси кабиларни назарда тутади, деб ҳисоблайди З.П.Замараева ва Н.В.Панкратов. [Замараева З.П. и др., 2017]

Бироқ, шахс эришган натижаларини ҳақоний баҳолаганида, у ўз олдига қўйган мақсадига қарагандан нисбати кам ёки кўп натижага эришган бўлса – унинг фаолиятидаги шахсий самарадорлик “паст” деб баҳоланади. Яъни, шахс ўз олдига қўйган мақсадларига қарагандан кўпроқ натижаларга эришган вазиятларда унинг фаолиятини “самарали” деб ҳисоблаш нотўғри бўлади, деб ҳисоблайди С.Дидковский. [Дидковский С., 2007]

С.А.Дружилов фаолият самарадорлиги ва касбий ривожланишнинг

индивидуал захираси түғрисида тадқиқот олиб бориб, мутахассиснинг янги фаолиятга мослашишига таъсир кўрсатувчи омилар сифатида шахсий сифатлар, мотивация, психологик адаптация/дезадаптация, ижтимоий муносабатлар тизими, билиш функциялари ва операционал блоклар тадқиқ этган. Бунда шахсий омилларнинг фаолиятни умумий самарадорлигига таъсири катта бўлиб, бунда асосий сифатлар – вижданлилик, мулоқотда қатъиятлилик ва эмоционал турғунлик эканлиги аниқланган. Мотивация блокида ижодий фаоллик мотиви шахсий самарадорликни оширишга ёрдам берса, комфортга эришиш мотиви – пасайтириши мумкин, деб холоса қилинган. [Дружилов С.А., 2013]

Инсон фаолияти давомида тўқнашадиган самарасизлик (муваффақиятсизлик)ларни асосан аниқ ва муаммоли самарасизлик турларига ажратиш мумкин. Муваффақиятсизликнинг аниқ турида инсон олдига қўйган мақсадига нисбатан эришган натижаси кам бўлса унинг фаолияти самарасиз бўлади. Бу самарасизликнинг сабаблари шахс учун маълум ва аниқ эканлиги билан изоҳланади. Чунки кўзланган натижаларга эриша олмасликнинг сабабларини аниқлаш учун шахс ҳар доим фаолиятини таҳлил қилиши ва тузатишлар киритиши мумкин.

Муваффақиятсизликнинг иккинчи – самарасизлик турида шахс фаолияти натижасида белгилаган мақсадига нисбатан қўпроқ натижаларга эришади. Ушбу фаолият муаммоли ёки ноаниқ равишдаги самарасизлик ҳисобланади. Бундай вазиятларда шахс ўз олдига қўйдиган мақсадларини белгилашида шахсий имкониятларини аниқ хисобга олмаслиги ёки бошқа омиллар таъсирида юқори натижаларга эришилганлигини аниқлаш – унинг кейинги фаолияти жараёнини режалаштиришида муҳим ахамиятга эга бўлади.

Инсон эришган натижа олдига қўйилган мақсаддан ошиб кетишининг сабаби икки турда бўлиши мумкин:

- шахсий имкониятлари унинг ўз олдига қўйган мақсадларидан юқори бўлиши;
- олинган натижага кўзда тутилмаган вазиятларнинг фаолият жараёнига таъсири.

И.И.Мельников «шахсий самарадорлик» тушунчасини ташкил этадиган қуйидаги бир нечта асосий қўникмаларни белгилайди:

- 1) мақсадларни белгилаш ва устувор йўналишларни аниқлаш;
- 2) вақтни бошқариш тамойилларига риоя қилиш;
- 3) фикрлашнинг самарали усусларидан фойдаланиш;
- 4) одамлар билан мулоқот қилишда киришувчанлик.

Муаллиф бу қўникмаларни ривожлантириш орқали шахсий самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаши мумкин, деб ҳисоблайди.

[Мельников И.И., 2013]

Г.В.Самусева илмий тадқиқотида кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ўқув фаолияти субъекти сифатидаги позициясини шакллантириш жараёнини тадқиқ этиб, ўқувчиларни таълим фаолиятининг субъекти позициясидан шакллантириш жараёнини педагогик қўллаб-қувватлашнинг самарадорлиги унинг мазкур позицияда шахсий тажрибасини намоён бўлиши сифатида қаралиши керак, деб хулоса қилган. Бунда маълум бир ёш босқичида ривожланишининг ижтимоий ҳолати ва таълимнинг индивидуал усууларида ифодаланиши муҳим аҳамиятга эга эканлигига ургу берилади. [Самусева Г.В., 2009]

Т.Б.Князева ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг шахсий ривожланиш жараёни самарадорлигини оширишининг педагогик шарт-шароитлари мажмууни ишлаб чиқган. Тадқиқотчи шахснинг ижтимоийлашув жараёни унинг индивидуаллашуви, ўз имкониятларини амалиётда қўллаши ва шахсий салоҳиятини максимал даражада ривожланиришини ўз ичига олиб, ўқувчилар шахсини яхлит шакллантириш учун педагогик шароитлар тизимини яратади, - деб ҳисоблади. [Князева Т.Б., 2001]

Р.И.Егорованинг илмий тадқиқот ишида мактабда шахсга йўналтирилган таълимни ташкил этиш - ўқувчиларнинг ижтимоий ва қасбий ўзини ўзи англаши ҳамда белгилашини, «мен» образини англаш пропедевтикасини педагогик қўллаб-қувватлашни, қасбий мувофиқлиги ва тайёрлиги кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишини таъминланиши ва бунда шахснинг индивидуалликка бўлган ҳуқуқи очиб берилган. [Егорова Р.И., 2007]

Ривожлантирувчи-коррекцион фаолият орқали ўсмирларда таълим мотивациясини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари В.В.Ковалев томонидан экспериментал йўл билан аниқланган. [Ковалев В.В., 2004] Тадқиқотчи ривожлантирувчи-коррекцион иш воситасида ўқув материаларини ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келган ўқувчиларда таълим мотивациясини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи қўйидаги педагогик шартларни таклиф қилган:

- таълим-тарбия жараёнида ўқувчи шахсининг мотивацион соҳасида мақсадли ўзгаришлар содир бўлиши учун ўқув фаолиятида турли характердаги мураккаб вазиятларни бошдан кечираётган ўқувчиларнинг ҳиссий, интеллектуал ва ижтимоий фаоллигини рағбатлантириб бориш;

- боланинг ўқув-тарбиявий фаолиятини психологик ва педагогик қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида амалга ошириллиши. Бу бола шахснинг ривожланиш ҳолатини ўрганишни ҳамда зарур ҳолларда

симуляция ва ўйин тамойилларига асосланган тренинг-машқлар уюштириш, маъруза-маслаҳат ва консультатив сұхбат ўтказиш орқали рационал таъсир қилишни назарда тутади. Мактаб адаптацияси жараёнида юзага келадиган низолар ва манфаатлар тўқнашувларини моделлаштириш орқали ижобий ҳал қилиш;

- ўқувчининг мотивацион ва семантик функцияларини фаоллаштиришга қаратилган тизимни шахсга йўналтирилган вазиятлар тарзида қуриш.

Н.Ф.Дилова ўқувчи шахсини ривожлантиришга бағишишланган илмий тадқиқотида, ҳамкорликда ўқитиши педагогикаси педагогик жараённи такомиллаштириш ва уни ўқувчи шахсига йўналтиришга асосланганлигини ҳисобга олиб, мазкур технология ижодкор шахсни шакллантиришга йўналтирилган ижодий муҳитни яратиш, таълим сифати ва самардорлигини оширишга хизмат қилаishi мумкин эканлигини исботлайди. Ҳамкорликда ўқитиши машғулотларнинг асосий жараёнлари сифатида ҳамкорликда фикр алмашиш, сұхбат, таҳлил, мунозара, музокара, амалий вазифаларни бажариш, масалалар ечиш каби йўллари аниқланган. Тадқиқотчи “таълим технологиясининг моҳияти – шахсни ривожлантириш, таълим назариясини асослаш учун назарий шарт-шароит яратиш эмас, балки унга ўз-ўзини тарбиялашга ёрдам беришдан иборат бўлиши лозим”, - деб ҳулоса қиласиди. [Дилова Н.Г., 2017; 2018]

Рустамова М.М. [Рустамова М.М., 2015] таълим жараёни ўқувчилар шахси самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши учун уни ташкил этишда қўлланиладиган ўқув вазифалари қуидаги минимал даражада келтирилган дидактик талабларга жавоб берishi лозим, деб ҳисблайди:

Билим олиш – асосий далилларни қидириш ва топиш, хотирада сақлай олиш, тавсифлаш, таниш, қайта жонлантириш, номини айтиш, изланиш, тузилишини билиш ва кўрсатиш кабилар орқали амалга ошади.

Тушуниш – қайта сўзлаш, моҳиятини тушуниш, тушунтириш, тасвирлаш ва бошқа усулда ҳамда бошқа сўзлар билан таърифлай олиш натижасида эришилади.

Ишлатиш (қўллаш) – олинган билимни бошқа шароитларда қўллаш (ишлатиш, ечиш, тажриба ўтказиш, қўллаш, кузатиш, олдиндан башорат қилиш, бирор-бир муаммони ҳал қилиш)ни ўз ичига қамраб олади.

Таҳлил (анализ) – тушунчалар орасидаги асосий муносабатларни аниқлаш ва уларнинг моҳиятини тушуниш – соҳа материалини (билим, ҳодиса, машина, маълумот) ташкил этувчиларга (таркибий қисмларга) бўлиб чиқиш ва уларнинг ҳар бирининг вазифасини тушуниб олиш. Оддийдан мураккабга ва мураккабдан оддийга йўналишида таҳлил

қила олиш (қисмлар орасидаги муносабатларни аниқлаш, бир-бирига улаш, бирлаштириш; бўлиб чиқиш, туркумларга ажратиш, гурухларга ажратиш, умумий қонуниятларни топиш, тоифаларга бўлиб чиқиш).

Синтез – янги нарса (билим, предмет, машина)ни унинг бир қанча қисмларидан (бўлакларидан) уларнинг хоссаларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш (тузиш, конструкция йиғиш, комбинациялаш, янги фикр яратиш, янги фаразларни таклиф қилиш), уларни синаш ва олинган натижа асосида янгиларини мавжудларига рақобатчи сифатида ишлаб чиқиши.

Баҳолаш – эришилган натижани аниқлаш, қарор қабул қилиш ёки ечим топиш (баҳолаш жараёнини амалга ошириш, ҳал қилиш, сабаб ва оқибат занжиридаги алоқаларни аниқлаш, тоифаларга бўлиш ва уларни аниқлаш).

Биз тадқиқот ишимиз давомида ўкувчиларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлашда Ellis Paul Torrance ҳамда C.R.Reynolds, T.Riegel, O.E.Ball томонидан ҳаммуаллифликда яратилган “Сизни маълумотларни ўзлаштириш ва тафаккур стилингиз” методидан фойдаландик. Мазкур метод ёрдамида ўкувчиларнинг маълумотларни ўзлаштириш ва тафаккур стилини ҳисобга олиб дарс жараёни ташкил этишда олган дастлабки натижаларимизга асосланиб қуийдаги илмий фаразни илгари сурдик: ўкувчиларнинг маълумотларни ўзлаштириш ва тафаккур стилини ҳисобга олиб дарс жараёни ташкил этиш маълумотларни “улар тушунадиган тилда” ҳавола қилиш, максимал даражада дарсни индивидуаллаштириш ҳамда ўкувчи шахсига йўналтирилиш, болалардаги иқтидорни эрта аниқлаб мақсадли ривожлантириш, ташаббускорлик, ижодкорлик каби фазилатларни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Олинган натижалар таҳлили. Инсоннинг шахсий самарадорлиги олдига қўйган мақсадлари ва бу йўлда эришган натижаларининг ўзаро нисбати билан белгиланади. Агар шахс ҳаёт фаолияти давомида ёки ушбу жараённинг маълум бир қисмида эришган натижалари олдига қўйган мақсади билан мутаносиб бўлса, у ҳолда шахс фаолияти самарали, деб ҳисобланади.

Шахс эришган натижа қўйилган мақсаддан паст бўлиши ёки ошиб кетиши мумкин. Шу сабабли шахсий самарасизликни коррекция қилиш учун унга салбий таъсир этувчи омилларнинг табиатини ва келиб чиқиш сабабларини ўрганиш зарур.

Шахс фаолияти самарасизлигини коррекция қилишда муайян парадигмалар – табиий ва сунъий-техник парадигмалар қўлланилади.

Табиий парадигма инсонга «табиатан» хос бўлиб, шахснинг интилишларини пасайтириш, ўз имкониятларига нисбатан ишончсизлик,

қобилиятларининг айримларини паст баҳолаш ва амалиётда қўллашига тўскинлик қилиш, олинган натижаларни инкор этиш орқали шахсий самарасизлик тажрибасини ёнгиб чиқишга бўлган онгсиз истакдан иборат.

Сунъий-техник парадигма эса табиий парадигмага зиддир. Мазкур парадигма шахсдан ўзининг қобилиятлари билан фаол ишлашга йўналтирилган онгли ва иродавий харакатларни талаб қиласди. Шахсий самарадорликни ривожлантириш стратегияларидан бири сифатида мазкур парадигмада ёрдамида шахсий самарадорликни ривожлантиришнинг учта йўналишини ажратиши мумкин:

- 1) белгиланган мақсадлар даражасидаги қобилиятлар;
- 2) шаклланган қобилиятларнинг даражалари ва олинган натижалар орқали эришиладиган мақсадлар;
- 3) қобилиятлар даражаси ҳамда мақсадлар ва натижалар.

Қабул қилинган мақсадлар даражасида қобилиятларни ривожлантириш стратегияси ҳар қандай қобилият шахсни мақсадли фаолияти ижтимоий нормалашган усулдан бошқа нарса эмаслигини билишига асосланган.

Шундай қилиб, ўқувчининг шахсий самарадорлиги – одоб-ахлоқ меъёrlарига риоя қилган ҳолда дарс, дарсдан ташқари ва мактабдан ташқари фаолиятларда ўз интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний имкониятларини қўллаб амалга оширадиган фаолияти бўлиб, ўрта умумтаълим мактаби ўқувчилари фаолиятидаги шахсий самарадорликни ошириш муаммосининг турли жиҳатлари педагогика ва психология соҳасидаги олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўрганилган илмий тадқиқотлар таҳлили ҳамда шахсий тажрибамиз натижаларига асосланиб, фаолиятидаги шахсий самарадорлик масаласи инсон ҳаётининг фаровонлиги масаласи билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг салоҳиятини белгилайди. Мазкур тушунча, асосан инсон характерини, унинг интеллектуал қобилиятларини, иродасини, истеъододини, касбий тайёрлик ёки билим даражаси каби кўрсаткичларни назарда тутади. Бунда инсон ўз олдида турган яқин ва истиқбол мақсадларини белгилаши ва фаолиятидаги устуворликларни аниқлай олиши, фаолиятини вақт кесимида тўғри ташкил этиши, ҳар ҳил тафаккур турларидан фойдаланиш ҳамда ижтимоий фаоллик каби қўнималарга эга бўлиши муҳим саналади.

Ўрта умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий вазифаси - ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш сифатини ҳамда ижтимоий фаоллигини мақсадли ошириш, уларда ижтимоий меъёrlарга мос келадиган ижобий ҳислатларни ҳамда самарали ижтимоийлашувига ёрдам берадиган (компенсатор)

сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш кабиларни ўз ичига олади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, ўрта умумтаълим мактаби ўқувчисининг шахсий самарадорлигини ўкув фанлари бўйича билимларни ўзлаштириш имкониятларини билимларни ўзлаштирганлик даражаларига нисбати билан белгилаш мумкин, деб эътироф эта оламиз.

Мактаб ўқувчисининг шахсий самарадорлиги уни ўкув фаолиятининг мақсади ҳамда натижаси ўртасидаги нисбатнинг ўзаро мувофиқлиги орқали белгиланади. Инсон ўкув фаолияти жараёнида олдига қўйилган ўкув, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлардан нисбатан кам ёки кўп натижага эришган бўлса – унинг фаолияти самарасиз ёки муваффақиятсиз ҳисобланади. Ўқувчи фаолиятидаги муаммоли самарасизликни педагогик коррекция воситасида тузатиш учун энг аввало ушбу муаммоли самарасизликнинг моҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали бундай самарасизликни юзага келтириб чиқарган омиллар аниқланади. Ўқувчи фаолиятидаги шахсий самарасизликни педагогик коррекция қилишда ушбу омилларнинг табиатидан келиб чиқиб табиий ва сунъий-техник парадигмалар қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мактабда таълим жараёнини индивидуаллаштириш ўқувчилардаги ташаббускорлик, ижодкорлик каби фазилатларни шакллантириб, шахсий самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Хулоса. “Мактаб ўқувчисининг шахсий самарадорлигини ошириш” тушунчасига қуидагича изоҳ бериш мумкин, деб ҳисоблаймиз: ўқувчининг индивидуал ва характерологик хусусиятларидан келиб чиқиб шахсини ривожлантириш, уни муваффақиятли ижтимоийлашувига салбий таъсир этувчи иллатларни коррекция қилиб ўкув маълумотларини ўзлаштириш жараёнини максималдаражада фаоллаштириш тушунилади. Бунда ўқувчининг билиш ҳамда ижтимоий фаоллигини мақсадли оширишга, ижтимоий меъёрларга мос келадиган ижобий ҳислатларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган индивидуал ёки гурӯхли шаклдаги тадбирларни тизимли равишда, таълим-тарбия жараёнининг дифференциялашган педагогик шароитларини яратиш орқали ташкиллаштирилади.

Ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчилар шахсий самарадорлигига эришиш стратегиясиининг учта даражасини кўриш мумкин:

- 1) ўқувчилар қобилияtlарининг белгиланган ўкув мақсадларига мувофиқлиги;
- 2) ўқувчилар қобилияtlарини шаклланганлиги билан ўкув маълумотларини ўзлаштириш натижаларининг ўзаро мувофиқлиги;
- 3) ўқувчилар қобилияtlари, ўкув мақсадлари ва эришилган натижаларнинг ўзаро мувофиқлиги.

Ўрта умумтаълим мактабларида ташкил этиладиган ва амалга

ошириладиган педагогик диагностика ва коррекциянинг қуидаги асосий вазифаларини ўзида акс эттириши керак бўлади:

- иқтидорли болаларни педагогик диагностика ва коррекция қилиш дастурини ишлаб чиқиш – болалардаги иқтидорни аниқлаш ва тарбиялашнинг педагогик-психологик меҳанизмини яратиш;
- иқтидорли болаларнинг қобилиятларини ривожлантириш мазмунини ишлаб чиқиш (ўқув режа, мақсадли дастур);
- ўрта умумтаълим мактабларида мавжуд педагогик субъектлар имконияти ва салоҳиятини шу жараён талабларига мувофиқлаштириш;
- ўрта умумтаълим мактаблари қошида иқтидорли болаларнинг қизиқишлиятига қўра мақсадли ривожлантирувчи машғулотларни режа асосида ташкил этиш.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони / <https://lex.uz/docs/4312785>
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: “Ўзбекистан”, 2017. – 488 б. <https://dba.uz/medias/media/other/583/pa-dastur.pdf>
3. Eric R. Kandel. In Search Of Memory The Emergence of a New Science of Mind Copyright, 2006. / <https://www.amazon.com/Search-Memory-Emergence-Science-Mind/dp/0393329372>
4. Gazzaniga M.G. The Cognitive Neurosciences / A Bradford Book The Mit Press Cambridge, Massachusetts London, England/ 2009. Massachusetts Institute Of Technology / [https://www.academia.edu/es/46929018/The\\_Cognitive\\_Neurosciences\\_Michael\\_Gazzaniga](https://www.academia.edu/es/46929018/The_Cognitive_Neurosciences_Michael_Gazzaniga)
5. Gulyamov Dj.R., Nurboyev Q.M., Khuzhakulov N.T. Teaching Children Of Preschool Age In Neurodidactic Conditions Printed Palarch’s Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6). ISSN 1567-214x / PJAEE, 17 (6) (2020) / P.14485-14494 / [https://ejmcm.com/article\\_3309.html](https://ejmcm.com/article_3309.html)
6. Дидковский С, Личная эффективность. НАУ Источник: Журнал HRMagazine, № 9, 2007. / [https://www.training.com.ua/publication/lichnaja\\_jeffektivnost](https://www.training.com.ua/publication/lichnaja_jeffektivnost)
7. Дилюва Н.Г. Бошлангич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик мухитини шакллантириш механизmlарини такомиллаштириш. 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи. Пед.фантлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. - Нукус – 2018. – 52 б.
8. Дилюва Н.Г. Ўқувчи шахсини ривожлантиришда ҳамкорлик педагогикасининг ўрни // Ж.: Замонавий таълим / Современное <http://interscience.uz>

образование 2017, №1. –Б. 50-55. / <https://cyberleninka.ru/article/n/uvchi-shahsini-rivozhlantirishda-amkorlik-pedagogikasining-rni>

9. Дружилов С.А. Основы практической психологии и педагогики для бакалавров / учеб. пособие для студентов технических вузов. – М. : ФЛИНТА : Наука, 2013. – 240 с./ <https://www.academia.edu/26297114>

10. Егорова Р.И. Педагогическое сопровождение процесса выбора учащимися будущей профессии (на примере коррекционной школы): 13 00 01 - общая педагогика, история педагогики и образования: Автореф. дисс. на соиск. .... канд. пед. наук. Якутск, 2007. -24 с

11. Замараева З.П., Панкратов Н.В. К вопросу о сущности категории «человеческий потенциал» в современной социологии // Трансформация человеческого потенциала в контексте столетия / Под общ. ред. проф. З.Х. Саралиевой: В 2 т. Т. 1. – Н.Новгород: Изд. НИСОЦ, 2017. – С.135-138. / [https://pure.spbu.ru/ws/files/39276340/\\_.\\_2017\\_1.pdf](https://pure.spbu.ru/ws/files/39276340/_._2017_1.pdf)

12. Князева Т.Б. Педагогические условия личностного роста старшеклассников в вариативном компоненте образовательного процесса: Дис. .... канд. пед. наук: 13.00.01. -Иркутск, 2001. -191 с.

13. Ковалев В.В. Педагогические условия формирования учебной мотивации подростков в процессе коррекционно-развивающего обучения. 13.00.01 —общая педагогика, история педагогики и образования. Автореф. дис. на соиск. канд.пед. наук. Воронеж, 2004. -24 с.

14. Мельников И.И. Основы личной эффективности // Ж.: Университет водных коммуникаций, -С.Пб., 2013. № 3. – С.119-125.

15. Рустамова М.М. Мехнаттаълимида ўқувчиликнинг ижодий қобилиятларини шакллантириш технологияси (бошланғич синф ўқувчилари мисолида) // Замонавий таълим / Современное образование 2015, №6. –Б.41-46.

16. Самусева Г.В. Педагогическое сопровождение становления позиции субъекта учебной деятельности младшего школьника / 13.00.01.- общая педагогика, история педагогики и образования. Автореф. дисс. на соиск. .... канд. пед. наук. –Волгоград, 2009. -25 с.



**TEXNIKA OLIY TA'LIM MUASSASALARI UMUMKASBIY  
FANLARNI O'QITISHDA DASTURIY TA'LIM VOSITALARIDAN  
FOYDALASHNING IMKONIYATLARI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.017>

Kuchkarbayev Rustam Utkurovich

Bukhara davlat universiteti, mustaqil tadqiqotchi

Annotatsiya – Ushbu maqolada texnika oliy ta'lif muassasalarida o'qitiladigan “Arxitekturaviy kompozitsiya va loyihalash asoslari” fani doirasida mutaxassislarni tayyorlash jarayonida ularning kasbiy kompetentligini shakllantirishga qaratilgan metodlar va dasturiy ta'lif vositalardan samarali foydalanish jarayoni tahlil qilingan. O'zbekiston oliy ta'lif muassasalarida, texnika fanlarini o'qitishda qo'llash nazariyalari va ularning ahamiyati tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: dastur, intellekt, iqtisod, informatika, AKT, ma'lumot, axborot, texnologiya, kompetentlik, metod, tahlil, vosita, o'qituvchi, mutaxassis, ta'lif, jarayon, muassasa, fan, tizim.

**ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОГРАММНЫХ  
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ СРЕДСТВ В ОБУЧЕНИИ  
ОБЩЕПРОФЕССИОНАЛЬНЫМ НАУКАМ ПРИ  
ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗАХ**

Кучкарбаев Рустам Уткурович

Бухарский государственный университет, независимый  
исследователь

Аннотация - В статье анализируется процесс эффективного использования методов и программных средств обучения, направленных на формирование профессиональной компетентности в процессе подготовки специалистов по предмету «Архитектурная композиция и основы проектирования», преподаваемого в технических вузах. Анализируются теории применения и их значение в преподавании технических наук в высших учебных заведениях Узбекистана.

Ключевые слова: программа, интеллект, экономика, информатика, ИКТ, данные, информация, технология, компетенция, метод, анализ, инструмент, учитель, специалист, образование, процесс, учреждение, наука, система.

## OPPORTUNITIES FOR THE USE OF SOFTWARE EDUCATIONAL TOOLS IN TEACHING GENERAL PROFESSIONAL SCIENCES AT TECHNICAL UNIVERSITIES

Kuchkarbayev Rustam Utkurovich

Bukhara State University, independent researcher

**Abstract -** The article analyzes the process of effective use of teaching methods and software tools aimed at the formation of professional competence in the process of training specialists in the subject «Architectural composition and design fundamentals», taught in technical universities. Theories of application and their significance in the teaching of technical sciences in higher educational institutions of Uzbekistan are analyzed.

**Key words:** program, intelligence, economics, computer science, ICT, data, information, technology, competence, method, analysis, tool, teacher, specialist, education, process, institution, science, system.

**I. Kirish.** Hozirgi kunda intelektual mehnat bozorida raqobat yuqoriligini hisobga olib, bozor talabini qondirish va muhandislik soahasidagi mutaxassislarni tayyorlash darajasini oshirish muammolariyuzaga keladi.

Texnika oliv ta'lim muassasalarida ushbu muammoni hal etish ta'lim siyosatini amalga oshirish orqali bajarilishi mumkin. Ushbu siyosat raqobatbardosh va ijtimoiy himoyalangan mutaxassislarni tayyorlash darajasini oshirishga, ularning kasbiy qobiliyatlarini shakllantirishga yordam beradi. Biz buning natijasida doimo o`zgarib turadigan zamonaviy sharoitda vazifalarni bajarishga qodir o`zgarib turadigan zamonaviy sharoitda vazifalarni bajarishga qodir bo`lgan har tomonlama yetuk muandislarni olishimiz mumkin.

Qurilish bu – iqtisodiyotning asosiy tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Qurilish ishlab chiqarish hajmi har doim uning barqarorligining ko`rsatkichlari hisoblanadi.

Tashkilotning axborot texnologiyalari biznesning strategik maqsadlari uchun mo`ljallangan bo`lib, shu bilan birga tuzilmalar va ob`ektlar, moliyaviy, axborot, moddiy oqimlar, ish joylari va odamlar jamoalari faoliyatini boshqarish uchun keng foydalaniladi.

Iqtisodiyot, marketing va menejment sohalarida axborot va axborot xizmatlariga bo`lgan talab axborot texnologiyalarini (AT) rivojlantirish, tarqatish va undan samarali foydalanishni ta'minlaydi. Axborot texnologiyalarining strategik maqsadlari biznesning rivojlanishini, uning boshqarilishi va sifatini, raqobatbardoshligini ta'minlash, biznes jarayonlari tannarxini pasaytirishdan iborat.

Axborot texnologiyalari – avtomatlashtirish vositalari va usullaridan

foydalangan holda axborot ustida bajariladigan operatsiyalarning tizim tomonidan tashkil etilgan ketma-ketligiga aytildi.

Oddiy avtomatlashtirilgan axborot tizimlari vazifalariga quyidagilar kiradi:

- Qarorlar qabul qilish;
- Tahlil va prognozlash;
- Axborotni to'plash va ro'yxatdan o'tkazish
- Axborotni kiritish va uzatish;
- Axborotni qayta ishlash, to'plash va saqlash.

### II. Adabiyotlar tahlili

O'zbekistonda bugungi kunda bin ova inshootlarni loyihalashda eng ko'p qo'llaniladigan dasturiy ta'minot bu AutoCAD. Ushbu dasturiy paket orqali faqat juda kichik va juda oddiy loyihalarni ishlab chiqishda foydalanish mumkin, faqat loyiha chizmalari muntazam ishini avtomatlashtirishda foydalanish mumkin.

KYL-Kompyuter yordamida lohilalash (inglizcha CAD, Computer-Aided Design) - ishlab chiqarish (yoki qurilish) ob'ektlarini loyihalash (ishlab chiqish), loyiha va loyihaning texnologik hujjatlarni tayyorlash uchun mo'ljallangan dasturiy ta'minot to'plami.

Ko'p funktsiyali KYL tizimlarining komponentlari an'anaviy ravishda CAD, CAM, CAE uchta asosiy qismlarda birlashtirilgan. CAD (Computer Aided Designed) blok moduli asosan grafik ishlarni bajarish uchun mo'ljallangan. CAM (Computer Aided Manufacturing) moduli - ishlab chiqarishni texnologik tayyorlash muammolarini hal qilish uchun mo'ljallangan. CAE (Computer Aided Engineering) moduli - muhandislik hisob-kitoblari, loyihani tahlil qilish va tekshirish uchun mo'ljallangan.

Turli loyihalash va vizualizatsiya vositalariga qaramay, KYLda asosiy vazifa loyihaning qabul qilingan standartlarga muvofiq tayyor hujjatlarini olish va uni loyihalash jarayonining ajralmas qismi hisoblash ishlarini bajarishdir. SPDS - AutoCAD, Autodesk Architectural Desktop, Autodesk Building Systems va AutoCAD asosidagi boshqa ko'plab loyihalashdagi yechimlar uchun dasturiy ta'minotlar ishlab chiqilgan. Dasturiy ta'minot orqali turli xil shartli belgilar, qo'ng'iroqlar, belgilar, uzilish chiziqlari, ko'rinishlar, muvofiqlashtirish o'qlari, lyuklar va boshqalarni qo'llash imkonini beradi.

### III. Tahlil. Avtomatlashtirilgan loyihalash tizimlari

Bugungi kunga kelib Autodesk arxitektura loyihalarini yaratish uchun Autodesk Architectural Desktop dasturni ishlab chiqarish orqali o'z mahsulot qatorini rivojlantirishda davom etib kelmoqda.

Autodesk Architectural Studio - bu loyihalarni tayyorlash uchun qulay dizayn va multimediali ishlov berish vositasi hisoblanadi. Ushbu dasturiy mahsulot me'morlar va qurilish, dizayn va arxitektura sohasidagi boshqa

mutaxassislar uchun mo’ljallangan.

Autodesk Architectural Desktop dasturiy ta`minotining keyingi rivojlanishi ichki muhandislik tarmoqlarini loyihalash uchun mo’ljallangan Autodesk Building Systems dasturiy ta`minoti hisoblanadi. AutoCAD va Autodesk Architectural Desktop dasturiy ta`minotlarining barcha vositalari bilan u bino xonalarinini shamollatish va isitish, elektr tarmoqlari, ichimlik suvi va kanalizatsiya tizimlarini loyihalash uchun mo’ljallangan dasturi vosita hisoblanadi.

Autodesk Revit Structure - qurilish konstruksiyalarini hisoblash va loyihalash uchun maxsus funktsiyalarni o’z ichiga oladi. Dasturiy ta`minot Building Information Modeling (BIM) texnologiyasiga asoslangan. Ushbu texnologiyadan foydalangan holda, Revit Structure ya`ni bir nechta konstruksiyalarni muvofiqlashtirish ta`minlaydi, xatoliklarni kamaytiradi va konstruktiv loyihachilar va arxitektorlar o’rtasidagi hamkorlikni ta`minlaydi.

ArchiCAD - Graphisoft kompaniyasining dasturiy ta`minoti, hozirgi vaqtida arxitektura va qurilish lohilash uchun eng yaxshi dasturiy ta`minotlardan biri bo’lib, u Virtual bino (Virtual Buildings) kontseptsiyasidan foydalangan holda Bino Ma’lumotlarining Modellashtirish (BMM) noyob texnologiyasini amalga oshiradi (Building Information Modeling - BIM). ArchiCAD - zamonaviy texnologiyalardan foydalangan holda ob’yektlar bilan ishslash uchun mo’ljallangan 3D modellashtirish muhiti. Dasturiy ta`minot muhandis-me’morlar uchun maxsus ishlab chiqilgan: dasturda asboblar to’plami ob’yektlaridan (devorlar, ustunlar, shiftlar va boshqalar) chizmalar va modellarni yaratishga imkon beradi va dastur interfeysi foydalanuvchi uchun qulay tarzda yaratilgan. ArchiCAD-da ishlaganda nafaqat individual chizmalar yaratish, balki bitta faylda loyiha hujjatlarining to’liq to’plamini ishlab chiqash mumkin.

Nemetschek nemis kompaniyasining Allplan dasturiy ta`minoti - bu qurilish loyihashining barcha bosqichlari uchun dasturiy yechim hisoblanadi: boshlang’ich eskizdan tortib loyiha hujjatlarigacha yaratish imkoniyatini beradi. Dasturning Al plan tizimi mavjud bo’lib, u yordamida oddiy 3D ob’yektlarning ob’yektga yo’naltirilgan bazasiga asoslangan 2D va 3D chizmalar, kesmalar, proyeksiyalar va boshqalar o’rtasidagi munosabatlarni ta`minlaydi va ma’lumotlar bazasiga saqlaydi.

Yana bir nemis kompaniyasi(ZIEGLER-Informatics GmbH)ning CADdy dasturiy ta`minoti, funksionallik jihatidan past va yuqori darajali dasturiy tizimlar orasida o’rta o’rinni egallaydi. Loyihalash bosqichidan ishlab chiqarish bosqichiga qadar murakkab integratsiyalashgan texnologiyalarni hal qilish uchun mo’ljallangan dasturiy ta`minot hisoblanadi. Hozirgi vaqtida CADdy arxitektura, qurilish, geodeziya, mashinasozlik, kartografiya va shaharsozlik kabi sohalarda keng foydalanib kelinmoqda hamda dasturiy



ta'minot 80 dan ortiq modullarni o'z ichiga oladi.

В заключении. Изучив много педагогической литературы таких корифеев как В.А.Сухомлинский. Д.К.Ушинский, Л.В.Занков, Я.А.Каменский и многих других приходишь к выводу, что только через труд человек становится настоящей личностью. Сухомлинский в своей книге писал: «Детство — важнейший период человеческой жизни, не подготовка к будущей жизни, а настоящая, яркая, самобытная, неповторимая жизнь. И от того, как прошло детство, кто вел ребенка за руку в детские годы, что вошло в его разум и сердце из окружающего мира — от этого в решающей степени зависит, каким человеком станет сегодняшний малыш. В дошкольном и младшем школьном возрасте происходит формирование характера, мышления, речи человека. Может быть, всё то, что приходит в ум и сердце ребенка из книги, из учебника, из урока, как раз и приходит лишь потому, что рядом с книгой — окружающий мир, в котором малыш делает свои нелегкие шаги от рождения до того момента, когда он сам может открыть и прочитать книгу» [4].

На сегодняшний день, дети играющие на телефоне никого не удивят, а вот ребёнок читающий книгу, наблюдающий и рисующий увиденное, познающий мир и умеющий задавать вопросы и сам находящий ответы, создавая своё сначала в голове потом на бумаге или из бумаги, из пластилина, а может даже красками или с помощью клавиатуры. Вот это да! Всё это умение и есть труд маленького гражданина. Вот это должно



нас не удивлять, а быть частью нашего непрерывного образования.

Используемая литература

1. Бехтерев В.М. <https://nastatus.ru/tsitaty/pedagogov-o-vospitanii-detej-i-obrazovanii>.
2. «Детство», программа развития и воспитания в детском саду. Санкт-Петербург «Детство-пресс», 200.
3. Фрэнсис Бэкон <https://aromschastyu.ru/citaty-o-vospitanii>.
4. Сухомлинский В.А. «Сердце отдаю детям». Издательство «Радянська школа» Киев, 1973.
5. Занков Л.В. «Избранные педагогические труды» [https://knigogid.ru/books/22258-l-v-zankov-izbrannye-pedagogicheskie-trudy/toread?update\\_page](https://knigogid.ru/books/22258-l-v-zankov-izbrannye-pedagogicheskie-trudy/toread?update_page)
6. Ушинский К.Д. Москва -Ленинград 1948.
7. Джан Лисин «Особенности организации дошкольного образования», журнал «Дошкольное образование» №12 от 12 .2009.
8. Катаев В.П. «Цветик -семицветик»
9. Бурханов Мутал Музайинович <https://arboblar.uz/ru/people/burkhanov-mutal-muzajjinovich>
10. Каменский Я.А. «Великая дидактика». Государственное Учебно-педагогическое издательство Наркомпроса РСФСР 1939.



## ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.042>

Махмудов Маҳсуд Камолович,

Бухоро давлат университети факультетлараро жисмоний  
тарбия ва спорт кафедраси ўқитувчisi

**Аннотация:** мазкур мақолада талаба-ёшларни интеллектуал-жисмоний ривожлантиришига йўналтирилган таълим технологияларининг ўзига хос хусусиятлари мазмуни ёритилган. Шунингдек, “фикрий ҳужум”, “Сукрот диалоги”, “аквариум”, “баҳтили ходиса”, “ижодий ҳисобот”, “қарорлар шажараси” каби интерфаол усусларнинг талабалар фаолигини ошириш ҳамда ижодий ва мустаққил тафаккурларини ривожлантиришдаги аҳамияти кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** ёндашув, жараён, технология, интеллект, жисмоний ривожланиш, тарбия, таълим, метод, хусусият.

## ОСОБЕННОСТИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНО-ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА

Махмудов Максуд Камолович

Преподаватель межфакультетной кафедры физического  
воспитания и спорта Бухарского государственного университета

**Аннотация:** В данной статье описывается специфика образовательных технологий, направленных на интеллектуально-физическое развитие учащихся. Также показываются возможности применения интерактивных методов, как «мозговой штурм», «сократический диалог», «аквариум», «счастливое событие», «творческий отчет», «дерево решений» которые повышают активность учащихся в процессе обучения, развивают творческое и самостоятельное мышление.

**Ключевые слова:** подход, процесс, технология, интеллект, физическое развитие, воспитание, обучение, метод, особенность.

## FEATURES OF INTELLECTUAL AND PHYSICAL DEVELOPMENT OF STUDENTS ON THE BASIS OF TECHNOLOGICAL APPROACH

Makhmudov Maksud Kamolovich

Lecturer at the Interfaculty Department of Physical Education and  
Sports, Bukhara State University

**Abstract:** This article describes the specifics of educational technologies aimed at the intellectual and physical development of students. It also shows the possibility of using interactive methods such as «brainstorming», «socratic

*dialogue», «aquarium», «happy event», «creative report», «decision tree» that increase the activity of students in the learning process, develop creative and independent thinking.*

**Keywords:** approach, process, technology, intellect, physical development, upbringing, training, method, feature.

Мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий – иқтисодий ва маънавий -маърифий ислохотлар Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган масалаларни ҳал этишга қаратилган. Бунинг муҳим жиҳатларидан бири юксак маънавий ва ахлоқий салоҳиятга эга бўлган, юқори малакали кадрларни тайёрлашдан иборат. Бунинг учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлайдиган таълим муассасаларининг ўқув – тарбия жараёнини давр талаблари асосида ташкил этиш, таълим – тарбия ишларини самарадорлигини ошириш учун унинг йўналишларини илгор педагогик технологиялар асосида ташкиллаштириш лозим хисобланади. Зоро, Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт, олдимизга қўяётган бир – биридан мурракаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш хақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечимини айнан таълим – тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч хосил қиласиз” [1]

Давлат тараққиёти ва жамият равнақи кўп жиҳатдан унинг интеллектуал потенциали билан белгиланади. Чунки, илмий потенциали юқори даражада ривожланган мамлакат барча соҳаларда доимо илгор бўлади.

Бугунги кунда олиб борилаётган ижодий интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга оид барча ишларнинг сифат самарадорлиги талаб даражасида эмас. Жамият ва давлат олдидағи талаблардан келиб чиқиб, талабаларнинг олий таълим муассасаларидағи таҳсили давомида интеллектуал-жисмоний, ижодий салоҳиятни ривожлантириш ишларини муваффақиятли олиб бориш зарур. Бу эса тарбия жараёнига психолого-педагогик технологияларни қўллашни, замон талаби даражасида мутлақо янги тарбия тизимини яратишни талаб қиласи.

Интеллектуал – сўзининг лугавий маъноси ақлий жиҳатдан етуклиқ, фаҳм-фаросат, ақл-идроқ, заковат, зукко яъни заковатли инсон, зукко бўлиш демакдир.

Муайян такомиллашган педагогик технологияларни қўллаш, уни мантиқий-назарий жиҳатдан тўлиқ англаб олиш ва амалиётга қўллашгача бўлган мураккаб жараёнга қараганда – жараённинг ўзини лойихалаштириш энг қулай ва самарадор услубдир. Яъни ҳар бир талабага индивидуал ёндошиш керак.

Талабаларга йўналтирилган тарбия тизими ўқитувчидан ёшларнинг интеллекетуал-жисмоний салоҳиятини ривожлантиришда тарбия услубиётларига алоҳида муносабат билан ёндошишни, услубиётни

ҳамда мавжуд ҳолатни тўлиқ ўрганишни, жараёнга ижодий муҳитни олиб киришни тақозо этади.

Талабанинг интеллектуал-жисмоний ривожлантириш жараёнини шакллантиришда қуидаги ҳолатлар эътиборга олиниши керак:

1) Интеллектуал-жисмоний ривожлантириш жараёни максимал даражада технократик бўлиши керак. Бунинг учун эса психологияк ҳамда педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш керак;

2) Талабаларни интеллектуал-жисмоний ривожлантиришни таълим-тарбия жараёнига сингдирилиши кўзда тутилаётган тегишли технологияларни илмий асослаш ва ишлаб чиқиш лозим;

3) Интеллектуал салоҳиятни шакллантирувчи тарбия жараёнининг дастлабки ҳолатда ижтимоий-психологияк муҳитни аниқ таҳлил қилиш ҳамда тактик жараёни мукаммал ишлаб чиқиш керак.

Талаба шахсининг шаклланиш жараёнига – жамиятда қабул қилинган ахлоқ нормалари, хулқ нормалари, маънавий-маърифий қадриятларни сингдириш технологияларини яратиш кўпгина жиҳатдан якуний натижани таъминлашга хизмат қиласди.

Маълумки, жисмоний маданият машғулотлари жисмоний тарбия – таълим муассасалари учун ташкиллаштирилган педагогик жраёнда анъанавий ва ноанъанавий таълим шакллари асосида олиб борилмоқда. Зоро ўқитиш давр талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб муайян қонуниятлар асосида ташкиллаштирилади. Бу қонуниятлар педагогика назариясида куидагича тавсифланади:

а) ўқитишнинг ижтимоий эҳтиёж билан аниқланиш қонунияти ;

б) ўқитишнинг ўзи амалга ошаётган педагогик шарт – шароитга боғлиқлиги қонунияти;


в) ўқитишнинг ягона педагогик жараён таркибига кирувчи таълим, тарбия ва ривожлантириш жараёнлари ўз аро боғлиқлиги қонунияти;

г) ўқитишнинг ягона педагогик жараёнда билим олувчиларнинг умумий ва касбга йўналтириш жараёнлари билан алоқадорлиги қонунияти;

д) яхлит педагогик жараёнда умумкасбий фанлар билан ихтисослик фанларининг мазмуни, шакллари, методлари, воситаларининг ўз аро боғлиқликда амалга оширилишининг зарурлиги қонунияти. Мазкур дедактик қонуниятлар мутахассислар тайёрловчи таълим муассасаларининг ўқув тарбия жараёнини анъанавий (амалдаги ўқитиш шакллари) ва ноанъанавий таълим технологиялари асосида олиб борилганлигидан далолат беради. Бу хозирги кунда амал қилаётган ўқитиш шаклларирид.

Жисмоний маданият дарслари назарий ва амалий қисмлардан иборат бўлганлиги сабабли улар маъруза, семинарлар, тренинглар, кўшимча машғулотлар ва х.к.да олиб борилади. Бунда монологик нутқ , диалогик нутқ, режа асосида сухбат, монологик баён қилишда фикр алмашиш, баҳс – мунозара, савол – жавоб, ролли ўйинлар, жисмоний тренинглар шаклида амалга оширилади.

Бундан ташқари ёшларнинг интеллектуал-жисмоний жиҳатдан мунтазам ривожлантириш ишларини амалиётга тадбиқ этиш учун ҳар бир педагог ўқув-тарбия жараёнида талабаларнинг ижодий фаолиятини кузатиб бориши керак.



Ўқитишинг мазкур технологиясига тезкари равища ўқитишинг ноанъанавий шакллари деб номланган мусобақа танлов, муаммоли модули, мужассамлашган ҳамкорликда ўқитиш, компьютерли ўқитиш, табақалашган ва фаол ўқитиш шаклидаги илфор педагогик технологияларга асосланган машғулотлар ташкил этилмоқда. Илфор педагогик технологияларга асосланган дарслар асосан билим олувчиларнинг фаоллигини оширишга йўналтирилган бўлиб, уларда деярли ўқувчи - талабалар таълим субъекти тарзида иштирок этадилар. “фикрий хужум”, “Суқрот диалоги”, “аквариум”, “баҳтли ходиса”, “ижодий хисобот”, “қарорлар шажараси” ва х.к. методлар қўлланилади, улар билим олувчиларни фаоллигини ошириб, ижодий ва мустақил тафаккурларини ривожлантиришга хизмат қиласди.

Шунга асосан жисмоний маданият машғулотлари жараёнида илфор педагогик технологияларни тадбиқ қилиш учун даставвал, машғулотнинг мазмунидан келиб чиқиб ўқув мақсади аниқ белгилаб олиниши, мақсадга кўра натижаларни кафолатлаш, кафолатланган натижага кўра ўқув жараёнини лойиҳалаш каби дидактик тизимларни қамраб олади.

Талабаларни интеллектуал-жисмоний жиҳатдан ривожлантиришда педагогик технологияларни қўллашнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, жисмоний маданият мақсадлари ифодаланган чиникириш ва мустахкамлаш машқлари, соғломлаштириш ва бадантарбия машқлари, умумий харакатни шакллантирувчи машқлар асосида билим олувчиларда жисмоний маданият фанига ва спорт мусобақаларига қизиқиш уйғотилади ва ривожлантирилади.

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т. : “Узбекистон” 20018.
2. Педагогика . Олий таълим муассасалари учун ўқув дарслиги. М.Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Ўқитувчи” 2008.
3. Ишмуҳамедов Р.Ж «Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йуллари». Тошкент 2003 йил.
4. Maxmudov.M.K.Ways to improve the physical education of children aged 5-7 in preschool institutions. MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN 2021й. 390-398 бет

## ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ШАХС

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.028>

Пиримбетов Бахыт Аллабаевич докторант

Нукус давлат педагогика институти

**Аннотация:** Мазкур мақолада узлуксиз таълимнинг замонавий тизими ривожланганлиги, ўқитувчилар касбий компетентлиги даражаси билан белгиланиши очиб берилган. Шунингдек, таълимнинг мақсади таълим олувчилик маърифатли қилиш усулидан эркин, ижодкор шахснинг ўзини-ўзи конструкциялаш, келажакдаги ҳаётий стратегиясини белгилаш ва ўзгартиришга қодир етиб шакллантириш, унинг индивидуал хусусиятлари, лаёқатлари ва қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши кераклиги баён қилинган. Хулоса сифатида ўқитувчилар мунтазам ўз устида ишлашлари, таълим тизимиға оид янги меъёрий-хукукий хужжатлар ҳамда соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлишлари, илғор хорижий тажрибаларни доимий ўрганиб боришлари, улардан зарурларини таълим амалиётида қўллай олишлари, миллий ва умуминсоний қадрияtlарни ўқувчилар онига сингдириб боришлари лозимлиги таъкидланган.

Таянч сўзлар: ижтимоий-иктисодий ривожланиш, билим, қўникма, малака, компетенция, ўқитувчи, ўқувчи, узлуксиз таълим, педагогик жараён, ижодкорлик, педагогик артистизм.

## ТВОРЧЕСКИЙ УЧИТЕЛЬ – ЭТО ЧЕЛОВЕК, КОТОРЫЙ ОПРЕДЕЛЯЕТ ПРОГРЕСС ОБЩЕСТВА

Пиримбетов Бахит Аллабаевич докторант

Нукусский государственный педагогический институт

**Аннотация:** в данной статье раскрывается развитие современной системы непрерывного образования, степень профессиональной компетентности педагогов. Также заявлено, что цель образования должна быть ориентирована на самоконструирование свободной, творческой личности с помощью метода воспитания педагогов, формирование будущей жизненной стратегии с тем, чтобы иметь возможность определять и изменять ее, развитие его индивидуальных особенностей, способностей и умений. В качестве вывода подчеркивается, что учителя должны регулярно работать над собой, быть в курсе новых нормативных правовых актов по системе образования и инноваций в этой области, постоянно изучать передовой зарубежный опыт, применять необходимый в образовательной практике, прививать национальные и общечеловеческие ценности в сознании учащихся. Ключевые слова: социально-экономическое развитие, знания, навыки, квалификация,



компетентность, учитель, студент, непрерывное образование, педагогический процесс, творчество, педагогический артистизм.

## CREATIVE TEACHER – A PERSON WHO DETERMINES THE PROGRESS OF SOCIETY

Pirimbetov Bakhyt Allabayevich doctoral student  
Nukus State Pedagogical Institute

**Annotation:** this article reveals the development of the modern system of continuing education, the degree of professional competence of teachers. It is also stated that the purpose of education should be focused on the self-construction of a free, creative person from the method of educating educators, the formation of a future life strategy in order to be able to determine and change it, the development of his individual characteristics, abilities and abilities. As a conclusion, it is emphasized that teachers should regularly work on themselves, be aware of new regulatory legal acts on the educational system and innovations in the field, constantly study advanced foreign experiences, apply the necessary ones in educational practice, instill national and universal values in the minds of students.

**Base words:** socio-economic development, knowledge, skills, qualifications, competence, teacher, student, continuing education, pedagogical process, creativity, pedagogical artistism.

XXI аср жаҳонда ижтимоий-иктисодий ривожланиш, ёшларда ўзи эгаллашни хоҳлаган соҳа бўйича билим, қўникма, ҳаётий тажриба ва малакаларни тўплаш масаласини илгари сурмоқда. Бу эса кўп жиҳатдан таълим, узлуксиз таълимнинг замонавий тизими ривожланганлиги, ўқитувчилар касбий компетентлиги даражаси билан белгиланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантириш давлат ва жамиятнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Мамлакатимизда давлат сиёсати фаол, мустақил, мақсадга интилевчан, ижодкор ва масъулиятли, замонавий плюралистик ўзгарувчан оламда ранг-баранг ҳаётий ролларни муваффақиятли ижро этишга қодир бўлган шахсларни шакллантириш қаратилган.

Бунинг учун таълимнинг янги технологияларини яратиш ҳамда унинг ахборот парадигмасини мазмунан ўзгартериш зарур. Шундагина таълим асосий мақсади этиб –педагогик жараённинг барча субъектларини ҳар томонлама ривожлантириш деб белгилаш мумкин.

Бугунги кунда ўқитиши тушунчасининг муқобили сифатида ривожлантириш замонавий таълим тизимининг асосий, моҳиятли тушунчаси бўлиши зарур. Чунки, таълим муассасаларида шундай мухит ва шарт-шароит яратиш керакки, таълим олувчилар ўкув жараённинг фаол субъектига айлансин, педагогларнинг дикқат

марказида эса таълим олувчиларнинг билиш фаолияти, яъни ўқитиш эмас, балки билиш жараёнини ривожлантириш бўлсин. Таълимнинг мақсади таълим олувчиларни маърифатли қилиш усулидан эркин, ижодкор шахснинг ўзини-ўзи конструкциялаш, келажакдаги ҳаётий стратегиясини белгилаш ва ўзгартиришга қодир етиб шакллантириш, унинг индивидуал хусусиятлари, лаёқатлари ва қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши керак.

Бу ўринда педагогларнинг алоҳида ўрни мавжуд. Чунки, биз хоҳлагандек, ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш педагогларнинг ҳаётий тажрибалари, компетенциялари, уларнинг билим даражалари, ўз устларида қай даражада ишлашларига боғлиқ. Бугунги кунда юқоридагилар билан бир қаторда, педагоглардан камида битта хорижий тил ҳамда ахборот-коммуникацион ва педагогик технологияларни билиш талаб қилинмоқда. Педагогнинг саъй-харакатлари таъсирли, амалий бўлиши учун унинг эрудицияси, методик маҳорати, таълим технологиясини муваффакиятли танлаши етарли бўлмайди. Бунда педагогнинг юксак даражадаги нутқий маҳорати, мимикалари, дарсда ўзини тутиши, кийиниш одоби кабилар муҳим ўрин эгаллади. Шундагина таълим олувчилар бундай педагогларни ёрқин бетакор шахс сифатида қабул қиласидар ва ундан ўrnak ва “намуна” оладилар.

Педагогнинг ижодкорлиги хусусида фикр юритганда, ижод, ижодкорлик нима, ижодкор ўқитувчи қандай бўлиши керак, деган қатор саволларга жавоб топиш талаб этилади. Юқоридаги саволларга жавоб топиш учун биз, илмий адабиётлар ҳамда мутахассисларнинг асарларига мурожаат қиласиз. Жумладан Педагогика энциклопедиясида ижодкорликка қўйидагича таъриф берилган: “Ижодкорлик – янгилик учун курашиш, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларини таҳлил қила билиш ва ундан ўзининг фаолиятида оыилона фойдаланишга эришиш, доимо ўз устида ишлаш. Ижодкорлик – инсоннинг онгли, маълум мақсадга йўналган, харакатчан фаолиятидир ”.

Бизнинг фикримизча, ижод – натижаси объектив ёкисубъектив аҳамиятга эга бўлган, янги, оригинал ва янада такомиллашган моддий ва маънавий қадриятларнинг яратилиши, мавжудларининг эса такомиллаштирилишига оид фаолиятдир. Ижоднинг бир қатор турлари мавжуд. Масалан, илмий ижод, бадиий ижод, педагогик ижод, техник ижод ва ҳ.к.

Ўқитувчилар ўз фаолиятлари давомида педагогик ижод билан шуғуланибгина қолмасдан, бадиий ижод, илмий ижод билан ҳам машғул бўладилар.

Ўқитувчининг ижодий педагогик фаолияти – шундай фаолиятки, ижод устивор компонент сифатида унинг мақсади ёки усуллари тизимига

киради. Бугунги кунда ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини шартли равишда ижодий ва ижодий бўлмаган (ноижодий) фаолиятга бўлиш мумкин ва уларни бир қатор белгиларига кўра фарқланади. Масалан:

- натижасигакўра, бунда ижодкорлик янги, аввал маълум бўлмаган янгиликларни ҳисобга олиш билан тавсифланади; «ижодсизлик» эса амалда маълум, стандарт, туркум нусха (маҳсулот) беради;

- амалга ошириш усулига кўра, бунда ижодкорлик натижага томон ҳаракатланишида бетакрор, яъни тамомила янги усул яратиш, ёки ҳаракат усулларининг муайян комбинацияси сифатида намоён бўлади; «ижодсизлик» эса натижага эришиш усулининг такрорланишилиги (шаблонлиги) билан тавсифланади;

- аҳамиятига кўра, бунда ижодкорлик фаолият тараққиётининг сифат жиҳатидан фарқ қиласиган босқичларини белгилайдиган, унинг бевосита ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлади. Ижодсизлик эса туб ўзгаришлар, яъни ижод учун шароитларни миқдорий тўплаш воситаси ҳисобланади.

Ижодкор ўқитувчи— ўқув-тарбия ишларининг шакл, метод ва усулларини такомиллаштириш ҳамда янгиларини ишлаб чиқишига интиладиган новатор; ҳатто одатий топшириқда ҳам янги муаммони кўра биладиган, ўқувчилар учун ижодий топшириқни шакллантира биладиган, уларни мазкур топшириқларни ҳал қилиш ва таҳлил этиш бўйича мустақил изланишли-тадқиқотчилик фаолиятига фаол жалб қила оладиган шахс; ўз мақсадини ўқувчиларини фақат билим, кўникумавамалакалар тизими билан бойитишдагина эмас, балки уларни ақлий-интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, уларни ижодий фаолиятга тайёрлай оладиган, ёшларда турли компетенцияларни шакллантира оладиган, қолаверса дарс жараёнида педагогик артистизм элементларини самарали қўллай оладиган йўлбошчи бўлиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда айrim ўқитувчиларда педагогик ижодкорлик жиҳатлари мавжуд эмас. Бунинг бир қатор сабабларини кўрсатиш мумкин:

ўқитувчиларда ўқувчилар ҳамда педагогик фаолиятга нисбатан муҳаббатнинг мавжуд эмаслиги;

- уларда ижодий педагогик қобилиятларнинг ривожланмаганлиги;
- педагогик ижодкорликка нисбатан интилишнинг мавжуд эмаслиги;

- дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда таълим-тарбия ишининг эскирган ва кам самара берадиган шакл ва методларидан воз кечишини истамасликлари ёки улддай олмасликлари;

- касбий тайёргарлик даражасининг пастлиги;
- ўзи дарс беридиган муайян фанлар бўйича ўқувчиларни ривожлантиришга оид зарур ўқув-методик комплексларнинг ишлаб

чиқилмаганлиги;

- ижодий фаолиятни реал ва моддий рағбатлантириш бўйича маҳсус ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг мавжуд эмаслиги;
- таълим муассасасида бошқарувнинг автократик услуби ҳалиям сақланиб қолаётганлиги;
- маъмурият ва халқ таълими тизими юқори ташкилотлари томонидан ҳаддан ортиқ назорат (қоғозбозликнинг кўплиги)нинг кўплиги;
- педагогик жамоа ва унда ижодий муҳитнинг мавжуд эмаслиги;
- таълим муассасасида педагогик жамоанинг ахил эмаслиги, уюшмаганлиги;
- ўқитувчиларнинг ўқув режа ва дастурлари билан бевосита «боғлаб қўйилганлиги», ҳаётий тажрибаларнинг ҳисобга олинмаслиги;
- синфларда ўқувчилар сонининг белгиланган меъёр талабларидан кўпайиб кетганлиги, синф хоналарининг бундай ҳолатларга тайёр эмаслиги, жавоб бермаслиги;

таълим муассасаларида янги ахборот ва педагогик технологияларнинг жорий этилмаслиги ёки мавжуд эмаслиги.

Шундай ҳолларда ўқитувчилар томонидан ташкил этиладиган дарс машғулотлари самарали натижа бермайди.

Ўқув-тарбия жараёнини шундай ташкил этиш керакки, унда ўқитувчи педагогик артистизм элементларидан унумли фойдалансин ҳамда ижодкорлигининг барча жиҳатлари намоён бўлсин. Шундагина ўқувчиларда ижтимоий йўналтирилган билишга интилевчанлик, қизиқувчанлик, лаёқатлилик, мустақиллик, ташаббускорлик каби шахсий сифатлар ривожланади.

Ўқитувчи олдида мунтазам тарзда бир қатор ижодий вазифалар туради. Жумладан:

- таълим сифати ва ўқитиш мазмунини ўзgartириш;
- белгиланган меъёрларга амал қилиш;
- ўқувчиларнинг индивидуаллиги, имкониятлари ва қизиқишлигини ҳисобга олиш;
- ностандарт вазиятларда самарали ечим топа олиш [2].

Хуносакилиб шуни айтиш мумкинки, ўқитувчилар мунтазам ўзустидаги ишлашлари, таълим тизимида оид янги меъёрий-хукукий ҳужжатлар ҳамда соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлишлари, илғор хорижий тажрибаларни доимий ўрганиб боришлари, улардан зарурларини таълим амалиётида қўллай олишлари, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўқувчилар онгига сингдириб боришлари талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Педагогика: энциклопедия. II жилд / тузувчилар: жамоа.  
– Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015.  
– 376 б.
2. 158. Степихова В.А. Педагогическая мастерская // Начальная школа.- 1999, -№1,- С.-57.



## ЎҚУВЧИЛАРНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ЙЎНАЛТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.042>

Хужаниёзова Ойгул Ражабовна

**Аннотация.** Мактабда ўқувчиларни меҳнат фаолиятига йўналтириш машғулотлари уларда касбий ўз-ўзини англашни янада ривожлантириш учун психологик асос яратадиган касблар дунёси ҳақида аниқ ва визуал ғояларни шакллантиришга қаратилган бўлиши мухим. Ушбу фаолиятга ижодий ёндашиш меҳнатнинг маълум бир соҳасига қизиқишини уйғотади. Ҳар қандай креативлик ностандарт фикрлашни, қизиқувчанликни, когнитив фаолиятни рағбатлантиради ва ҳаётга ижодий ёндашишни ривожлантиради.

Калит сўзлар: меҳнат фаолияти, креатив ёндашув, мактаб даври, қизиқиши, мотивация, меҳнатсеварлик.

Меҳнат фаолиятига йўналтириш, касбга қизиқтириш, касб танлаш ёки касбга йўналтириш - бу мактаб ўқувчиларини меҳнат фаолиятига йўналтириш, уларни касбга қизиқишлиарини оширишга қаратилган (шахснинг хусусиятларини ва кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда) далилларга асосланган тадбирлар тизими бўлиб, профессионал ўзини ўзи белгилаш ва ишга жойлашишда ёрдам бериш [3].

Мактабларда олиб борилаётган касб-хунарга йўналтириш ишлари ўқувчиларнинг турли замонавий касб-хунарлар билан яқиндан танишишиларига ёрдам беради, болаларда ўз-ўзини билишга қизиқиши, касбий жиҳатдан баркамол бўлишга интилишни уйғотади. Мактабларда меҳнат фаолиятига йўналтириш жамиятнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат фаолиятига йўналтириш вазифаларига: касб билан танишишириш, унинг мазмуни, меҳнатсеварликни шакллантириш киради. Касб-хунарга йўналтириш ёрдамида ўқувчиларни ўз имкониятларини касбий талаблар билан солиштиришга ўргатиш, шунингдек, индивидуал маълумотларга асосланган ҳолда ўз танловини амалга оширишга ёрдам бериш мумкин. Касб-хунар бўйича ўзини ўзи белгилаш даврида ўқувчилар ўзларини меҳнатда синаб кўришлари, маълум бир иш тажрибасига эга бўлган ота-оналарнинг маслаҳатларини тинглашлари, ўзларини қизиқтирган мавзудаги адабиётларни топишлари ва у билан танишишилари керак. Ижтимоий педагог юқори синф ўқувчилари ўртасида касбий йўналиш бўйича ишларни ташкил этишда асосий рол ўйнайди. Айнан у ўқувчиларда касбий ўзини ўзи белгилаш жараёнларини фаоллаштиради, уларнинг касбий мослаҳиши қобилиятини ривожлантиради.

Шуни таъкидлаш керакки, мактабда касбга йўналтириш ишларига бутун жамоа жалб қилинган бўлса, бу албатта ижобий натижа беради. Чунки, ҳар бир ўқувчидаги муайян қобилиятларни юзага чиқариш бўйича

тадбирлар ҳар томонлама (мавжуд имкониятларни ривожлантириш, яширин истеъдодларни излаш, психологик қўллаб-куватлаш) амалга оширилади. Мехнат фаолиятига йўналтириш ишининг асосий хусусияти ўқувчиларда касбни онгли равишда танлашга ёрдам бериш, кичик ёшдаги ўқувчиларда асосий касбларнинг моҳияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш, ўсмирларда уларнинг имкониятларини тўғри баҳолаш, юқори синф ўқувчиларида эса меҳнатга нисбатан ўз қарашларини шакллантиришдан иборат фаолият бўлиб, ўқувчиларнинг ўз танловини тўғрилиги, ушбу танлов унинг физиологик, жисмоний имкониятларига мослиги ва қобилияти, қизиқишининг мавжудлиги билан ўлчанади. Касбга йўналтириш туфайли битирувчилар ўзларининг касбий режаларини етарли даражада шакллантирадилар.

1. Бироқ мактабда турли ёш тоифасидаги ўқувчилар билан меҳнат фаолиятига йўналтириш ишларини амалга ошириш ва ташкил этиш бугунги кунда ижодий ёндашувни тақозо этмоқда. Бу касбга йўналтириш ишининг асосий вазифалари билан боғлиқ:

2. 1. Ўқувчиларга ўқиш профили ва келажакдаги касбий фаолият соҳасини танлаш жараёнида касбга йўналтириш бўйича ёрдам кўрсатиш.

3. 2. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўз имкониятлари, қобилиятлари ва меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда фаолият соҳасини танлаш эркинлиги шароитида касбий ўзини ўзи белгилашни ривожлантириш;

4. 3. Ўқувчиларнинг ўз имконият ва қобилиятларини очиб бериш истаги, майл ва қобилиятлари ҳақида маълумотлар олиш.

Ўқувчининг ижодий салоҳияти - бу шахсни яхлит тушуниш нуқтаи назаридан тизимли ташкилий ва мураккаб тузилишга эга бўлган интеграл шаклланишидир. Ижодкорликни инсоннинг умумий муҳим хусусияти сифатида кўриб чиқсан, биз унинг табиий ва ижтимоий, иррационал ва оқилона, юқори фаоллик ва ҳаракат, объектив ва субъектив таъсирларни кўрамиз. Ушбу шахсий мулкнинг динамик хусусиятини таъкидлаб, биз унинг динамиклиги ва ўзгарувчанлиги, уни актуаллаштириш, жойлаштириш ва такомиллаштириш имкониятлари каби хусусиятлари ҳақида хулоса қиласиз. Шу муносабат билан замонавий меҳнат фаолиятига йўналтиришнинг асосий усуслари қўйидагилардан иборат: ахборот-маълумотнома, тарбиявий (маъруза машғулотларини ўтказиш, касб мавзусига оид ҳужжатли ва бадиий фильмлар томоша қилиш, ўқувчиларни касб ярмаркаларида иштирок этишини таъминлаш, гурӯҳ сұхбатларида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш); профессионал психодиагностика усуслари (тренинглар, интервьюолар ва сўровлар, шахсий сұхбатлар); талabalарни ҳиссий қўллаб-куватлаш усуслари (мехнат байрамлари, оммавий нутқни ташкил этиш); қарор қабул қилишда психологик ва педагогик ёрдам кўрсатиш усуслари.

Ижодий ёндашувни ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш ишининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- унинг турли шаклларида, жумладан, ижтимоий, меҳнат, ўйин, тадқиқотда амалий жалб қилиш асосида ўқув ва когнитив фаолиятга

қизиқиши ривожлантириш. Бу кичик ва ўрта мактаб ўқувчилари билан меҳнат қадр-қимматини, тўғри касб танлаш ва ҳаётдаги қизиқарли бизнеснинг аҳамиятини тушунишга қаратилган турли хил ўйин ва ижодий тадбирларни ўтказишни англатади;

- мактаб атрофидаги ишлаб-чиқариш корхоналарига, кластер ташкилотларига (музейлар, кутубхоналар, дўконлар, курилиш майдончалари, транспорт базалари, босмахоналар ва бошқалар) экспурсияларни ташкил этиш орқали меҳнат фаолиятига ҳамда касблар дунёси ҳақидаги ғояларни босқичма-босқич кенгайтириш. Мактаб ўқувчиларини касблар олами билан яқиндан таништирғандан сўнг, улар кўрган ва тушунгандарини муҳокама қилиш талаб этилади.

Мактаб ўқувчиларининг ўз қизиқишилари ва имкониятлари ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш. Бу оддий, аммо қизиқарли психолигик тестларни бажариш орқали амалга оширилади, уларнинг натижалари кейинчалик мактаб ўқувчиларига берилади ва улар билан муҳокама қилинади. Шунингдек, мактаб негизида турли касб вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш, мавзули кечалар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ва касбий амалиётнинг турли соҳаларида дастлабки тажрибани ўзлаштириш. Бошлангич ва ўрта мактаб ўқувчилари фақат турли шаҳар муассасаларига ташриф буюришса, юқори синф ўқувчилари 1-2 соат давомида қурувчи ёки кутубхоначи, ўқувчи ҳайдовчи ёки хисобчи бўлиб ишда қатнашиши мумкин.

Гурӯҳ ва индивидуал касбий маслаҳат. Ушбу усул келажақдаги битиравчилар, 11-синф ўқувчилари учун жавоб беради, улар учун ўзларининг касбий мойилликларини аниқлаш мухимдир. Ўрта мактаб ўқувчилари ҳам бир нечта тестларни бажаришлари мумкин, аммо улар мураккаброқ ва психолог билан индивидуал сұхбатни талаб қиласади. Натижада, касбий режалар тузатилади, танланган фаолиятга тайёргарлик баҳоланади.

Умуман олганда, мактабда турли ёшдаги ўқувчилар билан касбий йўналтириш ишлари ўқувчилар томонидан касбларнинг ижтимоий-иқтисодий ва психофизик хусусиятлари тўғрисида зарур билимларни олишга қаратилган ўқув-тарбиявий ишлар тизими сифатида тавсифланади. Фаолиятнинг ушбу турига ижодий ёндашув илмий асосланган ва индивидуал асосли касб танлашни таъминлайдиган жуда кўп турли хил тадбирларни ўтказишни белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Фозиев Э., Мамедов К.Қ,. Касб психологияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Алимходжаева С.Н., Хайдаров Ф.Н. Психологик ташхис методикалари мажмуаси, 2-кисм. Укув кулланма. - Т., ТДПУ. 2009.
3. Снайдер Д. Практическая психология для подростков, или как найти свое место в жизни. — М: ТК Велби, изд-во «Проспект», 2000.



## IJODIY TA'LIM MUHITI YARATISHDA PEDAGOGIK IMKONIYATLAR

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.10.10.032>

Kadirova Gulnora Xasanovna

Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar tizimi

boshqaruv hamda pedagog kadrlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti kafedra dotsenti, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Annotatsiya: Har qaysi zamон ta'lіm sohasining rivojlanishi bevosita ta'lіm jarayoni ishtirokchilarining ijodkorligi bilan uyg'unlashgan. Ta'lіmda shaxs ijodkorligi masalalariga shaxsiy rivojlanishining muhim omillaridan biri sifatida qaraladi. Ushbu maqolada ta'lіmda "ijodkorlik" tushunchasining mohiyati hamda ta'lіm oluvchining ijodiy o'zini o'zi rivojlantirishidagi pedagogik imkoniyatlar haqida so'z boradi..

Tayanch so'z va tushunchalar: ta'lіm jarayonida ijodkorlik, shaxs ijodkorligi, motivatsion muhit, differensial yondashuv.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ В СОЗДАНИИ ТВОРЧЕСКОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЫ

Кадирова Гульнора Хасановна

доцент кафедры, Институт переподготовки и повышения

квалификации управленческих и педагогических кадров в

профессиональной системы и педагогических инноваций, доктор  
философии по педагогическим наукам (PhD)

Аннотация: Во все времена развитие сферы образования напрямую сочеталось с творчеством участников образовательного процесса. В образовании вопросы личностного творчества рассматриваются как один из важных факторов развития личности. В данной статье говорится о сущности понятия «творчество» в образовании и о педагогических возможностях творческого саморазвития учащийся.

Ключевые слова и понятия: творчество в образовательном процессе, творчество личности, мотивационная среда, дифференцированный подход.

## PEDAGOGICAL OPPORTUNITIES IN CREATING A CREATIVE EDUCATIONAL ENVIRONMENT

Kadirova Gulnora Khasanovna

Associate Professor of the Department, Institute for Retraining and Advanced Training of Managerial and Pedagogical Personnel in the Professional System and Pedagogical Innovations, Ph.D. in Pedagogical Sciences

Abstract: At any time, the development of the field of education is directly combined with the creativity of the participants of the educational process. In education, issues of personal creativity are considered as one of the important

factors of personal development. This article tells about the essence of the concept of «creativity» in education and the pedagogical opportunities of the student's creative self-development.

**Key words and concepts:** creativity in the educational process, individual creativity, motivational environment, differential approach.

Falsafada ijodkorlik ma'naviy va amaliy faoliyat sifatida tushuniladi, uning maxsuli o'ziga xos, noyob, madaniy, ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan qadriyatlarni yaratish; yangi dalillarni aniqlash, yangi xususiyatlar va qonunlarni kashf etish, shuningdek dunyonи tadqiq qilish va o'zgartirish usullari xisoblanadi. Ushbu pozitsiya «agar sub'ektning dunyoga va o'ziga nisbatan fundamental ijodiy munosabati haqiqatan ham qabul qilinsa, unda bu mavjudlikka (va bilimga) nisbatan yangi, misli ko'rilmagan natijani qo'shib qo'yish yoki to'ldirishni o'z ichiga oladi» [1].

Tadqiqotchi olima G.Ibragimova "...shaxs ijodkorligi bevosita shaxsning individual-psixologik xususiyatlari bilan bog'liq jarayon hisoblanadi. Uning rivojlanishi esa intellekt-intuitsiya-mantiqiy fikrlash jarayoni ta'sirida kechadi" degan fikrni ilgari surgan [5].

Pedagogik soha tadqiqotchilarini ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchining ijodkorligiga ta'lim jarayonidagi muhim jihat sifatida qaraydilar.

A.V.Xutorskiyning [9] ilmiy-tadqiqot ishida pedagogik ijodkorlik quyidagicha ta'riflanadi:

- shaxsni va uning mohiyatini tushunishga bo'lgan yondoshuvlardan biri, bunda insonning mohiyati (uch tomonlama intuitiv-kontseptual-emotsional tabiat sifatida uning fikri) ijodiy faoliyat uchun (adabiyotda - ijodiy) ma'naviy, aqliy va hayotiy qobiliyatlarni o'z-o'zini anglash orqali tushuniladi. Ijodkorlikning o'z-o'zini anglashi tashqi dunyoni rivojlantirishga qaratilgan va shaxs o'zini rivojlantirish sub'ekti, uning fikrlash, tanlash va tan olish qobiliyati hamda bilvosita jamiyatni rivojlantirish vazifasini bajaradi;

- g'ayrioddiy g'oyalarni vujudga keltirish, fikrlashning an'anaviy, algoritmik qirralardan chetga chiqish, muammoli vaziyatlarga yechim topishga imkon beradigan ma'naviy va ijodiy fikrlash qobiliyati;

- original intellektual mahsulotlarni yaratish qobiliyati, shu jumladan pedagogik faoliyatda; bu axborot jamiyatni shaxsi yetakchi (asosiy) faoliyatning barcha yosh darajalarida o'zini rivojlantirish sub'ekti sifatida harakat qilganda, yaxlitlik va pedagogik ongning o'zini-o'zi anglashi va individual pedagogik fikrlashning yo'nalishidir.

Ijtimoiy va tarixiy nuqtai nazardan ijodkorlik odamda ma'lum bir vaqtning o'zida sodir bo'ladigan yoki ijtimoiy aloqalarga bog'liq bo'lgan jarayon sifatida, ijodiy mahsulotni baholash mezonlari sifatida namoyon bo'ladi.

Turli adabiyotlarda ijodkorlik:

- g'ayrioddiy g'oyalarni «ishlab chiqarish», an'anaviy chegaralardan uzoqlashish va muammoli vaziyatlarni tezda hal qilishning intellektual qobiliyati sifatida [4];

- "fikrlash, hissiyor, aloqa, individual faoliyat turlarida o'zini namoyon qila oladigan, shaxsni bir butun sifatida va uning alohida tomonlarini, faoliyat

mahsullarini, ularni yaratish jarayonini namoyon eta oladigan qobiliyat” sifatida;

- ijodkorlik psixologik nazariya sifatida ko‘rib chiqiladi.

Umumiy pedagogika fani «ijodkorlik» tushunchasini «shaxsning yangi tushunchalar yaratish va yangi ko‘nikmalarni shakllantirish qobiliyatini aks ettiradigan qobiliyat», ya’ni, ijodiy bo‘lish qobiliyati, «O‘z qobiliyatlarini ishlatalishga va rivojlantirishga tayyorlik sifatida», “odamning zarur qidiruv-transformatsion munosabati” sifatida o‘zini izlash-transformatsion faoliyatida namoyon bo‘ladi” deb hisoblaydi.[3] Adabiyotlar tahlili natijasida shaxsning ijodkorligi borasidagi bildirilgan turlicha qarashlar va yondashuvlarga duch keldik. Har qanday yondashuvda ijodkorlikning o‘ziga xos xususiyati ta’kidlanadi. Masalan, muayyan vaziyatdan chiqib ketish, o‘z oldiga maqsad qo‘yish qobiliyati kabi.

Quyida ayrim tadqiqotchi-olimlarning shaxsning ijodiyoti tushunchasi doirasidagi fikrlarini keltirdik.

□ Komil insonga xos bo‘lgan eng yuksak fazilatlarga ijodkorlik, qobiliyat, ilm-fanga muhabbatdir [5].

□ Pedagog olimlar «shaxsning ijodiyoti» tushunchasi quyidagicha Taraqqiyotga, yangiliklarga ochiqlik hissi; bu tafakkurning yuqori darjasasi, uning moslashuvchanligi, murosasizligi va o‘ziga xosligi, faoliyatning yangi sharoitlariga muvofiq harakat usullarini tezda o‘zgartirish qobiliyati [2].

□ Harakatlarning usullarini yangi sharoitga muvofiq optimallashtirishga imkon beradigan shaxsiy qobiliyatlar tizimi (zukkolik, xayolparastlik, tanqidiy fikr, yangi ma’lumotlarga ochiqlik) va harakatlar natijalarini (yangilik, o‘ziga xoslik, yondashuvlarning o‘ziga xosligi) aniqlaydigan bilim, ko‘nikma, e’tiqodlar tizimi, faoliyatni amalga oshirish), shaxsni ijodiy o‘zini o‘zi anglashga va o‘zini rivojlantirishga undash natijasidir [8].

□ Ob’ektiv voqelikning ziddiyatlarini noan’anaviy hal etishga ijtimoiy-psixologik yondoshish [6].

□ Yangisini yaratish jarayonining ustunligi [5].

□ Shaxsning ijodga bo‘lgan munosabatida (o‘rnatish, pozitsiya, yo‘naltirilganlik) ifodalangan yaxlit shaxsiy xususiyat [7].

“Kreativlik” va “ijodkorlik” tushunchalarining ma’lum bir o‘xshashligi va yaqinligiga qaramay, ular bir xil emas. Ushbu tushunchalarni ajratish uchun ijodkorlik psixologiyasi tadqiqotchilar ni ikkita xususiyatdan foydalanishni tavsiya etadilar: jarayonga asoslangan (ijodkorlikni ko‘rsatish uchun) va sub’ektiv-shartli (kreativlikni ko‘rsatish uchun) Binobarin, ijodkorlik deganda ma’lum bir o‘ziga xos xususiyatga ega va yangisini yaratishga olib keladigan shaxs tomonidan amalga oshiriladigan va ijodkorlik shaxsning ichki potensiali, manbai bo‘lgan jarayon sifatida tushuniladi.


Ijodiy ta’limning mazmuni uch darajada shakllantiriladi: umumiy, nazariy jihatdan ifodalash, o‘quv fani o‘quv materiallari. Ushbu shakllantirilish darajalari orasida o‘quv materiallarining ahamiyatiga to‘htalib o‘tamiz.

O‘quv materiali ham didaktik, ham psixologik jihatdan umumiy shaklda, o‘quv materiali normativ ijtimoiy bilimlar va tajribalar tekisligidan ta’lim mazmunini individual ta’lim olishlar tekisligiga o‘tkazishda vositachilik qiladi. Uning maqsadi - har bir ta’lim oluvchi uchun jamoat bilimlari va tajribalarini shakllantirishdir.

Bundan tashqari, u o'qituvchilar va ta'lim oluvchilar faoliyatida, ya'ni muammolarni hal qilish jarayonida hizmat qiladi. An'anaga ko'ra, o'quv materiallari bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirishni ta'minlaydigan tarzda tuzilgan. Biroq, zamonaviy sharoitlar shaxsdan nafaqat bilimlarni o'zlashtirishni, balki uni bilimning bir sohasidan boshqasiga o'tkazish qobiliyatini, fikrlash, bahslashish, o'z nuqtai nazarini isbotlash va farazlarni ilgari surish qobiliyatini talab qiladi.

O'quv tadqiqotlari faoliyati o'quvchiga o'rganishning ilmiy usullari to'g'risida ma'lumot beruvchi vositadir. Ushbu usullarning mavjud elementlarini o'zlashtirgan holda, o'quvchilar mustaqil ravishda yangi bilimlarni olish, izlashni rejalashtirish va yangi bog'liqlik hamda qonuniyatlarni kashf etish ko'nikmalarini egallaydilar. Ilmiy izlanishlardan farqli o'laroq, tadqiqot faoliyatining asosiy maqsadi o'quv ob'ekti to'g'risida yangi bilimlarni olish orqali haqiqatni o'zgartirishga intilishdir. O'quv tadqiqotlari sifat jihatidan yangi qadriyatlarni yaratish orqali o'quvchining o'zini o'zgartirishga qaratilgan.

Ta'limda shaxs ijodkorligining asosiy mezoni - bu ta'lim oluvchining shaxsiyatini rivojlantirishdir. Bunda u ta'lim beruvchining kasbiy tayyorgarligi doirasida bir necha ko'rsatkichlarga ega bo'lish vazifasini qo'yadi: (1-rasm)



1-rasm. Shaxs ijodkorligini rivojlantirishda ta'lim beruvchining kasbiy tayyorgarlik sifatlari

Yuqorida ko'rsatkichlarning shakllanishi zamonaviy ta'lim beruvchiga darsni ijodiy darajada tashkil etishga imkon beradi.

Ijodiy darajadagi dars ta'lim oluvchilarining ijodiy tafakkurini shakllantirish va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishni ta'minlaydigan o'quv jarayonini tashkil etish shakllaridan biridir. Motivlar va shaxsiy xususiyatlar tizimini shakllantiradi (mustaqillik, o'zini namoyon qilish uchun motivatsiya); umumiy qobiliyatni faol ijodkorlikka aylantiradi. Ushbu dars ta'lim beruvchining butun o'qitish tizimini (mazmuni, maqsadi, vazifalari, fundamental ta'lim ob'ektlari va muammolari, o'quvchilar faoliyati turlari, kutilayotgan natijalar, refleksiya va natijalarni baholash shakllari), shuningdek o'qitishning zamonaviy ta'lim texnologiyalarini (modulli o'qitish texnologiyasi, kreativ o'qitish texnologiyasi), ta'lim oluvchining mustaqil ishlarini tashkil etish (kreativ texnologiyalar, tadqiqot texnologiyalari va boshqalar), ijodiy usullar, uslublar, shakllarni bilishini aks ettiruvchi darsdir.

Shunday qilib, ta'lim oluvchining ijodiy o'zini o'zi rivojlantirishidagi

potensiali ta'lif oluvchining manfaatlarini hisobga olishga imkon beradigan ijodiy darajadagi darsning usullari, shakllari, vositalari va bilimlarda rivojlanadigan imkoniyatlar to'plami sifatida namoyon bo'ldi. Shuni ta'kidlash kerakki, ta'lif beruvchidagi ijodkorlik darajasini oshirishning natijalari ta'lif oluvchilarning hissiy va shaxsiy o'zgarishlarga olib keladi.

#### Foydalanimanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Арипджанова А.Р. Развития креативного потенциала педагогов высших образовательных учреждений в условиях информатизации образования. – Диссертация на соискание уч.степени д.п.н. – Т.: 2017.
2. Глухова А.Ю. Аттестационно-педагогический комплекс развития креативности студентов в процессе профессиональной подготовки: Автореф. канд. пед. наук. – Магнитогорск, 2006. – 26 с.
3. Горбатов Д.С. Умения и навыки: о соотношении содержания этих понятий / Д.С. Горбатов // Педагогика. 1994. – № 2. – С. 15-19.
4. Дуранов М. Е. Педагогика и психология: учеб. пособие / М. Е. Дуранов, Третякова Т.Н., Т.В. Галкина. – Челябинск: ЮУрГУ, 2000. – 98 с.
5. Ibragimova G.N. Interfaol o'qitish metodlari va texnologiyalari asosida talabalarning kreativlik qobiliyatlarini rivojlantirish. – ped.f.n. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan diss. – Т.: 2017.
6. Кашапова М.М., Киселева Т.Г., Огородова Т.В. Креативность как ключевая компетентность педагога: Монография. Ярославль: ИПК «Индиго», – 2013. – 392 с.
7. Мамыкин И. На пути к креативному обучению: вопросы методологии и методики // Философские традиции и современность. – 2015. – №2(8). – С.97-103.
8. Рындак В.Г. Школа: с веком наравне: монография / В.Г. Рындак. –Оренбург: Изд-во ОГПУ, 2010. – 220 с.
9. Хуторской А.В. Ключевые компетенции. Технология конструирования/ А.В. Хуторской // Народное образование. – 2003. – №



## ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШНИНГ ЎРНИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.10.10.033>

Меликова Элнора Шухратовна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Чет тиллар кафедраси инглиз тили ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада тинглаб тушуниш нутқ малакаларини шакллантириш билан бевосита боғлиқ ҳолда олиб борилиши, гапириш, ўқиш ва ёзувни ўргатиш жараёнида ўқувчилик тинглаб тушуниш билан шуғулланиши, шу билан бир пайтда тил материалини ўргатишга ҳам эътибор берив борилиши таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** эшитиш хотираси, тил бирлиги, аудиоматн, идрок этиш, умумий тушуниш, нутқ фаолияти, талаффуз бирликлари.

## РОЛЬ В ИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА И ПУТИ ЕГО РАЗВИТИЯ

Меликова Эльнора Шухратовна

Преподаватель английского языка кафедры иностранных языков

Международной Исламской академии Узбекистана

**Аннотация:** В статье проанализировано, что прослушивание ведется в непосредственной связи с формированием речевой квалификации, в процессе обучения разговору, чтению и записи учащиеся будут заниматься слушанием, а также уделять внимание преподаванию языкового материала.

**Ключевые слова:** память слуха, языковая единица, аудиоматин, восприятие, общее понимание, речевая деятельность, единицы произношения.

## ROLE IN LEARNING AND DEVELOPING A FOREIGN LANGUAGE

Melikova Elnora Shukhratovna

Lecturer in English at the Department of Foreign Languages of the  
International Islamic Academy of Uzbekistan

**Abstract:** The article analyzes that listening is conducted in direct connection with the formation of speech qualifications, in the process of learning to talk, read and record, students will engage in listening, as well as pay attention to teaching language material.

**Key words:** hearing memory, language unit, audiomatin, perception, general understanding, speech activity, pronunciation units.

Нутқ фаолиятининг асосий турларидан саналмиш тинглаб тушуниш ҳам билишга интилишдир. Ҳар қандай билиш жараёнининг эса ҳиссий ва мантиқий томонлари мавжуд. Ўқувчиларга тинглаш учун намунавий бўлмиш муаллим нутқи катта аҳамиятга эга. Дарсни чет тилда олиб боришдек методик қоидага риоя қилиш зарурдир. Гапириш ва ўқиш материалини тинглаб тушуниш ёрдамида мустаҳкамлаш ҳамда такрорлаш ушбу нутқ фаолияти турини таълим воситаси мақомига киритади. Дарс бошланишидаги чет тил сунъий муҳитини яратишга мўлжалланган машқларнинг қўп қисми тинглаб тушуниш бўйича бажарилади. Дарснинг асосий қисми ва якунида ҳам тинглаб тушуниш машқлари етакчилик қиласди.

Таълим воситаси тарзида қаралганда, тинглаб тушунишнинг (тил материали (лексика, грамматика, талафуз бирликлари)ни ўрганишда қўллаш назарда тутилади. Янги нутқ бирликларининг тақдимотини машқ қилиш, қўлланилиш босқичларини тинглаб тушунишсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Хуллас, нутқ фаолиятининг тўртала туридан бирортаси ушбу дарсда машқ қилинмаслиги мумкин, бироқ бу қоида тинглаб тушунишга тегишли эмас. Хоҳлаган бир машғулотда гапириш ёки ўқиш, ёки ёзув машқ қилинмаслиги мумкин. Бироқ дарс бор экан, тинглаб тушуниш бўлади. Чунки муаллим чет тилда гапириш билан дарс бошлайди, дарсни ўтади ва уни якунлайди, демак, тингловчи сифатида ўқувчи гавдаланади.

Нутқни тинглаб тушунишни ўргатишда нималарга аҳамият берамиз. Биринчидан, нимани ўргатиш, иккинчидан, қандай қилиб ўргатиш ва ниҳоят, тушунгандликни қайси йўл билан аниқлашни билиш талаб қилинади. Бу учала масала алоҳида кўриб чиқилади.

Ўқувчига тинглаб тушуниш жараёнида қўйидагилар ўргатилади: сўз ва сўз бирикмаларининг шаклини ва грамматик структураларини фарқлай олиш; нутқ намунаси (жумла)ни тинглаб, олдиндан фаҳмлай олиш; эшитиш хотираси ҳажмини ўстириш; ўрганилган тил материалини турли бирикмаларда тушуна олиш; техникавий воситаларга ёзилган нутқни тушуниш; бир карра айтилган фикрни фаҳмлаш; мўтадил (ўқув дастурида қабул қилинган) тезликдаги нутқни тушуниш; аудиоматнда нотаниш лекцик бирликлар бўлишига қарамай, унинг умумий мазмун ва моҳиятини илғаб олиш; турли йўналишдаги (тасвирий, эртакнамо, қўп планли) аудиоматнни тушуниш.

Турли таълим босқичларида мазкур ишларнинг ўрни ва бажарилиш хусусияти ҳар хил тартибда бўлади. Ундан ташқари эркак ва аёл овозини эшитиш, муаллим ва бошқаларни тинглаш, ёш ва қарилар нутқини тинглаш, сўзловчини кўриб ва кўрмасдан тинглаш кабиларни амалда

қўллаш тавсия этилади.

Тинглаб тушунишни ўргатиш бўйича турли йўналишлар амалиётда қўлланиб келинади. Улардан бири аввало тил материалини, кейин нутқ фаолиятини ўргатишдир. Бу методик ғояга биноан сўз, сўз бирикмаси, гапларни билиб олишни машқ қилиб, сўнгра ўқувчилар диққати ўрганилган материалнинг мазмун томонига тортилади. Ушбу йўл билан тинглаб тушунишни ўргатиш самараси паст бўлади, унда ортиқча вақт сарфланади, бинобарин, у мақбул методик усул деб топилмайди.

Муаллимлар қўлладиган иккинчи йўналишга қўра, тинглаб тушуниш нутқ малакаларини шакллантириш билан бевосита боғлиқ ҳолда олиб борилади. Гапириш, ўқиши ва ёзувни ўргатиш жараёнида ўқувчилар тинглаб тушуниш билан шуғулланишади, шу билан бир пайтда тил материалини ўргатишга ҳам эътибор бериб борилади. Ушбу методик усул самаралироқдир.

Маълумки, гапириш ва тинглаб тушуниш жараёни оғзаки нутқнинг икки узвий боғланган томонларидир. Уларда ишлатиладиган лекцик ва грамматик ҳодисалар умумийдир. Шунинг учун ҳам тинглаб тушунишни ўргатишга киришилар экан, албатта гапиришни эгаллаш даврида тинглаш билан ҳам машғул бўлингани маъқулдир. Бу тинглаб тушунишга умуман маҳсус эътибор қаратилмайди деган маънени англатмайди. Чунки тинглаб тушуниш механизмларининг ўзига хослиги фанда исботлаб берилган. Демак, ўқувчи айтадиган ҳар қандай сўз ёки жумла тинглаб тушуниш чоғида ўрганиб борилади.

Ўқиши ва ёзувни машқ қилишда ҳам тинглаб тушуниш иштирок этади. Ўқиётган ёки фикрини ёзма баён этаётган киши қўлланилган тил материалини тинглаб тушуна олади. Маълум бўлишича, ўрганилаётган тил бирлиги тинглаш (эшитиш сезгиси/анализатори), гапириш (нутқ ҳаракат сезгиси/анализатори), ёзув (қўл ҳаракат сезгиси/анализатори) ва ўқиши (кўрқув сезгиси/анализатори) орқали ўзлаштирилганда, пухта динамик стереотип шаклланишига олиб келади. Шулардан айримлари қатнашмаса, исталган натижага эришиш мушкул. Олиниши мўлжалланган ахборотни хотирада сақлашнинг ягона йўли нутқ фаолияти турларини бир-бирига боғлаб ўргатишдадир. Уларни ўрганиш таълим босқичи, тил материали хусусияти ҳамда идрок этиладиган мазмун (ахборот) билан бевосита боғлиқ бўлади.

Гапирилган, ўқилган ва ёзилган ўқув материалини тинглашдан ташқари маҳсус тинглаб тушуниш учунгина бериладиган матнлар мавжуд. Тингланган матн асосида қолган учала нутқ фаолияти турларини ҳам машқ қилиш мумкин.

Тингланадиган матн таниш тил материалида ва қисман нотаниш лекцик материалда бўлишидан қатъи назар бир марта эшитиш ва

тушунишга мўлжалланади. Иккинчи, учинчи ва кейинги сафар тингланиши учун албатта янги топшириқ берилади. Масалан биринчи марта тингланганда, “қуидаги саволларга жавоб топинг”, иккинчисида “фалон ҳодиса (шахс) ҳақидаги ахборотни синчиклаб ўрганинг”, учинчи тинглашда эса “фалон жойига ўз муносабатингизни билдиринг” ва х.к. турли-туман ўкув топшириқларини бериб, қайта-қайта эшиттириш мумкин.

Тинглаб тушунишни амалий мақсад мақомида ўргатилиши учун, биринчидан, аудиоматнни танлаш (тузиш), иккинчидан, уни эшиттириш ташкилий шартлари (синф, айрим гуруҳ ёки ёлғиз ўкувчига тегишлилиги) ни аниглаш, учинчидан, ўкувчиларни тинглашга тайёрлаш (тил материалини билиши, аудиоматн мазмунининг мослиги), тўртинчидан, неча марта тинглашни тавсия этиш (ўкув топшириқларини тайёрлаш) ва, бешинчидан, тушунгандликни текшириш каби тадбирларни тақозо этади.

Аудиоматн устида олиб бориладиган қуидаги иш тартиби тавсия қилинади: муаллим аудиоматнни ўзи тинглаб олади (ўқиб чиқади), унинг қийин жойларини аниқлаб, уларни бартараф этиш усулларини ўйлаб қўяди, тушунишга таянч бўладиган ўкув воситаларини (расм, доскага ёзиш, магнитофон тасмаси кабилари) тайёрлайди, биринчи ва навбатдаги тинглашларга топшириқлар ишлаб чиқади.

Дарсни ўтиш чоғида тинглаб тушунишни ўргатиш босқичлари қуидагилардан иборат:

- 1) тинглашда кутиладиган қийинчиликлар бартараф этилади;
- 2) аудиоматнни биринчи эшитиш бўйича кўрсатма (топшириқ) берилади;
- 3) тушунгандлик топшириқ ёрдамида текшириб кўрилади;
- 4) иккинчи марта эшитишга топшириқ берилади;
- 5) текшириб кўрилади ва х.к. Методик тадқиқотлар кўрсатишича, иккинчи ва учинчи марта эшитиш аудиоматнни тушунишга ёрдам беради, ундан кейинги тинглашлардан унчалик наф кўрилмайди. Аудиоматн асосида гапиришни ташкил қиласа бўлади. Бу иш усули диафильм ва кинофрагментлар материалида ҳам ўтказилиши мумкин.

Аудиоматнни тушунгандликни текшириш муаллимдан муайян методик маҳорат талаб қиласи. Текширишдан кўзланадиган мақсад, тинглаб тушуниш малакасининг шаклланганлиги ва оқибат натижада, тингланганни идрок этиб фаҳмлаганлик даражасини аниқлашдир. Бунинг учун идрок этганда, тушуниш босқичларини билмоқ лозим (А. Р. Лурия тўрт босқични ажатиб берган): сўз босқичи, гап босқичи, мураккаб синтактик бирлик босқичи ва матн босқичи.

Тажрибали методист олим Надежда Ивановна Гез қуидаги



бўлинишни таклиф этади: 1) юзаки тушуниш; 2) умумий тушуниш; 3) тўлиқ тушуниш; 4) танқидий тушуниш даражалари. Аудиоматнинг мазмунини тушунган/тушунмаганлик иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқичлар орқали текшириб қўрилади (шу пайтда биринчи босқич ҳам ҳисобга олинади). Умумий тушуниш босқичида саволларга танлаб жавоб қайтариш (multiple choice), яъни жавобларнинг тўғрисини топиш орқали тушунганлик текширилади. Учинчи (тўлиқ тушуниш) босқичи тингланганни қисқартириш ёки тўлдириш йўли билан текширилади. Ушбу босқичда саволларга жавоб қайтариш, чет тил ва она тилида мазмунини айтиб бериш, гапириш учун кенгайтирилган режа тузиш усулларидан фойдаланилади. Танқидий тушуниш босқичида эса тингланган аудиоматнинг мазмунига баҳо бериш, асосий ахборотни топиш, шарҳлаш ва муҳокама қилиш каби муаммоли топширикларни ижодий ҳал этиш билан машғул бўлинади.

Баён этилгандан қўриниб турибдики, текшириш чоғида анъанавий усуллар қаторига замонавий тест ҳам қўшилади. Тест билан бир қаторда нутқий машқлар ҳам самарали эканлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Тинглаб тушунишни текширишнинг таъриф-тавсифларидан аён бўладиди, бу жараёнда нутқ фаолияти турларидан гапириш, ўқиш, ёзув кенг кўламда жалб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рогова Г.В., Верещагина И. И. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в средней школе. Пособие для учителя. — М.: Просвещение, 1988. — 129-бет.
2. Лурия А.П. Высшие корковые функции и их нарушения при локальных поражениях мозга. — М., 1959.
3. Гез Н.И. Текст лекций по курсу „Методика обучения иностранным языкам в высшей школе“ (раздел „Аудирование“). — М.: МГПИИЯ, 1979. — 55-бет; Обучение аудированию. // Методика обучения иностранным языкам в средней школе. — М.: Высшая школа, 1982. — 241-бет
4. Жалолов Жамол Жалолович. Чет тил ўқитиши методикаси: чет тиллар олий ўқув юртлари (факултетлари) талабалари учун дарслик / Ж.Ж. Жалолов. — Тошкент: Ўқитувчи, 2012. — 432 б.

## XIX ASR OXIRI VA XX ASR BOSHLARIDAGI O'ZBEK MILLIY LIBOSINING TARIXI VA RIVOJLANISHI

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.10.10.043>

*Turakulov Anvar Ergashevich,  
Termiz davlat universiteti Milliy libos va san'at fakulteti dekani,  
p.f.n. (PhD) dotsent v.b.*

*Annotatsiya. Ushbu maqolada XIX asr oxiri va XX asr boshlaridagi o'zbek milliy libosining tarixi va rivojlanishi yoritilgan.*

*Kalit so'zlar: adres, ikat, duppi, kelagay, so'zani, shoi, chopon*

An'anaviy liboslar mustaqil o'zbek davlati aholisining milliy xususiyatlaridan biridir. O'zbek milliy liboslari juda yorqin, chiroyli, qulay bo'lib, xalqning boy madaniy an'analari va turmush tarzining bir qismidir. O'zbeklarning milliy kiyimlarini o'rganish xalq hayotining har qanday sohasi kabi xalqning etnik tarixi va madaniyatini, boshqa xalqlar bilan munosabatlarini o'rganish bilan chambarchas bog'liqdir. Moddiy madaniyatning barcha boshqa elementlariga qaraganda kiyim-kechak milliy o'ziga xoslik bilan bog'liq bo'lib, barqaror etnik xususiyatlardan biridir. Kiyim shakllarining chuqur an'anaviyligi, unda etnos shakllanishining tarixiy jarayoni bilan bog'liq bir qator xususiyatlar va ta'sirlarning aks etishi uni xalq etnogenezini o'rganishda qimmatli tarixiy manbaga aylantiradi. Turli marosimlarni bajarish bilan bog'liq bo'lgan marosim kiyimlari va kostyum majmularining ayrim shakllari aholining e'tiqodi va mafkurasini o'rganish uchun qimmatli materialdir. Ko'p asrlar davomida yaratilgan kiyim shakllari va uning alohida elementlari, dekorativ dizayni, bo'yoqlari xalq liboslarining mintaqaning tabiiy-iqlim sharoitlariga moslashganidan dalolat beradi. Kiyimning xususiyatlari uni kiygan odamlarning yoshi, ijtimoiy mavqeい, dunyoqarashi, qayg'uli yoki quvonchli voqealar, iqtisodiy tsikllar bilan belgilanadi. Ushbu me'yor va talablar ishlatiladigan matolarga, ularning dizayni va naqshiga, ranglariga, o'chamiga va kiyimlarning kesimiga ta'sir ko'rsatdi.

Ilmiy izlanishlar shuni ko'rsatdiki, milliy libosni, hatto eng an'anaviy ko'rinishida ham, o'zgarmagan deb hisoblash mumkin emas: u ma'lum bir evolyutsiyani, ba'zan esa shakllarning o'zgarishini ko'rsatadi.

O'zbeklarning zamonaviy liboslari takrorlanadi. Shahar va qisman qishloq yoshlari, ayniqsa, ziyorolar orasidan, bugungi kunda Yevropa kiyimlarini kiyishadi, ammo ular ko'pincha milliy kiyimlarning ayrim elementlarini o'z ichiga oladi.

O'rta yoshli odamlar ko'pincha 20-asrning 40-yillarida ishlab chiqilgan va tarqalgan milliy kiyim variantini kiyishadi. Keksalar, ayniqsa, chekka qishloq ayollarini har kim kiyib yurgan milliy liboslarini saqlab qolishadi. Farqlar faqat materialning rangi va sifati bilan chegaralangan. O'zbek xalqining kiyim-kechaklari yangi xususiyatlarni o'ziga singdirib, milliy an'analarni asrab-avaylashda

yanada boyib boraveradi. Rassomlar, teatrshunoslar, kinematograflar, san'atshunoslar, mutaxassislar – etnograflar, xalq folklor ansambllari rahbarlarining o'zbeklarning milliy milliy kiyimlarini yaxshi bilishi va bu mavzuga bo'lgan qiziqishi ortib borayotgani "O'zbek xalq og'zaki ijodi" asarini nashr etish maqsadga muvofiqligi masalasini keskin qo'yadi. o'zbeklarning milliy kiyimlariga bag'ishlangan maxsus asar. O'zbekistonda hunarmandchilik asrdan-asrga taraqqiy etib, noma'lum ustalarning betakror buyumlari, badiiy tasavvur boyligi, shakllar mukammalligi bilan o'ziga xos meros qoldirdi. Ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarning o'zgarishi bilan hunarmandchilik asta-sekin ikkinchi planga o'tib, o'z o'rnni mahalliy sanoat mahsulotlariga bo'shatib ketdi. Hozirgi kunda respublikada xalq hunarmandlariga katta e'tibor berilmoqda. Milliy madaniyatni asrab-avaylash istagi tufayli hunarmandchilik an'analarining tiklanishi tabiiy jarayonga aylandi. Keyingi yillarda O'zbekiston hukumati tomonidan xalq hunarmandchiligi va hunarmandchiligin qayta tiklashga qaratilgan qarorlar qabul qilindi. Bir qator xalq hunarmandlari O'zbekiston Badiiy akademiyasi akademiklari etib saylandi. To'plamlar milliy libosning an'anaviy shakllari, bezaklari va kanonlari bilan moda olamining zamonaviy tendentsiyalari uyg'unligini, yosh dizaynerlarning mahorati va yangi qarashlari bilan to'ldirilgan noyob merosni o'zida mujassam etgan. Dizaynerlar yoshlarga xos jasorat va tasavvurga ega bo'lib, moda dizayni bo'yicha o'z talqinlarini taqdim etdilar. Milliy liboslar sifatida stilize qilingan modellar - adres paltolari, suzannaga o'xshash yomg'irlar, oqsoqollar krep-dechin liboslari, shuningdek, erkaklar kolleksiyasi alohida qiziqish uyg'otdi. Kollektsiyalarni yaratishda dizaynerlar O'zbekistondagi liboslar dizaynining an'anaviy shakllari, bezaklari va tarixiy xususiyatlarini o'rganish bo'yicha ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borishdi.

Keyingi yillarda O'zbekiston ijodkor yoshlari yirik festival va loyihalarda faol namoyon bo'lmoqda.

An'anaviy naqshlar va zamonaviy tendentsiyalarning o'ziga xos uyg'unligi o'zbek dizaynerlari to'plamlarini xalqaro ekspertlar va san'at ixlosmandlari uchun o'ziga xos va jozibador qiladi. Hunarmandlar, ijodkor yoshlar alohida qo'llab-quvvatlanmoqda. Yoshlar liboslari ko'rgazmasi yoshlar uchun yangi imkoniyatlar ochayotgan, ularning ijodiga jamoatchilik e'tiborini qaratgan poytaxt madaniy hayotidagi yana bir yorqin voqeа bo'ldi.

20-asr boshlarida o'zbek ayollarining ayollar libosida shoyi yoki tilla ip bilan tikilgan duppi do'ppilari paydo bo'lgan. Ilgari do'ppilar faqat erkaklar kostyuming atributi edi. Bugungi kunda ham yosh o'zbek ayolining libosi ko'pincha oqlangan do'ppi bilan to'ldiriladi. «Duppy» talisman, bezak, hurmat ramzi va odamning tashrif qog'ozи bo'lib xizmat qilgan, bu orqali uning qayerdan kelganligini aniqlash mumkin edi. Buxoro ayollari liboslari hashamatli shoyi matolar va tilla taqinchoqlardan iborat edi. Buxoro shahri zardo'zlik va ikat ishlab

chiqarishning yuragi bo‘lgan. O‘zbekiston moda dizaynerlari chinakam sharqona poetikadan ilhomlangan ajoyib obrazlar yaratadilar. Ularni amalga oshirishda Ikat, qo’lda tikilgan kashta, bo‘yalgan «kelagay» ro‘mollari, an’anaviy matolardan salsa shaklidagi naqshlar, do’ppilar va, albatta, qadimiy zargarlik buyumlari qo’llaniladi. Kostyum ansambli bo’lib, tizzagacha bo‘lgan lakonik ko‘ylak, kashta tikilgan o‘zbek shoyidan tikilgan plash, yam-yashil salsa va «turk» tuflisi yorqin teginishdir. O‘zbekistondagi mashhur batika san’ati ustalari kiyim yaratishda matoga rasm chizish texnikasidan foydalanganlar. To‘plam O‘rta Osiyodagi yarim ko‘chmanchi etnik guruhlarning sarson-sargardon darveshlarning hikmatli masallari va shomaniy timsollaridan ilhomlangan. Qatlamli kostyumlar tunikaga o‘xshash ko‘ylak va hilpiragan xalatdan, bo‘yalgan shaffof ipakdan tikilgan.

O‘zbekistonlik iste’dodli dizaynerlarning ijodi ikat ilhami bilan sug‘orilgan. Yaxshi tahlilchi bo‘lgan moda dizaynerlari vintage kiyimlarini bezashmaydi, balki ularga ikkinchi shamolni berishadi. Uning har bir to’plami konstruktiv va noyobdir. Uning tajribalari, ikat va yevropacha kesim elementlarining muvaffaqiyatli aralashmasi, ko‘p qatlamlili xalq liboslari va zamonaviy sanoat ruhidagi «tahrirlar». Uning ijodi falsafa va Sharq lazzatining nozik idroki bilan singdirilgan. Sharqdagi xalat ramziy buyumdir.

Chapan sovg’a sifatida hurmat ramzi, chapan almashinuvi erkaklar do’stligining kafolati. Chopan haqida so‘fiylik masal bor: “Buxoroda buyuk faylasuf Bahouddin Naqshband yashagan. Bir kuni ustozi kulol Said Amir Kulolning o‘choqida o‘t o‘chdi, Bahouddin paxta choponini yechib, o‘choqqa tashladi, alanga alangalanib, usta ishini davom ettirdi. Uni tugatgandan so‘ng, murabbiy talabaga choponni pechdan chiqarib, uni kiyishni aytdi. Shogird itoat qilib, olovga kirdi va qo’lida xalat bilan o’rmondan sog’-salomat chiqdi. O‘zbekistonning taniqli kiyim-kechak dizaynerlari va kashta tikuvcchi ustalari dekorativ panellar, choyshablar va boshqa narsalardan tashqari, an’anaviy va yevropa kesimida o‘zgartirilgan xalatlarni o‘z ichiga olgan mahsulotlarning butun qatorini yaratdilar; ko‘ylaklar, poyabzallar, aksessuarlar: sumkalar, debriyajlar, mobil telefonlar uchun g’iloflar va boshqalar. Bornozlar qo’lda tikilgan naqshli kashta - zanjirli tikuv bilan bezatilgan. Kashta tikishda faqat tabiiy yarim ipak matolar, ipak iplar va bo‘yoqlardan foydalilanildi.

Ornamentning asosini mashhur Buxoro kashtachilik maktabi va Nurota maktabi kashtachilik tashkil etadi. Turli xalqaro tashkilotlar tomonidan bayramlar arafasida hunarmandchilik yarmarkalarini o‘tkazish an’anaga aylangan. Ushbu festival va yarmarkalar hunarmandchilik mahsulotlari ishlab chiqarishni rag‘batlantirish, o‘zaro tajriba almashish, bozor marketingini belgilab beradi. 1995 yilda BMT ko‘magida Toshkentda birinchi yirik yarmarka bo‘lib o‘tdi. Ushbu tashabbus turizm va yosh davlatlar iqtisodiyotini rivojlantirishdan manfaatdor xalqaro tashkilotlar tomonidan qo‘llab-quvvatlandi.

O'zbekistonda bir necha yillardan buyon BMTning "Madaniy-ma'rifiy turizm va hunarmandchilikni rivojlantirish" loyihasi va "Hunarmandlarga ko'mak" loyihalari faoliyat ko'rsatib, xalq hunarmandlarini qo'llab-quvvatlamoqda. G'arb turmush tarzidagi odam an'anaviy o'zbek xonadoniga birinchi marta kirganida beixtiyor hayratga tushadi. Va, birinchi navbatda, mebelning deyarli to'liq yo'qligi. Zamindagi naqshli gilam yoki qoziq gilam, ko'rpachalar - ko'rpachalar va bo'shiqlarga o'ralgan yostiqlar, sandiq va past stol xon-usmon xonaning deyarli butun bezaklarini tashkil qiladi. Va hatto katta naqshli panellar - devorlarga osilgan so'zani - uy hayotini tartibga solish va bezashning muhim qismidir. Kashtalar shunday osilganki, ularning har birining xizmatlari ko'rinish turadi va shu bilan birga ular bir-biri bilan uyg'unlashib ketadi. Bayramlarda kiyim-kechak dizaynida dekorativ kashtalar alohida o'rin tutadi. To'y marosimida kashtado'zlikka muhim o'rinn berildi. O'zbek kashtachilik san'atida rang asosiy o'rinn tutadi. Asarlarning aksariyati katta, to'liq naqshli bezakli figuralarning tafsilotlarini ishlab chiqish orqali tomoshabinga ta'sir qiladi. Va bu rivojlanish rang bilan amalga oshiriladi, bu bezak shakllarini sezilarli darajada boyitadi, mahsulotning sirtini ritmik ravishda parchalaydi va uni rangli dekorativ tekislikka aylantiradi. Har bir alohida ishda o'n besh tonnagacha hisoblash mumkin, bu umumiylrangning birligini saqlab, rang kombinatsiyalarining boyligini yaratishga imkon beradi. Oq fondagi kashtado'zlik ranglarida qizil ohanglar ustunlik qiladi, ular quvnoq, quvonchli diapazonni yaratadi. Gullar va rozetlar qizil ranglar bilan to'ldirilgan. Ornamentning yaproq qismi yashil iplar bilan tikilgan. Poyasi, shoxlari va barglari zaytun va engil qum tonlarida. Ushbu rang berish, umuman olganda, o'simliklarning tabiiy rangiga mos keladi va ayni paytda qizil va yashil ranglarning ajoyib kontrastiga asoslanadi. Kashtado'zlikdagi rang-barang kombinatsiyalar sariq va binafsha, to'q sariq va ko'k, qizil va ko'k, yashil va to'q sariq, qora va oq kontrastga asoslangan bo'lishi mumkin. Shu bilan birga, kashtado'zlik mahsulotlarida bir xil rangdagi soyalarni yonma-yon topish mumkin, masalan, ochiq ko'k va makkajo'xori ko'k, och sariq va oltin, quyuq va och qip-qizil ranglarning kombinatsiyasi. Ba'zi kashtalarda marjon bilan stilize qilingan ayol kumush taqinchoqlari - tumor ko'paytirildi.

O'simtaning o'zi - ibodat bilan jihozlangan sumka tumor sifatida kiyilganligi sababli, uning kashtadagi tasviri sehrli kuchga ega edi. Butalar, shoxlar, gullar orasida siz tez-tez yorqin, rang-barang qushlarni ko'rishingiz mumkin. Bu tasvirlar alohida qiziqish uyg'otadi, chunki qushlar deyarli yagona tirik mavjudot bo'lib, ular islom dinining taqiqlariga zid ravishda o'z san'atlarida saqlanib qolgan. O'zbekistonga kelgan har bir sayyoh va mehmon yangi mamlakat va uning xalqi bilan tanishish xotirasini qoldirishga intiladi. Xalq hunarmandlari yoki hunarmandlarining qo'llari bilan tayyorlangan suvenir mamlakat tarixi va madaniyati bilan aloqani yorqin esga oladi. Ma'lumki,

ko’plab shaxsiy san’at asarlari to’plamlarining asosini sayohatlarda sotib olingan suvenirlar to’plamlari tashkil etdi. Qadimiy Buyuk Ipak yo‘lining “oltin qismi” bo‘lmish O‘zbekiston bo‘ylab sayohat qilish YuNESKOning Butunjahon merosi ro‘yxatiga kiritilgan Samarqand, Shahrисабз, Buxoro va Xivaning ulug‘vor me’moriy obidalari haqida unutilmas taassurot qoldiradi. O‘zbekiston mehmonlarining bir qismi ajoyib milliy suvenir yoki shahar xotirasiga sovg’a sotib olishdan bosh tortadi. Shuni qo’shimcha qilish kerakki, ushbu suvenirlarning barchasini san’at salonlarida yoki mehmonxonalar va muzeylarda joylashgan yodgorlik do’konlarida yoki oddiygina hunarmand ustaxonasida sotib olish mumkin. O‘zbekiston esdalik sovg‘asi o‘zbek xalqining tarixiy va madaniy an’analari, qadimiy urf-odatlari haqidagi taassurotlarni uzoq yillar davomida saqlab qoladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. R. V. Almeev “Buxoro davlat arxitektura-san’at muzey-qo‘riqxonasi tarixidan”. Buxoro. 1990 yil.
2. N. Sodiqova. “O‘beklarning milliy liboslari (XIX-XX asrlar)” Toshkent – 2003 y.



## O'QUVCHINI KASBGA YO'NALTIRISH TIZIMINI TASHKIL ETISH BO'YICHA XORIJIY VA MAHALLIY TAJRIBA

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.044>

Mamajonova Kamola Akramovna,

Jizzax davlat pedagogika universiteti 1-bosqich tayanch doktoranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada o'quvchi-yoshlarining kasbga yo'naltirish tizimi bo'yicha xorijiy hamda mahalliy mamlakatlarning tajribalari tahlil qilindi. O'zbekistonda o'quvchilarining kasb tanlashga yo'naltirilgan ishlarni samarali tashkil etishda rivojlangan xorijiy mamlakatlar tajribalaridan foydalanish bo'yicha takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: kasbga o'qitish, ta'lif xizmatlari, o'quv-yoshlar, xorijiy va mahalliy tajribalar

Kasb-hunarga yo'l kasb tanlashdan boshlanadi, undan keyin kasbiy ta'lif va kasb tanlash va tayyorgarlikka mos keladigan ishga joylashish. Kasb tanlashda yordam berish, ayniqsa ijtimoiy boshlang'ich bosqichida, kasbga yo'naltirish institutining asosiy vazifasi bo'lib, uning yakuniy maqsadi milliy iqtisodiyot manfaatlarida shaxsning eng to'liq kasbiy o'zini o'zi anglashini ta'minlashdir. Kasbga yo'naltirish tizimining samaradorligini yanada oshirish bo'yicha takliflar ishlab chiqish uchun kasbga yo'naltirish tizimining genezislarini ko'rib chiqish zarur ko'rindi.

Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo'lgan ta'lif tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda yosh avlodning har tomonlama yetuk, bilimli, yuksak ma'naviyatli, barkamol shaxslar bo'lib yetishishini ta'minlash yo'lida amalga oshirilayotgan ulkan bunyodkorlik ishlarning eng asosiy bo'g'ini sifatida maktab o'quvchilarini kasbga yo'naltirish orqali mustaqil hayotga tayyorlash xalq ta'limi tizimi oldida turgan muhim chora-tadbirlardan biri hisoblanadi. Kasb tanlash maktab bitiruvchilari hayotidagi muhim va mas'uliyatli bosqich bo'lib, kasbiy faoliyat sohasini aniqlash ijtimoiy doira, turmush tarzi, mehnat muhiti va boshqalar bo'yicha inson kelajagini belgilab beruvchi asosiy omillardan biri. Kasbga yo'naltirish ishlari o'quvchilarini o'zini-o'zi anglashga va kasbiy rivojlantirishga qaratilgan pedagogik faoliyat bo'lib, hozirgi va kelajakning o'zaro ta'sirini ta'minlashga qaratilgan chora-tadbirlar majmuidir. Kasbga yo'naltirish ishlarini to'g'ri tashkil etishda fan o'qituvchilaridan nafaqat o'quvchining qobiliyati, iqtidori va xarakter xususiyatlarini bilish, balki pedagogik mahorati, dunyoqarashi, yo'qolib borayotgan, mavjud va kelajak kasblari, mehnat bozori ehtiyojlari to'g'risidagi bilimlari talab etiladi. Mehnat bozori jamiyatdagi o'zgarishlar

ortidan o‘zgarib bormoqda: ba’zi kasblar yo‘qolib ketmoqda, ayrimlarning mazmuni o‘zgarmoqda, shuningdek, yangi kasblar ham paydo bo‘lmoqda. Tarixiy davr, moda va boshqa omillardan qat’iy nazar, talab qilinadigan kasblar mayjud. Bu davlatning ijtimoiy funksiyasini amalga oshirishga yordam beradigan faoliyat turlari bo‘lib, bu lavozimlarga quyidagilar kiradi:

- shifokorlar va tibbiyot xodimlari;
- farmatsevtlar;
- o‘qituvchi va tarbiyachilar;
- o‘t o‘chiruvchilar;
- xavfsizlik xodimlari.

Kasb-hunarga bo‘lgan talab va kasblar taklifi o‘rtasidagi bog‘liqlik tushunchasi faqat murakkab texnika va texnologiyalar, shuningdek, fan paydo bo‘lishi bilan paydo bo‘ldi. Tibbiyot sohasidagi yutuqlar demografik o‘sishning tezlashishiga va umr ko‘rish davomiyligining oshishiga yordam berdi. Sanoatlashtirish ilgari og‘ir malakasiz qo‘lmehnatida band bo‘lgan juda ko‘p mehnatga layoqatli odamlarni ozod qildi, ishlab chiqarish vositalarini ishchilardan begonalashtirishga olib keldi. Ishchi ishlab chiqarish vositalarini yo‘qotgan va faqat o‘z ish kuchini erkin tasarruf qiladigan qonuniy erkin odamga aylandi. Ilmiy-texnika taraqqiyoti tovarlar va xizmatlarga borgan sari yangi ehtiyojlarni shakllantirdi, bu esa ilgari mavjud bo‘lmagan kasblarga bo‘lgan ehtiyojni keltirib chiqardi. Kasbiy xizmatlarga talab va taklifning paydo bo‘lishi, ishchilarning malakasiga qo‘yiladigan talablarning kuchayishi mehnat bozorida raqobatning paydo bo‘lishiga yordam berdi. Ish beruvchilar professional xodimlarni tanlash imkoniyatiga ega. Raqobatbardoshligi past bo‘lgan ishchilar ishsiz qoldi, o‘zlarining kasbiy fazilatlari va bilimlarini qo‘llash imkoniyatlarini qidira boshladilar va raqobatbardoshligini oshirishga harakat qildilar. Kasbiy o‘zini o‘zi belgilash va takomillashtirish muammosi odamlar uchun bozor iqtisodiyotida omon qolish kalitiga aylandi.

Kasbga yo‘naltirishning birinchi nazariy rivojlanishi 1908 yilda «Faktorfaktor» tushunchasi shaklida shakllantirilgan. Uning ishlab chiquvchisi F.Parsons kasbiy yo‘naltirishning asosiy vazifasini u yoki bu kasbning shaxsga qo‘yadigan talablari bilan muayyan shaxs xususiyatlarining muvofiqligini aniqlashda ko‘rdi. Parsonsning fikriga ko‘ra, kasb tanlashda yordam berishning asosiy printsipi uch qismdan iborat:

Amerika Qo‘shma Shtatlarda kasbiy maslahatlar bo‘yicha maxsus qonunchilik mavjud bo‘lib, unga ko‘ra maktablarda bu ish o‘quvchining butun ta’limi davomida amalga oshiriladi. Har bir mакtabda bu ishni maxsus tayyorlangan xodim – kasb-hunar maslahatchisi amalga oshiradi. U har bir o‘quvchi uchun alohida ish yuritadi, uni mакtab oxirida ish bilan ta’minalash xizmatiga topshirish mumkin. O‘quvchilarga kasblarning mazmuni va ularga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risida ma’lumot topishda, ota-onalarga esa o‘z

farzandlarining qiziqishlari va moyilligini rivojlantirishda yordam beriladi [6]. S.S. Grinshpun, bundan tashqari, 21-asrning boshidan buyon Qo'shma Shtatlarda kuzatilgan «kasb» tushunchasidan «karera» tushunchasiga o'tish va bir qator yangi ta'lim dasturlari paydo bo'lishiga e'tibor qaratadi. "Maktabdan ishga" shiori yoshlarni mustaqil mehnat hayotiga sifatli tayyorlashdan iborat.

Fransiyada jiddiy davlat darajasida uchta vazirlilik: mehnat, sog'liqni saqlash va ta'lim vazirliklari tomonidan muvofiqlashtirilgan kasbga yo'naltirish tizimi ishlaydi. Fransiyada kasbga yo'naltirishning zamonaviy konsepsiyasini va uning axborot yo'nalishi ishlab chiqilgan. Ushbu konsepsiyaga muvofiq, yoshlarning kasbiy tanlovgaga tayyorlik darajasi mehnat sharoitlari va inson uchun kasblar talablaridan xabardorlik darajasiga bog'liqligi belgilangan. Fransiyada keng doiradagi ma'lumotlar mavjudligiga e'tibor qaratilgan. Fuqarolik jamiyatining turli institutlari (ota-onalar uyushmasi, mehnat birjasi, Milliy ta'lim tadqiqotlari instituti va boshqalar) bilan o'zaro aloqada bo'lgan Oryentatsiya markazlari (500 dan ortiq) faoliyat yuritadi. Ta'kidlash ozimki, har bir kasbiy faoliyat davlat tomonidan tartibga solinadi, ya'ni mutaxassislarning yuqori malakasi va professional maslahatchilar ta'lim muassasalari, talabalar va ularning ota-onalari bilan yaqin hamkorligi Fransiyaning kasbga yo'naltirish tizimining samaradorligini ta'minlaydi.

Fransiyada kasbiy faoliyat turini tanlash haqida qaror maktab psixologlari – kasbga yo'naltirish bo'yicha maslahatchilar boshchiligidagi suhbat va test natijalarini hisobga olgan holda ta'lim muassasasi pedagoglar kengashi, o'quvchilar va ota-onalarning vakillari tomonidan jamoaviy ravishda qabul qilinadi. Mintaqalar barcha bilimlar sohalarida kasbga o'qitishni rivojlantirish rejalarini ishlab chiqadi va yoshlarni mehnat bozoriga chiqishga tayyorlaydi.

Shvetsiyaning kasbga yo'naltirish tizimida davlat tomonidan tartibga solinadigan ta'lim tizimi va mehnat bozorining o'zaro ta'siri e'tiborga loyiqidir. 1940-yillardayoq Shvetsiya bandlik xizmatlari o'z mijozlariga kasbiy yo'naltirish xizmatlarini taklif qila boshladilar. Asosiy tamoyil har doim martaba bo'yicha maslahat berish bepul va hamma uchun mavjud bo'lishi kerak bo'lgan individual huquqdir. Bugungi kunda 418 ta davlat bandlik idoralari tomonidan kasbga yo'naltirish xizmatlari ko'rsatilmoxda. Qayta tashkil etilayotgan yoki qisqartirilayotgan kompaniyalar uchun xodimlarni kasbga yo'naltirish va qayta tayyorlashga ixtisoslashgan kichik xususiy sektor ham mavjud. Turli tadqiqotlarga ko'ra, kasbga yo'naltirish tizimining milliy modeli so'nggi 15 yil ichida Shvetsiyada ishsizlar sonini ikki baravardan ko'proq qisqartirdi [12].

Yoshlar uchun quyidagi uch dastur eng tarqalgan: Germaniyaning o'quvchilik dasturi o'qishdan ishga o'tishni ta'minlash bo'yicha (school-to-work transition) eng rivojlangan dastur hisoblanadi; Shvetsiyada

qo'llanadigan mehnat bozorining faol dasturlari; amerika ta'lim dasturlari (Job Training Partnership Act (JTPA), Kasb-ta'limi sohasidagi hamkorlik to'g'risida qonun), fransuz dasturlar tizimi. Barcha rivojlangan mamlakatlarda yoshlarning mehnat bozoriga chiqquniga qadar raqobatbardosh ishchi kuchini shakllantirish bo'yicha ko'rsatilgan chora-tadbirlar bilan bir qatorda ta'lim yordamida yoshlar ishchi kuchi sifatini oshirishga ham muhim ahamiyat beriladi, buning uchun katta hajmda mablag'lar ajratilgan. Mehnat bozorida shiddatli o'zgarishlar ro'y berayotgan sharoitlarda faqat shunday tayyorgarlikgina yoshlarni ishga joylashtirish imkoniyatini, shuningdek, ularning harakatchanligini oshirishni ta'minlashga qodir.

AQSh va Yevropaning rivojlangan mamlakatlarda bilimlar iqtisodiyotiga alohida e'tibor qaratilgan. Bilimlarga asoslangan jamiyat yuqori texnologiyalarga va yuqori texnologiyali tarmoqlarni rivojlanterishga investitsiyalarning o'sishi va yuqori malakali ishchi kuchi mavjudligi bilan tavsiflanadi, buning oqibatida samaradorlik darajasi yuqori bo'lgan iqtisodiyot vujudga keladi.

#### Foydalilanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagagi 4947-son Farmonining 1-ilovasi «2017-2021 yillarda Fzbekiston Respublikasini rivojlanterishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi» // Fzbekiston Respublikasi qonun hujjalari to'plami, 2017 y., 6-son, 70-modda
2. Резник С.Д., Сочилова А.А. Основыличной конкурентоспособности. Учебное пособие. – М.: Инфра-М, 2009. – 251 с.
3. Андреев, В.И. Конкурентология. Учебный курс для творческого саморазвития конкурентоспособности. - Казан: СИТ, 2004. – 468 с.
4. Одегов Ю.Г. Экономика труда: учебник – Москва : Алфа-Пресс, 2015.
5. Xolmo'minov Sh.R. Mehnat bozori iqtisodiyoti (o'quv qo'llanma) – T: TDIU, 2004. – 25-b.
6. Mirzakarimova M. Rivojlangan axborotlashgan iqtisodiyotga ega mamlakatlarda bandlikning o'zgarishi // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnalı. №6, noyabr-dekabr, 2017 yil
7. Вишневский Д.М. Профессионально-квалификационная структура рабочей силы в странах с развитой рыночной экономикой // Ж. Труд за рубежом - 2016, №7 – С.19-20.
8. Крымова Н.А. Управление профориентацией населения. Дисс. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук. - Воронеж, 2011 – С.92-94.
9. Муравьева Н.В. Трансформация системы профессионального образования и обучения // Ж. Труд за рубежом, 2014. №3 – С.66-67.
10. Бондарев В.П. Успешный выбор профессии / В.П. Бондарев, С.О. Кропивянская. - М.: ВАКО, 2015. - 144 с.
11. Брехова А.В. Профориентационная работа с обучающимися старших классов на уроках технологии. Ж: Перспективы науки и образования. 2017. №5



## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ СОҲАСИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРИНИНГ КАСБИЙ ПЕДАГОГИК МАХОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.046>

Хайдаров Собир Носирович

Навоий давлат педагогика институти “Спорт турларини  
ўқитиши методикаси” кафедраси мудири

**Аннотация:** Мазкур мақолада педагогик кадрлар малакасини ошириши – таълим турлари бўйича Давлат таълим стандартлари асосида касбий ва педагогик маҳоратнинг доимий равишда ўсиб боришини, ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий методик даражада олиб боришини таъминлайдиган ва ўқитиладиган ўқув фани ёки курс, педагогик ёки ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерактив методлари бўйича касбий билимлар, малака ва кўнукмаларни мунтазам равишда янгилаб бориши кераклигини таъкидланган.

**Аннотация:** В данной статья мы можем увидеть о педагогической подготовки и обучений персонала на основе Государственных стандартах профессионально-педагогической основе на уровне вырастающих методов, которые идут в процессе научного уровня высшего образования. Учебный предмет или курс по педагогическим или иныхормационной технологий и учебный интерактивный методики профессиональных знаний и навыков в том числе и под технологических работ которых регулярно работают и обновляется.

**Annotation:** In this story we can see about pedagogical training and staff training on the basis of State standards on a professional pedagogical basis at the level of growing methods that go in the process of the scientific level of higher education. A curriculum or course in pedagogical or process And educational interactive methods of professional knowledge and skills including pedagogical work that regularly work and is updated.

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт юртимиз тараққиётининг барча соҳалари каби давлат сиёсатининг густивор йўналишлари доирасида ривож топмоқда. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги Қонун, “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ги Қарор “Оммавий спорт тадбирларини янада кучайтириш тўғрисида” ги Қарорлар ва шу соҳага оид бошқа концептуал хужжатларнинг қабул қилиниши, уларнинг босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Конститутцияси “Таълим тўғрисида” ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги Қонунларда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида ургу берилиши юқорида кайд этилган фикр ифодасидир. Сўнгти йилларда ўзбек спорти ўзининг юксак натижалари билан мамлакатимиз шуҳратини

жаҳон ҳамжамияти олдида тараннум этиб келаётганлиги, минглаб ҳалқаро стандартларга мос спорт мажмуалари қад кўтараётганлиги, юртимизнинг турли худудларида энг нуфузли ҳалқаро мусобақаларнинг ўтказиб келинаётганлиги ушбу хужжатларнинг амалий маҳсулидир. Лекин юксак натижаларни қўлдан бермаслик, малакали, рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш тўғридан-тўғри ёш истеъододли заҳираларни етишириш билан боғлиқдир.

Юқори малакали, илгор замонавий тажрибани ўзлаштириб, турли соҳаларда инновацияларни яратишга қобилияти ривожланган, ижодкор, юқори интеллектуал потенциалга эга кадрлар тайёрлаш муаммосига Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрель қуни тасдиқланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сон қарори бағишлиланган. Ушбу қарорга биноан олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маънозмазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, ҳалқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсад қилиб белгиланган. Қарорда олий таълим тизимида ўқув жараёнинга илгор ҳалқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасидаги ишларга алоҳида аҳамият берилиб, улар талаб даражасида олиб борилмаятганлиги ҳам таъкидланган.

Хозирги пайтда “Баркамол авлод – буюк келажак пойдевори” эканлигини назарда тутган ҳолда юқори малакали жисмоний тарбия мутахассислари олдига катта талаблар қўйилмоқда. Шунинг учун жисмоний тарбия мутахассислари ўз соҳасида юқори малакали бўлишлари, кўп қиррали ўқув-тарбия жараёнинг эга бўлишлари, илмий-назарий жиҳатдан пухта, юқори даражадаги спорт мусобақаларига тайёр бўлишлари талаб қилинмоқда.

Мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар, узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ”Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Таълим тўғрисидаги қонуни ижросини бажариш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015.08.25 даги № 242 сонли “ Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида “Педагогик кадрлар малакасини ошириш – таълим турлари бўйича Давлат таълим стандартлари асосида касбий ва педагогик маҳоратнинг доимий равишда ўсиб боришини, ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий методик даражада олиб боришини таъминлайдиган ва ўқитиладиган ўқув фани ёки курс, педагогик ёки ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерактив методлари бўйича касбий билимлар, малака ва кўнималарни мунтазам равишда янгилаб бориш” кераклигини таъкидланган. Бу эса мутахассисларни тарбияли, маълумотли бўлишга



ва касбий маҳоратининг шахсий даражасини мунтазам ошириб бориш муаммосини чукур англашга ундаиди. Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар кўпчилиқда, жумладан, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси кадрларида шахсий ривожланишинг оптимал йўлларини танлаш эҳтиёжини юзага келтиради.

Барча жабҳаларидаги мутахассисларнинг касб маҳоратини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишга мутлақо янгича ёндашувни тақозо этади. Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллый дастурида ҳам бу масалага кенг эътибор қаратилган. Жумладан; қуйидагилар келтириб ўтилган: кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг шу соҳада рақобатга асосланган мухитини шакллантириш ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиши.

Хозирги вактда жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида мутахассисларнинг касб маҳоратини ривожлантириш муаммоси малака оширишга доир умумий муаммоларнинг асосийларидан бири хисобланади.

Ушбу мақолани ёритишимиздан мақсад ва вазифалар асосан профессионал педагогик тайёргарлик дастурини ва ўқув-тарбиявий жараённи, илмий-назарий ишларни, спорт-машғулотларининг ташкил қилиниши, асосан, умумий таълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги даражасини аниқлаш касбий тестларининг мазмуни ва улардан касбий маҳоратининг назарий билим ва малакаларини даражасини ўрганишига оид тажрибаларни, баҳолаш мезони нормалари, талабларининг мазмунини умумий таълим мактабининг жисмоний маданият ўқитувчиси касбий тайёргарлиги мисолида ўрганиши асос бўлди. “Касб маҳорати”, ”уз касбининг устаси“ деб аталмиш мутахассиснинг этalon (муваффақиятли) деб қабул қилинган “модели”га, касбий фаолиятнинг мазмуни ва мутахассиснинг шахсий сифатлари, унинг даражасини аниқлаш учун илмий асосланган меъёрлар ҳамда талаблар киради. Улар касбий мажбуриятларни муваффақиятли бажариш имконини беради. Бу мажбуриятлар маъносига кўра бир-бирига яқин бўлган иккита мазмундор жиҳатларга эга.

Биринчидан, кишининг касбий фаолияти давомида эгаллаб оладиган сифатлари йиғиндиси яъни, меъёрий даражадаги касб маҳорати жиҳати.

Иккинчиси – бу касб соҳиби шахснинг ички дунёси деб аталмиш жиҳатлари. Инсондаги бундай касбий сифатлар тўплами унинг шахси мазмунини ўзак қисмига айланган. Қайд қилинган жиҳатлар касб соҳибининг касбий тайёргарлиги даражасини анқлашни – баҳолашда ўзгача ёндошувни тақазо этади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, касб маҳоратининг ортишини, ривожланишининг дастлабки босқичларида жисмоний тарбия мутахассисига, одатда, спорт машғулотлари соҳасидаги ҳаракат малакалари ва кўнікмалари даражаси–спортнинг қайсиdir турини техникасини эгаллаганлиги даражаси, факат ўзига мутахасислик сифатида танлаганини эмас, бошқа, мактаб жисмоний тарбия дастурига

киритилган спорт турлари бўйича баҳо берилиши унинг касбий маҳоратининг асосий жиҳати сифатида қаралиши максадга мувофиқдир.

Ўқитувчи ўз обрўсига эга бўлиши керак. Ўқувчи билан диктатор бўлиб эмас, балки ҳамсуҳбат, дўстона мунособатда бўлиши керак. Кўпинча болалар ўз мажбуриятларини ёдан чиқарадилар. Бу ҳол айниқса “балофат” даврида юзага келади, болалар худбин, кайфияти билан иш қиласидан бўлади. Бу даврда ўқитувчи болани кўнглига йўл топа олиши, хатти-ҳаракатини тўғри баҳолаб, унга ижобий баҳо бера олиши керак.

Ўқитувчининг кўнгли бўшлиги, меҳрибонлиги ва инсонпарварлиги ўқувчи томонидан айрим ҳолларда ўқитувчини бўш деб ўйлашига олиб келади. Шунинг учун ўқитувчи доимо талабчан бўлиши керак.

Касбмаҳоратиривожланнишининг дастлабки босқичларида жисмоний тарбия мутахассисига, одатда, спорт машғулотлари соҳасидаги ҳаракат фаоллигига ички, рефлексив баҳолаб бўлмайдиган рағбатлар, истаклар таъсири қиласиди. Тор доирадаги касбий фаолиятнинг танланиши – соғ рефлексив ҳодисадир, яъни ўзини намоён қилишнинг энг жозибали шакли бўлган спортда нафақат шахсий такомиллашиш эҳтиёжини англаш, балки бунга ўз ўқувчиларини ўргатиш маҳоратини эгаллаб олиш билан боғлиқ. Бошқача айтганда, жисмоний тарбия соҳасидаги касбий фаолият ўзининг шахсий асосида рефлексив, онгли кўрсатмага эга.

Биз, фаолиятли ёндашув назариясига таянган ҳолда, бошқарув соҳасидаги жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг касбий маҳоратини ривожлантиришига тааллуқли тарзда тизимли ёндашувнинг асосий қоидаларига аниқликлар киритдик.

Касбий билимдонликнинг маъноси реал касб маҳоратига яқин. Билимдонлик, маъносига қараб ижтимоий, шахсий, индивидуал, касбий билимдонлик бўлиши мумкин. А.К.Маркова мулоҳазаларида алоҳида касбий билимдонликда касбий фаолият ва касбий мулоқот энг катта аҳамиятга эга элементлардан ҳисобланади.

Жисмоний тарбия бошқаруви соҳасидаги ходимнинг касбий фаолияти кенг миқёсдаги жисмоний тарбия таълим худудидаги тор доирадаги ихтисосликдан келиб чиқадиган касб маҳорати ва касбий онгдан ташкил топади. Улар оптимал даражадаги психоэмоционал ва физиологик сарфлар ҳисобига ижобий натижага эришиш имконини беради.

Жисмоний тарбия мутахассисининг касбий мулоқоти – бу билимдонликнинг коммуникатив таркиби бўлиб, касбий фаолиятнинг танланган тури учун хос бўлган ишбилармонлик мулоқоти меъёрларини ўзлаштиришини ўз ичига олади, масалан, шарқ яккаурашлари мураббийси учун – рус, ўзбек тилида баъзан эквиваленти бўлмаган маҳсус атамаларни билиш, иш юзасидан алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорлик қила олиш, меҳнат бозорида ракобатчиликни таъминлаган ҳолда ўз ишига қизиқиши уйғота олиш. Мураббий фаоллик билан ўқувчиларни банд қилиши керак. Бунда мураббийга ўқувчилар меҳр билан қарашади.

Педагогнинг муомаласи, унинг совуққонлиги, қўполлиги ўқувчига салбий таъсир қилади. Ўқувчининг болалиги тугайдиган давргача мураббий ва ўқувчи бир-бирларини яхши тушунишади. Ўқувчилар ўқитувчига инсон сифатида ҳам яхши баҳо бера оладилар.

Шахсий касбий билимдонлик – бу эркин ифодаланган касбий мотивация, ижобий маънодаги касбий “мен ўзим” (касбгахос масалаларни ҳал этишдаги мустақиллик), касб билан маънавий боғлиқлик (касбий бурч, касбий маънавий қадриятлари касб этиш). Шахсий билимдонлик индивидуал билимдонлик билан тўлдирилади, яъни индивиднинг характери унинг иштиёқ майллари, одатлари морфофункционал мақоми орқали ўзгаради, қайта тус олади.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг вазифалари ва иш фаолиятида асосан у кўп киррали мутахассис бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, етук қилиб тарбиялаш, ўрта мактаб, лицей ва олий ўкув юртларида, қуролли кучларда жисмонан соғлом, жисмоний тарбия ва спорт билан биргаликда уларга билим, кўнникма беради, ҳаётга тайёрлаб, ҳарбий тайёргарликка ўргатади. Машгулотлар давомида болаларда жисмоний сифатлар шаклланиб боради, функционал ривожланиш билан бирга ватанпарварлик, хушмуомалалик, байналминаллик, меҳнатсеварлик, интизомлилик ҳислатлари тарбияланади.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг иш фаолияти, жисмоний тарбия ва спортда 2 та мустақил қисмдан – педагогик ва уни бошқариш фаолиятидан иборатдир. Иш фаолияти қўйидагиларни ўз ичига олади: машгулотларни режалаштириш, ташкил қилиш, ўтказиш, ҳисбот ва жисмоний тайёргарликни текшириш, педагогик, ўқув-тарбиявий, спорт ва соғломлаштириш ишларини, ўқувчиларни жалб қилиш ва саралаш, спорт мусобақаларида ҳакамлик қилиш, ташкилий ишлар, маърузалар, молиявий ишларда ўз малакасини ошириш ва бошқалар.

Жисмоний тарбия мутахассиси юкори даражадаги касбий билимдонлигини исботлаш майдоннинг мураккаб функционал асоси сифатидаги мазмунини белгилаб беради. У мулокот жараёнида нафақат кенгайиб боради, балки касбий йўналиши бўйича янада мазмундор бўлади. Ўқувчиларнинг касб маҳоратини оширишда етарлича расмий ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин (масалан, йўриқнома материалларини ўрганиш ўқувчига нисбатан шахсий ёндашишни тақозо этмайди). Бироқ касб маҳоратини оширишга қаратилган педагогик жараён ўта норасмий ҳаракатни назарда тутади (яъни, субъект-объект тизимидағи ўзаро ҳаракатларнинг шундай усулики, бунда унинг бошқариладиган элементи расмийлашишга мойил бўлмайди).

Инсоннинг ҳар қандай фаолияти унинг ўзига хос аспект билан белгиланади ва бажарилади. Машгулотларни ўтказишнинг ранг-баранглиги, уларни ўтказиш шароитининг ўзгариши, уларни шуғуллантираётган ўқитувчига ҳеч қандай таъсир қилолмайди. Жисмоний тарбияда машгулотлар ўтказиш ҳиссасига кўра унчалик бир хил эмас: залда, стадионда, очик ҳавода ўқувчиларнинг ҳаракатланиш фаолиятининг диапазони қанчалик кўп бўлса, уларни назорат қилиш

ўта мураккаб ва шуғулланувчилар, талабаларга мураббийнинг таъсири тўғри йўналтирилган бўлади.

Шуни айтиш керакки, ўқитувчига қўйилган талаб – бошқаришда ва мулоқот қилишда унинг асосий овози ҳисобланади (бўйруқ бериши, тартибга чақириш, тушунтириш кабилар).

Бошқа маҳсус жиҳат, маълум даражада таъсир этади: ўқитувчининг фаолиятига, ўқитувчилар ўқув фаолиятига, талабаларнинг катта харакатланиш активлиги билан характерланади. Ўқув юртларидаги талабалар учун ўқув дастурига асосан жисмоний тарбия машғулотлари мажбурийдир. “Жисмоний тарбия” ўқув предметининг таркибига турли хил жисмоний ва спорт машқлари, спорт турлари киради.

Шунинг учун ўқитувчи материални ўзлаштиришда нафақат “техникасига” дастур бўйича тайёрланиши керак, балки ҳар доим ўзининг техникавий ва жисмоний даражасини юқори тутиши шарт.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси қўп сифатларга эга бўлиши керак: юқори ишchanлик; ҳис-ҳаяжонни кўзғатувчиларга эътибор бермаслик ва ўз диққатини жамлашни билиши; ҳар доим актив бўлиши; иш куни давомида юқори умумий ва эмоция тонусини, кучини тез янгилашни билиши; фикрни аниқ изоҳлаш билан ажralиб туриши; ҳиссиёт динамикасида тенглик, ишни бажаришда юқори темпни ушлаш; мушаклар чигилини ёзиш машқисиз қўйилган масалани ечишга тез ҳаракат қилиш; бир турдаги фаолиятдан бошқа турдаги фаолиятга ўтишни тез ҳал қила билиш; аввалдан машғулотни тайёргарликсиз ўтказиш қобилиятига эга бўлиши, янги шароитга тез кўникиш.

Мураббийни биологик ва психологик жараёнлар соҳасида юқори билим даражаси, ўсмирнинг фаол ўсиши ва ривожланиши даврида мураббийдан катта жисмоний ва техник тайёргарликни талаб қиласди, айниқса кўпгина тадқиқот ва амалиётлар натижасига кўра педагогик маҳоратга эга бўлиш бу:

- ўқув дастурини ўқувчига тушунарли қилиб етказа олиш, иш жараёнига илмий ёндашиш;
- педагогик хислатларга эга бўлиш, барча ўқувчиларни жалб қила олиш қобилияти, жамоа билан ишлай олиш;
- болалар ва ўсмирлар жамоасини ташкил этиш, ўқувчилар ҳаёти билан танишиш ва унга қизиқиш;
- сухбатларни қизиқтириб, тушунарли тарзда олиб бориш, нутқининг равон бўлиши;
- кузатувчанлиги, кузатишларни таҳлил қилиб тўғри хulosса чиқариш, ўқувчиларга ва ўзига нисбатан талабчан бўлиш;
- ўқув дастурини ҳозирги замон билан, ҳаёт билан боғлаб қизиқтириб ўтиш.

Жисмоний тарбия мутахасиси касб маҳоратининг ривожланиши жараёнида у етакчилик қилиш, кадрлари билан бўладиган муносабатларнинг оптималь вариантларини танлаб олиш қобилияти, зиддиятларни ҳал этиш, бирон-бир вазиятларда ён босишга хотиржам муносабатда бўлишдаги ўз-ўзидан ўсиб борувчи шахсий катталиқдир.

Профессионалнинг ҳар бир вазифасида индивидуал-шахсий фаолият услуги кузатилади ва агар мутахассиснинг ишбилармонлик сифатларини касбга хос муҳим сифатларининг биринчи гуруҳига шартли равишда киритиш мумкин бўлса, унда иккинчи гуруҳига (аниқроғи иккинчи ярмига) индивидуал-шахсий сифатлар киради.

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари касб маҳорати ривожланишида қўйилган талаблар:

Биринчи даражада – репродуктивлик (минимал) машқлар мисолида уларини тизимда ёки комбинацияларда бажарилиш қобилияти, назарий ва амалий тайёргарликка боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзининг билимини етказа билиш қобилиятини кўрсата билиш.

Иккинчи даражада – мослашиш (паст). Мураббий ўз билганларини нафақат тарбияланувчиларининг индивидуал жиҳатлари малакасига ва уни тушунчасига мос олиб боради.

Учинчи даражада – лоқал моделли (ўрта), ўз билимини нафақат етказа билиши, ёш спортчиларнинг жиҳатларига мослаштириш қобилияти, балки конструкторлаш (моделлаш) билимлар тизимида ва алоҳида турларда жисмоний тайёргарлиги, билим ва кўникумалар жисмоний техникавий, тактикавий йўналишда олиб боради.

Тўртинчи даражада – тизимда моделлашган билимлар (баланд). Мураббий ёш спортчиларнинг фаолиятини тизимда моделлашни билиши, негаки улар танлаган спорт туридан олган билим ва кўникумаларини билимлар тизимида мослаштиради.

Бешинчи даражада – тизимли моделлашган фаолият ва хулқи (ўта баланд). Мураббий шундай спорт тайёргарлик тизимини моделлаштиришни биладики, спортчини шахс сифатида шакллантиради, нафақат жисмоний, балки руҳий ва ақлий жиҳатини эътиборга олади. Бу руҳий тетикликни ва инсонийликни юқори даражада, юқори спорт натижаларга эришишга олиб келади.

Жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви соҳасидаги мутахассиснинг касб маҳоратини ривожлантиришнинг концептуал модели дастурий – мақсадли, рағбатлантирувчи-мотивацион диагностикалаш ва олдиндан белгилаш таркибларини ўз ичига олади. Улар асосида мазмуний ва муолажавий-фаолиятли таркиблар шакллантирилади, улар концептуал моделнинг мазмуний тузилмавий элементи ҳисобланади.

Мураббийнинг билими ва шахсий сифатлари амалий фаолиятида такомиллашади, агар у кузатиш, таҳлил қилиш ва тўғри хуносалар қила билса. Бу жараён самарали амалга ошиши учун маълум тизимдаги ўқитиш услубларини эгаллаши лозим.

Жисмоний тарбия мутахассислари касб маҳоратини ривожланишининг индивидуаллаштириш методикаси асосан ўқувчилар томонидан етакчи сифатида ажратиб кўрсатилган таркиблар, шунингдек, индивидуал-шахсий психофизиологик сифатлар (реактивлик, психоэмоционал барқарорлик, ижодий фаоллик) киритилди.

Касб маҳорати даражасини ва унинг равнақ топиб ривожланишини белгилаб берувчи юксак эҳтиёжлар қаторида иш юзасидан бўладиган

мулоқотга эҳтиёж ҳам ўрин олган. Мулоқот коммуникацион ҳаракатлар доирасига киради ва уларда жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви соҳаси ходимининг индивидуал-шахсий сифатларни амалга оширишнинг самарали воситаси сифатида қатнашади.

Келтирилган манбалардан кўринадики, жисмоний тарбия ўқитувчисининг ҳаракат кенглиги ва профессионал мажбуриятини қанчалик катта доирада, у олий жисмоний тарбия билимига тизимли тайёрланган бўлишини ижодий бажаради. Шундай қилиб, қўшимча қилиб айтганда, мактаб ва олий ўқув юртларида жисмоний тарбия ўқитувчисининг профессионал мажбурияти доираси ҳеч ҳам кам эмас, у ерда ўқитувчи худди шундай доирада педагогик мажбуриятларини бажаради.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб шуни хulosа қилиб айтиш мумкинки, ўқитувчининг кўнгли бўшлиги, меҳрибонлиги ва инсонпарварлиги ўқувчи томонидан айрим ҳолларда ўқитувчини бўш деб ўйлашига олиб келади. Шунинг учун ўқитувчи доимо талабчан бўлиши керак.

Касб маҳорати ривожланишининг дастлабки босқичларидагисоний тарбия мутахассисига, одатда, спорт машғулотлари соҳасидаги ҳаракат фаоллигига ички, рефлексив баҳолаб бўлмайдиган рағбатлар, истаклар таъсири қиласи. Тор доирадаги касбий фаолиятнинг танланиши – соғ рефлексив ҳодисадир, яъни ўзини намоён қилишнинг энг жозибали шакли бўлган спортда нафақат шахсий такомиллашиш эҳтиёжини англаш, балки бунга ўз ўқувчиларини ўргатиш маҳоратини эгаллаб олиш билан боғлиқ. Бошқача айтганда, жисмоний тарбия соҳасидаги касбий фаолият ўзининг шахсий асосида рефлексив, онгли кўрсатмага эга.

Жисмоний тарбия мутахассисининг касбий мулоқоти – бу билимдонликнинг коммуникатив таркиби бўлиб, касбий фаолиятнинг танланган тури учун хос бўлган ишбилармонлик мулоқоти меъёrlарини ўзлаштиришни ўз ичига олади, масалан, шарқ яккаурашлари мураббийси учун – рус, ўзбек тилида баъзан эквиваленти бўлмаган маҳсус атамаларни билиш, иш юзасидан алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорлик қила олиш, меҳнат бозорида рақобатчиликни таъминлаган ҳолда ўз ишига қизиқиш уйғота олиш. Мураббий фаоллик билан ўқувчиларни банд қилиши керак. Бунда мураббийга ўқувчилар меҳр билан қарашади. Педагогнинг муомаласи, унинг совуққонлиги, қўполлиги ўқувчига салбий таъсири қиласи. Ўқувчининг болалиги тугайдиган давргача мураббий ва ўқувчи бир-бирларини яхши тушунишади. Ўқувчилар ўқитувчига инсон сифатида ҳам яхши баҳо бера оладилар.

Касб маҳоратини ривожлантириш моделининг рағбатлантирувчи мотивацион таркиби томонидан ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ривожлантириш, касбий малакаларини эгаллашда муваффақиятли уринишларни ривожлантириш назарда тутилган эди. Муолажавий фаолиятли блокда таълим соҳасидаги касбий билимдонлик даражасини

мунтазам ошириб бориш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида инновацион фаолият усуллари ҳамда шаклларини ўзлаштириш кўзда тутилган эди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрель куни тасдиқланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 365 сонли Қарори
3. Безугла Л.И. Формирование духовных и моральных качеств будущих учителей // Педагогика, психология и медико-биологические проблемы физического воспитания и спорта. - Харьков: ХДАДМ. - 2005. - №10. - С 3-6.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 2-жилд. Т., “Ўзбекистон” – 1996 й.
5. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Конуни. Тошкент. 2002, 25 с.
6. “Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.02.2006 даги 25-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрель куни тасдиқланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сон қарори.
8. Аминов Н.А., Аверина И.С., Аршавин Л.И. Экспресс-диагностика профессиональной пригодности к педагогической деятельности. - Челябинск: ЧГПИ, 1990.-108 с.
9. Ачилов А.М., Акрамов.Ж.А. Қишлоқ жойларида болалар спортини ривожлантириш тизимини шакллантириш. // Фан спорга.-Т.,2007.-№3-б 3-7 бет.
10. Безугла Л.И. Формирование духовных и моральных качеств будущих учителей // Педагогика, психология и медико-биологические проблемы физического воспитания и спорта. - Харьков: ХДАДМ. - 2005. - №10. - С 3-6.
11. [www.sport.uz](http://www.sport.uz)
12. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
13. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
14. [www.evrosport.ru](http://www.evrosport.ru)

## **19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

### **КОПИНГ ХУЛҚ-АТВОР – ПСИХОЛОГИК МУҲОФАЗА СИФАТИДА**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.029>

Саматова Севара Гайратовна

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

“Педагогика ва психология” мутахассислиги

2-курс магистранти

Бафаев Мухиддин Мухаммадович

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

“Психология” кафедраси мудири, психология фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Мазкур мақолада копинг хулқ-атвор – психологик муҳофаза сифатида шахснинг эмоционал беқарор ҳолатларида уларни назорат қилучи психологик локус жиҳатларини назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган.

**Ключит сўзлар:** копинг хулқ-атвор, психологик ҳимоя механизми, стресс, депрессия, агрессия, аффект, фрустрация.

### **КОПИНГ ПОВЕДЕНИЕ – КАК ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ЗАЩИТА**

Саматова Севара Гайратовна

Студентка магистратуры 2 курса по специальности

“Педагогика и психология” Ташкентского государственного

педагогического университета имени Низами

Бафаев Мухиддин Мухаммадович

Заведующий кафедрой «Психология» Ташкентского

государственного педагогического университета имени Низами,

доктор философии по психологическим наукам (PhD)

**Аннотация:** В данной статье освещены теоретические и практические аспекты психологического локуса, контролирующего личность в эмоционально нестабильных ситуациях как психологическую защиту.

**Ключевые слова:** копинг-поведение, психологический защитный механизм, стресс, депрессия, агрессия, аффект, фрустрация.



## COPYING BEHAVIOR – AS PSYCHOLOGICAL PROTECTION

Samatova Sevara Gayratovna

2nd Year Master's Student majoring «Pedagogy and Psychology» of  
Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Bafaev Mukhiddin Muhammadovich

Head of the Department of Psychology of the Tashkent State  
Pedagogical University named after Nizami, PhD in Psychological Sciences  
(PhD)

**Annotation:** This article highlights the theoretical – practical aspects of the psychological locus that controls personality in emotionally unstable situations as a psychological defense.

**Key words:** coping behavior, psychological defense mechanism, stress, depression, aggression, affect, frustration.

Бугунги кунда виртуаллашиш жараёнининг жадал равиша ривожланиши, ётижтимоий таъсирларнинг ортиб бориши – инсон омили билан боғлиқ тадқиқотлар кўламини кенгайтиришни тақозо қилмоқда. Айниқса, жадал суръатлар билан ривожланган глобаллашув ўзининг ижобий томонлари билан бир қаторда иносоният руҳиятида ўзига хос ижтимоий-психологик танглиқ, эмоционал бекарорлик каби жиҳатларни ҳам юзага келтираётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирда копинг хулқ-атвор шаклланишининг психологик механизmlари ва ижтимоий психологик омилларини ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ бўлиб, бу масала янги давр психологияси тадқиқотлари олдидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур эътибор замирида кўплаб янги тадқиқотларни олиб бориш имконияти пайдо бўлмоқда. Жумладан бугунги янгича қараш ва янгича тафаккур психологик тадқиқотларда ҳам замонамиз учунг энг долзарб мавзуларни тадқиқ қилишга мотив бераяпти. Шу сабали ҳам биз мазкур имкониятлардан унумли фойдаланиб, кишиларда ҳаётда юз бериши мумкин бўлган экстремал вазиятлар, эмоционал бекарор вазиятлар, жумладан стресс, депрессия, агрессия, аффект, фрустрация каби вазиятларда шахснинг психологик ҳимоя механизmlари ва шахснинг копинг хулқ-атворини тадқиқ қилишни мақсад қилдик.

Бугунги кунда психология фанининг амалий тармоқларида копинг хулқ-атвор муаммосига бағишлиланган тадқиқотлар сезиларли даражада намёён бўла бошлади. Психологик тадқиқотлар олиб борувчи энг етук халқаро марказлардаги илмий хуносаларга кўра жамият тараққиётида шахсдаги копинг хулқ-атвор муаммосининг зарурлигини кўрсата

олувчи ва унинг методологик илдизларини асосла бера олувчи илмий тадқиқотларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Мазкур тадқиқот натижаларини таҳлил қиласар эканмиз, улардаги копинг хулқ-атвор методологиясига тааллуқли бўлган баъзи умумий жиҳатларни ижтимоий психология фани нуқтаи назаридан тадқиқ қилишимизга тўғри келади.

Копинг хулқ-атвор муаммолини тадқиқ қилган кўплаб тадқиқотлар, мазкур масалани стрессли вазиятларни бартараф қилишнинг энг самарали йўли сифатида тадқиқ қилишди. Инсон ҳаёти ва фаолиятидаги экстремал шароитлар таъсири остида ривожланадиган энг характерли эмоционал ҳолат бу стрессдир. Стресс ўз табиатига кўра мураккаб бўлиб, у ўзига хос тарзда намоён бўлувчи шахслик, психофизиологик, ва ижтимоий компонентларни ўз ичига олади.

Тадқиқотчи Е.Мироновнинг фикрича, инглиз тилидан таржима қилинганда “стресс” сўзи “психик зўриқиши”, “босим ўтказиш” маъноларини англатади. Дисстресс сўзи эса “қайғу”, “муҳтожлик”, “чарчаш” маъноларида қўлланилади. Айни пайтда, стресс деганда инсон организмининг қандайдир қўзғатувчи – стрессор (стрессни чақиравчи омиллар) таъсири остида юқори зўриқиши ҳолати тушунилади.

Инсонлардаги стресс ҳолатининг шаклланиш сабаблари организмнинг биологик яхлитлигига, шунингдек, шахсдаги психологик ҳолатга ҳам таҳдид солади. Ана шу асосда қўргина олимлар стресс ҳолатларини асоссан гурухларга (физиологик ва психологик) ажратишиади. Физиологик стрессни физиологик таъсирлар – турли хилдаги тўсиқлар, шунингдек, кучли овозлар, кучли ёруғлик, ҳавонинг юқори ҳарорати, вибрациялар ва бошқалар келтириб чиқарса, психологик стресс эса вазиятнинг фавқулоддалиги натижасида инсоннинг юзага келган вазиятга муносабати ва унинг мураккабликни баҳолаши ёки муаммо олдида ожиз бўлиб қолиши билан белгиланади. Вазифанинг кутилмаганда ўзгартирилиши, зарур тайёргарликнинг йўқлиги, вақт тифизлиги, ишнинг юқори аҳамиятга эга эканлиги, шунингдек, топширилган вазифа учун шахсий масъулият психологик стрессга олиб келувчи типик вазиятлар ҳисобланади. Шунингдек, психологик стресс ахборот ва эмоционал стрессорлар таъсирида шаклланади.

Ахборот стрессорлари ахборот юкламалари ортиб кетган вазиятларда, инсон ўзи қабул қиладиган қарорлар оқибати учун жуда катта масъулиятли ҳолат юзага келганда у керакли алгоритмни тополмайди, талаб қилинган маромда тўғри қарорлар қабул қилишга улгурмайди. Ахборотли стрессга бошқарувнинг техник тизим операторларининг иши мисол бўла олади.

Стрессга муносабатнинг ташқи кўринишдан турлича бўлсада, якуний натижага бўлган муносабат жиҳатидан ўхшашлигига қараб икки турга



ажратилади: тормоз реакцияси – ҳаракат фаоллигининг сустлашуви, янги ахборотни идрок қилиб ва эсда сақлаб қолишнинг қийинлиги, ҳаттоки, оддий ҳаракатларни ҳам бажаришга қодир бўлмасликда намоён бўлади. Бунда асосий эмоциялар сифатида қўрқув, ёрдамга муҳтожлик, апатия ҳолатлари кузатилади.

Ташки кўринишдан қарама-қарши бўлган реакция импульсив реакция номини олган. Бундай реакцияда ташқаридан инсон юқори даражадаги фаолликни намоён этади, доимий ҳаракатда бўлади, шошқалоқ, кўп гапиради, бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳар хил ишларни бажаришга киришади, бироқ уларнинг бирортасини ҳам охирига етказмайди. Фикрлаш тез ва кўпинча майда нарсаларда қотиб қолади. Кайфияти ниҳоятда ўзгарувчан бўлиб, ундаги қўзғалувчанлик агрессия билан ўрин алмашиб туради.

Турли одамлар учун қийин вазиятда хулқ-атвор типининг турли кўринишлари хосдир. Баъзи инсонларда тормоз реакцияси устунлик қиласа, бошқа одамларда импульсив реакция етакчилик қиласи. Лекин алоҳида таъкидлаш жоизки, стресс бу оддий асабий зўриқиши эмас. Шундай бўлсада, илмий жамоатчилик томонидан биологик стрессни асабий зўриқиши билан ёки кучли эмоционал қўзғалувчанлик билан бир ҳолат деб қарашнинг қуийдаги тенденциялари ҳам мавжуд:

Психологияда копинг хулқ-атвор тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган бўлиб, инглиз тилидан таржима қилингандан “cope, to cope” – “енга олиш, бартараф қилиш” деган маъноларни англатади. Ушбу терминдан биринчи бўлиб Л.Мерфи 1962 йил болаларда инқизор даврида муаммони қандай қилиб енгизни тадқиқ қилиш жараёнида фойдаланган. Шунингдек, американлик психолог А.Маслоу ҳам ушбу термин устида самарали изланишлар олиб борган. Умуман олганда копинг хулқ-атвор индивиднинг ҳаётый муаммоларни ечишга тайёргарлиги билан ҳарактерланади ва ўзида муаммоларни енга олиш имкониятларидан, воситаларидан фойдаланишни намоён этади, бу эса стрессли хулқ-атворни бартараф этиш билан тавсифланади.

Замонавий психологияда копинг хулқ-атвор стрессли вазиятни бартараф этишга йўналтирилган, рационал хулқ-атвор сифатида қаралади. У асосан икки омилга – субъект ва реал вазиятга боғлиқ бўлади, ҳамда шахс ҳаёт фаолиятининг хулқ-атвор, эмоционал ва когнитив даражаларида намоён бўлади. Стрессни енгизнинг асосий фукнциялари сифатида инсон ички ва ташки мукаммалигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Бунинг учун стрессли вазиятни ва уни самарали енга олиш усусларини англаш, шунингдек, уларни шахс ўз ҳаракатларида самарали қўллай билишдир. Қолаверса, копинг хулқ-атвор психологик хавф-хатар вазиятини бартараф этишга йўналтирилганлиги ва муҳит талабларига мос равишда ижтимоий психологик заҳиралардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишдир.

Копинг шартли стресс – инсон ҳолати, номаъкул таъсиротларга жавоб сифатида юзага келадиган физиологик, психологик ва хулқ-атвор

даражасидаги ноанъанавий жавоб реакциясидир.

Бинобарин, енгиш стрессли вазият билан ўзаро таъсирга киришишнинг индивидуал усули бўлиб, ўзгарувчан ва уч омилга, яъни субъект шахси, реал вазият ва қўллаб қувватлаш билан боғлиқ енгишга йўналган кучдир. Копингнинг инсон хаётидаги психологик аҳамияти шундаки, инсоннинг вазият талабларига самарали мослашиши учун, уни эгаллаши учун, бу талабларни заифлаштириши ёки юмшатиши, улардан қочиши ёки шу тариқа вазиятнинг стрессли таъсирини аста-секин йўқотиши лозим. Копинг-хулқ-атвор иккита функцияни бажаради: муаммоли вазиятда шахс ва муҳит ўртасидаги стрессли бузилишда диққатни тўплаш ҳамда эмоционал дистрессни бошқаришга йўналирилган эмоцияларда диққатни жамлаш ҳисобланади. Шундай қилиб, копингнинг асосий вазифаси – инсон муваффақиятини, жисмоний ва руҳий саломатлиги ҳамда ижтимоий муносабатларини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, копинг хулқ-атворнинг турли-туман имкониятлари мавжуд бўлиб, инсонлар улардан хаётий мураккаб вазиятларга дуч келганларида гина фойдаланадилар. Копинг хулқ-атворнинг ранг-баранг ва жуда кўплаб таснифлари мавжуд бўлиб, уни бир неча тадқиқот йўналишларига, илмий ғояларига кўра таҳлил қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амирхан Д. Индикатор копинг-стратегий [Текст] Д.Амирхан. – Электронный ресурс: <http://www.psyfaq.ru/> 2005. – 221 с.
2. Қодиров У. Ёшларни деструктив таъсиirlардан ҳимоялашнинг психологик жиҳатлари. – Тошкент, 2013. – 236 б.
3. Рахимова К., Абдуллаева А. Тарбияси қийин ўсмиirlар психологияси. – Фарғона, 2006. – 92 б.
4. Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодёжи: Дис. д-ра. псих. наук. – Т.: УзНУ, 2005. – 159 с.
5. Жабборов Х. Х. Психологические особенности идеологического влияния “массовой культуры” на человеческий разум. “Социальный Психолог”. Журнал для психологов. Ярославль, 2016. – №2 (32). – С. 56-66.
6. Жабборов Х. Х. “Yoshlarda milliy tarbiya shakllanishining psixologik qonuniyatlari”. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 1 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor. SJIF 2021: 5.423.
7. Жабборов Х.Х. “Национальное воспитание – как социально-психологический закон”. Science and education scientific journal ISSN 2181-0842. Volume 3, Issue 2 . February 2022. Page 1401-1413.



## ШАХС ПСИХИК БУЗИЛИШЛАР ДИАГНОСТИКАСИ ЮЗАСИДАН ЭМПИРИК ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.10.10.030>

Мелибаева Рузахон Насировна

Тошкент тиббиёт академияси, Психология фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент

**Аннотация.** Ушбу мақолада шахс бузилишлари диагностикаси доирасида қўлланиладиган методикаларни маҳаллий тадқиқотларда қўллаш имкониятлари таҳлил қилинган ҳамда турли хил беморлар шахсини тадқиқ этиш нуқтаи назаридан қўлланиш мумкин бўлган сўровномалар устида ўtkизилган эмпирик синов натижалари таҳлили ва хуласалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** шахс, бемор, невротик бузилишлар, психик бузилишлар, методика, сўровнома, диагностика.

## РЕЗУЛЬТАТЫ ЭМПИРИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ ПРИ ДИАГНОСТИКЕ ЛИЧНОСТНЫХ ПСИХИЧЕСКИХ РАССТРОЙСТВ

Мелибаева Рузахон Насировна

Ташкентская медицинская академия, доктор философских наук  
(PhD) в психологии, доцент

**Аннотация.** В данной статье анализируются возможности применения методов, используемых при диагностике расстройств личности в местных исследованиях, а также анализ и выводы результатов эмпирического тестирования, проведенного по опросникам, которые могут быть использованы в плане изучения личности разных пациентов.

**Ключевые слова:** личность, больной, невротические расстройства, психические расстройства, методика, анкета, диагностика.

## RESULTS OF EMPIRICAL RESEARCH ON THE DIAGNOSIS OF PERSONAL PSYCHIC DISORDERS

Melibaeva Ruzaxon Nasirovna

Tashkent Medical Academy, Doctor of Philosophy (PhD) in Psychology,  
Docent

**Annotation.** This article analyzes the possibilities of applying the methods used in the diagnosis of personality disorders in local research and analyzes and draws on the results of empirical tests conducted on surveys that can be used in terms of studying the personality of different patients.

Keywords: person, patient, neurotic disorders, mental disorders, methodology, questionnaire, diagnostics.

Шахс психик бузишларининг чекланганлик ёки чегравий даражалари невротик бузишишлар, характер акцентуацияси, хулқатвор ва шахс бузишишлари нұқтаи назаридан ёндашувни тақазо этади. Шахс бузишишлари диагностикасининг маълум жиҳатлари шахс психологиясининг асосий тамойиллари ва шахс хусусиятларининг экстремал варианти сифатида шахсни тадқиқ қилишининг бешта глобал йўналиши мезонлари доирасида амалга оширилиши кўзда тутилади [7]. Шунга кўра шахс бузишишлари диагностикаси доирасида қўлланиладиган методикаларнинг умумий таснифини ажратишга эришилган эди [8]. Унда

- шахснинг тобелиги билан боғлиқ бузиши;
- шахснинг хавотирланиши билан боғлиқ бузиши;
- шахснинг ананкастик (педантик) бузиши;
- шахснинг шизоид бузиши;
- шахснинг паранойид бузиши;
- импульсив тип ёки шахснинг эмоционал-бекарор бузиши;
- циклотимия; шахснинг истерик бузиши;
- шахснинг диассоциатив бузиши;
- шахснинг жинсий бузишишлари;
- шахснинг аралаш бузишишлари ажратилган эди.

Шахс бузишишларининг ўзаро муносабатлари эса хилма хил клиник типларни келиб чиқишига сабаб бўлиши изоҳланилган эди [2, 3]. Мазкур таҳдил ҳолатларга таяниб шахс бузишишлари диагностикаси методикалари классификациясининг энг ўзига хос йўналиши сифатида кўп омилли шахс сўровномалари ва кўп ўлчамли шахс сўровномаларига алоҳида ургу берилганди [4, 5, 6, 7, 9].

Мазкур ҳолатнинг индивидуал ўзига хослигини ифода этувчи маҳаллий тадқиқотларда қўллаш имкониятини инобатга олган ҳолда турли хил bemорлар шахсини тадқиқ этиш нұқтаи назаридан қўлланиш мумкин бўлган сўровнома устида эмпирик синовни амалга оширилди. Бунга тиббиёт соҳа мутахассислари ва талабаларидан олинган сўровнома натижаларига кўра класик методикалардан бири MMPI сўровномасининг модификация шакли “Мини-мулт” сўровномаси устида амалга оширилди. Чунки тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг муносабатига кўра ушбу сўровномадан маҳаллий олимлар ва бўлғуси талабаларнинг муносабатлари (3,12 % тиббиёт ходимлари хабардор эканликлари, талабаларда бу тоифа сўровнома ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслик кўрсатиб ўтилган

эди) ўрганилган эди.

Биз тадқиқотда мазкур сўровноманинг танлашимизга ва тадқиқот услуби сифатида тажриба-синовдан ўтказишимизга сабаб бўлувчи қуидаги хусусиятлари инобатга олинди:

- классик методиканинг тўлиқ хусусиятларини ўз ичига олган шахсни ўрганиш сўровномасининг модификация шакли;
- сўровномада клиник шкалалар мавжуд;
- турли хил тоифа беморлар шахсига хос клиник ўзгаришларни баҳолаш имконини беради;
- сўровноманинг татбиқ этишда унинг оператив ва тежакорликка эгалиги (сўровноманинг татбиқ этиш 5-10 дақиқа оралиқни ташкил этиши);
- маҳаллий тадқиқотлар учун янги босқичга ўтиш мақсади.

Мазкур тадқиқот Тошкент тиббиёт академияси Тиббий педагогика факультети 4-босқич талабаларида амалга оширилди. Бу эса тадқиқотимиз доирасидаги иккита вазифани ёритишга хизмат қилди:

биринчиси, психологик диагностика методикаларини тиббий диагностика мақсадларида фойдаланишнинг аҳамияти;

иккинчиси, тиббий психодиагностика мақсадида фойдаланиладиган методикалар бўйича амалий компентецияни шакллантириш хусусиятларни ўрганишдан иборат бўлди.

Синовнинг дастлабки босқичида сўровноманинг ўзбек тилидаги мавжуд варианти респондентларга тақдим этилди. Бунинг учун тадқиқот синалувчиларига “Мини-мульт” сўровномаси хусусида қисқача тушунча берилди; “Сўровнома Миннесоти университетида шакллантирилган MMPI методикасининг модификация варианти эканлиги. Сўровноманинг ушбу варианти Джеймс Кинканон (James C. Kincannon) томонида 1968 йилда шакллантирилган бўлиб, рус этно-маданий муҳитида В. П. Зайцев ва В. Н. Козюлялар томонидан (1981 йилда) амалга оширилган. Сўровнома 71 та саволдан иборат бўлиб, учта баҳоловчи шкала ва саккизта таянч клиник шкалаларга эга. Сўровнома шахснинг энг кенг тарқалган вазиятли ёки турғун бузилишларини аниқлашга қаратилган”. Ушбу тушунтиришлардан сўнг тиббиёт олийгоҳи талабаларига сўровноманинг амалиётда татбиқ этиладиган шакли билан танишиб чиқиши ва унинг татбиқ этиш, натижаларни қайта ишлаш бўйича дастлабки кўникмаларни шакллантириш баҳолаш мезонлари тақдим этилди (муаллифлик мезонлари). Сўнгра синалувчилардан (бевосита ўкув жараёни билан бир қаторда клиникаларда фаолият олиб бораётган 34 нафар талаба: 20 нафар талаба йигитлар ва 14 нафар талаба қизлар) сўровномани ўрганиш ҳолати бўйича ўзини ўзи баҳолаш шкаласи тақдим этилди.

Узини ўзи баҳолаш шкаласида қуидаги баҳо мезони инобатга олинди (Лейкарт шкаласи асосида):

1-жадвал

Талабаларнинг “Мини-мульт” шахс сўровномасини мустақил ўрганиш асосидаги дастлабки кўникмалари юзасидан ўзини ўзи баҳолаш кўрсаткичлари

№	Мезонлар	Ўртача қиймат	Хи- квадр ат	Ишонч лилик даражаси
1.	Сўровнома ва унинг тузилишини тушуниш даражаси	100,32	52,434	0,000**
2.	Сўровноманинг нима мақсадда кўллашни билдим	73,87		
3.	Сўровноманинг амалиётда қўллай олиш имконияти	128,50		
4.	Сўровнома натижаларини қайта ишлаш	65,06		
5.	Сўровнома натижаларини меъёрий кўрсаткичларига кўра диагностик хулоса чиқариш	59,75		

Изоҳ: \*\*\* $p<0,01$

Тадқиқот синалувчилари сифатида иштирок этган талабаларнинг эмпирик натижалар тадқиқотимизнинг бир жиҳати, яъни психодиагностика методикаларини тиббий амалиёт ва тадқиқотларда фойдаланиш кўникмаларини инобатга олган ҳолда ёндашиш муҳим деб ҳисобланди.

Шунга кўра, талабаларнинг сўровнома ва унинг мазмуний тузилиши билан танишиш (100,32) ва сўровноманинг ўрганиш асосида ўзи томонидан синовдан ўтказиши (128,50) мезонлари бўйича юқори кўрсаткични намоён этдилар. Эмпирик кўрсаткичларга кўра талабаларнинг сўровноманинг нима мақсадда қўллашни билдим (73,87), сўровнома натижаларини калити асосида қайта ишлай олдим (65,06), сўровнома натижаларини меъёрий кўрсаткичларига кўра диагностик хулоса чиқара олдим (59,75) мезонлари бўйича нисбатан қуий кўрсаткичларга эга бўлди. Барча мезонлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги ( $p<0,01$ ) кузатилди. Эмпирик қийматларга аосланиб, методикаларни татбиқ этиш хусусиятига кўра синалувчилар сўровнома

били уни тузилмаси ва мазмуни билан мустақил ўргана олганлар. Сўровноманинг татбиқ этиш хусусиятларини мустақил ўрганиш асосида уни ўзларида синашга эришганлар. Бундан кўринадики, талабаларнинг психодиагностика методикалари билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш мумкин.

Аммо талабаларнинг сўровнома натижаларини қайта ишлаш билан боғлиқ муаммолар эмпирик кўрсаткичлардан (65,06) сезиш мумкин. Бунинг асосида “Мини-мульт” сўровномасидаги баҳолаш шкалаларининг хусусиятларини тушуниш талаб этилади. Агар сўровномадан фойдаланувчи шкалаларнинг хусусиятларини англаб етмаса, ундан тадқиқот натижаларини жорий этишда тўғри фойдаланмаса кўрсаткичлар нотўғри талқин қилинади.

Сўровномадаги энг қадрли шкала сифатида F этироф этилади, чунки шкаланинг қиймати жаволарга нисбатан синалувчиларнинг холис ёки нохолис ёндашганлигини баҳолайди.

Сўровноманинг K (коррекция) шкаласидаги кўрсаткичлар методиканинг таянч шкалалари учун тузатиш киритиш вазифасини ўтайди. Шу боис, ушбу шкаланинг татбиқи бўйича методикада кўрсатмалар мавжуд. Тадқиқотдаги синалувчилар айнан методиканинг ушбу қисмидаги маълумотлар мазмунини тушунишга қийналганлигини хуласалаш мумкин.

Шунингдек, K шкала орқали олинган кўрсаткичлар асосида сўровноманинг таянч шкалаларидағи хом баллни ҳақиқий баллга (T балл) айлантириш лозим бўлади. Бу жиҳатдан ҳам талабаларнинг методиканинг кўллаш борасида англашилмовчиликларга дуч келганлар.

Натижаларни талқин этиш эса навбатдаги муҳим вазифа ёки диагностика хуласалар чиқаришни тақазо этади. Бу методикалар билан ишлашнинг энг юқори босқичи саналади. Мазкур босқич талабалар учун аниқ кўрсатмалар ва методик ёрдамга зарурат туғдиради (59,75). Талаблар устида ўтказилган ушбу тажриба-синов тиббиёт соҳасида диагностика сўровномаларини жорий этиш соҳа бўйича тайёрланаётган бўлғуси тиббиёт ходимларининг имкониятларини аниқлаш бўлса, иккинчи навбатда bemorлар устида олиб борилаётган тажриба-синовларда улардан фойдаланиш вазифаси ҳам эътиборга олинган эди.

Тажриба-синовнинг навбатдаги босқичида талабаларга “Мини-мульт” сўровгномасини клиникада даволанаётган турли хил bemorлар шахси устида синовдан ўтказилди. Натижалар навбатдаги 2-3-жадвалларда келтирилган.

Жадвал натижалари талабаларнинг клиникаларда даволанаётган bemorлар устидаги “Мини-мульт сўровномаси”ни синовдан ўтказиш натижалари сифатида баҳоланди. Мазкур сўровноманинг натижалари

беморлар устида ўтказилган ва жинс хусусиятларига кўра, ўз навбатида сўровнома шкалалари орасидаги уйғунлик ҳолатини баҳолаш имконини берди. Тажрибада иштирок этган bemorlarning ўртача ёш кўрсаткичлари умумий ҳолда 52,20, эркаклар 51,50 ва аёлларда 53,04 ёшни такшил этди.

Беморларининг сўровнома бўйича кўрсаткичлари баҳолаш шкалалари бўйича ва таянч шкалалари қийматлари қуруқ ва Т-балл бўйича акс эттирилди. Барча шкалаларнинг Т-балл кўрсаткичлари bemorlarда умумий ва жинс кўрсаткичлаига кўра 26□72 T оралиқдаги кўрсаткич билан чекланган.

## 2-жадвал

### Бемор шахсларнинг “Мини-мульт” шахс сўровномаси бўйича натижалари

Шкалалар	Умумий		Т-	Эркак		Т-	Аёл		Т-	Styudent t-mezoni
	X	σ		X	σ		X	σ		
Ёши	52,20	15,60		51,50	13,33		53,04	18,10		1,609
Ёлғон шкала (L)	1,94	1,40	46	1,88	1,46	46	2,00	1,37	46	-0,404
Ҳаққонийлик шкаласи (F)	6,19	2,55	65	6,85	2,29	70	5,64	2,64	65	2,331*
Коррекция шкаласи (K)	6,20	2,35	45	6,04	2,50	45	6,33	2,24	45	-0,580
Ипохондрия (Hs)	7,19	2,90	48	7,09	3,22	48	7,27	2,65	48	-0,294
Депрессия (D)	7,69	2,69	54	8,19	3,10	54	7,29	2,25	50	1,608
Истерия (Hy)	11,36	3,33	62	11,19	3,33	62	11,5	3,36	59	-0,457
Психопатия (Pd)	8,70	2,93	47	9,26	3,10	47	8,25	2,74	40	1,659
Паранояд (Pa).	6,44	2,68	61	6,71	2,18	72	6,21	3,03	36	0,890
Психастения (Pt).	8,43	2,69	26	8,69	2,99	31	8,21	2,43	26	0,918
Шизоид (Se)	9,74	3,76	38	10,42	3,97	42	9,17	3,52	35	0,827
Гипомания (Ma)	6,38	2,57	46	6,85	2,03	51	6,00	2,91	46	1,591

Изоҳ: \*\*\*p<0,01

Методиканинг меъёрийдаги кўрсаткичлари 40□70 T оралиқдаги миқдор билан чегараланган. Синов натижаларининг бир жиҳатини инобатга олиш ўринлики, синаувчи-беморлар сўровномага жавоб бериш жараёнда холис муносабат билдиригандар дейиш мумкин. Чунки, уларнинг ёлғон шкала (L) (46T), ҳаққонийлик шкаласи (F) (65□70T) ва коррекция шкаласи (K) (45T) бўйича меъёрда жавоб берганлар. Соғлом шахсларда сўрономага муносабат баъзан шахсларнинг қадриятларига таяниб жавоб беришни тақозо этади. Беморлар эса ўзларининг касалликлари хусусидаги ҳолатларга даво чораларини топишни назарда тутган ҳолда ошкора жавоб берганлар.

Юқори F патологик шкалаларида юқори қиймат бўлган, аффектга мойил, қониқмаган, қуи конформли профилли шахсларда кузатилмайди.

## Юқори F меъёрдаги шахс реакцияларидан оғиш ва психоз ёки оғир неврозилар ҳақиқида маълумот беради.

F 80 Т дан юқори бўлиши одатда яққол психоз ёки текширувга қаршилик кўрсатадиган bemорларда кузатилади. Кўпчилик ушбу тоифадагилар учун ҳаққоний деб баҳолаб бўлмайди. Улар текширувларда норозилик ҳиссини ифода этиши ҳақида маълумот беради. Бироқ ушбу профилларни ҳар доим ҳам мутлақо яроқсиз деб четга суриб қўйиш ҳам бўлмайди. Қатор ҳолатларда клиник шкаалар профиллари яққол патологик ўзгаришлар ҳақида маълумот беради.

Тадқиқотларда олинган кўрсаткичлар синаувчиларнинг жинс бўйича биргина ҳолатда (ҳаққонийлик шкаласи (F) (65-70T)) тафовут кузатилди. Кўрсаткич ҳам меъёрдаги қийматни акс эттирган. “Минимулыт сўровномаси”нинг кўрсаткичлари устувор томони ҳам соғлом, ҳам bemор шахслар учун татбиқ этиш хусусиятига эгалиги билан характерланади.

Сўровнома натижаларининг иккинчи йўналишдаги таҳлили турли хил bemорлар шахсини текширувдан ўтказишдан олинган кўрсаткичлар таҳлилига бағишлиланган (3-жаадвал).

### 3-жадвал

#### Турли хил bemорлар шахс профили кўрсаткичлари

Шкаалар		Ёни	Ёнги шкала (L)	Ҳаққонийлик шкаласи (F)	Корреляция шкаласи (K)	Интоксикация (Is)	Депресия (D)	Истерия (Hy)	Некропатия (Np)	Паранойя (Pn)	Неврастения (Ne)	Шизофрения (Sz)	Гипертония (Ma)
Гипертония	X ва Т балл	46,20 2,60-62	6,80-70	6,80-48	6,80-48	7,80-54	9,80-51	8,80-44	6,80-66	9,40-31	8,20-31	7,00-51	
Эндокрен (кандли диабет)	σ	11,51	0,89	1,92	0,83	1,92	3,03	4,20	2,94	1,92	2,60	4,14	2,12
	X ва Т балл	59,25	1,92-46	6,88-70	7,07-48	7,29-48	7,48-50	11,07-55	9,00-44	6,92-66	8,11-26	10,5-42	7,33-51
Жигар касалликлари	σ	10,18	1,639	2,42	2,54	3,30	2,42	2,82	2,51	3,04	2,00	3,23	3,38
	X ва Т балл	36,50	2,00-46	5,00-60	4,75-42	4,00-38	5,25-42	9,00-47	6,25-26	5,00-55	6,75-22	7,75-31	5,25-40
Юрак қон-томири касалликлари	σ	18,69	,816	2,44	1,50	2,16	1,70	3,74	3,30	2,44	3,30	1,70	3,30
	X ва Т балл	60,89	1,91-46	6,08-65	5,91-45	7,91-52	8,34-54	12,08-59	8,56-44	5,60-61	8,73-31	10,04-38	6,17-46
	σ	14,06	1,47	2,72	2,15	3,08	3,26	3,32	3,30	2,38	3,13	4,21	1,94
Бош мия касалликлари (инсульт)	X ва Т балл	54,16	1,66-46	6,33-65	6,50-48	8,16-52	7,66-54	13,66-66	9,83-49	5,83-61	8,33-26	8,66-35	5,00-40
Юкумли касаллик (брүслёз)	σ	17,85	1,36	3,44	2,16	2,22	1,50	3,26	1,94	2,56	1,21	2,06	1,09
	X ва Т балл	36,33	1,77-46	5,11-60	4,77-42	6,11-45	6,88-50	10,11-51	7,00-35	6,44-61	7,88-26	9,55-38	6,33-46
	σ	9,87	0,97	2,26	2,77	2,47	3,01	3,25	3,31	3,60	3,17	4,58	2,23
Ўт-тош касалликлари	X ва Т балл	41,88	2,55-50	7,00-70	7,22-48	6,55-48	9,11-57	11,55-59	10,00-49	8,44-72	9,11-31	10,33-38	6,22-46
	σ	10,78	1,74	1,73	2,48	2,60	3,01	3,94	2,78	1,58	3,14	2,82	1,56

Турли касалликлар сифатида-гипертония, қандли диабет, жиагр касалликлари, юрак қон-томири касалликлари, бош мия касалликлари, бруслёз, ўт-тош касалликлари билан оғриган bemорлар эътиборга олинди. Шу ўринга эътибор қаратиш лозимки, турли bemорлар шахсига оид эмпирик кўрсаткичлар таҳлилида ҳам жинс хусусиятлари сингари баҳолаш ва клиник шкала қийматлари Т балл бўйича 22-72 Т оралиқдаги кўрсаткичларни ифодалади.

Сўровноманинг касалликларнинг тоифасига кўра шахс профилларини ифодалашда баҳолаш шкаалалари 42□70T баллар билан чекланди. Сўровноманинг меъёрий кўрсаткичи талабига кўра баҳолаш шкаалалари меъёрдаги қийматларга эга бўлган. Синалувчиларнинг жинс бўйича кўрсаткичларини ўртacha қиймати сингари касаллик турлари бўйича ҳам меъёрдаги кўрсаткичи аниқланди. Сўровноманинг хусусиятига кўра меъёрдан юқори ёки паст қийматлар шарҳига эътибор қаратишни инобатга олган ҳолда беморлар хусусиятига хос профиллар изоҳланади. Шунга кўра: гипертония касаллиги беморлари шахс профили бўйича сўровнома саволларига ҳаққоний жавоб берилган: ёлғон шкаласи (L) (46T), ҳаққонийлик шкаласи (F) (70T) ва коррекция шкаласи (K) (48T). Умумий кўрсаткичдагидек синалувчилар ҳаққоний жавоб берганлигидан далолат бермоқда. Ушбу тоифа синалувчилар (Психастения (Pt)-31 Т): обсессив-фобияли симптоматика, ҳаёжонланишга мойиллик, асабийлашган, таъсиран, умумий ожизлик, ялқовлик, социал масъулиятлардан қочувчанлик хослиги билан ажralиб туради. Шунингдек, мазкур гурух синалувчиларидағи навбатдаги шкала (шизофрения (Se): 31T) даги меъёрдан паст қийматлар, ён берувчан, ҳокисор, консерватив, яхши мослашувчан, анча саёз мулоҳазали.

Қандли диабет билан оғриган беморлар ҳам баҳолаш шкаалалари бўйича самимиy, холис, ҳаққоний баҳолашга мойилдирлар. Қандли деабит билан оғриган беморларда ҳам Психастения (Pt)-26 Т шкаласи меъёрдан паст қийматга эга бўлди. Миқдорий натижа уларга ҳаёжонланишга мойиллик, асабийлашган, таъсиран, умумий ожизликка сабаб бўлар экан. Меъёрдан юқори кўрсаткичлар эса кузатилмади.

Тадқиқот натижалари таҳлилида биргина ўзига хослик кузатилди, деярли барча гурух беморлари шахс профилида психастения (Pt)-26 Т шкаласида (юрак қон-томир касалликлари, бош мия касаллиги, бруслёз ва ўт-тош касалликлари) қуий қиймат (21T□31T балл орлаифидаги қийматлар) кузатилди. Бу ҳолат бир жиҳатдан беморларнинг касалликни бартараф этишга нисбатан интилиши, ўзига ишонч ҳисси мавжудлигини ифодаласа, иккинчи жиҳати (қийматларнинг юқори бўлиши) психастенияга хосликни ифодалайди. Улартортинчоқ, норозикайфиятли, қатъиятсиз, ўзига ишонмаслик, касаллик ҳолатини оғирлаштирувчи, қўрқувнинг мавжудлиги, хавотирланишга мойилдирлар.

Шу ўринда синалувчилардаги 7 ва 8 шкала (профил) ларнинг юқори бўлиши (78 код) икки тоифа беморларга хослигини, яъни оғир невроз ва психоз (шезофрениянинг неврозга ўхшаган кўриниши, эндоген депрессия) ифодалайди.

Тадқиқотда қуий миқдорий кўрсаткич (31T) шизофрения шкаласида (8-шкала) ҳам кузатилди. Бу тоифа қиймат гипертония, жигар касалликлари, юрак-қон-томир касалликлари (38T), бош мия касалликлари (35T), юқумли касаллик (брұслёз) (38T), ўт-тош касалликлари (38T). Шкаладаги қийматларнинг қуий кўриниш олиши ушбу тоифа беморларда касалликни дастлабки белгилари кузатилган



ҳамда уларнинг ақлнинг тийраклиги, зеҳнлилик, қизиқишилар кенглиги, айрим ҳолларда ушбу хусусиятлар тундлик, ғамгинлик, ўзига хос хулоса чиқариш, кутилмаган хатти-ҳаракатни амалга оширишлар билан биргаликда кузатилади.

Акс ҳолда шкаланинг юқори кўриниш олиши эса (75 Т гача) шизоид шахсга хос хусусиятларни акс эттиради. Ҳаддан ортиқ юқори бўлиши эса неврознинг оғир шакли, чалкашликлар, кўркув, органик мия касалликларида дереализация ва кўркув, онгнинг бузилиши, экзоген келиб чиқишининг турли хил шизофренияга ўхшаёт белгилари ва албатта, шизофренияга хосликни ифодалайдиган аломатлар кузатилади.

Гипомания шкаласидаги (9-шකала) қуи ва юқори қийматлар ҳам соғлом ва бемор шахсларга хос қатор хусусиятларни аниқлаш имкониятига эга. Тадқиқотда иштирок этган синалавчиларда эса гипоманиянинг ўртacha ( $40 \square 51T$ ) аниқланди. Бу ҳолат беморларга хос ортиқча шахсга хос ўзгаришларни ифодаламайди.

Сўровноманинг ушбу шкаласидаги юқори қийматлар соғлом одамлар ичида энг кўп учрайди. Психиатрик беморлар профилида 9-шකала профилнинг энг паст нуқтаси ҳисобланади.

9-шкаладаги энг юқори қиймат эгосентризм, қатъиятлилик, ҳиссий етуклик, паст эстетик қизиқишилар, атрофдагилар билан алоқалардаги қийинчиликлар, раشكга мойиллик, тажовузкор тенденциялар ҳақида маълумот беради. Эркакларда, 9-шкаланинг пик қиймати кўпинча гомосексуал тенденцияларга мойилликни ифодалайди. Клиникада 9-шкаланинг энг чўқки қиймати кўпинча маниакал босқичда маниакал-депрессив психоз билан оғриган беморларда учрайди.

Шкаланинг бошқа шкалалар билан боғлиқлигини ифодаловчи профилларида кузатилади, масалан, 91 код (9- ва 1-шකала қийматлари) ипохондрия симтоматикасига эгаликни ифодалайди.

92 код эса (9- билан 2-школалар алоқаси) қийматлар 70T дан юқори бўлганда жиддий касалликлар мавжудлигидан далолат беради. Кўпинча шкалалардаги уйғунлик шахсдаги органик пасайишлар шароитида кузатилади.

94 код эса (9- билан 4 –школа уйғунлиги) гамоген эътиrozларнинг йўқлиги, аммо умумий зўриқиши ва ҳолсизликдан далолат беради. Ушбу код учраган шахс даволанишни тизимли амалга оширмайди, даволанишга юзаки қарайди.

98 код эса (9 билан 8-школа уйғунлиги) маниакал ҳолатнинг оғир кечишини ифодалайди.

Сўровноманинг тадқиқот мақсадларини ёритиш учун тажрибасиновдаги қўлланилганлик ҳолати ижобий ўзига хосликни ифодалай олди. Тадқиқотда шахс психик бузилишларига мойилликни ифодалаш учун фойдаланилган методика устидаги эмпирик таҳлиллар ҳам тиббий, ҳам психологик мақсадлар учун диагностика кўрсаткичларини бера олишини гувоҳи бўлинди.

Эмпирик ўрганиш натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- таҳлил қилинган намунарадаги сўровнома психологияк ва клиник амалиётда жаҳон илм-фанида синовдан ўтган диагноситика воситаси саналади;
- сўровнома соғлом ва бемор шахсларда индивидуал ва гурухий тарзда татбиқ этиш хусусиятига эга;
- сўровномани маҳаллий муҳит ва соҳа мутахассислари ўрганиши учун аниқ услубий кўрсатмалар тайёрлаш ҳамда мутахассислар касбий тайёргарлигига ўқув материали сифатида ўрганиш муҳим;
- сўровнома турили хил беморларга хос шахс психик бузилишлари диагностикаси учун хизмат қиласди;
- сўровномада синалувчиларнинг холис ва ҳаққоний жавоб берганликларини тасдиқловчи баҳолаш шкаласига эгалиги унинг устувор жиҳатидир;
- сўровнома шкалалари алоҳида ҳамда касалликларнинг ўзаро алоқадорлигини тавсифловчи хоссага эгалигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим;
- сўровноманинг маҳаллий шароитларга татбиқ этиш бўйича муттасил тадқиқотлар ўтказиб бориш, унинг қўллаш имкониятларини ўсишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Diagnostic and Statistical Manual of Mental Disorders: DSM-IV. — 4-е издание. — Вашингтон: American Psychiatric Publishing, май 1994. — 620 с,
2. Millon, Theodore. Personality Disorders in Modern Life. Hoboken, New Jersey: John Wiley & Sons. 2004, p. 4
3. Millon, Theodore; Roger D. Davis. Disorders of Personality: DSM-IV and Beyond (англ.). — New York: John Wiley & Sons, Inc., 1996. — P. 226.
4. Батаршев А. В. Психодиагностика пограничных расстройств личности и поведения. - М.: Издво Института Психотерапии, 2004. - 320 с.,
5. Березин Ф. Б., Мирошников М. П., Рожанец Р. В. Методика многостороннего исследования личности. - М., 1976. - 186 с.
6. Бурлачук Л. Ф. и др. Основы психотерапии: Учеб. пособие. - Киев; Москва, 1999.-320 с.
7. Бурлачук Л. Ф., Морозов СМ. Словарь-справочник по психодиагностике. - СПб., 2000.-200 с.
8. Лайнен Марша М. Когнитивно-поведенческая терапия пограничного расстройства личности./ Марша М. Лайнен. — М.: «Вильямс», 2007. - 1040 с.
9. Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии / Под ред. А. А. Крылова, С. А. Маничева.-СПб., 2000. -560 с.
10. Расстройство личности.<https://ru.wikipedia.org/wiki/>
- 11.Шкала Миссисипи для определения посттравматической реакции. <https://donschool86.ru/the-exam/shkala-missisipi-dlya-opredeleniya->



posttravmatischeeskoi-reakcii-missisipskaya-shkala-dlya-ocenki-posttravma.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ИННОВАЦИЯГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМИ: РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКАСИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.031>

Исмоилов Омилхон Шукруллаевич,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
инновацион педагогика факультети декани, иқтисод фанлари номзоди,  
доцент

Полонников Александр Андреевич,

М. Танк номидаги Беларус давлат педагогика университетининг  
билиш жараёнлари психологияси илмий-ўқув лабораториясининг  
етакчи илмий ходими, психология фанлари номзоди, доцент

Бафаев Мухиддин Мухаммадович,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
психология кафедраси мудири, психология фанлари номзоди, доцент

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикасида таълим амалиётини оптималлаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинади. Мақола муаллифлари уни такомиллаштиришни бир қатор қўшимча педагогик ихтисосликларни жорий этиш билан ифодаланган инновацион йўналтирилган кадрлар тайёрлашни ривожлантириш билан боғлайди. Таклиф этилаётган ихтисосликлар қаторига қўйидагилар киради: интернет журналистикаси, интернет тьюторлиги, интернет дидактикаси. Уларнинг жорий этилиши рақамли аср ва у билан алоқадор тармоқ воқелиги билан боғлиқ. Тактик жиҳатдан инновацион педагогик таълим элементлаб амалга ошириладиган ижтимоий муҳандислик, янгиликларнинг барча таркибий элементларини апробация ва экспертизадан ўтказишга мувофиқ келади.

**Калит сўзлар:** рақамли давр, ижтимоий-маданий хилма-хиллик, таълим инновациялари, педагогик тайёрловни ўзгартириш, холизм, элементлаб амалга оширила-диган ижтимоий муҳандислик.

## ИННОВАЦИОННО-ОРИЕНТИРОВАННОЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: СТРАТЕГИЯ И ТАКТИКА РАЗВИТИЯ

Исмаилов Омилхон Шукруллаевич,

декан факультета инновационной педагогики Ташкентского  
государственного педагогического университета им. Низами,  
кандидат экономических наук, доцент

Полонников Александр Андреевич,

ведущий научный сотрудник научно-образовательной лаборатории  
психологии познавательных процессов Белорусского государственного  
педагогического университета им. М. Танка,  
кандидат психологических наук, доцент

Бафаев Мухиддин Мухаммадович,

заведующий кафедрой психологии Ташкентского государственного  
педагогического университета им. Низами, кандидат психологических  
наук, доцент

**Аннотация:** В статье обсуждаются актуальные вопросы оптимизации образовательной практики в Республике Узбекистан. Ее совершенствование авторы статьи связывают с развитием инновационно ориентированной подготовки, выражаемой введением ряда дополнительных педагогических специализаций. В числе предлагаемых специализаций: интернет-журналистика, интернет-тьюторство, интернет-дидактика, введение которых диктуется цифровой эпохой и связанной с ней сетевой реальностью. В тактическом отношении инновационное педагогическое образование сообразуется с поэлементной социальной инженерией, апробацией и экспертизой всех структурных элементов новшеств.

**Ключевые слова:** цифровая эпоха, социокультурная многоукладность, образовательные инновации, трансформация педагогической подготовки, холизм, поэлементная социальная инженерия.



## **INNOVATION-ORIENTED PEDAGOGICAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: DEVELOPMENT STRATEGY AND TACTICS**

Ismailov Omilkhon Shukrullaevich,  
Dean of the Faculty of Innovative Pedagogy of Tashkent State  
Pedagogical University named after Nizami, Candidate of Economical  
Sciences, Associate Professor

---

Polonnikov Alexander Andreevich,  
leading researcher at the scientific and educational laboratory of  
psychology of cognitive processes of the Belarusian State Pedagogical  
University named after M. Tank, Candidate of Psychological Sciences,  
Associate Professor

---

Bafaev Mukhiddin Muhammadovich,  
Head of the Department of Psychology, Tashkent State Pedagogical  
University named after Nizami, Candidate of Psychological Sciences,  
Associate Professor

---

**Abstract:** The article discusses topical issues of optimizing educational practice in the Republic of Uzbekistan. The authors of the article associate its improvement with the development of innovation-oriented training, expressed by the introduction of a number of additional pedagogical specializations. Among the offered specializations: Internet journalism, Internet tutoring, Internet didactics, the introduction of which is dictated by the digital era and the network reality associated with it. Tactically, innovative pedagogical education is consistent with element-by-element social engineering, approbation and examination of all structural elements of innovations.

**Key words:** digital epoch, sociocultural multi-layering, educational innovations, transformation of pedagogical training, holism, element-based social engineering.

**Кириш.** Таълим тарихан шахс ва маданият ўртасида муҳим воситачи вазифасини бажариб, уларнинг ўзаро алоқасини таъминлаган. Маданиятдаги ўзгаришлар таълимнинг мослашув харакатларини, одамларнинг ижодий бунёдкорлик фаолияти эса маданий ўзгаришларни келтириб чиқарди, бу эса ўз навбатида ҳаётда педагогик тизимларнинг янги мослашув реакцияларини вужудга келтирди. Маданий-таълимий такрор ишлаб чиқариш циклини сақлашда педагогика фанлари мажмууси, биринчи навбатда, гуманитар фанлар доимо иштирок

этиб, прогностик, лойиҳалаш-конструкторлаш ва эксперт баҳолаш вазифаларини ҳал қилган. Ҳозирги кун ижтимоий тузилмаларнинг фаолияти ва ўзгаришида маданий омилнинг аҳамиятини сезиларли даражада ошириди, уларнинг глобаллашуви ва конперацияси феноменини келтириб чиқарди. 20-асрнинг сўнгти ўн йилликлари маданий семиоз жараёнларида туб ўзгаришларга олиб келган ахборот портлаши билан ҳам ажралиб турди.

Бугунги кунда ахборотлаштиришни талқин қилишда рақамлаштиришга, билимларни маданий ташкил этиш усулларини ва биринчи навбатда, ахборотни кодлаш, фойдаланиш ва сақлаш усулларини ўзгартиришга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Маданий фаолиятнинг ушбу томонини ажратиб кўрсатиш олимларнинг эътиборини биринчи навбатда муҳандислик масалаларига қаратади - электрон муҳитларни лойиҳалаш (мобил ва булатли технологиялар), ахборот ресурсларининг очиқлиги (оптик толали уланишлар), тобора такомиллаштирилган компютер дастурлари ва қидиув тизимларини яратиш, маълумотларни қайта ишлаш ва ҳимоя қилиш, ахборот компетенциясини эгаллаш шакллари (ўйинлаштириш, сунъий интеллект, электрон ўкув қўлланмалари ва омборлари) ва бошқалар [3; 157–158].

Шубҳасиз, ахборотлаштиришнинг ушбу ва бошқа жиҳатлари инструментал ва технологик нуқтаи назардан муҳим, аммо бу маданиятнинг ўзининг тузилишининг ўзгариши, рақамлаштиришнинг антропологик ўлчови масалаларига соя солмаслиги керак. Ахир бу ҳолда гап дунёқараш ҳақида – замонавий дунёда шахснинг мўлжал олиши табиатининг трансформациялашуви, инсон онгининг воситачилик тизимларининг сифат жиҳатидан ўзгариши ҳақида кетяпти. Оғзаки воситачилар фаол равишда визуал медиаторлар билан алмаштирилмоқда, китоб видео маданиятида марказий ўрнини йўқотмоқда ва тўғридан-тўғри мулоқот масофавий ўзаро алоқа билан алмаштирилмоқда. Замонавий француз мутафаккири Ж.Л. Ненси замонавий маданиятнинг ҳолатини баҳолаб, уни “образнинг ажойиб самарадорлиги дунёси” деб таърифлади [5;153].

Медиациянинг янги ҳолатларини ҳисобга олиш замонавий институционал таълим шароитларига бевосита дахлдор, буни инкор қилиш институционал таълим шароитларини тор соҳага айлантириб қўйиш, ҳатто ижтимоий-маданий ривожланиш йўлидаги тўсиққа айлантириш хавфини туғдиради [4;10]. Янги рақамли дунёда у нафақат электрон цивилизация ютуқларидан оқилона фойдаланиш, балки мавжуд педагогик шаклларни қайта кўриб чиқиш заруратига дуч келмоқда, яъни у таълим мазмуни, таълимий билим, ривожланиш вазифалари, унинг психологик- педагогик механизmlари, илмий-усулий ва бошқарув

таъминоти ва бошқа масалаларни қайта кўриб чиқиши зарур.

Таълим учун аҳамиятли бўлган вазият ўзгаришлари қаторига тадқиқотчилар деярли барча собиқ совет мамлакатларида мавжуд бўлган иқтисодий хилма-хилликни киритади, унинг таркибида бешинчи технологик тузум элементлари (электроника ва микроэлектроника, ахборот технологиялари, ген инженерияси, дастурий таъминот, телекоммуникация ва бошқалар) тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Унинг аҳамияти янги касбларга ижтимоий эҳтиёж шаклланишига, касбий мобилликка, мутахассисликлар тўпламининг меҳнат бозори динамикасига умуман мос келишига олиб келади.

Ушбу ва бошқа кўплаб ижтимоий-маданий ўзгаришлар касбий таълимнинг амалдаги тизимларига, аввало университет даражасидаги таълимга қийинчилик туғдирмоқда. Тарихан, айнан университет ҳар доим энг муҳим ҳаётий ўзгаришларнинг ташаббускори бўлиб келган, бу институционал ўлчовда қўпинча янги профессионал намуналарни яратиш, синовдан ўtkазиш ва жорий этишда намоён бўлган, булар ижтимоий-маданий такрор ишлаб чиқариш тизимларида ҳосил бўлган бўшлиқларни тўлдирибгина қолмай, жамиятга тушуниш, фикрлаш ва фаолиятнинг янги усусларини таклиф қилишга хизмат қиласи, бу ишлар амалга оширилса, замонамизнинг маданий ва иқтисодий манзарасини сезиларли даражада ўзгаришишга қодир.

Шу нуқтаи назардан, университет ҳар доим у ёки бу даражада жамиятнинг инновацион майдончаси, мисли кўрилмаган ижтимоий лойиҳалаш ва тажриба ўтказиш жойи бўлиб хизмат қилган. У турли новацияларнинг илмий ва жамоатчилик экспертизасининг намунаси, илфор техник ва гуманитар ривожланиш маркази сифатида ҳаракат қилган ва ҳозир ҳам ҳаракат қилмоқда. Университетнинг инновацион миссияси замонавий жамоаларнинг инсти-туционал тузилмаларида унинг юқори мавқеини таъминлади.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бутун дунё университетлари тармоғида педагог кадрларни тайёрлаш ва илмий-методик таъминлаш билан шуғулланадиган университетлар тобора фаол рол ўйнайти. Бу фаолликнинг намоён бўлиш шаклларидан бири педагогик кластерларнинг ташкил этилиши, педагогика факультетларининг институтларга айлантири-лиши, янги педагогик дизайнерларни тайёрлаш бўйича инновацион тизим яратилди ва муваффақиятли ривожланмоқда. Ушбу ўзгариш ташаббускорлари бундай янгиликка эҳтиёжни мактаб бошқарувида аниқланган номукаммаллик, бошқарув қарорларини қабул қилиш тизимлари ва

тезкор педагогик ҳаракатлар тузилмалари ўртасидаги алоқаларнинг узилиши билан асослайди. Педагогик дизайнер иши концепцияси уни доим ҳам ўқув предметлари соҳасида мутахассис бўлмаган ва доим ҳам ўзи дарс бермайдиган, таълим бериш ва ўқув иши қўрсаткичлари бўйича маслаҳатчи сифатида белгилайди. Бироқ, у “лойиҳалаш менежменти ва мақсадга йўналтирилган таълимни ишлаб чиқиш билан шуғулланади” [7; 48].

Кўйидаги баёнотда собиқ совет минтақаси мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонда таълим соҳасидаги инновацион ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади, педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги институционал ўзгаришларнинг стратегик йўналишлари ва механизмлари асосланади, муаллифларнинг фикрига кўра муайян инновацион мавқега эга бўлган касб ва мутахассисликлар модели контурлари тақдим этилади.

Миллий педагогик таълимдаги инновацион ўзгаришлар. Ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнларининг энг муҳим механизми бўлган таълим инновацион қарорларнинг табиати ва оқибатлари учун алоҳида масъул, чунки бу қарорлар инновациялар ваъда қилган маълум янги имкониятлар билан бир қаторда маданий фаолият ва умуман жамият ҳаётига ҳар қандай аралашув олиб келадиган хавфни ҳам ҳисобга олиши керак. Инновацияларга умумий ёндашув шундан иборатки, инновациялар ижтимоий бекарорликка, ўрнатилган анъаналарни йўқ қилишга олиб келмаслиги, маълум бир тарихий вақтда мамлакат ўз ривожланишига жиддий зарар етказмасдан инновацияларни амалга ошириш учун фойдала-ниши мумкин бўлган иқтисодий ва интеллектуал ресурслардан ошибб кетмаслиги керак. Ўзбек жамияти учун муҳим ўзгаришлар масалалари муҳокама қилинаётганда шуни ҳисобга олиш керакки, таълимни ривожлан-тиришнинг инновацион йўли Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият-нинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон таълим инновацияларининг ўзига хос хусусияти миллий педагогик тизимни қуришда ўзига хосликни (ўз қиёфасини) излаш зарурати бўлиб, у айни пайтда маълум даражада нафақат таълим маконидаги қўшни халқларнинг асосий тенденцияларга мос келади, балки дунёнинг етакчи давлатларининг таълим ва тарбияни ўзгартириш амалиёти билан боғлиқликни ҳам таъминлайди. Фалсафий тил билан айтганда, гап миллий таълим қурилиши дастурларини амалга оширишда ўзига хослик ва умумийликни қўшиш ҳақида боряпти.

Ҳомийлик остидаги оилаларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш муаммоси ота-она қарамогисиз қолган болани оиласа қабул қилиш пайтидан бошлаб пайдо бўлади. Россиядаги етим болаларга ижтимоий ёрдам қўрсатиш институтлари ва шакллари тизимининг эволюцияси натижасида тадқиқотчилар ҳомийлик остидаги оиласадаги муносабатларни ривожлантириш ва уйғунлаштириш учун ҳомийлик остидаги оиланинг ўзи ва етимларнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ўрганиш керак деган хulosага келишди.

А.А.Аладиннинг замонавий психологик асарларида А.Я.Варга, В.Г. Ромек, Т. Ю. Синченко, В.В. Столина, Я.Т. Соколова, И.А.Фурманова, Н. V. Фурманова ва бошқалар ушбу муаммо тарбияланувчиларнинг психологик хусусиятларини аниқлаш даражасида (улар томонидан ахлоқий меъёрлар ва ахлоқий қадриятларни ўзлаштиришнинг паст даражаси, хатти-харакатларнинг бузилиши), тарбияланувчи ота-оналарнинг психологик муаммолари кўриб чиқлади.

Ҳомийлик остидаги оиласа “бала-ота-она” шахслараро ўзаро муносабатлар муаммосига бағишлиланган ишлар тадқиқотимиз учун алоҳида аҳамиятга ега (Г.М.Андреева, П.А.Лунев, Л.А.Петровская, П.А.Пунаев, В.А.Соснин, М.И.Станкин, Я.Яноушек ва бошқалар). Муаллифлар эмиқдош оилаларда ота-оналар ва болалар ўртасидаги

ўзаро англашувнинг йўқлиги, болаларга ота-оналар талабчанлигининг юқори даражаси, ота-оналар ва болалар ўртасида ҳамкорлик йўқлиги, можаролар, шунингдек, ҳомийлик остидаги оиласаларни психологик қўллаб-куватлаш хизматлари ишида камчиликлар, тарбияловчи ота-она номзодларини психологик текширишнинг етарли эмаслиги ва бола ҳақидаги маълумотларни анамнестик йиғилмаслигини аниқлашди.

Болаларни ривожлантириш, бўлажак тарбияловчи ота-оналарни ўқитиш ва тарбиялаш билан боғлиқ масалалар бир груп Самара мутахассислари томонидан фаол ўрганилди (А.Н.Вознюк, Г.И.Гусарова, В. В.Тасеев). Ҳусусан, улар муаммонинг норматив-хуқуқий жиҳатларини ишлаб чиқдилар. Ҳомийлик остидаги оиласаларни яратиш ва фаолиятининг тиббий ва ижтимоий жиҳатлари Г.Р.Котелников, И.М.Маковецкая, Н.Мелченко асарларида кўриб чиқилган.

Тадқиқот маълумотларини таҳлил қилиб, таъкидлаш мумкинки, ота-оналарнинг ижтимоий-психологик тайёргарлигининг маҳаллий ва хорижий тажрибасини таҳлил қилиш, инсонпарварлик муносабатлари кўрсаткичларини ажратиш, ота-оналарнинг ижтимоий-психологик тайёргарлиги дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар ҳали тўлиқ тушунилмаган. Ушбу муаммолар ечимини топиш истаги тадқиқот муаммосини аниқлади.

Тадқиқот обьекти: тарбияланувчи оиласада ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар.

Тадқиқот мавзуси - ҳомийлик остидаги оиласада инсонпарварлик муносабатларини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари.

Тадқиқотнинг мақсади: ҳомийлик остидаги оиласада инсонпарварлик муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш асосида уларни шакллантиришнинг экспериментал ижтимоий-психологик дастурини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишdir.

Тадқиқотгипотезаси: агар ҳомийлик остидаги оиласада инсонпарварлик муносабатлари шакллантирилса, уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқланса, тарбияловчи ота-оналарни ўқитиш учун ижтимоий-психологик дастури яратилса, тарбияланувчини ижобий қабул қилиши, эмпатик-эмоционал алоқа ўрнатилиши мумкин.

Тадқиқот мақсади ва гипотезасига мувофиқ қуйидаги вазифалар аниқланди:

1. Ҳомийлик оиласидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш, ҳомийлик оиласида инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш зарурлигини асослаш.

2. Ҳомийлик остидаги оиласада инсонпарварлик муносабатларининг моҳияти, мазмуни, кўрсаткичлари ва параметрларини аниқлаш.

3. Ҳомийлик остидаги оилада инсонпарварлык муносабатларини шакллантириш бўйича кенг қамровли экспериментал ижтимоий-психологик дастурни ишлаб чиқиш.

4. Ижтимоий-психологик дастурни синаб кўриш ва ҳомийлик остидаги оилада инсонпарварлык муносабатларини шакллантиришда унинг самарадорлигини тасдиқлаш.

5. Ҳомийлик остидаги оилада инсонпарварлык муносабатларини шакллантиришда ижобий натижаларга эришиш учун илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари асосий қоидалар қўйидагилар: фаолиятнинг психологик назарияси (А.Н.Леонтиев, С.Л. Рубинштейнвабошқалар); алоқаваўзаротаъсирназарияси(Г.М.Андреева, Б.С.Библер, А.А.Бодалев, А.Н.Леонтиев, В.Н.Мясишев, А.В.Мудрик., Н.Н. Обозов ва бошқалар.); тизим, ривожланиш, детерминизм, онг ва фаолият бирлиги, субъективлик ва бошқалар психологиясининг асосий тамойиллари (Ю.К.Бабанский, Л.С.Выготский, В.В.Даведов, В. И. Загвязинский, В.В. Краевский, А.В.Петровский ва бошқалар); шахслараро муносабатлар муаммоларини ижтимоий-психологик тадқиқотлар натижалари (Л.С. Выготский, И.И. Зарецкая, М.С.Когон, Л.Г. Лаптев, В.М.Минияров, В.Н. Мясишев, А.В.Мудрик, Н.Н.Обозов, М.И.Старов ва бошқалар).

Тадқиқот шунингдек, амалдаги қоидалар ва хуносаларга асосланади: биргаликдаги фаолиятниташқилэтишда, одамларнинг ўзаротанолиниши, шахслараро муносабатларни шакллантириш ва ривожлантиришда мулоқотнинг роли ҳақидаги тушунчалар (Б.Г.Ананев, Б.С.Агеев, Г.М. Андреева, А.В. Брушлинский, А.В.Добрович, А.И.Донцов, Ю.М.Жуков, Г.А. Ковалев, А.А.Леонтиев, Б.Г.Ломов, В.Н.Мясишев, А.Н.Орехов, В.Н. Панферов, Е.А.Петрова, А.В.Петровский, Л.А.Петровская, А.С.Прутченков, Е.Г.Силяева, Л.В.Фilonov, И.М.Юсупов ва бошқалар); таълимни инсонпарварлаштириш ва шахсий йўналтириш тушунчалари (В.Р.Бездухов, Е.В.Бондаревская, М.С. Горячев, Б.Т.Лихачев ва бошқ); катталар тарбияси тушунчалари (А.А.Вербицкий, С.Г.Вершловский, Г.И.Виноградова, А.В. Даринский, Ю.Н.Кулюткин, Т.И.Руднева ва бошқалар); бола-ота-она муносабатларининг психологик-педагогик асослари тўғрисидаги қоидалар (А.Я.Варга, В.М.Минияров, А.С.Спиваковская В.В.Столин, И.В. Шаповаленко ва бошқалар); оилада болаларни тарбиялашнинг психологик-педагогик асослари (И.В. Гребенников, П.Ф.Лесгафт, А.С.Макаренко, Е.М. Савицкая ва бошқалар); ўз-ўзини тарбиялаш ва ёшларни ривожлантириш тўғрисидаги қоидалар (С.С.Лебедева, В.Д.Луганский, Б.И.Любимов, В.А. Сластенини ва бошқ).

умумий илмий усуллар: эксперимент, таҳлил ва синтез, таққослаш, аналогия ва абстракция; ижтимоий-психологик ва педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш усуллари; эмпирик усуллар (кузатиш, ўз-ўзини кузатиш, сухбат, анкета сўрови, тест, таркибни таҳлил қилиш), шакллантириш ижтимоий-психологик эксперимент; усуллар: “Менинг болам” мини-иншо; Р. Бернс ва С. Кауфманнинг “Оиланинг кинетик чизмаси” тести; В.Г. Максимовнинг “оиланинг тарбиявий салоҳияти” сўровномаси; Г.В. Башкированинг “Ўзим билан ёлғиз” тести; математик статистика усуллари (тавсифловчи статистика, Фишер бурчакли трансформация усули, Манн-Уитни ва Т-Уилкохон мезонлари).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот методологиясининг қўйилган муаммога мувофиқлиги билан таъминланди; мавзуни назарий ва амалий даражада кўриб чиқишининг тўлиқлиги; тадқиқот мавзусига мос келадиган усуллар тўпламидан фойдаланиш; назарий ва амалий жиҳатдан етарли бўлган эмпирик маълумотлар билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

1. “Боқувчи ота-оналар - болаларни тарбияловчи ота – оналар” тизимидағи муносабатларни белгилайдиган ижтимоий, индивидул психологик ва ижтимоий-психологик омилларнинг бутун тизимини оптималлаштириш шарти сифатида ҳомийлик оиласида инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш зарурлиги асосланади.

2. Ҳомийлик остидаги оиладаги инсонпарварлик муносабатларининг моҳияти, мазмуни, ижтимоий-психологик хусусиятлари аниқланади, улар “Ҳомийлик оиласидаги инсонпарварлик муносабатлари”, “Ҳомийлик оиласидаги инсонпарварлик муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари”, “Ҳомийлик кўрсаткичлари ва параметрлари” тушунчаларининг такомиллаштирилиши ва илмий муомалага киритилиши билан тавсифланади.

3. Тарбияланувчи оилада инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш учун тарбияловчи ота-оналар ва болаларни ижтимоий-психологик тайёрлашнинг экспериментал комплекс дастури ишлаб чиқилди ва уни синовдан ўтказиш амалга оширилди.

4. Ота-оналар тарбияланувчи болаларни қулай оилавий мухитда ифодаланган инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш учун ижтимоий-психологик тайёрлаш дастурининг самарадорлиги экспериментал равишда аниқланди: тарбияланувчини ижобий қабул қилиш, ота-оналарнинг тарбияланувчи бола билан оптимал ҳиссий алоқаси, оилавамактабнинг тарбиявий ҳаракатлариму вофиқлаштирилди.

5. Ҳомийлик остидаги оилада инсонпарварлик муносабатларини шакллантиришда ижобий натижаларга эришиш учун илмий асосланган

тавсиялар ишлаб чиқилган. Олинган натижаларнинг назарий аҳамияти шундаки, ота-оналарни тарбияланувчи болалар билан ўзаро муносабатларга тайёрлашнинг моддий ва процессуал жиҳатлари, меҳрибонлик оиласидаги инсонпарварлик тамойилларига асосланган муносабатлар тўғрисида концептуал илмий ғоялар кенгаймоқда. Ҳомийлик остидаги оиладаги инсонпарварлик муносабатларининг танланган кўрсаткичлари ва параметрлари тадқиқотчиларга уларни ҳомийлик остидаги оилалардаги муносабатларнинг кўрсаткичлари ва даражаси сифатида ишлатишга имкон беради. Ота-оналар тарбияланувчи болалар учун инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш бўйича тавсия этилган ва тасдиқланган ижтимоий-психологик тренинг дастури тарбияловчи ота-оналарни ижтимоий-психологик тайёрлаш йўналишлари ва мазмунини янада тадқиқ этиш имконини беради. Експериментал иш натижалари тадқиқотчиларга ҳомийлик остидаги оиладаги ота-оналар ва болалар ўртасидаги инсонпарварлик муносабатларининг кўрсаткичларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Амалий аҳамияти. Ҳомийлик остидаги ота-оналар ва болаларни инсонпарварлик муносабатларини шакллантиришга ижтимоий-психологик тайёрлаш дастури, ўтказилган шакллантирувчи тажриба ва унинг самарадорлигини тасдиқловчи натижалар ушбу муносабатларни шакллантиришнинг амалий муаммоларини ҳал қилишга, ушбу соҳадаги муаммоларнинг олдини олишга имкон беради. Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш мумкин: маълум бир ҳомийлик остидаги оилани қўллаб-қувватлаш хизматлари фаолиятида, ҳомийлик остидаги оилаларда инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш бўйича психологлар ва ўқитувчиларнинг ишларида; ота-оналар томонидан назарий билимларни ўзлаштиришни ва тарбияланувчи оилада инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш бўйича кўникмаларни ўзлаштиришни таъминлайдиган дастурни такомиллаштиришда психологик хизматлар; болани оилага қабул қилиш бўйича шартномаларни бекор қилишнинг олдини олиш вазифаларини ҳал қилишда. Тадқиқот материалларидан ўкув курслари ва дастурларини ишлаб чиқишида ўқитиш фаолиятида фойдаланиш мумкин. Ҳимоя қилиш учун тақдим этилган қоидалар:

1. Тарбияланувчи оила биологик генезис билан боғлиқ бўлмаган катталар ва болаларни бирлаштиради, кўпинча биологик ота-оналар ва/ёки қариндошларнинг алоқалари ва таъсирини сақлаб қолади. Бу борада ота-оналар ва тарбияланувчи болалар ўртасида юзага келадиган муаммоларни оптималлаштириш натижасида ҳал қилиш мумкин: ижтимоий (оилада қулай муҳит яратиш, ижтимоий мослашув ва ижтимоийлашув жараёнини таъминлаш); шахсий психологик (болаларни

ижобий қабул қилиш, яқин ҳиссий алоқа) ва ижтимоий-психологик (“болаларни тарбияловчи ота-оналар” тизимида ўзаро муносабатлар ва ўзаро муносабатларни уйғунлаштириш) омиллариdir. Тарбияловчи ота-оналар ва болалар ўртасида инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш орқали ушбу омилларни оптималлаштириш мумкин.

2. Боқувчи оиласидаги болалар ва ота-оналарнинг инсонпарварлик тамоиллариiga асосланган алоқалари уларнинг муносабатлари орқали намоён бўлади, унда “Боқувчи ота-оналар-болалар” тизимидағи алоқа, ҳамдардлик, ўзаро тушуниш ва ўзаро таъсир жараёнлари — фостер ота-оналар” тарбияловчи ота-оналар томонидан боланинг муаммоли хатти-харакатлари асосидаги психологик сабабларнинг моҳиятини билиш ва тушуниш, боланинг эҳтиёжларини устувор йўналиш сифатида етарли даражада идрок этиш, болани ижобий қабул қилиш, фидойилик ва муҳаббат, ҳамкорликка асосланган ўзаро таъсирнинг самарали усуслари, харакатларни ўзаро тушуниш ва мувофиқлаштириш, тарбиячи ота-оналар ва болаларга турли вазиятларда мақбул хатти-харакатларни амалга оширишга имкон беради.

3. Ҳомийлик остидаги оилада инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш бўйича кенг қамровли ижтимоий-психологик дастур эса ҳомийлик остидаги оиладаги алоқалар ва муносабатларни уйғунлаштириш стратегияси ва амалиётини белгилайди, тарбияланувчиларда ҳаётни шакллантириш босқичида уйғун ривожланиш ва ижтимоийлаштиришни таъминлайди. Фостер ота-оналарни ижтимоий-психологик тайёрлаш дастури боқувчи оиласида инсонпарварлик муносабатларини шакллантиришга қаратилган мақсадлар, вазифалар, воситалар, техникалар, ёндашувлар ташкилий чора-тадбирлар, диагностика усуслари, тузатувчи ва шакллантирувчи таъсирларни ўз ичига олади. Даструрнинг амалга оширилиши оила ва мактабнинг тарбиявий ҳаракатларининг изчиллигини, шунингдек, тарбиячи ота-оналарнинг болага нисбатан хатти-харакатларини таъминлайди, бу еса бола-ота-она муносабатларидан қониқиша ifодаланган қулай оилавий муҳитни яратади.

4. Боқувчи оиласида инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш самарадорлиги ижтимоий, индивидул психологик ва ижтимоий-психологик хусусиятларни оптималлаштириш ва “Ота - оналар – болалар” тизимидағи муносабатларни белгиловчи омиллар орқали аникланади. Тарбияланувчи ота-оналар учун ижтимоий-психологик тренинг даструрининг амалга оширилиши ҳомийлик остидаги оиладаги муносабатларни инсонпарварлаштиришга имкон беради.

Ҳомийлик остидаги оиладаги инсонпарварлик муносабатларининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардир: тарбияланувчини ижобий қабул

қилиш (когнитив компонент), унинг параметрлари боланинг ташқи қиёфаси, фаолияти, ота-она таъсири, хулқ-атворига ижобий муносабат; ота-оналарнинг тарбияланувчи бола билан ҳиссий алоқаси (ҳиссий компонент), унинг параметрлари ҳиссий алоқанинг мақбулиги, ҳиссий масофа ва болага концентрация даражаси; ўзаро таъсир, болаларга нисбатан ҳаракатлар ва хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириш (конатив компонент).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Акулова О.В "Профилли таълим шароитида ахборот иши: Ўқитувчилар учун ўқув - услугубий қўлланма / А.П. Тряпицина томонидан таҳирланган, - СП б, 2005 й.
2. Володина Ю. Тренингни етимларнинг касбий ўзини ўзи белгилаш воситаси сифатида. (Профилдан олдинги тайёргарлик шароитида қўллаб-кувватлаш дастури). Ижтимоий педагогика, 2008 йил 4-сон.
3. Ю.Орсағ, О.Паншина. Ота-она қаромоғисиз қолган болалар билан тарбиявий ишлар, ўсмирилик даврида уларнинг ижтимоий ва касбий мослашуви (мехрибонлик уйи тажрибасидан). Ижтимоий педагогика, 2006 йил 4-сон.
4. Овчинников А.Касбий ўзини ўзи белгилаш – етимларни ижтимоийлаштиришнинг самарали воситаси. Ижтимоий педагогика. 2008 йил №4.
5. Ногиронлар билан касбга йўналтириш ишининг психологик хусусиятлари. Асбоблар тўплами. Красноярск, 2002 йил.
6. Г.Резапкина. Касб танлаш бўйича дарслар. Мактаб психологияси. 2006 йил 14-сон.
7. Касбга йўналтирувчи ўйинлар, викториналар, мусобоқалар тўплами. 2-қисм. "Профессионал маслаҳатчи кутубхонаси" туркуумидан услугубий қўлланма. Красноярск ўлкаси маъмуриятининг меҳнат ва бандлик агентлиги, Енисейск шаҳар давлат бандлик маркази.
8. Маълумотнома нашри "Таълим ва мартаба. Тўғри иш қил!" ООО ИГ "Красноярск Пресс".
9. Селевко П.К. Ўз йўлингизни топинг: Профессионал таълим бўйича ўқув қўлланма. - М. Халқ таълими. Мактаб технологиялари илмий – тадқиқот институти, 2006 йил.
10. Н.В.Тутубалина. Сизнинг келажакдаги касбингиз: касбга йўналтириш бўйича тезислар тўплами. /Н.В. Тутубалина – Ед. 2- чи – Ростов н\Д: "Феникс". 2006 йил.
- 11.С.Н. Чистякова, Н.Ф. Родичев. Педагогика университети. "Биринчи сентябр" "Профилгача тайёргарлик ва профил тайёрлашда мактаб ўқувчиларнинг таълим ва касбий ўзини ўзи белгилаш" курси материаллар. 2006 йил.

## BOSHLANG‘ICH SINF BOLALARIDA O‘QUV FAOLIYATINING XUSUSIYATLARI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.047>

*Tursunbaev Sandjar Baxtiyarovich,*

*Chirchiq davlat pedagogika universiteti, Pedagogika va psixologiya  
mutaxassisligi magistranti*

*Mirzaeva Sayyora Rustamovna,*

*Chirchiq davlat pedagogika universiteti, Psixologiya kafedrasи dotsenti*

*Annotatsiya: Maqolada boshlang‘ich sinf bolalarida o‘quv faoliyatining xususiyatlari o‘rganilgan. Boshlang‘ich sinf yoshidagi bolalarni o‘qitish jarayoni, o‘quv faoliyatining asosiy komponetlari: o‘quv masalalari, o‘quv vaziyatlari, o‘quv harakatlari, nazorat qilish va baholash bilan tanishtirishdan boshlanadi. Boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini ta’limga moslashish sifatlarini baholash va to‘plangan tadqiqot ishlari natijalarining psixologik tahlili keltirilgan.*

*Kalit so‘zlar: boshlang‘ich sinf bolalari, o‘quv faoliyati, o‘qitish jarayoni, o‘quv faoliyatining asosiy komponetlari, ta’limga moslashish.*

## ОСОБЕННОСТИ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ

*Турсунбаев Санжар Бахтиярович,*

*Магистр, специальность педагогики и психологии, Чирчикский  
государственный педагогический университет,*

*Мирзаева Сайёра Рустамовна,  
доцент кафедры Психологии Чирчикского государственного  
педагогический университет*

*Аннотация: В статье охарактеризована особенности учебной деятельности детей младшего школьного возраста. Процесс обучения детей младшего школьного возраста начинается с ознакомления с основными компонентами учебной деятельности: учебными вопросами, учебными ситуациями, учебной деятельностью, контролем и оцениванием. Представлены оценка качества адаптации учителей начальных классов к обучению и психологический анализ результатов собранной исследовательской работы.*

*Ключевые слова: младшие школьники, учебная деятельность, учебный процесс, основные компоненты учебной деятельности, адаптация к обучению.*



## FEATURES OF EDUCATIONAL ACTIVITY OF YOUNGER SCHOOLCHILDREN

Tursunbaev Sandjar Baxtiyarovich,

Master, specialty: pedagogy and psychology Department of Psychology,  
Chirchik State Pedagogical University

Mirzaeva Sayyora Rustamovna,

Associate Professor, Department of Psychology, Chirchik State  
Pedagogical University

*Annotation: the article about the features of the educational activity of children of primary school age is characterized. The process of teaching children of primary school age begins with familiarization with the main components of learning activities: learning issues, learning situations, learning activities, monitoring and evaluation. An assessment of the quality of adaptation of primary school teachers to learning and a psychological analysis of the results of the collected research work are presented.*

*Key words:* younger schoolchildren, educational activity, educational process, main components of educational activity, adaptation to learning.

Boshlang‘ich sinf yoshidagi bolalarning yetakchi faoliyati bo‘lgan o‘qish shu yoshdagi bolalar psixikasi rivojidagi o‘zgarishlarni belgilab beradi. Maktab ta’limi o‘quvchining turmush tarzini, ijtimoiy mavqeini, sinf jamoasi va oila muhitidagi o‘rnini o‘zgartiradi. Uning vazifasi o‘qishdan, bilim olish, ko‘nikma va malakalarni egallash, o‘zlashtirishdan iborat bo‘lib qoladi. Bunda bolalar muhitga moslashishi kerak bo‘ladi. ¬Boshlang‘ich sinf yoshidagi o‘quvchilarning o‘quv faoliyatları murakkab bo‘lgan ko‘p darajali motivlar tizimi bilan boshqariladi. O‘quv faoliyati motivları o‘quvchilar nima uchun o‘qiyotganlarini ko‘rsatib beradi. Maktabning birinchi sinfiga kelgan bolalarda ijtimoiy motivlar ustunlik qiladi. Bu motivlar atrofdagilar orasida yangi mavqeni egallash, ijtimoiy ahamiyatga ega bo‘lgan va baholaniladigan faoliyat bilan bog‘liq bo‘lgan motivlardir. Maktabga birinchi bor kelgan bola o‘z faoliyatining tub mohiyati va vazifasini to‘la tushunib yetmaydi, balki hamma maktabga borishi kerak deb biladi. Kattalarning ko‘rsatmalariga amal qilib tirishqoqlik bilan mashg‘ulotlarga kirishib ketadi. Oradan ma’lum vaqt o‘tgach, shodiyona lahzalarning taassuroti kamayishi bilan maktabning tashqi belgilari o‘z ahamiyatini yo‘qota boradi va bola o‘qishni kundalik aqliy mehnat ekanligini anglaydi. Bu holatda bola aqliy mehnat ko‘nikmasiga ega bo‘lmasa uning o‘qishdan ko‘ngli soviydi, unda umidsizlik hissi vujudga keladi, o‘qituvchi esa bunday holning oldini olish uchun bolaga ta’limning o‘yindan farqi, qiziqarliligi haqida ma’lumotlar berishi, amalda ko‘rsatib isbotlab berishi va uni shu faoliyatga tayyorlashi kerak.

O‘g‘il bolalar va qizlar rivojlanish tempidagi o‘zgarishlarda farqlanish mavjud bo‘lib, qiz bolalar hamma tomondan rivojlanishda o‘g‘il bolalardan oldinga o‘tib oladilar. Qiz bolalarning maktabdagi o‘qish muvaffaqiyati samaradorligi ularda lingvistik qobiliyatlarining rivojlanganligiga bog‘liq hisoblanadi. Maktab ta’limi esa ko‘proq verballikka asoslangan. Professor B.R.Qodirov tadqiqotlarida ta’kidlanishicha, o‘g‘il bolalarda aniq fanlarga nisbatan layoqatlar ko‘proq rivojlangan bo‘lib, ko‘rish-fazoviy intellekt baland hisoblansa, qiz bolalarda nutq malakalari ko‘proq rivojlangan bo‘lib, tafakkur egiluvchanligi baland bo‘ladi.

Birinchi sinfning oxirlariga borib ko‘pehilik o‘quvchilar o‘z mакtab majburiyatlariga ma’suliyatsizlik bilan qaray boshlaydilar. Bu bir qancha sabablar bilan bog‘liq. 1) Bola endi o‘quvchi bo‘ldi, o‘quvchi bo‘lishi istagi qondirildi. Bu maqomni ushlab turish uchun hech narsa qilmasa ham bo‘ladi. 2) O‘quvchining ijtimoiy mavqeい mакtabda ularga beriladigan o‘quv faoliyati mazmuni bilan belgilanmaydi. Bu holat boshlang‘ich sinf o‘qituvchisidan ta’lim-tarbiya jarayoniga yangicha usullarda yondashish zaruriyatini taqazo etadi.

Boshlang‘ich sinf ta’limi mazmuni o‘quvchining bilimlarni egallashga qiziqishi, o‘z aqliy mehnati natijasidan qanoatlanish hissi bilan uzviy bog‘liqdir. Bu his o‘qituvchining rag‘batlantirishi bilan yuzaga keladi va o‘quvchida samaraliroq ishslash mayli, istak va ishtiyoqini shakllantiradi. Bolada paydo bo‘lgan faxrlanish, o‘z kuchiga ishonch hislari bilimlarni o‘zlashtirish va malakalarni rivojlanishiga xizmat qiladi. Boshlang‘ich sinf yoshidagi bolalarni o‘qitish jarayoni, o‘quv faoliyatining asosiy komponentlari: o‘quv masalalari, o‘quv vaziyatlari, o‘quv harakatlari, nazorat qilish va baholash bilan tanishtirishdan boshlanadi. Bu borada barcha predmetli harakatlar aqliy rivojlantirishga qulay bo‘lgan sharoitda amalga oshirilishi juda muhim. O‘quvchining o‘quv faoliyatini o‘zlashtirishi o‘quv masalalari tizimini yechish jarayonida amalga oshiriladi O‘qishning boshida boshlang‘ich sinf yoshidagi o‘quvchilar mustaqil ravishda o‘quv masalalarini qo‘yish va yechishni bilmaydilar. Bu vazifani boshida o‘qituvchi bajaradi. Asta-sekinlik bilan o‘quvchilarning o‘zlari ham o‘quv masalalarini qo‘yish va yechish uchun zarur bo‘lgan ko‘nikma va malakalarni egallay boshlaydilar. Bu mustaqil o‘quv faoliyati shakllanishining muhim bosqichidir. O‘quv masalalarini ajratib olish boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun ma’lum bir qiyinchiliklarni yuzaga keltiradi. Shuning uchun ham har bir darsning so‘ngida o‘qituvchi o‘quvchilari aniq bir topshiriqlarni bajarishning ma’nosini qanday tushunganliklarini aniqlash uchun vaqt ajratishi kerak. “Biz bugun darsda nimalarni o‘rgandik?” tarzidagi savol bolalarga shunchaki daftarda chiziqchalarni chizib, doirachalarni bo‘yashni emas, balki sanashni, qo‘sishni yoki ayirishni o‘rganganlarini tushunishlarida yordam beradi.

Agar bola o‘quv harakatlarini noto‘g‘ri bajarsa, bu uning o‘quv harakatlarini nazorat va baholash bilan bog‘liq harakatlarni bilmasligi yoki ularni yaxshi egallamaganligidan dalolat beradi. Bolaning mustaqil ravishda bajargan harakatlari natijalarinini o‘z xatti-harakatlarining xususiyatlari bilan taqqoslay olishlari unda o‘z-o‘zini nazorat etish layoqati ma’lum darajada shakllanganidan dalolat beradi.

Bolalar tafakkuri va nutqining rivojlanishida ovoz chiqarib mulohaza yuritishning va bu uslubdan o‘quv jarayonida foydalanishning ahamiyati katta. Ovoz chiqarib mulohaza yuritish va o‘z yechimini asoslab berish aqliy sifatlarni o‘sishiga xizmat qilib, kishi o‘z mulohazalari va xatti-harakatini tahlil etishi va anglashini rivojlantiradi. Boshlang‘ich sinf yoshidagi o‘quvchilarda aqliy va o‘quv materialini o‘zlashtirish imkoniyatlari ancha yuqori hisoblanadi. To‘g‘ri tashkil etilgan ta’limda bu yoshdagagi bolalar o‘rta maktab dasturida ko‘rsatilgan bilimlarga nisbatan ko‘proq bilimlarni tushunishlari va o‘zlashtirishlari mumkin. Boshlang‘ich sinf yoshidagi bolalar o‘quv faoliyatining o‘ziga xos xususiyatlaridan yana biri shundaki, shu davrdan boshlab o‘quv materialini o‘zlashtirmaslikning dastlabki belgilari ko‘zga tashlanadi.

Boshlang‘ich sinf yoshida past o‘zlashtirish sabablari va o‘qishidagi qiyinchiliklar quyidagilar bilan bog‘liqdir: 1) neyrofiziologik sabablar; 2) bilish jarayonlarining yetarli darajada rivojlanmaganligi; 3) erkin va mustaqil harakat qilish darajasining pastligi; 4) motivatsion sohalarining yetarli rivojlanmaganligi; 5) oila tarbiyasidagi, oilaviy munosabatlardagi kamchiliklar; 6) maktab ta’limi va tarbiyasidagi kamchiliklar; 7) o‘zaro muloqot va munosabatdagi kamchiliklar; 8) shaxs xususiyatlaridagi og‘ishishlar.

Boshlang‘ich sinf yoshidagi bolalar o‘qishidagi qiyinchiliklar bola shaxsining barcha shaxsiy, bilish, motivatsion, hissiy va irodaviy sohalarida aks etadi. Bu qiyinchiliklar o‘zaro bir-biri bilan bog‘liq. Bir qiyinchilikni bartaraf etilishi ikkinchi qiyinchilikni ham kamayishiga olib keladi. Bunda bolalarni ta’limga moslashishi qiyinlashadi.

Noto‘g‘ri moslashish o‘zini yorqin va kuchli namoyon qilishi mumkin bo‘lgan birinchi davr - bu maktab (boshlang‘ich sinf)da o‘qishni boshlaganda.

Ikkinchi davr - boshlang‘ich sinfdan o‘rta sinfga o‘tish. Katta yoshli odamning o‘zgarishi, marshrutning o‘zgarishi, garchi tanish mакtabda bo’lsa ham, notanish o‘qituvchilarga, sinflarga ko‘nikish.

Uehinchi davr. - o’smir 13-14 yoshda o‘quv faoliyatining keskin pasayishi kuzatiladi. O‘qituvchilar 7-8-sinflardagi darslar keskin ziddiyatli bo’ladi.

Boshlang‘ich sinf davrining oxirlariga kelib o‘qishga nisbatan ijobjiy munosabatning birmuncha pasayishi ko‘zga tashlanadi. O‘quv faoliyatiga qiziqish – 1-2-sinflarda ko‘tarilib, 3-4-sinflarda pasayadi. O‘quv faoliyatiga

qiziqishning pasayishida o‘qituvchining tayyor materialni bayon etishi va o‘quvchilarning yodlab olishlari ustanovkasi ustunlik qiladi va o‘quvchilarning faolliklari taqlid qilish xarakterida bo‘ladi. 3-4 sinf o‘quvchilari odatda o‘qilganlarni qayta hikoya qilib berishni, doskada yozilgan mashqni ko‘chirib yozishni, qoidalar va she’rlarni yodlashni yoqtirmaydilar va aksincha, misol hamda masalalarini mustaqil ravishda yechishni, tabiat hodisalarini kuzatishni, rasm chizish, plastilin va loydan narsalar yasash ishlarini yaxshi ko‘radilar. Boshqacha aytganda boshlang‘ich sinf yoshidagi o‘quvchilar tashabbus va mustaqillik imkoniyati bor bo‘lgan ishlarga ko‘proq qiziqish bildiradilar. Boshlang‘ich sinf yoshida o‘qishga qiziqishning pasayish sabablaridan biri sifatida V.A.Suxomlinskiy o‘qituvchi tomonidan past bahoning ko‘p qo‘yilishi, bu esa bolaning o‘qishga nisbatan qiziqishning pasayishi va o‘z imkoniyatlariga nisbatan bo‘lgan ishonchning pasayishida deb biladi. Shuningdek, bu yoshdagi bolalar faoliyatiga qo‘yilgan bahoni shaxsiga qo‘yilgan baho deb qabul qiladilar. O‘qituvchi tomonidan qo‘yilgan past baho “Demak men yomon bolaman. Ustoz meni yomon ko‘radilar “ qabilida qabul qilinadi. Bu esa bolaning o‘qishga va ustozi bilan munosabatiga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida o‘quv faoliyatining hamma elementlari shakllantirilganligi va mustaqil bajara olinishi yetakchi faoliyat sifatidagi o‘qish o‘z vazifasini bajarganligini anglatadi. Boshlang‘ich sinf yoshidagi o‘quvchilarning o‘quv faoliyati o‘z tarkibiga quyidagilarni kiritadi:

- masalalar yechimlarining umumiy yo‘llarini mustaqil ravishda topish ko‘nikmalari:

- o‘quv vazifalarini ajrata olish topish va o‘zlashtirish;
- o‘zini va o‘z faoliyatini adekvat baholay olish va nazorat qila olish;
- faoliyatda o‘zini-o‘zi boshqara olish;
- mantiqiy fikrlash qoidalaridan foydalana olish;
- umumlashtirishning turli shakllarini egallash va ulardan foydalana olish;
- jamoaviy faoliyatlarda ishtirok eta olish;
- yuqori darajada mustaqil ijodiy faollikka ega bo‘lish.

Lekin afsusk,i maktab amaliyotida aksariyat hollarda birinchi o‘ringa boshlang‘ich sinf yoshidagi bolalarni amaliy ko‘nikmalarga, o‘qish, yozish, sanash malakalariga o‘rgatish muammosi turadi. Bu esa bolaning kelgusi rivoji uchun to‘laqonli zamin bo‘la olmaydi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, boshlang‘ich sinf o‘quv faoliyatining asosiy vazifasi - bu o‘quvchilarni “o‘qish”ga, bilim olishga o‘rgatishdir. Boshlang‘ich sinf yoshidagi bolalar psixik rivojlanishida ta’limning ta’sirida jiddiy o‘zgarishlar yuz beradi. Bu o‘zgarishlar ularni hayotlarining ma’suliyatlari davri bo‘lmish o‘smirlilik davriga o‘tish uchun tayyorlaydi.

### Адабиётлар



1. Avlaev O.U. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari tasavvurida o‘qituvchi timsoli. “Maktab va hayot” jurnali. 2019, №2, 5-8 b.
2. Avlaev O.U. Talabalar kamolotida ijtimoiy intellektning gender farqlari. «Psixologiya» ilmiy jurnal. 2021. № 1, 34-41 betlar.
3. Abduvali Burkhanov, Orif Avlaev, Shoira Abdujalilova, Akram Otaev. Responsibility as a criterion for determining personal maturity E3S Web of Conferences 244, 11059 (2021) <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202124411059> EMMFT-2020
4. G‘oziev E.G. O‘quvchilarning o‘quv faoliyatini boshqarish. – Toshkent, 1988. - 102 b.
5. Jabborov A.M. Pedagogik psixologiyaning etnik asoslari. – Toshkent: ”Zarqalam”, 2006. - 48 b
6. Kolominskiy Ya.L. Pedagogicheskaya diagnostika v shkole. – Moskva, 1987. - 223 s.
- 7 Mirzaeva S.R., Karimov, R. R O‘quv faoliyatida o‘qituvchi - o‘quvchi munosabatining psixologik xususiyatlari. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(2), (2022). 297-306. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-2-297-306>

**TARBIYAVIY FAOLIYATNI TASHKIL ETISH MAZMUNI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.048>

Voxidova Norposhshaxon Xabibullayevna,  
Toshkent davlat pedagogika universiteti Pedagogika kafedrasi  
professori

*Annotatsiya. Maqolada jahonda kechayotgan globallashuv jarayonlari, ta'lim-tarbiya tizimini ilm fan taraqqiyotining eng so'nggi yutuqlari negizida modernizatsiyalash uchun yoshlar ijtimoiy faolligini oshirish jarayonida bo'lajak o'qituvchilarning tarbiyaviy faoliyatni amalga oshirishlari zarurligi asoslanib, tarbiyaviy faoliyat tushunchasining mazmuni, maqsad va vazifasi, jarayonni tashkil etish uchun talabalar o'zlashtirishlari zarur bo'lgan bilimlar sohasi bayon etilgan.*

*Tayanch so'zlar: ilm, fan, tizim, kompetentsiya, kompetentlik tarkib, qism, ta'lim, standart, samara, maxsus uslubiy, natija, imkoniyat, tarbiyaviy faoliyat.*

**СОДЕРЖАНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

Voxidova Norpoishihaxon Xabibullaevna,  
профессор кафедры педагогики Ташкентского государственного  
педагогического университета

*Аннотация: В статье освещаются процессы глобализации, происходящих в мире, необходимости для будущих учителей осуществлять образовательную деятельность в процессе повышения социальной активности молодежи с целью модернизации образовательной и воспитательной системы на основе новейших достижений развития науки, содержания, цели и функции концепции образовательной деятельности.*

*Ключевые слова: наука, наука, система, компетенция, компетентность содержание, часть, образование, стандарт, результат, особый метод, результат, возможность, образовательная деятельность.*

**THE CONTENT OF THE ORGANIZATION OF EDUCATIONAL  
ACTIVITIES**

Voxidova Norposhshaxon Xabibullayevna  
Professor of the Department of Pedagogy of Tashkent State Pedagogical  
University

*Abstract: The article highlights the processes of globalization taking place in the world, the need for future teachers to carry out educational activities in the process of increasing the social activity of young people in order to modernize the educational and educational system based on the*

*latest achievements in the development of science, the content, purpose and function of the concept of educational activity.*

*Key words:* science, science, system, competence, competence content, part, education, standard, result, special method, result, opportunity, educational activity.

Jahonda kechayotgan globallashuv jarayonlari, ta’lim-tarbiya tizimini ilm – fan taraqqiyotining eng so’nggi yutuqlari negizida modernizatsiyalash ta’limni axborotlashtirish sharoitida yoshlarning ijtimoiy faolligini “ommaviy madaniyat”, terrorizm, ekstremizm, negilizm, giyohvandlik kabi salbiy illatlarga qarshi mafkuraviy kurash modellari amaliyotga tatbiq etilmoqda. Jumladan, Sarbon deklaratsiyasi (Sorbonne Declaration), ta’lim barcha uchun (Education For All (EFA)), yillik rivojlanish maqsadlari (Millennium Development Goals (MDGs)), Jhon ta’lim forumi (World Education Forum) va Lissabon Konvensiyalari doirasida hamda Bolon’ya jarayoni tarkibida bo’lajak o’qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashni takomillashtirishning innovatsion yo’nalishlarini belgilash, tarbiya jarayonining interfaol shakllari variativligini ta’minlash borasida yirik loyihalar amalga oshirilmoqda.

Jahon ta’lim va ilmiy tadqiqot muassasalarida shaxs tarbiyasini amalga oshirishning mazmuni va axborot-ta’lim muhitini shakllantirish, kasbiy-pedagogik ijodkorlik muammolariga yechim topish (Benchmarking), ta’lim sifatini oshirishni yangicha pedagogik tafakkur va zamonaviy innovatsion metodlar vositasida kompleks boshqarish (Total quality management), yagona elektron tizim orqali ta’limni amalga oshirish talaba-pedagog muloqoti, ta’lim berishning umumkasbiy va mutaxassislik kompetentsiyalariga asoslangan (Tuning) intellektuallashtirilgan tizimlari hamda o’qitishning bosqichli modellarini takomillashtirish bo’yicha ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. SHu bilan birga, ta’lim oluvchilarda kreativ ijodiy fikrlash, tahlil qilish, sintezlash, mujassamlashtirish qobiliyatlarini istiqbolli texnologiyalar vositasida takomillashtirish, ta’limning yangi paradigmalariga o’tish, talabalarning o’z-o’zini ijodiy rivojlantirishini ta’minlovchi innovatsion yondashuvlarning metodologik asoslarini takomillashtirish bo’yicha ilmiy tadqiqotlarga ahamiyat berilmoqda.

Respublikamizda so’nggi yillarda innovatsion yondashuv asosida bo’lajak o’qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash texnologiyalarini takomillashtirishning me’yoriy-huquqiy asoslari yaratilmoqda. “Tarbiyaga yangicha, tizimli yondashuvni amalga oshirishda ta’lim muassasalari, oila va mahallalarning ijtimoiy-pedagogik imkoniyatlarini to’liq yuzaga chiqarish, ular orasida milliy, umuminsoniy qadriyatlarga asoslangan ilmiy-metodik uzviyilikni sifat jihatdan yuqori darajaga ko’tarish”dan ustuvor vazifa etib belgilandi. Bu o’z navbatida, bo’lajak o’qituvchilarni innovatsion yondashuv asosida tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash texnologiyalarini takomillashtirish

imkoniyatlarini kengaytiradi.

Innovatsion yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash texnologiyalarini takomillashtirish bilan bog'liq ilmiy izlanishlar jahonning yetakchi ilmiy markazlari va oliv ta'lim muassasalarida, jumladan, University of Massachusetts (AQSH), Evropean Qualification Framework (AQSH, Brusselъ), Development and Selection of Key Competencies (DeSeCo) (SHvetsariya), Nagoya universiteti (Yaponiya), Moskva davlat pedagogika universiteti (Rossiya), Bel'stflid pedagogika universiteti (Germaniya) olib borilmoqda.

Jahonda innovatsion yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash texnologiyalarini takomillashtirishga doir olib borilgan tadqiqotlarda tegishli ilmiy-amaliy natijalariga erishilgan. Jumladan, tarbiyaviy faoliyatga situativ ta'lim identivligini akmeologik faolligini uyg'unlashtirish asosida takomillashtirilgan (Massachusettsk universiteti, AQSH), tarbiyaviy faoliyatni amalga oshirishga kompetentsiyaviy yondashuvlar geymofikatsiya o'yin texnologiyalarini kiritish asosida rivojlantirilgan (Evropean Qualification Framework, AQSH, Brusselъ), nazariy, kontseptual va statistik ko'rsatkichlar ta'lim natijalariga nisbatan empirik natijalarni qo'llash orqali takomillashtirilgan (Development and Selection of Key Competencies); o'quvchilarda kreativ tafakkurning samarali shakllari o'zida aks ettiruvchi «Lesson Studuy»ning pedagogik diagnostik xususiyatlarini bosqichma-bosqich aniqlash asosida takomillashtirilgan (Nagoya universiteti, Yaponiya); bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashga ma'sullikni identiv loyihalashtirish asosida rivojlantirilgan (Moskva davlat pedagogika universiteti, Rossiya); tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashga oid ijtimoiy kompetentsiyalar (Lernkompetenz), mazkur faoliyatga oid bilimlarning yangilab borilish monitoringini yuritish asosida takomillashtirilgan (Belfield pedagogical university, Germaniya).

Jahon ilmiy-tadqiqot muassasalarida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashda ta'lim mazmunini o'zlashtirishga turli tashkiliy omillarning ta'siri, tarbiyaviy faoliyatga tayyorgarlik jarayonida qobiliyat va ma'suliyatiga yondoshib, tarbiyaviy faoliyat komponentlarini belgilash va tanlash, tarbiyaviy faoliyatga tayyorgarlikning statistik ko'rsatkichlarini kelajakda uzluksiz rivojlantirish, tarbiyaviy faoliyat natijalariga nisbatan empirik natijalarni tadqiq qilish, auditoriya, pedagogik amaliyot va auditoriyadan tashqari mashg'ulotlar davomida o'zlashtirilgan bilim, ko'nikma va malakalarining tarbiyaviy faoliyatga ta'sirini aniqlash bo'yicha bo'yicha ilmiy ishlar olib borilmoqda.

SHarqning buyuk mutafakkirlari Abu Nasr Forobiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayxon Beruniy, Kaykovus, Mahmud Qoshg'ariy, Yusuf Xos Hojib, Ahmad Yugnakiy, Alisher Navoiy, Jaloliddin Rumiy, Abdulla Avloniy, Abdurauf Fitrat, Mahmudxo'ja Behbudiyilar yoshlarni kasb-hunarga tayyorlashning

tarbiyaviy mohiyati xususida, A.Begmatov, M.Kahharova, T.Maxmutov, J.Tulenov, E.Yusupov, O.G’aybullaev, SH.Barofov, M.Davletshin, V.Karimova, Z.Nishonova, N.Safaev, R.Sunnatova, G’.SHodmonov, G’.SHoumarov, E.G’ozievlar bo’lajak mutaxassislar tarbiyasining falsafiy, psixologik xususiyatlarini, O.Jamoldinova, G.Ibragimova, SH.Mardonov, N.Muslimov, O.Musurmonova, D.Ro’zieva, O’.Tolipov, N.Egamberdieva, M.Quronov tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashning turli jihatlarini tadqiq etganlar.

MDH mamlakatlarida L.A.Baykova, I.A.Zimnyaya, V.A.Slastenin, A.V. Xutorskoylar tomonidan bo’lajak mutaxassislarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashning tashkiliy shart-sharoitlari va imkoniyatlari muayyan darajada o’rganilgan.

Xorijiy davlatlarning M.W.Berkowitz, L.Botcheva, J.Shih, L.C.Huffman, Elizabeth Kiss, J.Peter Euben, Emile Durkheim, I.H. Fuchs kabi olimlari tadqiqotlarida bo’lajak mutaxassislarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash jarayonini tashkil etishning nazariy va amaliy jihatlari tahlil qilingan.

Bo’lajak o’qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlash bugungi kunning dolzarb muammolaridan biri bo’lib, “tarbiyaviy faoliyat” tushunchasi yagona ta’rifga ega emas. Lug’atlarda va ma’lumotnomalarda berilgan ta’riflarga ko’ra, tarbiyaviy faoliyat – tarbiyalash jarayoni, tarbiyaviy jarayonni tashkil etish, tarbiyaviy faoliyatni uyushtirish kabi ma’nolarni anglatadi.

L.A.Baykova tarbiyaviy faoliyato o’qituvchining o’quv faoliyati mobaynida o’quvchilarni tarbiyalashdagi ijobiy natijalarga erishishga qaratilgan ma’lum qobiliyatlarni o’z ichiga olgan komponent deb qaraydi [1, 97].

V.D.ИЦадриков tarbiyaviy faoliyat tushunchasini uni tashkil etish mazmuni va funktsiyalaridan xabardor mutaxassis shaxsi bilan bog’lab, mazkur faoliyatni tashkil etishning mazmuni, o’ziga xos xususiyatlarini anglatishiga ishora qiladi[2, 97]..

Tarbiyaviy faoliyat - insoniyat tomonidan to’plangan madaniyat va tajribani avloddan-avlodga o’tkazishga, shaxsning shaxsiy rivojlanishi uchun sharoit yaratishga qaratilgan ijtimoiy faoliyat turi.

Bizningcha, tarbiyaviy faoliyat tarbiya jarayonining maqsad va vazifalari, mazmuni, funktsiyalarini bilish, ijobiy natijalarni kafolatlashga qaratilgan pedagogik qobiliyat turidir. Tadqiqotda bo’lajak o’qituvchilarning tarbiyaviy faoliyatni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun prognostik, tashkiliy, kommunikativ, ijodiy faoliyatni amalga oshirish va individual yondashuv, tadqiqotchilik kabi qobiliyat hamda ko’nikmalarga ega bo’lishlari kerakligi qayd etilib, uning mazmuni tasniflangan.

Bo’lajak o’qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash funktsiyalari tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash zaruriyati va qadriyatlar mantig’i bilan asoslanadi. Jumladan,

axborot funktsiyasi tarbiyaviy faoliyat madaniyatini shakllantirish

uchun o'quv mashg'ulotlari, ta'lif va tarbiya sub'ektlarining aloqasi asosida amalga oshirilishi.

taqdimot funktsiyasi bo'lajak o'qituvchilarining xulq-atvori va faoliyatidagi ijtimoiy-madaniy va pedagogik bilimlarini o'quvchilarga yetkazish, shuningdek, tarbiya qadriyatlarini shakllantirish va taqdim etish zarurati bilan bog'liq.

kommunikativ funktsiya o'zaro aloqaning shaxsiy modeliga yo'naltirilgan ta'lif sub'ektlarining hamkorligini ta'minlaydi.

tashkiliy funktsiya turli xil jamoaviy va ijodiy faoliyatni tashkil etish, shuningdek ta'lif jarayoni va ta'lif tizimlarining rivojlanishini boshqarish zarurati bilan bog'liq.

transformatsion funktsiya rivojlanish jarayonlari qonunlaridan foydalanishni, bo'lajak o'qituvchi shaxsining qiyofasini shakllantirishni ta'minlaydi.

Bo'lajak o'qituvchilarini tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash insonparvarlik, eng oliy insoniy qadriyatlar, mehrlilik va do'stlik, mehribonlik munosabatlarda mas'uliyatlilik, huquqiy madaniyatni yuksaltirish; mehnatga bo'lgan ehtiyoj, mehnatsevarlikka hayotning eng oliy qadriyati-moddiy farovonlik, ijodkorlik manbai sifatida qarash, xulq va muloqot madaniyati, o'z qadrini bilish, real hayotiy vaziyatlarda o'zlashtirilgan axloqiy tushunchalarga muvofiq harakat qilish, ekstremal vaziyatlarda kurashish va omon qolish, irodasining kuchli va zaif jihatlarini tanqidiy tahlil qila olish qobiliyatini rivojlantirish; milliy urf-odatlar, xalqning an'ana va qadriyatlariiga nisbatan ijobiy munosabatni shakllantirish; o'zi haqidagi fikrlarni eshitish va xulosa chiqarish ko'nikmalarini shakllantirishni taqozo etadi.

Pedagogika oliy ta'lif tashkilotlarda bo'lajak o'qituvchilarini tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash shaxsning intellektual faoliyatiga qo'yiladigan mantiqiy talab va me'yorlar mazmuni sifatida tushuniladi.

Bo'lajak o'qituvchilarini tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash jarayoni ulardan umumiy pedagogika, falsafa, mantiq, psixologiya, tarbiyaviy ishlar metodikasi kabi fanlar doirasida o'rganiladigan barkamol shaxs tarbiyasining mazmuni, mohiyati, xususiyatlari, qonuniyatlarini bilish, ularga amal qilishni talab etishi bilan birga quyidagi masalalarni e'tiborga olishni nazarda tutadi:

tashkiliy: ta'lif jarayonida talabalarning faol sub'ektiv pozitsiyasini rag'batlantirish; talabalar faoliyatini tashkil qilishda o'quv jarayonining boshqa sub'ektlar (o'qituvchilar, ota-onalar) bilan o'zaro munosabatini inobatga olish;

mazmunli: kasbiy tayyorgarlik jarayonida talabalar faoliyatining har xil turlarini (kognitiv, dizayn-tadqiqot, amaliy ta'lif) rivojlantirish; o'quv faoliyatini axborot-uslubiy jihatdan qo'llab-quvvatlash;

motivatsion: talabalarning o'quv faoliyatida muvaffaqiyatli ishtirokini ta'minlash talabalar bilan o'quv loyihibalarini ishlab chiqish, taqdim etish va

amalga oshirish; talabalarning o’zini o’zi anglashiga hissa qo’shadigan o’quv mashg’ulotlarini tahlil qilish rejasini tuzish;

pedagogik qo’llab-quvvatlash: o’quv loyihalariga pedagog rahbarligi; talabalarning shaxsiy kasbiy rivojlanishiga qaratilgan individual maslahatlarni rejalashtirish.

Adabiyotlar tahlili, tadqiqot muammosi yuzasidan olib borilgan ilmiy izlanishlar bo’lajak o’qituvchilarni innovatsion yondashuv asosida tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash texnologiyalarini takomillashtirish asoslarini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish kerakligini ko’rsatdi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 23 sentyabrdagi O’PQ-637 sonli “Ta’lim to’g’risida”gi Qonuni
2. Mavlonova R.A., Voxidova N.X., Rahmankulova N.X. Pedagogika nazariyasi va tarixi. – T.: Fan va texnologiya, 2010.
3. Шмырева Н.А., Губанова М.И., Крецан З.В. Педагогические системы: научные основы, управление, перспективы развития. - Кемерово, 2002. С. 97
4. Байкова Л.А. Методика воспитательной работы: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: Академия, 2006. – С. 120.



Журнал Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан 2020 йил 6  
октябрда ўтган.

Журнал ҳар ойда бир марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр  
этилади.

Журналнинг хажми 60x84, 1/8, А-4;

«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик жур-  
нали 2020 йил октябрдан нашр этилмоқда.

Педагогика, психология, филология ва тилшунослик, математика,  
физика ва механика, техника фанлари, табиатшунослик, тарих ва фал-  
сафа, туризм ва иқтисодиёт, ахборот коммуникацион технологиялари,  
география соҳалардаги илмий ва илмий-услубий материалларни ўз ичи-  
га олади. Нашр қилинган материаллар муаллифлари Ўзбекистон Респуб-  
бликаси ҳамда яқин ва узоқ хорижнинг етакчи олимлари, тадқиқотчи-  
изланувчилари.

Журналнинг калит сўзлари:

Олий педагогик таълим назарияси ва амалиёти; умумий  
ва маҳсус педагогика ва психология, педагогика ва инновация,  
интеграция, Ўзбекистон, Россия ва хорижий мамлакатларнинг таълим  
тизими; таълим жараёни; кўп маданиятли ва минтақавий таълим; III  
Ренессанс, XXI асрдаги таълим; таълим ва тарбия соҳасидаги миллий  
ва қадрият устуворликлари; таълим сифатини мониторинг қилиш; уз-  
луксиз педагогик таълим тизими; таълим дастурлари; умумий ўрта ва  
ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари;  
ўқитувчиларни тайёрлаш тизимидағи таълим технологиялари.

Гувоҳнома рақами № 8882  
Бош муҳаррир: Б.Б.МАЪМУРОВ

Босишга рухсат этилди 25.10.2022. Буюртма №1345.  
«Бухоро вилоят босмахонаси» МЧЖда чоп этилди.

ISSN 2181-1717 (E)



9 772181 171701

ISSN 2181-1709 (P)



9 772181 170902

